



Насрулло Саййид 1958 йилнинг 20 февралда Бухоро вилоятининг Зобкент тумани Бурқут кичиконада туғилиб, шу ерда оғзақ билан ўқиб, 1980 йили Самарқанд Архитектура ва Қурилиш институтини битирди. Синдрозини Мукаддас она билан ушбу йўлни боғлаган муаллимнинг икки ўғли ва уч қизи бор. Фарзандларининг хаммаси ўқимаслиги, олий маълумотли.

Насрулло Саййиднинг публицистик макалалари ва бадиий ижод намуналари ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистондаги газета ва журналларда босила бошлаган. У 1990 йилнинг 19 февралда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига халқ депутати этиб сайланди. Насрулло Саййид Олий Кенгашида (1990 йил 20 июнда) Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик Декларацияси"ни қабул қилиш талаби билан чиққан санақли депутатлардан биридир.

Бутун қаролияти Ўзбекистон Мустақиллиги йўлидаги курашлардан иборат. Унинг барча битиклари миллат қайғуси билан йўғирилган. Насрулло Саййид 2005 йилнинг ноябр ойида диктатура режимиининг сиёсий босимлари туғайли Ўзбекистондан чиқиб кетишга мажбур бўлади. У 2007 йилдан буён Канадада яшайди. 2019 йилнинг апрел ойида Истанбулда унинг "Шубҳали одамлар" номи китоби нашр қилинди.

НАСРУЛЛО САЙИД МИЛЛАТ ҚАЙЎУСИ

НАСРУЛЛО САЙИД



НАСРУЛЛО САЙИД

МИЛЛАТ
ҚАЙҒУСИ

Истанбул 2020

МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ

Муаллиф: Насрулло Сайид (Nasrullo Sayyid)

Бош муҳаррир: Ҳаққул Ашин (Haqqul Ashin)

Корректор: Жаҳонгир Сайид (Jahongir Sayid)

Нашрга тайёрлаган / Муқова беаги: Ҳаққул Ашин (Haqqul Ashin)

МУНДАРИЖА

КУЙГАН ЮРАК ФАРЁДИ	7
ЖАЖЖИ ГУВОҲ	12
БОЛАЛАР ХОНАСИДАГИ ЖАНГАВОР ГРАНАТА	13
ҚИЙНОҚНИНГ ЎЗГАЧА ТУРИ	21
БУ ТУПРОҚ ҲЕЧ ҚАЧОН СОҲИБСИЗ ҚОЛМАГАН	29
ЖОНЛИ «СЕКС» ТОМОШАСИ	39
ЖАЖЖИ ГУВОҲ	48
СЎНГГИ СЎЗ	64
СУД ҲУКМИДАН ПАРЧА	68
ХОТИМА	68
ЗАРРА	72
ТИНЧ ОКЕАНИ ҚИРҒОҒИ БЎЙЛАБ САЁҲАТ	74
КАПИТАН “НЕМО”ГА ЎХШАШ ВА БОЙИБ КЕТИШ ОРЗУСИ... ..	87
ЯДРОВИЙ ҚУРОЛ-АСЛАҲА ОМБОРИ	95
НАФС ЛИХАРАДКАСИ ЁХУД ЎЗБЕКЧА ҚУЛОҚҚА ЛАҒМОН ОСИШНИНГ МИЛЛИЙ ФОЖЕАГА АЙЛАНАЁТГАНИ ҲАҚИДА	109
ОДАМ ОДАМНИ НЕГА ЕЙДИ? ЖЕЙМС КУКНИ КИМ ЎЛДИРГАН? ..	119
ЎЗБЕКИСТОНДА РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАР МУАММОСИ ..	123
ТАРИХ ЎҚИТУВЧИСИ	128
ДЕВОНА	130
ОЛАБЎЖИ ЯХШИМИ, МЕЛИСА	133
УШАЛГАН БУЮК ОРЗУ	137
АМИРЛИКНИНГ ОЛТИН КОНЛАРИ ҚАЙДА?	141
БАЙРОҒИМИЗ ҲАҚИДА	147
КАНАДАЛИК ҚАРИНДОШЛАР	153
МЕН АНГЛАБ ЕТМАГАН ДУНЁ	159
БУ ДУНЁДА ТИНЧЛИК БОРМИ, ЎЗИ?	162
ПОЙДЕВОРИ ЙЎҚ ЖАМИЯТ	165

МАҚОЛАЛАР	176
КАРИМОВНИНГ «ТИНЧЛИК ДАСТУРИ» ҚАЧОН ТУГАЙДИ? ..	176
“ҚИРҚИБ - ҚИРҚИБ” ГАПИРИНГ ЭНДИ, ҚОЗИ АКАЛАР!	179
АЛПОМИШНИНГ АКАСИ КИМ?	183
РАЗИЛ ШОҲ ҲАҚИДА РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ	186
НАФРАТ, МАНФААТ ВА МИЛЛАТ	189
ЎЗБЕКИСТОН ВА ИАКИТИ	192
ИЛК ТААСУРОТ	196
ГЎШТ ДЎКОНИДА ОЁҒИДАН ОСИЛГАН ИТНИ КЎРГАНМИСИЗ? ..	198
АЛОҲИДА КАТЕГОРИЯ	201
ЗАҒИЗҒОНМИ, МУСИЧА.....	207
ОЛТИН ТИШЛИ ҚУЛЛАР ФАЛСАФАСИ.....	209
УРАНСИЗ ҲАМ БОЙИСА БЎЛАДИ.....	214
ЗАМОНЛАР ЎЗГАРАР, ЎЗГАРМА, БОЛАМ!.....	217
ЎЗБЕК ФЕНОМЕНИ	220
ГУМОН ГУНОҲДИР, ШУБҲА БИР НЕЪМАТ	222
СИЁСИЙ ТАФАККУР ТАҚЧИЛЛИГИ.....	226
БИЗ НИМА УЧУН ҲАР «ОВЧИ»НИНГ НИШОНИГА АЙЛАНДИК... ..	229
ҚАДИМ ТУРКНИНГ КЎҲНА БОЙКЎЛИ	231
ЯХШИЛИК.....	233
«ИМПЕРИЯЧИЛИК ТАЪМИ» РУСЛАРНИНГ ОҒЗИДАН	
ҲАЛИВЕРИ КЕТМАЙДИ	237
БИЗ ҚАНАҚА ХАЛҚМИЗ ЎЗИ?	238
ФИТНА НАЗАРИЯСИ	239
ҚАЙЛАРДАДИР, МЕНИНГ ЎЗЛИГИМ	241
КОКИЛИНИ УНУТГАН АВЛОД.....	242
БЕК БЎЛСИН, ОРИЯТЛИ БЎЛСИН.....	244
АГАР ФАРИШТА: “ОМИН!” ДЕСА... ..	245
ҚЎЧҚОРНИ СЎЙ, БОЛАМ!	247
ИСТАСАНГ, ШУ ФАЛАҚДАН.....	249
ХАЛҚ ҲАҚ ГАПНИ АЙТАДИ.....	251
МАҚТОВ ФАРОСАТГА БОҒЛИҚМИ?	254
БЕЛБОҒДА ПИЧОҚ БЎЛСА ЖИНОЯТМИ?	257
БУ АЖИБ ДУНЁ	258
КЎЗЁШИНИНГ ШЎР БЎЛИШИ РОСТМИ?	262
НЬЮ-ЙОРҚДАН ТОШКЕНТГА ПОЕЗД ЮРМАЙДИ.....	263
“LA VONNOTTE»НИ МАЗАСИНИ БИЛГАН ХАЛҚ,	
“ҲУРЛИК”НИНГ МАЗАСИНИ ҲАМ БИЛАРМИКАН?	264
ИШТОННИ КЎТАРИБ ЮРИНГ, УКА!.....	266

ПИР ВА МУРИДЧИЛИК БИЗНИНГ ЗЕХНИЯТИМИЗДА БОР....	267
НЕЛЬСОН МАНДЕЛЛА СЁКО АСАҲАРА ЭМАС.....	269
ТУРКЛАР ОТИ БИЛАН ДУНЁНИ ТИТРАТГАН.....	271
ТУРКЛАР КАШФ ЭТГАН АМЕРИКА	273
ДУНЁНИНГ ҚИЙШИҚ ЕРИ	276
ХАЛҚИМИЗ ХЎКИЗНИ ХУДО ДЕБ БИЛГАН ВАҚТЛАР ҲАМ БЎЛГАН	277
БУГУНГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҚАНДАЙ ГАПЛОГРУППАЛАР НЕГИЗИДА ПАЙДО БЎЛГАН	279
ҚАБИҲЛИК	284
ОИЛАВИЙ АЛБОМ	307

КУЙГАН ЮРАК ФАРЁДИ

Насрулло Саййид ҳур фикрли инсон сифатида Ўзбекистонда танилган шахслардан бири бўлса ҳам, унинг моҳир қалам соҳиби эканлиги жуда озчиликка маълум.

Унинг “Шубҳали одамлар” китобини ўқиб, руҳимда кутилмаган жараёнлар юз берган эди. “Миллат қайғуси” китобини ўқигач эса, руҳимда тўфонлар турди. Китобдан Ўзбекистонда кўпчиликка маълум бўлмаган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини англадим. Шууримиздаги қусурларни ва уларнинг бартараф этиш чораларини изламас эканмиз, келажак учун жуда катта муаммоларни мерос қилиб қолдиришимиз мумкинлигини ўйлаб, ичимдан оҳ урдим.

Китобдан тўқиб чиқарилган нарсани тополмайсиз. Унда, аксар бошқа ўзбек ёзувчи-журналистлари каби жимжимадорлик ва ортиқча гап-сўзларга ўрин йўқ. Ўзбекистондаги сиёсат, ижтимоий ва иқтисодий мавзулардаги фикр-мулоҳазалар реал ҳаётда юз бериб турган воқеалар асносида далил-исботларга таянади. Зеҳниятимизга хос бўлган мантиқсизлик у учун ёт, кўпиртириш ва ҳавойи усулларга қақшатқич зарба берилган. Чунки, муаллиф бугунги кун билан яшамайди, унинг кўз олдида биз учун урфга айланган “битта ўзим бўларчилик” эмас, Ватан ва миллат келажаги – “Миллат қайғуси” бор салобати – яхши-ёмон жиҳати билан намоён бўлади. У тақдирини туғилиб ўсган муқаддас тупроғига, вояга етказган миллати тақдирига боғлаган. Тупроғининг Ободлиги – унинг Ободлиги, миллати рўшнолик кўрса, унинг авлод-аждодлари Озод ва Обод – тараққий этган бир диёрда яшайдилар. Миллат рўшнолик кўрмас экан, у авлодларининг ҳеч қачон рисоладагидай тенглар ичра

тенг яшай олмаслигини яхши билади.

Хуллас, у халқ кўзидан узоқ йиллар яшириб келинган муаммолар илдизини очиб, Ўзбекистонни ичдан емириб бораётган кўринмас яралардаги йирингларни тозалашга чақиради. Бу бедодликларга халқаро мезонларда дунё афкор оммаси тажрибаларидан келиб чиқиб ечим топа олмасак, кундалик муаммолардан бошимиз чиқмасдан бир халқ сифатида кучли бир давлатни ўртага келтира олмаслигимизни, қадим, ҳам шаклланиб бораётган навқирон бир миллат сифатида асрлар бўйи ота-боболар эришган умумжаҳон миқёсидаги ютуқларимизни қўлдан бой беришимиз муқаррарлигини башорат қилади.

Аслида, муаммолар пайдо бўлиши ҳукуматдагилар ва халқ ўртасидаги манфаатларнинг бир-бирига мутаносиб тушмаслигидан келиб чиқиши ҳам унинг назаридан қочмаган. Халқ ва мамлакат учун зарар келтираётган ишлар ҳукуматдагилар учун фойда кони бўлаётгани унинг иддаоларида ўз аксини топган.

Муаллиф ер юзидаги ҳалол инсонларнинг барчасини бирдек севади, инсониятга оид бўлган илм-фан ютуқлари ўзини таниган ҳар бир инсонга тегишли бўлгани каби, у ўзига ҳам тегишли эканлигидан фахрланади. Дунё халқлари қабул қилган ҳар қандай ютуқлардан Ўзбекистонда тезлик билан фойдаланишни, ўзлаштирилган технологияларнинг ўзбек халқига енгилликлар олиб келишини истайди. Оғири енгил бўлган миллатнинг ўзлигини англашини, у биргина қорин тўйдириш ғамида бўла олмаслигини айтади.

У шуурида турк дунёсини ер юзидаги шу улкан оиланинг бир бўлаги деб шакллантирган. Шунинг учун дунёга тараққий этган турк давлатларидаги имкониятлардан фойдаланиб, тез ва нисбатан осон чиқиш мумкин деб ҳисоблайди. Тил, дин ва феъл-атвордаги ўхшашлик ҳаракатларга у қадар монелик кўрсата олмаслигини таъкидлайди. Шу сабабдан ҳам у турк дунёсидаги қадимдаги ва бугунги кашфиётлардан бирдек фахрланади. Уларнинг қаҳрамонларини мароқ билан қаламга олиб, улар ҳақида ҳикоя қилишни севади.

Мен китобдаги бир-биридан ғаройиб ҳикоя ва мақолалардан атай иқтибос келтирмадим, алоҳида тўхталмадим. Зотан,

бу ўқувчининг зеҳниятига нуқсон етказади, деб ўйладим. Нима деётганимни китобни ўқиган одам яхши англайди.

Бу китоб чиндан ҳам бир мўъжиза!

Ўқиб одамнинг бир юраги ачишса, бир хўрлиги келади, бир юраги ғурурларга тўлса, бир хурсандлигини ичига сиғдиролмасдан хахолаб, ўзининг устидан ўзи кулади.

Муаллиф нафақат инсонларнинг бир-бирларига, ҳар бир инсоннинг ўз-ўзига давомли танқидий қарашда бўлиши шартлиги хусусида фикр юритади. Танқид мукаммалик сари қўйилган бир қадам эканини урғулайди.

Бу китоб хусусида соатлаб гапириш мумкин. Аммо халқимизда, “Минг эшитгандан бир кўрган яхши” деган ҳикмат бор.

Нотаниш меванинг тотини еб кўрган оғиздан эшитгандан кўра, еб кўриб билганга нима етсин...

ЖАЖЖИ ГУВОҲ

(ҳужжатли қисса)

ЖАЖЖИ ГУВОҲ

(ҳужжатли қисса)

«Ўзбекистонда Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги»га бағишлайман

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига кўра, яқинда Тошкентда И.Каримовнинг янги китоби тақдироти бўлиб ўтган. Китоб – «Юксак маънавият – енгилмас куч» деб, номланганмиш. Китоб ҳақидаги тўлиқ маълумот ҳали Канадага етиб келмади. Электрон варианты ҳам интернетда пайдо бўлганича йўқ.

Номланишга эътибор қаратилса, китобда яккаҳокимлик йилларидаги “мустақил” халқимизнинг ўн саккиз йилда эришган «юксак маънавият»и ҳақида сўз юритилади.

Эшитишимча, Ўзбекистондаги маддоҳлар аллақачон юксак минбарлардан туриб, ўзбек жамиятида эришилган оламшумул ютуқ – «юксак маънавият» ҳақида айюҳаннос сола бошлаганлар. Республиканинг ҳар жойида ваъзхонлик – “буюк асар”ни улуғлаш тадбирлари давом этмоқда экан.

Узоқ Канадада яшаб, мен ҳам ҳар бир хориждаги Ўзбекистон ватандоши сингари ўзбек жамиятида юзага қалққан бугунги маънавиятсизликни ҳар нафасимда ҳис қилиб тураман. Бу қадар очиқ таназулни ҳис қилмаслик учун кишидан кўр ва карлик – бир сўз билан айтганда, руҳан мажруҳ ва маънан ўлик бўлиш талаб қилинади.

“Юксак маънавият” хусусида ёзилган “буюк асар”нинг жамият ҳаётидаги навбатдаги янги бир “маънавий инқироз” эканлигига ҳам қалбимда заррача шубҳа йўқ.

Бу китобни ёзганларнинг ва И.Каримовни “даҳо” деб кўкларга кўтариб мақтаётганларнинг халқимиз маънавияти билан

аслида заррача ишлари йўқлиги кўпчиликка маълум. Иддаоларнинг сохта ва манфаатдорлик йўлидаги навбатдаги пухта ўйланган режа эканлигидан – мансаб ва шон-шуҳрат учун бошланган бир иш эканлигидан ҳам кўпчилик хабардор.

Миллат сифатида бизнинг кундан-кунга тарбиямиз тубанлашиб, илмдан узоқлашиб кетаётганимизга бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Юрт ичида туриб, жамиятнинг “жаҳолат” деб аталмиш жирканч бир ботқоққа ботаётганини илғамаслик учун китобни мустабидга “ёзиб берган” олимларнинг ақли жудаям заиф бўлиши керак. Ҳолбуки, улар ўзларини ҳаммадан кўра ақлли деб ҳисоблайдилар.

Бугун бизнинг суюкли Ватанимизда – ёлғончилик, сохтакорлик, порахўрлик, иккиюзламачилик каби иллатлар давлат сиёсатининг асосий устунларига айланиб улгурган. Бу каби иллатлар урчигандан-урчиган бир мамлакатда қандай қилиб маънавиятнинг юксалиши ҳақида гап бўлиши мумкин?!

И.Каримовнинг бошқа китоблари каби ўнга яқин маддоҳ олимлар ёзиб берган ушбу “асар”ининг ҳам “ширин ёлғон”, ёки навбатдаги “риёкорлик” эканлигини сизларга англатиш учун бошимдан кечирган мудҳиш ҳодисалар асосида ҳаётим қиссасини ёздим. Воқеа-ҳодисалар миллий маънавиятимизга тажовуз бошланган йиллардаги разолатлар ҳақида сўзлайди. Маънавий илдизларимизни чиритишга астойдил бел боғлаган Каримов ҳукуматининг сўзда ва ишда ўз-ўзига зид сиёсати ҳақида баҳс юритади.

БОЛАЛАР ХОНАСИДАГИ ЖАНГАВОР ГРАНАТА

Адолатга ўчлигим, юрт тақдирига бефарқ бўлолмаганлигим мени 1990 йилнинг бошида Ўзбекистон Олий Кенгашига олиб келди. Олий Кенгашда муҳолифат фракцияси тузилишида фаол қатнашдим ва бир қатор хур фикрли депутатлар билан биргаликда Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш талаби билан чиқа бошладик. Сессия залидаги депутатлар ичида камида 20 – 30 киши қаттиқ ислохот-

чилик позициясида турарди ва ўз фикрларини қўрқмасдан айта оларди. Беш юз депутат ичидаги шу кичик гуруҳ, балким, ўшанда Ўзбекистондаги ҳаётни демокаратик бир ўзанга буриб юбориши ҳам мумкин эди. И.Каримов буни тез илғади ва уларга қарши нопок йўллар билан ғироммона курашни авж олдирди. Ҳар хил бўҳтон, тухматлар ва сохта жиноят ишлари оқибатида ислоҳот талаб қилганлар бирин-кетин сессия залини «тарк эта» бошладилар. Бу И.Каримов келгусида яратишни ният қилган – «юксак маънавият» – яккаҳоқимликнинг илк қадамлари эди. Аксига олиб фракциямиз раҳбари М.Солиҳ 1992 йил 2 июл куни ўз депутатлик мандатини топшириб, Парламентдаги курашини тўхтатди. Мухолифатчи депутатлар руҳиятида тушкунлик кайфиятлари зоҳир бўла бошлади. Сиёсатни ҳийла-найранг ўйини деб тушунадиган Каримов учун бундай ҳолат, айти мударра эди. Оқибатда, тумшуғи остида уни тап тортмай танқид қила оладиган овозлар кундан-кун сийраклаша борди. Сафлар сийраклашган сайин, ҳақиқат ва адолатни байроқ қилган овозларнинг шашти сўнишга юз тутди. Ўзбекистонда, Каримов тимсолида зулм ва ҳақсизлик бош кўтарди...

1993 йил. Сентябрь ойининг охири.

Сиёсий курашлардан чекинмаган ҳолда катта бир қурилиш ташкилоти ва «Эрк»нинг Бухородаги бўлимига раҳбарлик қилардим. Депутатлик ваколатим ҳали ҳамон кучда эди. Ой охирида Тошкентда «Эрк» партиясининг навбатдаги қурултойи ўтказилиши режалаштирилган. Унда ташкилий масала кўрилиши керак эди.

Мен ўша кунларда бир гуруҳ бухоролик «Эрк»чиларни Тошкентга етказиб бориш режасини тузиш билан овора эдим. Қурултойга жўнаб кетишимизга бир кун қолганда, кеч соат ўнлар чамаси мени йўқлаб уйга Эркин деган бир мелиса¹ майори келди. У вилоят ҳоқими Ёдгоров сўраётганини айтиб, мени ўзи билан олиб келиш буюрилганини сўзлади.

Вобкент туман ҳоқими Шавкат Иброҳимовнинг кабинетида вилоят ҳоқими мени кутиб турарди. Унинг талаби; эрта-индин

¹ Мелиса – милиция (рус), миршаб (ўзб), ички ишларда ишлайдиган ходимлар.

бўлиб ўтиши режалаштирилган қурултойда бухоролик “Эркичи”лар ташкилотнинг янги раҳбарини сайлашга овоз беришлари ва М.Солиҳ номзодини ўтказмасликка эришмоқлари лозим эди.

Талабини тўла-тўқис баён қилган вилоят ҳокими стол устига янги «ГАЗ-31» машинасининг калитини қўйди. Сўнгра, туман ҳокими Ш.Иброҳимовга им билан “чиқиб тур!” ишорасини қилди. Иккимиз холи қолгач папкасидан бир варақ қоғозни чиқариб, олдимга ташлади. Қоғозни ҳавсала билан ўқиб чиқдим. Унда, Вобкент туманига мени ҳоким этиб тайинлаш тўғрисидаги фармойиш ёзилган эди. Фармойиш ҳали имзоланмаган эди. Ёдгоров “топшириқ” бажарилган куннинг эртаси уни имзолашини айтди. Мен каловланиб ўтирмадим. Дарҳол, рад жавобини бериб, қатъий оҳангда қалбим буюргандай иш тутишим мумкинлигини билдирдим. У: “Жиннилик қилма, бажармасанг, кейин ўзинга ёмон бўлади”деди. Вилоят ҳокими мени сотиб олиш осон эмаслигини дарҳол тушунган эди. Савдолашмади. «Яхшилаб, ўйлаб кўрсам», ёмон бўлмаслигини қистирди. Мен унинг ҳузуридан чиқиб, тўғри уйга жўнадим.

Одамлар ғафлат уйқусидан уйғона бошлаган замонлар эди. Ўзбекистоннинг бошкенти бўлмиш, Тошкент – кўксимиздаги ёниб турган юракдек уради.

Анжуман ҳис-ҳаяжонларга тўла бир ҳолатда бошланди. Қурултой раислигини аввалига Отаназар Орипов олиб борди. Номоз Нормўмин сўзга чиқиб, партия раисининг чет элдан туриб жўнатган ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Залда ўтирганлар орасида шовқин кўтарилиб, партия раисига нисбатан норозилик кайфияти сезила бошлади.

Вазият ҳукумат истагига кўра йўналиш олган эди. Раислик қилувчи партия раисига ўта содиқ шахс бўлгани боис, йиғилишни бошқара олмай, довдирарди. Шу орада танаффус эълон қилинди. Танаффус пайтида Отаназар ака: «Насрулло, йиғилиш раислигини ўзингиз олиб бормасангиз бўлмайди. Мен ҳозир ҳамма нарсани расво қилиб қўйишим мумкин» деди.

Танаффусдан сўнгра қурултойга раислик қилиш менга ўтди. Вазиятдан яхши хабарим борлиги боис, зални бироз бўлсада тинчлантиришга эришдим. Ғалағовурни бостириб, ичимизга

суқилиб кирган фитначиларнинг ўйинларини буздим. Ҳукумат режаси амалга ошмай қолди...

Қурултой ўтганига 15 йилдан ошди. Шу вақт ичида қанча-қанча сувлар оқиб ўтмади. Кимлар ўша кунлар ҳақидаги хотираларини ёзишга ҳам улгурди.

Яқинда, қурултой ҳақидаги «Эрк» партиясининг Халқаро Энциклопедия (Wikipedia)га киритилган маълумотларга кўзим тушди. Саҳифада М.Солиҳ ва О.Ориповдан бошқа бирор бир «Эрк»чининг исми-шарифи йўқ эди. Ҳолбуки, вилоятларда «Эрк»нинг ўн минглаган фидойилари ва уларни ҳаракатга келтириб турган ўнлаган лидерлари бўлган. Улар ҳақда бафуржа маълумот ёйинламаслик, партиянинг ўша пайтдаги куч-қудратини бугун савол остида қолдиришини ўйлаб, жиндек маъносиз тортидим. Балки, у замонда имконият чеклангандир. Менимча, «Эрк» ҳақидаги тўлиқ маълумотларни арихивлаштирадиган вақт етди. Бу келажак авлодларнинг асл воқеъликни билишлари учун жуда муҳим...

Қурултой ўтган куннинг эртаси Бухорога қайтдим. Кўчамизга кириб, уйим олдида турган мелиса машиналарига кўзим тушди. Мени соқчилар қуршовида Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Садриддин Зайниев ваҳима билан кутиб олди. Эртаси мен раҳбарлик қилаётган ПМК²га ҳам ўттиз кишидан иборат катта тафтиш комиссияси ташланди. Ва тафтиш роппа-роса бир йил давом этди. Ташкилотимиз билан ўзаро хўжалик-иқтисодий алоқада бўлган барча корхоналар баҳонада бир-бир элақдан ўтказилди. Кейин, эшитдим; тафтишларга бевосита раҳбарлик қилган Володя исмли рус йигити, «отнинг ўлими қашқирларга байрам» деганларидек, баҳонада Бухоро шаҳридаги ҳайҳотдек данғиллама уйини битказиб олибди. Янги «иномарка»лик ҳам бўлганмиш...

Тафтиш жараёнлари каминанинг иштирокисиз олиб борилди. Сабаби, ўша 1993 йилнинг кузида мени депутатликдан «чақириб олишди» ва 1994 йилнинг 22 феввалида, «уйида жанговор граната сақлаган» деб тўхмат билан қамашди...

2 ПМК - *Передвижная механизированная колонна (рус), кўчма механизациялашган колонна (ўзб), қурилиш ташкилоти.*

...1994 йилнинг машъум қиши оиламиз учун кўнгилсиз келди. Умр йўлдошим ва беш фарзандим, оила боқувчисини йўқотгач ҳимоясиз қақшаб қолдилар.

Тўнғич фарзандим Жаҳонгир энди ўн бир ёшга қадам қўйган эди. Кенжам (“Эрк” партияси шарафига унинг отини Эркиёр қўйганман) бир ёшни тўлдирган чақалоқ эди. Қизларим – Мадина, Марина ва Шаҳризодалар ўн, саккиз ва олти ёшли жажжи қизалоқлар эдилар.

Ўша тунда уйимизга жуда ҳам кўп қуролланган мелиса ходимлари бостириб кирди. Улар, кечки соат ўндан тонгги соат иккига қадар бутун хоналарни тинтиб чиқдилар. Аввалида «Эрк» газетаси нашрларини топмоқчи бўлишди. Бутун уйни остин-устин қилган бўлсалар ҳам ўзларига керакли бирор нарсани топа олмагач, «миллий анъана»га айлантирилаётган усулни қўлладилар. Беш нафар жигарбандим ухлаб ётган қоронғи хонадан бир кимсанинг гўё илон чаққандай ваҳшиёна чинқиргани эшитилди. Болалар хонасига ярим кечада бировнинг қутурган итдек огоҳлантиришсиз кириши, ақл бовар қилмас бир олчоқлик эди. Нималар содир бўлаётганини англамаган хотиним кўрқувдан қаттиқ титраб, турган жойида ўтириб қолди. «Болаларимга бир нима бўлибдими?!» дея, менинг жоним келиб бўғзимга тикилди...

Мурғак болалар ухлаб ётган хонада тинтув ўтказиш керак бўлса, мен ва турмуш ўртоғим иштирокида бўлади дея, хом ўйлаган эканман. Бўғизланган ҳайвон каби чинқирган кимса, вилоят ИИБ ходими Олим Жаъфаров, гўё жавондан – болаларнинг кийимлари ва ўйинчоқлари орасидан жанговор граната топиб олганди. Кутилмаган бу туҳмат ва пасткашлик қаршисида мен бироз довдираб қолдим. Аммо, қўлида граната ушлаб турган ўша йиртқичнинг жирканч кўзларига чексиз бир нафрат билан тикилдим. Бутун танамда қоним жумбушга келиб, ҳуқуқсизликдан ва ҳақсизликдан «дод» деб ҳайқиргиларим келди. Аммо, болаларимни кўрқувдан зор титратиб, менга туҳмат қилаётган ходимнинг кўзларида бугун И.Каримов айтаётган «юксак маънавият»ни эмас, унинг келажақда миллат бошига солажак чексиз ғурбатлар ва азоб-уқубатларни кўрган эдим. (Ўша воқеадан 10 йил ўтиб, мелиса майори Олим Жаъ-

фаров бир тадбиркордан йирик миқдорда пора олаётиб, қўлга тушди ва 12 йилга қамалди).

Мени бошқарма ертўласидаги бир зах камерага жойлади-лар. Суриштирув ишлари вилоят ИИБси терговчиси Отамурод Қўлдошевга топширилди. Аммо бошқа кўпчилик маҳбусларга қўллангани сингари менга жисмоний қийноқлар қўлланмади. Балки, Олий Кенгашнинг собиқ депутати бўлганлигим бунга моне бўлгандир. Ёки мени сўроқлаб ортимдан сайловчиларимнинг узликсиз келаётганлиги иш бергандир...

Ҳар бир янги кун терговчининг мантиқсиз савол-жавоби билан бошланиб, мантиқсиз савол-жавоби билан ниҳоя топарди. У суриштирув бошида, «топилган граната»нинг менга тегишли эканлигини тан олдириш учун роса куйиб-пишди. Ширин ҳам аччиқ ҳам гапириб авраб ҳам кўрди. Болохонадор қилиб дўқ-пўписа ва дағдаға ҳам қилди. Уринишлари иш бермади.

Барчаси тухмат эканлигини, ишнинг «юқорининг буюртмаси» эканлигини ҳар иккаламиз ҳам ўз исмиимизни билгандай яхши билиб турардик. Айбсизлигим унга аён бўлсада, мен ҳам айбсизлигимни қайта ва қайта тўтидай такрорлашдан, ҳаммаси тухмат эканлигини таъкидлашдан ҳечам чарчамас эдим. Зотан, бу ерлардан қутилиб чиқмагунимча менинг бошқа қиладиган ишим йўқ эди. Ҳатто, мени эмас, бу ишни уюштирганларни жавобгарликка тортишни терговчидан қатъий талаб қила бошладим.

Орадан бир ҳафта ўтди. Терговчининг гап-сўзларида ўзгаришлар сезила бошлади. Менга қўйилган сохта айбловни исботлаб бера олмаслигига унинг кўзи етганди, шекилли. Саросимага тушгани гаплари оҳангидан билиниб турарди. Тинтувнинг қонунга зид тарзда ўтказилганлиги, тинтув жараёнида қатнашганлар гранатанинг қаердан топилганлигини аниқ кўрсатиб бера олмаётганлиги терговчини бошиберк кўчага сиқиб қўйди. У қаршисида ўтирган маҳбуснинг эзгу ниятли бир кимса эканлигини, ўз вақтида минглаган сайловчиларнинг наказларини сидқидилдан бажарганлигини яхши биларди. Ўйлаб топилган айбловларни «буюртмачи»лар истаганидек унинг зиммасига юклаш осон иш эмасди.

Тергов жараёнлари давом этаётган бир пайтда, сайловчиларим мени озод этиш учун имзо тўплаб, ҳар томонга мурожаатномалар жўнатганларини эшитиб қолдим. Кейинроқ, 2500 киши имзолаган мурожаатнома президент маҳкамасига ва вилоят ҳокимлигига топширилганлиги ҳақидаги хабар терговчига ҳам етиб келди.

Савол-жавобларнинг кети узилмасди. Терговчи бу ишнинг масхарабозликдан бошқа нарса эмаслигини ичида билиб турарди. Икки тарафнинг қарашлари тўқнаш келганда у гоҳида мийиғида кулар, гоҳида ҳақиқатни айланиб ўтиш учун гапни бошқа томонга бурарди.

Аста-секинлик билан унга ҳақиқатни очиқ тан олдириш учун зимдан кураш бошладим. Виждон азоби қийнади, шекилли, у бир кун тўсатдан: «Ака, ариза ёзиб беринг, қийналиб кетдим. Мендан бу ишни олсинлар. Сизга бошқа бир терговчи тайинланганлари маъқулроқ, кўринади!» деб қолди. Мен унга: «Нимага қийналасиз? Борини борича айтинг, қўйинг. Айби тасдиқланмади, барчаси тухмат, денг, ариза ёзиб бермайман» дедим. У, қаттиқ асабийлашди. «Сиз билмайсиз, сиз тушунмайсиз буни оқибатини. Ишдан ҳайдалсам, майли эди. Умрим қамоқда чириydi. Ахир бунинг орқасида сиёсат бор, бунинг орқасида биринчи раҳбар турибди. Сиёсатга аралашиб нима қилардингиз?» дея, менга қичқира бошлади.

Орадан сал ўтиб, суҳбатимиз мавзуси ўзгарди. Унинг бу муаммодан қутилиш йўлларини излай бошлагани қиёфасида акс этар, у менга тўнқалган айбларни «қисман бўлсада» тан олишимни, ҳар қандай ҳолатда ҳам айбимни «тан олмасам» бу ерлардан ҳеч қачон чиқа олмаслигимни таъкидларди. У қандай йўл билан бўлса ҳам «жиноят иши»ни ёпишга бел боғлаган эди. Ҳукумат томонидан ишни адолатли якун топтириш учун имконият қолдирилмаганлиги унинг икки оёғини битта этикка тиқиб қўйганди. Унинг бошига «қилмишимга иқрор» бўлишимдан бир бошқа «тайинли фикр» келмас, мен эмас, Ўзбекистондаги тергов аъналарига зид равишда у мендан тезроқ қутилишнинг пайига тушганди. Гўё у қутилиши учун мен ўзимни «жиноятчи» деб эълон қилишим керак эди. Мен эса

ҳали у даражада ақлдан озмаган эдим.

Хуллас, вазият жуда мураккаблашиб, асаблар таранглашиб борарди. Унинг муаммонинг ечимини топа олмаётганини кўриб, қийноқлар қўллашидан қўрқардим.

Бир кун мен ўтирган камерага бир ўрис болани киритдилар. «Лёха» деб ўзини таништирган маҳбус кейин билсам «лохмач» экан. У аввалида мени дўқ-пўписа билан қўрқитиб, гап олишга уринди. Усуллари иш беравермагач, ўзини жинниликка солди. Ахири қандай бўлмасин юрагимга ғулғула солиш учун қон томирини кесди. У замонларда лохмачлар ҳали тергов изолятирларининг сўроқ-савол машинасига айланиб улгурмаган, қийноқлар энди шакллантирилаётган пайтлар эди. «Текин томоша» бир ҳафтага яқин давом этди. Ўтган вақт давомида терговчи бирор марта мени сўроққа чақирмади. Соат сайин асабларим чарчаб, борар, ўзимни тута олмай «Лёха»ни бир нима қилиб қўйишдан қўрқардим...

Яна сўроққа олиб чиқишди. Терговчининг чеҳраси бироз очиқ. У менга тикилиб турди-да: «Ака, чорасини топдим. Ҳар иккимизга ҳам зиёни тегмайдиган бир усул бор. Катта ўғлингиз неча ёшда?» деб сўраб қолди.

Эшитиб, беихтиёр бутун вужудим титраб, лаҳзалар ичида пешанамдан совуқ тер уриб чиқди. Борлигимни минг хил бўлмағур хаёллар эгаллаб олди. «Нима эди» дея, берган саволим, қулоқларимга бегона бировнинг овозидай совуқ эшитилди. «Ўғлингиз ўн бир ёшда бўлса керак, уни қамаб бўлмайди. Битта ариза ёздириб оламиз, холос. Ўша нарса (граната)нинг нима-лигини билмасдан, кўчадан топиб, уйга мен олиб келгандим, деб ёзиб берса, иш пишди!» деди терговчи бамайлихотир.

Кўз олдим қоронғилашиб, турган еримда мурдадай қотиб қолдим... Шу ҳолатда қанча турдим, билмайман. Ўзимга келгач, терговчига сенсираб: «Иблиссан, ҳа, иблиссан!» дея олдим. Ичимда чексиз нафратга йўғрилган бир ғалаён турган бўлсам, бошқа бир нима дейишга тилим айланмади...

У эса, сапчиб ўрнидан турди. «Айбланувчи, Сайидов» деди, ноҳақ камситилган кимса каби ғазаб билан. Тергов иши туганлигини маълум қиламан. «Дело» эртага прокурор назоратига ўта-

ди. Сизни «айбдор» деб топдим. Айбингиз йўқ бўлса, судда айб-сизлигингизни исботлаб беринг. Соқчи, маҳбусни олиб чиқинг!»

Эшик олдида бизни кузатиб турган соқчи, мени тергов хона-сидан олиб чиқди...

Бу суҳбат сўнги нафасимгача ҳам эсимдан чиқмаса керак.

Ўша машъум ҳолат терговчининг номуссизлигини батамом фош қилди. Унинг жирканч сўзлари ўн тўрт йил ўтиб ҳам қу-лоқларим остида жаранглаб туради.

Амал деб, давлат бошлиғига яхши кўринадан деб, ҳар қан-дай ёвузлик ва жирканчликка тайёр кишилар борлигидан жуда хафа бўлиб кетаман. Мустабиднинг «юксак маънавият – ен-гилмас куч» китоби ҳақида эшитганимдан сўнгра, қўлимга қа-лам олиб, илк қоғозга туширган хотираларим, мана шулар...

Терговчи айни кунларда адвокатлик қилаётган экан. Нима, дейман, Ўзи инсоф берсин! Қонунларга таяниб ишлаш ва тўғри йўлга кириш учун етарли тажрибаси бор. Ўтган ишлардан тўғри хулоса чиқариб, инсонларнинг оғирини енгил қилаётган бўлса, мен этагимдаги тошларни тўкканим бўлсин! Йўқ, ҳали ҳам эски қинғир-қийшиқ йўллардан юриб, бола-чақа боқаётган бўлса, жазосини албатта топади.

ҚИЙНОҚНИНГ ЎЗГАЧА ТУРИ

Сиз эшитган қийноқларга ўхшамайдиган қийноқ хусусида ёзмоқчиман. Яъни, руҳий қийноқ хусусида. Унинг кўзга кўрин-майдиган пўлот омбурлари исқанжага солинган руҳнинг йўқ тишларини тиш доктори каби суғуриб ташлаши мумкинлиги ҳақида. Шунда, азоб-уқубатдан жон таслим қилолмай тириша-ётган жисмингизда охирзамон туради...

Ҳа, оёқни осмондан қилиб товон остига дубинка билан уриш шарт эмас. Бошга противогаз ёки полиэтилен халта кий-гизиб, нафасни сиқиб қўйишга ҳожат ҳам қолмайди. Совуқ ва зах изоляторда бошга қоп кийгизиб, полиэтилен ўралган ар-матура билан савалаш дегани, руҳий қийноқ олдида ҳеч нима! Руҳий қийноқнинг тури кўп. Мана шулардан биттаси тутқун-

лик, ҳақсизлик ва қонунсизлик деб аталмиш мустабид тузум томонидан мусиқа ва қўшиқ воситасида жон азоб тегирмонига солиниб, бутун борлиқ давомли равишда латиф оҳангларда қитиқланиб эзилади. Бу, тутқунликда бошдан сув томчилатиб, майин ва инжа деб кўрилган нарса билан гурзининг залворини пайдо қиладиган жисмоний қийноққа ўхшаб кетади. Унинг таърифини келтириш жуда қийин бўлгани каби, оғриғини баён этиш жуда ҳам машаққат. Бунинг не азоб эканлигини ичкарида ҳам ташқарида ҳам ор-номуси жойида, зеҳнияти оқ-қоранинг фарқига борадиган кимса ҳис қилади. Фаросатсиз кимса, боққа кирган экинчи эчкидай шунақамиш дея диконглаб юраверади.

Бу машҳум қийноқнинг икки тури бор. Бир – билвосита, бириси эса бевосита. Мен бу қийноқнинг бевосита турига нишон бўлдим. Яъни, бу қийноққа мени вазият маҳкум этди.

Ҳа, қувноқ ҳаётимиздаги ҳиссиётларимизни жунбушга келтирадиган мусиқа ва қўшиқ қамоқхоналарда акс таъсир учун қўлланиладиган бўлса, қалбларни шодликларга буркаш учун ижод қилинган оҳанглар чиндан ҳам даҳшатли ваҳшийликларга қодир. Эркин ҳаётда ҳам реал воқеълик билан инсонларнинг турмуш тарзи мутаносиб келмаса, ташқарининг ичкаридаги муҳитдан фарқланадиган жойи қолмайди. Ҳаёт бошқа, қўшиқ бошқа бўлиб қолаверади. Инсонлар ўзлари яшаб турган заминда эмас, хаёлларидаги саробликларда умри гузаронлик қилиб ўтиб кетаверадилар. Сўнгида, барчаси мудҳиш бир тушга айланади...

Терговчи ишни прокурор назоратига ўтказганидан сўнгра, мен ИИБ ертўласидан машҳур ва машъум «Отбозор» қамоқхонасига кўчирилдим.

«Отбозор» халқ тилида «турма» деб аталса ҳам, аслида тергов изолятори.

Турманинг кетма-кет кечиб ўтиладиган темир панжараларидан бирин-кетин ўтиб, даҳлиз бўйлаб узоқ юргач навбатдаги камера эшиги олдида тўхтадик. Соқчи темир эшикка шарақлатиб, калит тиқиб, тортганида, мойсираган эшик қийқиллаб қаттиқ чиранди. Рухимни тирқиратган сасдан беихтиёр тишларим, ғижирлаб, вужудимда ёқимсиз бир оғриқ пайдо бўлди.

Соқчининг: «Жиноятчи, ортиқ бу ер сизнинг уйингиз» дегани дардимни борҳо ўрлатди. «Мен жиноятчи эмасман» дедим. «Бу ерда ҳамма жиноятчи» деди, кўлида бир даста калитни шарақлатиб, эшикнинг нариги томонидан соқчи. У эшикни қул-флаб, узун даҳлиздан ортига қайтиб кетганида оёқ товушлари анчагача қулоқларимга чалиниб турди.

Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари остонасидан оёқ босиб, ичкарига кирилдими, тамом, ким бўлса бўлсин у жиноятчи ҳисобланади. Маҳкаманинг эрта бир кун қандай қарор чиқариши ҳеч кимни қизиқтирмайди. Муносабат ҳам шунга яраша бўлади. Камерадаги ҳар қандай буюмнинг ўзига яраша қиймати бор, маҳбуснинг эса инсон сифатида қадр-қиммати шу ерда батамом тугайди. Қоғозга битилган қонунлар эмас, энди ичкарида ҳукуматдагиларнинг шахсий қарашларидан шакланган қонун-қоидалар ҳукумронлик қила бошлайди. Соқчидан тортиб, қамоқхона бошлиғигача барча ўзидан юқоридаги шахснинг имо-ишораси билан хизмат бурчини ўтайтиди...

Товуқнинг кетидек келадиган камерада ҳеч ким йўқ. Иккита темир каравот жойлаштирилган холос. Устига-устак зорманда жуда қоронғи, салқин ва юракни сиқадиган даражада сокин. Темир каравотларнинг бирига чўзилдим. Шу пайт, қулоқларимга баланд овозда янграётган кўшиқ қуйилаётганини сездим.

«Керак бўлса ҳақиқат учун, минг бор ўлиб, минг бора тирил»...

Қақшаган асабимни кўшиқ элитдими, қаттиқ чарчаган эканманми, ухлаб қолибман. Қанча вақт ўтди, билмайман, бир пайт уйғониб кетдим. Ҳали ҳам камерада ёлғиз ўзим эдим. Кўшиқ ҳали ҳам давом этаётган эди. Бирининг орқасидан бошқаси янграрди. «Жиловланиб товусдек, юришларинг ёқади»дан кейин, «Юз йилда бир туғилармиш эл дардини айтолган» бошланди. Кетидан, «Кимларгадир керак, бизнинг ёлғизгина бошимиз» уланиб кетди. Хуллас, кўшиқ ва ҳар ярим соатда беш дақиқа ахборот эштириши қулоқларим остида янграрди. Тинглаб, бироз қалбим ором топгандай бўлди. «Маза» деб, ўйладим. Кўшиқ тунги соат иккигача давом этди. Кейин фаҳмласам, кўшиқлар «Машъал»дан таралаётган экан.

Янги кун бошланди. Тонги соат бешда бошланган

«Серкуёш» бемаврид қичқирган хўроз сингари ғашимга тегди. Радио овозини бирпас ўчириш ёки пасайтиришни сўрамоқчи бўлдим, аммо кимга мурожаат қилишни билмадим. Радиокарнай турманинг нақд марказидаги бино томида ўрнатилган эди. У аввалида жонимга ёғдай ёққан бўлса, тинмасдан давомли янграйвергач юрагимни сиқиб, руҳимни яралай бошлади. «Заҳарни меъёрида қабул қилса шифо, болни меъёридан оширса, заҳарга айланади» деган ҳикмат хаёлимни чулғаб олди. Унча-бунчанинг фарқига бормайдиган замонларда севиб тинглайдиган каналимиз «Машъал» бу ерда шунақа жонимиздан безор қиляпти, демак, бошқа каналларни тингласак, ҳолимизга вой эканда деган қарорга келдим.

Прокурор хулосасини кутишга мажбур эдим. Агар у ҳам мени «айбдор» деб топса, судгача шу ерда қолиб кетишим тайин. Қордек оппоқ бўлганимда ҳам, прокурорнинг мени «қоп-қора» дейишини ҳам яхши билардим.

Ташқаридан ҳеч қандай ахборот олиш имкони йўқ. Ҳатто бола-чақанг – оиланг ҳақида ҳам ҳеч нима билолмайсан. Руҳий босимни кучайтириш учун бутун дунёдан узулганингни билиб турган бўлсанг ҳам, умид билан темир эшикнинг назорасига тикилиб ётаверасан. Бу Ўзбекистон қамоқхоналаридаги оддий ҳолат. Тутқиннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳеч ким назар писанд қилмайди.

Умид билан назорага тикилавериб ҳам ахири безоринг чиқади. Фикрларингга эрк бериб, ҳар хил тахминлар қиласан ва хоҳламаганинг ҳолда, охирида кўрқинчли хаёллар денгизига шўнғиганингни сезмай қоласан. Мияннга бўмағур нарсалар келади. Юрагинг сиқилгандан ҳар сафар ўрнингдан туриб кетасан. Ичингни ғашлик тўлдиради, қон босиминг ошади. Кўксингдаги оғриқни панжанг билан қоғоздек ғижимлаб, сўнгра силаб-сийпаб кафтингни юрагингга босасан! Атайлаб, устингдан кулаётгандай, «Машъал»нинг «ялла»лари бир он тинмайди. Қўшиқ меъдангга тегиб кетганидан, “дод” дегиларинг келиб, жонинг бўғзингга келиб тикилади кўнглинг айнайди. Бири-биридан шўх ва баъзида маҳзун қўшиқлар ҳар хил ижрочилар томонидан тиним билмай куйланаверади. Улар бора-бора, менга совуқ темирга урилаётган болғача ҳам таъсир қилмайди.

Ўзимни азада – тобут устида ўтириб, тўйни томоша қилаётган одамдек совуқ ҳис қилишга кўникиб боравераман...

Камерага ҳафта ўтиб, бир маҳбусни ташладилар. Жуда ҳорғин, ориқ кўринган бу одам чамаси қирқ ёшларда эди. У ўзини жуда камгап ва хокисор тутарди. Бошқа томондан мен билан боғлиқ вазиятни ўрганаётганга ўхшарди. Умуман у овқат емас, кўрқинчли тарзда чуқур-чуқур йўталарди. Ҳар тунда эшик туйнуги кутмаганда, «ширқ» этиб очилиб, кимдир ичкарига салафан қоғозга ўралган бир нимани ташлар, жараён чақмоқ сингари тез рўй бергани учун у кимсанинг кўланкасини ҳам илғаб бўлмасди. Маҳбус салафанни олиб, очиб, ичидаги нарсани шоша-пиша оғзига соларди ва дарҳол орқасидан бир кружка сув ичарди. Бу у учун ҳам нонушта, ҳам тушлик, ҳам кечқурунги овқат ўрнини босарди. Кейин билсам, у капалаётган зорманда кўкнорнинг эзилгани экан. Яна, унга нималарни аралаштирган бўлишлари мумкин, у ёғини худо билади.

Илк танишган кунимиз у менинг кимлигимни роса суриштирди. Олий Кенгашга депутат бўлганимни, Каримовнинг «демократияси»га ишониб, мухолифат сафларига кирганлигимни, шу чоғгача эл-юрт ташвиши билан яшаганимни, охирида уйимга граната ташлаб қамаб қўйишганини айтдим. Аммо у олдинига бу гапларга ишонмади. Прокурордан «айблов хулосаси» келгач, ўз кўзлари билан ўқиб кўриб кейин ишонди. Наинки, ишонди, ҳатто таажжубга тушди. «Наҳот, орамизда шундай одамлар бор» деб, ҳайратини яшириб ўтирмади. Ўзича, менга: «Политический» деб ном ҳам қўйди. Кейин у ўзи тўғрисида гап бошлади.

Миллатини эрони деб таништирган йигит самарқандлик экан. У ёшлигидан ўғрилиқ ва талончилик билан шуғулланган. Отаси ароқхўрликка ва онаси фаҳш ишларга муккасидан кетган кимсалар бўлган. У бузуқ муҳитда тарбия топгани боис жуда ёшлигида қамоққа тушади. Чиқиб, ўғрилиқ қилган ва яна қамалган. Сўнги бор онаси билан опасини фаҳш устида ушлаган ва уларни чавақлаб, ўлдирган. (Ҳарқалай, бу унинг сўзлари). Шу сабаб у ўзини модаркуш ҳисоблар, қилган қилмишидан пушаймон эди. Бошига келган кўргуликлар учун гоҳ ўзини айбласа, гоҳида барчасига сабабчи дея жамиятни сўкиб

хуморидан чиқарди. Қилган жинояти учун биринчи суд инстанцияси уни ўлимга ҳукм қилганди. У тирик қолиш илинжида ўн икки йилдан буён курашиб келаётганини жонли ва таъсирчан қилиб сўзларди.

Унинг ҳикоялари таъсирида, бироз бўлсада «Машъал»да янграётган» куй-қўшиқларни унутиб, миям сал тиниққандай бўлди...

Кунларнинг бирида вилоят прокуратурасидан вакил келиб, маҳбуслар билан суҳбат ўтказди. У, бизнинг камерага ҳам «ташриф» буюрди. Охирида: «Турма маъмуриятдан қандай талабларингиз бор» дея сўради. «Радиони ўчириб қўйишнинг иложи борми» дедим. Вакил, эшитиб, роса кулди. Бунақа талабни илгари ҳеч қачон эшитмаганини айтиб, хайратланди. «Фақат шуми?» дея, у сўнгра шеригимга юзланди. Шеригим, асло ундай қилмасликни зорланиб илтимос қилди.

«Ўзбекистон демократик давлат, бошқа камерадагилардан сўраб, шунга кўра бу ишни ҳал қиламиз» деди вакил.

Вакил камерадан чиқиши билан шеригим бақира кетди: «Нима деганингизни биласизми, ўзи? Бунақа шароитда ётишни орзу қилишади. Владимиридаям, Воркутасидаям, Тоштурмасидаям бўлдим, бунақасини ҳеч қаерда кўрмадим. Ўн икки йилдан буён бир нима «тиқ» этса, юрагим «дук» этади, ҳар қанақа овоз Азроилни эслатади. Соқчининг оёқ сасларини эшитсам, бутун вужудим қақшаб қалтирайман. Вақти соати етди, деган фикру ўй хаёлимни чулғаб, ҳар сафар кўрқувдан жоним чиқиб кетади. Ўн икки йилдан буён ҳар кун бир неча марта шу ҳолат такрорланади. Бу ерда мусиқа бор, соқчининг юриши, калитларнинг «шиқир-шиқири» ҳа деганда эшитилмайди. Бу бахтдан мени маҳрум қилмоқчимисиз...»

Эшитиб, жуда таъсирланиб кетдим, ўтган йиллар унга қанчалик қийин бўлганлигини англадим.

Ўлим ҳукми чиқарилгандан сўнгра тирик қолиш учун у ўзини жинниликка сола бошлаган. Ҳуқуқларини ҳимоя қилганлар унинг жиннилигини рўкач қилиб, ҳар тарафга шикоят аризалари ёзишга тушганлар. Ва шу йўллар билан унинг қатл этиш ижросини кечиктириб келганлар. Менимча, у ҳақиқий жинни

образини ярата олган. Шунинг учун ҳам Владимир шаҳридаги жиннихонада уч йил даволанган. «Жинни»лиги тасдиғини топгач ўлим жазосидан қутилиб, ҳукм узоқ муддатли қамоқ жазосига алмаштирилган. Тирик қолиш учун у ўта машаққатли синовлардан муваффақиятли кечган. Айтганлари бир афсона бўлса керак деб ҳам ўйлайди киши. Аммо, қўлидаги ҳужжатлар ва суд ҳукмларидан кўчирмалар унинг сўзларининг ҳақиқатлигини тасдиқлайди.

Бир кун қутилмаганда, уни камерадан олиб чиқдилар. Уч-тўрт соатдан сўнгра қайтариб олиб келдилар. У «миқ» этмади. Ўзини тўшакка ташлади. Ўша тунда алламаҳалга довур иккаламиз ҳам оғзимизга талқон солиб ётдик.

Томдаги радиодан «жўшқин» кўшиқлар янграрди:

«Бу дунёдан вафо кутма, болагинам»... ва алламбалолар...

Тун яримидан оққанда, у: «Насрулло, мабодо суҳбатга олиб чиқсалар, шеригим, мени сўроққа тутиб безор қилиб ташлади. «Ўлдираман» деб, дағдаға қиляпти, денг. Тушиндингизми?» деди. Унинг сўзларидан хавотирга тушдим. Унга савол назари билан юзлангандим, у индамади. Шунда, истамаганим ҳолда юрагимга ғулғула кирди. Тергов изоляторига биринчи марта тушганларни қамалиб чиққанлардан алоҳида сақлашлари ҳақда эшитгандим. Нега ашаддий жиноятчи билан мени битта камерага тиқишдийкин, деган хаёл оромимни ўғирлади. Аммо унда менинг фаолиятимга ҳурмат уйғонганини ўйлаб, бироз таскин топгандай бўлдим.

Тонгда, донг қотиб ухлаб қолибман. Даҳлиздаги овозлардан уйғониб кетдим. Шеригимнинг тўшагида ҳеч ким йўқ эди. Нонуштага овқат олиб келган бўтқабоқардан уни сўрадим. У: «Ўзини осибди, ўлди» деди, темир эшикнинг туйнугидан ичкарига боқиб.

Бу сўзларнинг чинми ёки ҳазиллигини англаш қийин эди. Тирик қолиш учун йиллар бўйи қаттиқ тиришган бир одамнинг ўзини ўзи ўлдиришига ишонгим келмасди. Бу сирли воқеа мен учун ҳанузгача мавҳумлигича қолмоқда...

Йиллар кечди. Ҳаётда яхши-ёмон кўп нарсаларга гувоҳ бўлдим.

Ўзбекистондаги вазият менга кўпроқ «Отбозор»даги

шарт-шароитни эслатади. Гуноҳсиз ҳам гуноҳи борлар ҳам, ҳамма юрак ҳовучлаб кўрқиб яшайди. Ҳукуматнинг «қора рўйхати»га тушганларнинг эса ҳолига вой. Улар учун бу ёруғ дунёнинг қоп-қора зиндондан фарқи йўқ. Уларни ҳар қадамда очиқдан-очиқ кузатадилар. Кимдир товони қавариб, оёғини қийшиқ босса ёки йўлдаги тошга туртиниб, депсиниб кетса ҳам уни шу заҳоти участка нозири олдиға чақиради. Участка нозири чақирди, дегани, МХХга сен ҳаққингда маълумот етиб борган, дегани.

Мен ҳам сабабсиз тақиблар ва асоссиз айбловлардан чарчагандан-чарчадим. Ҳатто, ҳожатхонага кирганимда ҳам менга кўринмас кўзлар ҳар тарафдан ўқрайиб, қараб тургандай туюлади. Тинимсиз тақиблар ва асоссиз сиқувлар туфайли одам ҳиссис ва совуқ деворлардан ҳам ҳадиксирайдиган бўлиб қолар экан...

Ҳа, кўпчилик кўркувда яшашини айтади. Эрони йигит айтганидек, одамлар «тиқ» этган овоздан чўчидиган бўлганлар. Кўчада учаска нозири пайдо бўлса, ҳамманинг пайтавасига қурт тушади. Фуқаро кийимидаги нотаниш кимса қишлоқ ораласа, «миллий хавфсизликдан» дея ҳаммани саросима босади. Ўзбекистонда кўркувдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Иш йўқ, пул йўқ, шу учун одамлар ўзларини чалғитиш учун мусиқага ружу қўядилар. Тўрт кимсанинг боши бир жойда бирикса, мусиқа, одамлар автобус ёки таксига чиқса, мусиқа, бозорда мусиқа, емакхоналарда, радио-телевидение, йиғилишларда мусиқа... Икки бош бириккан жойда мусиқа ва қўшиқ баланд овозда қўйилади. Токим, ҳаётдан нолишга имкон қолмасин, кимдир сиёсатдан гапириб қўйиб, «калла»нинг бири бориб СНБ³га чақиб бермасин.

Куй-қўшиқ маънавий завқ олиш учун эмас, одамларни жиддий мавзулардан чалғитиш учун қўлланиладиган бўлиб қолган. Таксига ўтирсанг, иштони қирқ ямоқ, оёқяланг йўловчининг ҳайдовчига: «Ака, музикани баланд, қўйинг, шўхидан бўлсин!» дейишини эшитиб, кулишингни ҳам йиғлашингни ҳам бил-

3 СНБ – Служба национальной безорасности (рус), МХХ – миллий хавфсизлик хизмати (ўзб), ташкилот. Ушбу ташкилотда ишлайдиган ходимларни халқ умумлаштириб «СНБ» дейди.

майсан. Телевизорни қулоғини бурасанг, йигирма тўрт соат даранг-дурунг. Маъно-мазмуни бир чақага қиммат қўшиқлар болалаб кетган. Гўё, «осмон мусаффо», «тинчлигимизга кўз тегмасин» «ер юзида уруш», «бизда ҳар ерда тўй-томоша», «тўкин дастурхон – мева-чева ва хил-хил ичимликлар!»...

Халқ эркини ва ҳақ-ҳуқуқини йўқотиб, қўшиқчилик шоу-бизнеси Ўзбекистондаги энг сердаромад соҳага айланди. Куй-қўшиқлар саёзлашган сайин, китоб ўқишга, илм ва ҳунарга халқда ҳавас камайиб боряпти. Иш йўқ, келажакка умид йўқ... Аммо, «Буюк келажак!» ҳақдаги баландпарвоз гап-сўзлар ва маза-матрасиз қўшиқлар кеча-кундуз қулоғинг остида янграб туради. Албатта, бу ҳолат манқурдларга чивин чаққанча ҳам таъсир этмаса-этмас, ўзлигини таниган ва миллатнинг тараққиёти учун кураш майдонига отилган кимса учун азоб ва хўрликдан бошқа нарса эмас!

Балки, ноҳақдирман! Мендаги маънавият И.Каримов айтганчалик «юсак» эмасдир. Аммо, шуни яхши биламан, мендаги ҳис-туйғулар ва Ватанга муҳаббат – ёлғон ва сохта ҳаёт билан ҳеч қачон бир ўзанда яшай олмайди!

Эрони йигит «йуқолган» куннинг эртаси мени умумий камерага кўчирдилар. У ерда кўрганларим, юрагимдаги қолган-қутган умидларимни ҳам чилпарчин қилди...

БУ ТУПРОҚ ҲЕЧ ҚАЧОН СОҲИБСИЗ ҚОЛМАГАН

«Айблов хулосаси» кўлимга текди. Суд жараёни қачон бошланади, номаълум. Яна, ўша гап. Прокурор деб аталмиш Қорбобонинг «қор хати»да, Вобкент шаҳар Фитрат кўчасидаги уйимда бир дона жанговор гранатани жигарбандларимнинг кийим-бошларига ўраб, жавонга яшириб қўйганим ҳақида ёзилибди. Тизим мени манқуртлаштиришга бел боғлаган кўринади. Яхшиям, сочимни қиртишлаб, олиб, бошимга туя терисини қоплаш уларнинг хаёлига келмайди. Юқоридан кимдир сал имо қилганда, пастдагилар албатта шундай қилишарди. Ва, менинг улардан фарқим қолмасди.

Туйнукдан айбномани олган соқчи даҳлизда унга кўз югуртираркан: «Уч йилдан етти йилгача қамоқ жазоси!» деди. Соқчидан кўра қонунлар ва қонунларнинг қандай ишлашини ич-ичимдан юз баравар кўпроқ билиб турган бўлсам ҳам, негадир унинг сўзлари юрагимга ўқдек тегди.

Кўзларим олдига бешта ҳимоясиз ўғил-қизим ва аёлим келди. Беихтиёр: «Муштипаргина, мунисгина гўзал рафиқам. Энди, менинг орқамдан чопачоп қиладими, бешта тирик етимга куядими?» дея лабларим пичирлаганини сезмай қолдим. Соқчи туйнукдан эгилиб, боқиб: «Бир нима дедингизми?» дея сўради. «Ё эшак ё подшо ўлади, деган экан Насриддин афанди. Бир гап бўлар, деяпман!» дедим. «Эшак без ва чидамли жонивор. Йигирма беш йилдан кўп яшайди. Ҳаливери, ўлмас керак» деди у. Соқчи айтган сўзларининг маъносини англаб гапирдим, англамай гапирдим, бир нима деёлмаيمان. Аммо, зўр гапни айтди.

Қамалишим аниқ бўлгани сайин елкамдаги оила ғами тобора оғирлашиб борарди. «Нима қилсам экан?» деган ўй ичимни қуртдек кемирар, изтироблар кеча-кундуз ором бермай қўйганди. Устимдан кулгандай, «Машъал»дан тинмай «Келажаги буюк» ватан ҳақидаги энгил-елпи қўшиқлар таралар, баъзида мумтоз тароналар ижро этилганда ярамга малҳам сурилгандай, тўйиб-тўйиб нафас олиб, бир замон бўлса ҳам қайғу аламлардан фориғ бўлишга тиришардим.

Умумий камера анча кенг-мўл. Ун иккита маҳбус саккизта темир каровотда навбат билан ухлайди. Бурчақда, шолпарда билан тўсилган ҳожатхона бор. Тепасига: «Ҳожат чиқарганда қаттиқ товуш чиқарилмасин!» деб, ёзиб қўйишибди. Овқатланиш учун икки ўртага тахта стол ўрнатилган. Камерадаги бутун бисот мана шулардан иборат.

Янги хонадошлар билан танишиш осон кечмади. Уларнинг кўпчилиги биринчи марта қамалган ёш ва тажрибасиз йигитлар. «Тажрибалироқ» бири эшик олдидаги каравотни ёлғиз ўзи эгаллаб олганди. Илк у билан танишишга тўғри келди. У тинимсиз ўзининг бошқалардан устун эканлигини намойиш қилишга интилади. Тўрт девор ичида бўлса ҳам қовоқларини

осиб олиб юзига жиддий тус бериб, хаёлида гўё кўкларда учиб юради.

Камера ичидаги вазиятни тўғри чамалай олган бўлсам, у атрофидагиларни идора этарди.

Ҳибсхонада Учқудуқ қамоқхонасида орттирган тажрибам оз-кўп қўл келди.

1980 йил Самарқанд Архитектура ва қурилиш институти, «Саноат ва гражданлик қурилиши» факультетини тамомлаганман. Олийгоҳдан йўлланма билан Учқудуқдаги бир зонага уста (мастер) ўлароқ ишга жўнатилдим. Қамоқхона худудидаги катта қурилишда маҳбуслар билан икки йил бирга ишлашга тўғри келди. Бу мен учун қамоқхона ҳаётини ўрганиш йиллари бўлди. Маҳкумларнинг феъл-атвори ва тутқунликдаги турмуш тарзлари шу учун менга у қадар янгилик эмасди. У ерда ноҳақ қамалганлар ҳам анчагина эди. Фуқароларимиздаги ҳуқуқий билим савияси пастлиги ва судларнинг адолатсиз ва носоғлом ишлаш тизимини ҳам илк ўша ерда пайқаганман. Бу каби нуқсонлар Мустақиллик йилларида янаям газак олиб, бутун мамлакат ибтидоийлашишга юз бурди. Давлат бошлиғининг кўнглига қараб иш тутишга мослаштирилаётган жараёнларда қонунлар эмас, пора пирамидаси ҳукмронликни қўлга ола бошлади. Таниш-билишчиликка янгидан таъмал тошлари терилаётган даврлар келди...

«Тажрибалироқ» Жондордан эди. Ўғирлик билан қўлга тушганди. Иқрорига кўра, у Темир йўл станциясида тўхтаб ўтадиган ёқилғи ортилган систерналардан ҳамтовоқлари билан доимий равишда йирик миқдорда бензин ўмариб, сотиб юрган. Шериклари асосан, меласада ишлайдиган соқчилар ва темир йўл бекати маъмурлари бўлган. У қамалгач шериклари ўзларини четга олганлар. У эртадан кечгача шерикларидан нолир, улар очикда қолиб, ёлғиз ўзи қамалаётганидан аламзада эди. Тинмай, жиноятчилик борасида тажрибасизлик қилиб қўйганидан афсус чекарди.

Тутқундагиларнинг жиноятлари турлича бўлгани каби, уларнинг дард-аламлари ҳам бир-бирлариникига ўхшамайди. Бухоро Давлат университетидеда ўқиётган шахрисабзлик йигит

маъшуқаси ва унинг онасини ўлдирган. Айтишича, у бир тун микрорайонда турадиган маъшуқасиникига меҳмон бўлиб борган. Зиёфат қуюқ бўлиб, кайфи ошган талаба ўзини идора этолмасдан истамаган ҳолда қайнонасининг жонига қасд қилади. Қўли қонга ботганини англагач эса, ваҳимадан жинни бўлаёзган. Қотилликнинг изини йўқотиш мақсадида, маъшуқасини ҳам ўлдириб, уйга ўт қўйгач жуфтаси ростлаган. Аммо у узоққа кетолмаган, қўлга олинган.

Маҳбусларнинг яна бири, эшак ўғриси...

Бири эса, қизиққонлик қилиб қўшнисини болта билан чопган. Айтишича, у бу жиноятга ипини узиб, томорқасига кирган новвосни дея, арзимаган сабаб билан қўл урган.

Қизилтепалик йигит эса, хотинини тоби қочганда қўшнисининг дарвозахонасида турган мотосиклни сўрамасдан олиб, хотинини шифохонага шошилишга етказган. Барчасини мажбурликдан амалга оширган. Ҳеч нимадан хабарсиз қўшни, «мотосиклимдан айрилдим» деб, «02»га қўнғироқ қилган, ва асл ҳақиқатни англагач даъвосидан воз кечган. Аммо прокурор “бу ерда жиноят аломати бор” дея, даъвогарнинг иқрорини тан олмаган.

Ўтирганлар орасида қирқ ёшлардаги бир афғон йигит ҳам бор. У Ўзбекистонга олти ойлик кириш визаси билан келган. Бухоролик бир аёл билан танишиб, уylanган ва шу ерда бир муддат қолишга мажбур бўлган. Уни ушлашган ва «визани вақти ўтган» деган сабаб билан қамашган.

У судда иши кўрилишини олти ойдан буён кутяпти. Ўзбекистондаги суд тизимининг шафқатсизлигидан у қаттиқ ҳайиқиб қолган. Маҳбусларга берилаётган жазо турларининг адолатсиз ва порага боғлангани бунга сабаб бўлган кўринади. У қарийиб, ярим асрдан буён уруш кетаётган Афғонистондаги ҳолатни Ўзбекистон билан солиштирганда, суд тизимининг Афғонистонда мўътадил ишлашини айтади.

У ҳазил-ҳузулга унча мойил бир кимса бўлмаса ҳам, гапирганда ўзбекчаси жуда ғалати чиқади.

Маҳбуслардан бири бошига тушган кўргулик ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилди:

...Шаҳар чеккасидаги бир хушманзара ердан беш йил бурун

ер участкаси сотиб олгандим. Эр-хотин иккаламиз иморатни зўрға тикладик. Мен сувоқ қилсам, этагини липпасига қистирган хотиним лозимининг почасини шимариб, хандақда лой қорди. Лозим бўлганда мен билан баробар елкасида ёғоч кўтарди, лўмбоз босганда томдан туриб челак-челак лой тортди. Яхши кунларга етдик, энди роҳатини кўрамиз деганда, ён томонимизда илгарироқ ер сотиб олиб қўйган вилоят прокуратурасида ишлайдиган қўшни қурулиш бошлади. Уч кунда бутун материалларини келтириб, тиқиб, уч ойда данғиллама иморатини кам-кўстсиз битириб олди. Туманимиздаги кўп ташкилотларга ҳамманинг кўзи олдида солиқ солиб, уйини пора ва зўровонлик орқасидан тиклади. Кўчиб келганига кўп ўтмади, бир кун, ҳе йўқ-бе йўқ кўзимга бақрайиб туриб: «Турган жойингни менга сот, ҳовлимни кенгайтирмоқчиман. Уйингнинг пулини ортиғи билан бераман, сен бошқа жойдан уй сотиб оласан!» деди. Хотиним билан маслаҳатлашиб, уйимизни сотмайдиган бўлдик. Прокурор олдинига дўқ-пўписа қиди. Номери ўтмагач, очикчасига душманликка ўтди. Ит уруштиришга ишқивозлиги учун у ҳовлисида ҳар хил зотдор итларни боқтирарди. Бир кун унинг кучукваччаси ҳовлимизга кириб келди. Неча бора қувиб ҳайдасам ҳам кетмади. Охири, юрса-юрар деб, индамай қўйдим. Бир неча кун ўтиб, уйга иккита мелиса кириб келяпди. «Тинчликми, десам, тинчлик, сизни олиб кетишга келдик» дейишди. Борсам, мелисахонада қўшни прокурор ўтирибди. Итимни ўғирлади, дея устимдан ариза ёзган, ноинсоф. Аризага «1500 доллар» дея итининг нархини ҳам тиркаб қўйибди... Ҳикоя шу жойга етганда, афғонистонлик: «Қанча?» деди, ҳайрати бошидан ошиб. Эшитиб, бошқалар ҳам ҳайрон эди. «...Судда прокурор етти йил сўради. Судяда инсофи бор экан, уч йил берди», дея ҳикоясини давом эттирди, жабрдийда йигит кўзларига ёш олиб. Эшитиб, афғонистонлик сакраб ўрнидан туриб кетди: «Хе, ўшо... судингни ҳам бибисини, сенго тухмот қилгонни ҳам, деди. Агар Афғонистонда шундой қилса, қози уни чоқиртириб юз дарра урдироди. Бизда ҳарқолой адолат бор эканда. Дин бор, инсоф бор, ҳар нарсаго қамоб юбормайди...»

Ит баҳона жиноятчига айлантирилган йигитга жуда раҳмим

келди. Қўлидаги ҳужжатларни олиб, тунда ўтириб, шикоят аризаси ёздим.

Бир муддат ўтиб, шикоят аризаси кўрилиб, қамоқ жазоси «шартли жазога» алмаштирилди. У қамоқдан озод бўлди. Камерадагилар, эшитиб, хурсанд бўлдик. Шу воқеа сабаб, ҳамма шикоят ёзишга тушиб кетди. Менга иш кўпайиб қолди...

Маҳбуслар орасида, сберкасса қаровулини ўлдириб, кассани тунаган каззоб қотил дейсизми, ота-онаси ичкиликка ружу қўйиши оқибатида, очликдан силласи қуриган сингилчасига дўкондан бир сиқим макарон ўғирлайман, дея қўлга тушган ўн саккиз яшар рус йигитчаси, дейсизми, турли-туманини топса бўлади.

Афғонистонликнинг шу ўрис болага жуда раҳми келарди.

«Шунго ҳам қамойдимми? Сани бачча, уконг нима бўлди? Кимни қўлиго қолди?» деярдн унга. Бизда бўлгонингда, қози сани беш дарра уриб, уйингго ҳайдордида, бориб етим уконгни боқ, дерди. Бу шўролорни қозиси ёмон деб, эшитгоним рост экон...»

Гапирган гапларидан унинг ўзининг ҳам юрагига ғулғула туншарди. «Иби, акун мани нима қилсо экан, булар?» деб менга қайрилиб, сўнгра ўзи ҳақда гап бошларди.

Камерадагилар мен билан гоҳо: «Политический» деб, ҳазиллашар, аммо ҳурматимни жойига қўйишарди...

Бу воқеаларга ҳам ўн тўрт йил бўлди. У кимсаларнинг кейинги тақдирлари менга номаълум.

Ўтган давр ичида Ўзбекистонда «жиноят» турлари ва қонунлар ўзгарди. Қўйилаётган айблар, ҳатто жазолар ҳам илгаргиларга ўхшамайди. Маҳбусларга бўлган муносабат ва турмалардаги контингент тамомила бошқача бўлиб кетган...

СССР деган қудратли империя еврилаётган замонлар эди. М.Горбачёв халқларга бироз бўлсада сиёсий эркинликлар бера бошлаганди. 1990 йил, феврал ойининг охирларида Ўзбекистонда ҳам нисбатан очиқ ва демократик сайловлар ўтказилди. 181 Вобкент сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутатлигига, ўзим раҳбарлик қилаётган ПМК (қурилиш ташкилоти)дан 250 ишчи номзодимни кўрсатди. Бу ҳаракат Вобкент туманига яқинда райкомнинг биринчи котиби

бўлиб ишга келган Ҳошим Сатторовга ёқмади. Мени олдига чақиртириб, номзодимни қайтариб олишимни талаб қилди.

Ташкилотимиз ишчилари бундай қилишимга рози бўлишмади.

Олдинроқ, Окрукдан яна икки киши номзоди кўрсатилганди. Улардан бири – яқин кунгача СССР Олий Совети депутати бўлган, «Калинин» номидаги колхоз раиси Муҳтарама Наврўзова ва иккинчиси, ўқитувчи – Сулаймон Саноев эди. Ўзига бино қўйган, димоғдор Наврўзовани райком: «Опа, депутат бўлади» дея очикчасига қўлларди. Депутат бўлишидан гумони қолмаган «опа» «кучини» билдириш учун менга менсимаслик назари билан қарарди. Ўқитувчи Сулаймон Саноев содда ва нисбатан ҳалол инсон бўлишига қарамай, райкомнинг йўриғидан чиқолмасди.

Сайловчилар билан сайловолди учрашуви туманнинг «За-рафшон» колхозидаги мажлислар залида бўлди. Уч номзод бирин-кетин сўзга чиқдик. Учаламиз ҳам ўз дастуруламалимизни ирод қилдик. Йиғилганларнинг номзодлардан янги ғоялар ва фикр-муоҳозалар эшитишни истаётгани залдаги руҳий кўтаринкиликдан яққол билиниб турарди. Шу сабаб уйғона бошлаган халқнинг чинакамига сиёсий фаоллик кўрсатаётгани менга янаям куч-қувват бағишларди. Минбарга чиққаним заҳоти, гулдурос қарсақлар бошланди. Райком сайловчиларни тинчлантира олмай, оворайи жаҳон бўлди. Сайловчилар унинг авзойи бузилганини кўриб билиб турган бўлсалар ҳам, «бор, тошингни тер» дегандай, унга эътибор бермадилар. Халқ янгича тизимни, тараққиёт ва озодлик олиб келадиган кунларни қўмсаган эди. Кўриб, кўксим тоғ каби юксалди. Рақобатчиларимга ўхшаб ҳавойи гапларни гапирмадим. Ортиқ ваъдабозлик қилмадим, аммо иложи борича самимий бўлишга ҳаракат қилдим. Ўзимни сайловчиларимнинг истак-хоҳишларига монанд шижоатли ва эркин тутдим...

Ҳафсаласи пир бўлган райком, мени четга тортди, ва: «Ҳой йигит, қарсақларга кўп ҳам ишонма, деди. «Ҳа, деб «халқ», «халқ» ҳам деяверма, тушундингми?! Бошини силасанг, уйғонади ва эгасига ташланади. Аввал почангдан олади, кейин болдирингни ғажийди. Бошига тарсиллатиб, уриб турсанг ҳаддини билади ва ҳурматингни жойига қўяди. Айтиб қўяй, бари-

бир менинг айтганим бўлади!»

Кўчага чиққач, бориб скамейкага ўтирдим ва кетма-кет бир нечта сигарета тутатдим. Халқ “йўлбошчиси”нинг халқ тўғрисидаги ўринсиз фикрлари ғазабимни кўзитди. Чунки, бу ҳақоратлар менга ҳам тегишли эди. Ичимда сўнсиз бир исён пайдо бўлди. Бу исён катта курашга бел боғлаган, маррани шубҳасиз ишғол этишга ошиққан ва камситилган бир кимсанинг аҳди паймони эди...

Сайлов якунлари бўйича 68 фоиз сайловчи менга овоз берганди. Шу сабаб, “сайловни барбод қилгани учун” райкомнинг биринчи котиби ишдан олинди. Аммо Сатторовни «ёмон одам» эди, деган фикрдан йироқман. У ҳаракатчан, тиниб-тинчимас раҳбар эди. Туманда анча яхши ишларни амалга оширгани ҳам бор гап. Қисқаси, кўпчилик коммунистлар сингари партиянинг бир аскар эди, холос. Шахс сифатида ўзини намоён этишга қодир эмасди. Бир сўз билан айтганда, у буюрилганини «дўндириш»дан бошқасига ярамасди...

Маҳкама иши бошланишини кутиб ётган ўша кезларимизда, Чеченистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар таранглашгандан таранглашиб борарди.

Президент Жавҳар Дудаев Чеченистонни мустақил деб эълон қилди. Тан олишни истамаган Россия у ерга ўз қўшинларини кирита бошлади... Томга ўрнатилган радиокарнай ҳар кун бу ҳақда ахборот берарди. Онда-сонда, Ўзбекистон ҳукуматининг бу борадаги қарашлари ҳам баён қилиниб турарди. Бир гал ахборотда Чеченистон қамоқхоналарида сақланаётган маҳбусларнинг президент Дудаевга мурожаати хусусида бир сиёсий шарҳловчи гапириб қолди. Айтилишича, мурожаатда маҳкумлар қўлга қурол олиб Ватан мустақиллиги учун урушга кирмоқ истаги билан вақтинча бўлса ҳам президентдан ўзларини турмадан чиқаришни сўраган эдилар. Ватанлари тўлақонли озод бўлгач ўз ихтиёрлари билан турмага қайтишларини айтиб, «Қуръон» номи билан қасам ичгандилар.

Бу, менга жуда таъсир қилди. Аввало, Ўзбекистонда шунақа вазият рўй бергудек бўлса, бизникилар ўзларини қандай тутишлари мумкинлиги мени кўпроқ қизиқтирди. Шунинг учун каме-

радошлар орасида кичик бир сўров ўтказишга қарор бердим.

Агар юрт бошига оғир кун тушса, бизникилар ҳам бир тан-бир жон бўлиб оёққа қалқади, лозим бўлса молу жонидан кечади, мамлакатини – яъни насллар келажагини ҳеч қачон қўлдан бой бермайди, деган ўй, бутун фикри-зикримни банд қилиб турарди...

Турмада маъмурларнинг кундузги иш соатлари тугаб, маҳбуслар йўқламалардан қутулиб, ҳамма бемалол бўлганда мавзуни “халқ” муҳокамасига ташладим. Бошида, уларга мурожаатнинг маъно-мазмунини тўла англатишга ҳаракат қилдим. Сўнгра, ватанпарварлик ва миллий туйғуларни қўзғатадиган кичик маъруза бошладим. Охирида: «Йигитлар, Худо кўрсатмасин, Ўзбекистонда ҳам шунақа ҳолат юзага келса, сизлар чечен маҳкумларининг ўрнида бўлиб қолсангизлар, қандай йўл тутган бўлардингизлар», деган саволни кўндаланг қўйдим.

Бензин ўғриси дарҳол гап бошлади:

«Қўйинг, ака бу сафсатани, деди у энсаси қотиб. Озодликка чиқсам, биринчи галда мени чув тушириб, ўзлари очикда юрган шерикларимни топиб, барчасининг бошини кесардим. Кейин пулларимни йиғиб, чет элга қочардим...»

Сберкасса қоровулини ўлдириб, кассани ўмарган мавзуни давом эттирди:

«Ако, мабодо ўшандай бўлиб қолса, мени беш соатдан сўнг Ўзбекистон деган ердан тополмасдингиз. Кетишдан олдин айрим кишилар билан ҳисоб-китобимни тўғирлаб, олардим!» деди, кекирдагини дакан хўроздай чўзиб.

Талаба:

«Ака, ватан-патан деган сафсатани бир четга йиғиштириб, мусурга улоқтиринг. Бу ватан ота-бобомизга вафо қилганми, бизга вафо қилсин! Шунақа имкон туғиладиган бўлса, биринчи галда ота-онамни бориб кўрардим. Улар билан яхшилаб хайр-маъзур қилиб, дуосини олардимда, каттароқ бир магазиними, банкними, уриб, бу ерлардан бир умрга ғойиб бўлардим. Ҳаётим барбод бўлди. Мен учун энди бошқа йўл йўқ...» деди.

Ҳеч қачон тайинли бир гап айтмайдиган эшак ўғрисига навбат етди:

«Бора-сола, эшак ўғирлаганимни мелисага сотган кўшним Абдужабборни топардим. Оғзидан тортиб, менинг номимни айтган тилларини кесардим. Кейин бир гап бўлар...»

Новвosi томарқасига киргани учун қўшнисини чошиб ўлдирган маҳбус:

«Чиқиб, тўғри уйга борсам, қўшнининг ўғиллари мени кўрсалар, ўлдириб қўйишлари мумкин, деди жиддий оҳангда, қoшларини чимириб. Шунинг учун «Ватан учун жанг қилмоқчиман» деб, аввал бориб, военкоматдан қурол олардим. Сўнгра, тунда уйга бориб, вазиятни ўрганардим. Қўққисдан, қўшнининг болалари ҳужум қилиб қолса, бира тўла ҳаммасини отардим-да, изимни йўқотиш учун фронтга жўнардим. Бир-икки ой ўтгач уйга қайтиб, тирикчиликни қолган жойидан давом эттирардим. Мен учун ватан, бу – ўз уйим. Бошқалар билан ишим йўқ, ўлиб кетишмайдим...»

Ўн саккиз ёшидаги рус йигити:

«Я никуда не пошел-бы...» дея гапни қисқа қилди».

Мотосикл “ўғриси” ҳам кескин ва лўнда жавоб берди:

«Уйга бора-сола, қорамолларимнинг ҳаммасини бозорга олиб чиқиб, сотардим. Таниш судя бор, йиққанимни ўшанинг қўлига элтиб тутқазиб, бу балолардан бира тўла қутилардим. Ўшанда, ахмоқлик қилмаганимда, судяга пулни вақтида берганимда, ҳозир бу ерларда шифтга боқиб ётмасдим, мен нодон. Умуман, бизни тинч қўйинглар, илтимос. Армияга бормаганмиз. Хотин ёш, ўқ-пўқ еб, бекорга ўлиб кетмайлик».

Афғонистонлик эса:

«Ако, ўзингиз биласизку ман Афғонистондан, деди. Сизларни армияга мани оладими, йўқми билмайман. Ўзи урушлардан қочиб, бу ерларга кегондим...»

Қўлимга сигарета олиб, камера дарчаси олдига бордим. У ердан ярим-ярти кўринаётган осмонга боқдим. Қоронғи кечада ғужғон бўлиб ёниб-ўчаётган юлдузларга кўзим тушди. Ичимга ғойибдан бир ўкирик уриб кириб, ғариб ва ҳимоясиз Ватаннинг ичкикиб-ичкикиб йиғлаётганини туйгандай бўлдим. Кўзим ко-сасидан кўксимга кўзёшларим думалаганини сезмасдим. То-моғимга хўрлигим келиб тиқилиб, қулоқларим том битди. Си-

гарани тутатиб, ичимга тортганимда, бўғзимни бир нима кесиб ўтгандай бўлди. Ичим қон ва зардобга тўлди. «Бу тупроқ ҳеч қачон соҳибсиз қолмаган» дея, бақиргим келди. Қамокдалигимни эслаб, тиш қисиб, муштаримни тугдим...

Қанча чўзилмасин, суд жараёнлари бошланадиган кунлар яқинлашаётган эди. Мен ҳар томонлама маҳкама ишига тайёргарлик кўрардим. Уйдагилардан, ҳеч кимга билдирмасдан яшириқча «граната топилган» жавоннинг макетини ясаб, олиб келишларини сўрадим. Судда айтилши лозим бўлган сўнги сўз матнини ҳам олдиндан ҳозирлаб қўйдим. Маҳкама ишини сабрсизлик билан кутганим каби жаҳолатга қарши ўт очишга бутун вужудим билан интилардим...

Суд жараёни мен кутгандан ҳам кўра носоғлом вазиятда бошланди. Суд бошланишига бироз вақт қолганда содир бўлган бир воқеа асабларимни қақшатиб юборди. Мен, ўшанда «юк-сак маънавият яратяпмиз» дея иддао қиладиганларнинг кўпчилигидан қўлимни ювиб, қўлтиққа урган эдим...

ЖОНЛИ «СЕКС» ТОМОШАСИ

Шомда ширқираб қулфга калит кириб, соқчи шарақлатиб темир эшикни очди. У «хушxabар» келтирганди. Бир неча ойдан буён интизорлик билан кутилган маҳкама иши бошланаётганди...

Туни билан мижжа қоқмадим. Аввал бошдан суд жараёнларига пухта тайёргарлик кўрган бўлсамда, қайта-қайта хаёлимда режа туздим. Қандай қилиб бўлса ҳам бор ҳақиқатни юзага чиқаришим зарур, деган иддао менга бир дақиққа ҳам тинчлик бермасди. «Ўзбекистон Республикаси жиноят-просессуал кодекси»ни қайта кўздан кечирдим. Маҳкаманинг ҳалоллик билан ишни кўриб чиқишига гумоним бўлса ҳам, ичимда бирибир адолат ғалаба қозонади, деган умид бор эди.

Ялчителиб ухлолмаган бўлсам ҳам, тонг саҳарда ўрнимдан қалқиб, жанга отланаётган жангчидай соқчини кута бошладим. Икки кўзим темир эшикнинг назорасида. Одатда соқчилар судга маҳбусларни соат етти ярим саккизлар атрофида камералар-

дан бир-бир териб, олиб чиқиб кетадилар. Шу сабабдан, мен ҳам соатнинг саккизга бонг уришини юрак ҳовучлаб, кутиб, олашақшақдек тиним билмайдиган «Машъал»га қулоқ осгандим. Маъносиз куй-қўшиқлар жонимдан тўйдирган бўлсаям, янгидан уйғонган умидлар қанотида хумга қамалган май сингари тўрт девор ичида жўшиб, қайнардим. Ва ниҳоят минг бир машаққат билан соат миллари саккизни мавҳ этди. Аммо даҳлиздан «тиқ» этган товуш қулоққа чалинмасди. Тўққиз бўлди, ҳамма ёқ сув қуйгандек тинч. Соат ўн бўлди, ўн бир бўлди, ташқаридан хат-хабар йўқ. Руҳиятимдаги кўтаринкилик ўрнини тушкунлик ола бошлади. Бир нуқтада жамлаб турган хаёлларим, бўри оралаган қўйлар подасидай пораканда бўлиб кетди. Тушдан кейин чидашнинг сира иложи қолмади. Камера эшигини, «гупиллатиб» ура бошладим. Соқчи эшик кўксидеги туйнукни очар-очмас, ундан нима сабабдан мени судга олиб чиқишмаганини сўрадим.

«Бу жойга киришга ҳамма учун йўл бор. Аммо, чиқиш сиз ўйлагандек осон эмас, ўртоқ жиноятчи», деди у. Орқасидан, шунчаки ҳазиллашганини, ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтди. Дарҳол кафтига пул қистирдим. «Шест секунд» деди, ва ғойиб бўлди. «Суд маълум муддатга кечиктирилибди, сабабини ҳеч ким билмайди» деди, сўнгра у қандай ғойиб бўлган бўлса, кўққисидан эшик орқасида пайдо бўлиб.

Ҳибсхонада маҳбусларга «ўртоқ жиноятчи» деб мурожаат қилишади. Судда маҳбуснинг жинояти исботини топмагунча, аслида унга «жиноятчи» дейишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Буни қонунда лўнда қилиб ёзиб қўйган. Менга кўра, ҳали жинояти тасдиғини топмаган кимсага «ўртоқ жиноятчи» деб мурожаат қилаётган тарафнинг ўзи аслида жиноят содир қиляпти.

Маҳкама ишининг тўхтатилгани сабабини бир муддат кейин билдим. ...Суд жараёнлари бошланишини эшитган сайловчиларим карвонбошилигида мени яхши биладиган жами тўрт юз атрофидаги вобкентликлар эрталабдан суд биноси олдида тўпланганлар. Ичига ғулғула тушган ҳокимият вакиллари ва миллий хавфсизлигидагилар бир кор-ҳол чиқмасин дея, ўзларидан қўрқиб судни кечиктиришга қарор берган. Сўнгра, йиғилганларга бугунги маҳкаманинг номаълум сабабларга

кўра қолдирилганлигини, суд эртага Жондор туманида иш бошланишини айтишган ва улардан тарқалишни сўраганлар.

Танишларнинг кейинроқ берган иқрорларича, эртаси кун бир қанча сайловчиларим ва йигирмадан ортиқ дўсту ёрлар олтмиш чақирим йўл босиб Жондорга ҳам етиб борганлар.

Эртаси кун таърифини келтиролмайдиган даража ёмон бир кайфиятда уйғондим. Туни билан суднинг нима сабабдан қолдирилганини ўйлаб, ўйимга етолмадим. Эрталаб, соат ўнлар чамаси, камера эшиги кутмаганда очилди. Соқчилардан даҳлизда мени судга олиб кетишаётганларини билдим. Эшитиб, бутун баданимни титроқ босди. Ҳис-ҳаяжонимни билдирмасликка тиришдим.

Машина узоқ юрмади, орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас бир ерда тўхтади. Ташқаридан одамларнинг ғалағовури эшитиларди. Машинанинг орқа эшиги очилиши билан тўпланиб турган одамларга кўзим тушди.

Аллақандай, катта бир бино олдида эдик. Одамлар мени кўриб, қичқира бошладилар. Уларнинг кўпчиликларининг кўзларида ёш кўрдим. Юрагим тўлди, истамаганим ҳолда менинг кўзларимни ҳам кўз ёшлар пардаси қоплади...

Ҳар томон тирбанд эди. Мелисалар тўпланганларнинг қоқ ўртасидан икки тарафга бўлиб, тирик девор пайдо қилган эди. Машинадан бошланадиган «даҳлиз» суд идорасининг эшигига бориб тақаларди. Ерга қадамим тегиши билан икки билагимдан омбурдай қисиб ушлаган мелисалар мени тезлик билан бинога судраб кета бошладилар. Шунда, одамлар орасида чақалоғини бағрига маҳкам босиб, жон-жаҳди билан менга талпинаётган хотинимга кўзим тушди. Мен ҳам кишанланган қўлларимни чўзиб, бор кучим билан олдинга талпинган эдим, мелисалар тўсиб мени тўхтатиб қолдилар. Одамлар ўпқони ичида хасдек чайқалаётган хотиним, бир кор-ҳол рўй бермасин деб Эркиёрни юлқиниб бағрига босса ҳам, икки кўзини мендан узмасди. Ваҳший бир куч билан мелисалар деворини ўзим билмаган ҳолда бир ҳамлада бузиб, хотинимга етиб бордим-да, унинг бағридан кенжамни кишанланган қўлларим билан узиб олиб, жаҳд билан бағримга босдим. Бир неча мелиса баробарига устимга ёприлганда, одамлар қий-чув кўтардилар. Ичларига ваҳима оралаб,

улар саросимага тушдилар ва орқага чекиндилар. Боламни тўйиб-тўйиб ўпиб, ўпкамни исларига тўлдирдимда, чақалоқни қайтиб онаси қўлларига тутқаздим. Кишанланган қўлларимдан ушлаб, вазифасини давом эттиришга халқнинг вожаҳатини кўрган мелисаларнинг юраги бетламади. Уларни кутмасдан ўзим суд биносига қараб юриб кетдим.

Маҳкама иши Жондорда бўлади, дея ҳукуматнинг одамларни атай чалғитгани ҳаммага маълум бўлди.

Мени «Отбозор»дан унча узоқ бўлмаган Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туман халқ суди биносига олиб келгандилар. Ҳукумат аҳолини чалғитишга жон олиб-жон бериб қанчалар уринмасин, воқеа гувоҳларининг иқрорига кўра суд жараёнини беш юздан ошиқ кимса таъқиб этаётган эди. Суд зали икки юз иштирокчига мўлжаллангани учун одамлар суд жараёнларини алмашиб, навбат билан кузатардилар.

Таҳликага тушган ҳукумат суд биносини ўша кунларда мунтазам равишда эллиқдан ортиқ мелиса ва МХХ ходимлари томонидан қўриқлашга буйруқ берганди.

Бинода катта-кичик иккита суд зали бор эди. Хоҳласа, маҳкама бир вақтнинг ўзида икки жойда иш олиб бора оларди.

Мени маҳбуслар «каталашка» деб атайдиган тахминан 1,2x1,2 келадиган «ўра»га келтириб тиқдилар. Бу жойни хона деб бўлмас, у расмона каламуш ўрасидан фарқ этмасди. Фарқи, каламуш ўраси ер остида бўлса, буниси ернинг устида эди. Иккита «ўра» бир-бирига ёнма-ён қурилганди. Улар ўта қоронғи, зах ва жуда ифлос жой бўлиб, олд томонига тўлиғича темир панжара тутилган, уч тарафи бетон девор эди. Темир панжаралар соқчилар қўриқлаб турган катта залга қараб очиларди. Ҳар икки зал бир-бирига унча узоқ бўлмаган масофада бўлиб, уларга даҳлиз бўйлаб бориларди. Шу боис ҳар икки залдагиларнинг ҳам шовқини бу ердан бемалол эшитилиб турарди...

Кўп ўтмади. Соқчилар судраб, келтириб, орқадан етиб келган бир зобитнинг буйруғи билан яна бир маҳбусни менинг «ўра»мга тиқдилар.

Унга кўзим тушганида, уни иккинчи «ўра»га қамасалар керак деб ўйлаган эдим. Чунки, иккинчи «ўра» бўм-бўш эди. Зобитнинг

ҳаракатларидан таажжубга тушган эсамда, кўлимдан ҳеч иш кел-маслигини ўйлаб, тақдирга тан бердим. Қолаверса, суд жараёни тез бошланади, бироздан залга чиқаман деб тахмин қилаётган эдим. Фалокат оёқ остидан чиқишини ҳисобга олмаган эканман, судгача кутилмаган яна бир имтиҳонни топширишга тўғри келди...

Туртиниб-суртиниб, маҳбус билан қоронғида таниша бошладик:

– Мен Насрулломан, сиз кимсиз? – дедим, биринчи бўлиб.

– Что, не узнал, я Илхам! – деди у тўнғиллаб.

– Откуда мне знать тебя? – дедим мен ҳам унга ўзи жавоб берган оҳанда.

– Ты что? – деб, у менга ташланиб қолди. Икки қўллаб елкамга чанг солди. Қўлларини махкам ушлаб, уни ўзимдан итариб ташладим. У жуда қилтириқ ва нозик кўринса ҳам, анча чайир эди. «Ўра»да ким ҳукумрон эканлигини аниқлаб олиш учун икков бир-биримизни турткилашда давом этардик. Соқчилар кўриб, тамоша қилаётган бўлсалар ҳам, «миқ» этиб оғиз очмасдилар.

– Ты по какой..? – деди у бироз талашганимиздан сўнгра тинчлангандай бўлиб.

– Двести десятый, часть первый, – дедим.

– Оооо – террорист! Террорист!!! – деди у, ва негадир бирдан ҳовуридан тушди. – Сен-чи? – дедим мен унга ўзбекчалаб.

– У меня вечно одно и то же, вот уже 15 лет одно и то же.., – деди гапини қисқа қилиб.

Шу пайт:

– Менга тўхмат қилишди! Худо хоҳласа, бугун чиқиб кетаман! – деб юборганимни сезмай қолдим.

– Неужели? – деди у.

– Мен бир демократ одамман, ҳақгўйлигим тепадагиларга ёқмади, шу туфайли...

– О... Демократ! Демократия, дем-о-кра-тия! – дея, мени масхаралашга тушди у.

– Пишган калладек, ишшайма, сен нимани тушунардиг? – дедим, тутоқиб.

Шу зайлда ярим соатча ит-мушук бўлиб турдик. Сўнгра, у бирдан тинчиб қолди.

Мен ичимда уни ўғри ёки гиёҳванд бўлса керак, деган хулосага келгандим. Шунинг учун ўзимча унга «Жўқи»да дея лақаб ҳам қўйдим.

Бир пайт, мелисалар ўтирган томондаги катта залнинг эшиги очилиб, бир аёл кўринди. Илҳом, тожикчалаб, дарҳол унинг отини айтиб, чақирди. Сўнгра: «Олиб келдингми?» дея, сабр-сизлик билан панжарага ёпишди. Эр-хотин бўлсалар керак, деб эътибор бермасликка уриндим.

Соқчилардан бири бориб, аёлдан бир даста пул олди ва уни шошмасдан санаб чўнтагига тикди. Кейин, аёлнинг қўлидан рўмолчага ўралган нарсани олиб, келтириб Илҳомга берди. У қонунга хилоф бу ҳаракатларни ўта хотиржамлик ва совуққонлик билан бажарди. Унинг ўзини бамайлихотир тутишига қараганда, орқасида бошлиқлар турганини пайқаш қийин эмасди. Аёл берган нарсасининг эгасига текканига ишонч ҳосил қилгач, Илҳомга: «Мен шу ерда бўламан» дегандек ишора қилиб, эшикни ёпди.

Илҳом шоша-пиша рўмолчани очди. Рўмолчага суюқлик тўлатилган шпирис ўралганди. Кўргач, у ўзида йўқ қувониб, дарҳол чўнтагидан гугурт чиқариб, менга: «Буни, ёқ!» деди. У бир пасда ҳалим бўлиб қолганди. Нима қилмоқчи бўлганини англамасамда, гугуртни ёқдим. У енгини шимардида, гугурт ёруғида билагидан томирини излай бошлади. Кўриб, мени титроқ босди. Чунки бунақасини умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Гиёҳвандлар хусусида бир оз тасаввурга эга бўлсам ҳам, қабул қилиш жараёнига ҳаётимда биринчи бор гувоҳ бўлаётган эдим. Болалигимдан уколни ёқтирмаганман. Бетимни буриштириб, ён томонга қарадим. Аммо, истамасам ҳам кўзимни қири билан ҳаммасини кўраётган эдим. Аксига олиб, гугурт чўпи тез ёниб битди. У: «Бўл! Ёқ! Ёқ! Давай, бистрей!» деб бақирарди. Қўлим қалтираб, ҳар ёққанимда чўп ўчиб қолаверди. Ҳатто, бир марта ёниб турган чўпни бехосдан пуфлаб ўчириб ҳам қўйдим. У жовдираб, «бўлсанг-чи!» дегандек кўзлари билан менга ёлворарди. Ўнинчими, ўн бешинчими уринишда бир амаллаб, гугуртни ёқдим. У игнани билагига санчди ва шпирисдаги бор суюқликни томирига юборди. Юрагимга бирдан ваҳима оралади. Хаёлимдан, уюштирган бўлсалар-чи,

«террорист» деган айбловга «гиёҳванд»ликни ҳам қўшиб қўйишмоқчи эмасмиканлар ишқилиб, деган ўй кечди.

У игнани суғириб, бўш шпирисни рўмолчага қайта ўраб, чўнтагига тикди.

Кузатиб турган мелисалар ичидан бири:

– Илхамчик... Ну как? – деб қолди.

– Ка-аа-айф! – деди Жўқи.

Унинг башарасида ўзгаришлар содир бўла бошлаган эди. Олазарак кўзлари чақнаб, икки юзи қип-қизил бўлиб ёнарди.

Кутилмаганда, у баданини тинимсиз қашлашга тушди. Унинг елкалари уча бошлаган эди.

– Оддий гугуртни ёқишни билмайсан, қаерда ўқигансан?! – деди ғиншиниб. Гиёҳванд билан тенг бўламани, деган андишада саволига жавоб қайтармадим. Энди, у тинмай вайсарди, яна бир думалаб эшакка айланиб олганди. – Яна демократман, дейсан, демократия дегани нималигини биласанми, ўзи?! – дея, Жўқи курғур безбетларча тинмай асабимни эговларди.

Вазият қалтис эди. Можаро кучайиб, таҳлика улканлашиб борарди. Бу Худо урган гиёҳванд билан тенг бўлсам, мени маҳкама бошланмасдан келган жойимга қайтариб олиб кетишлари аниқ эди. Унинг орқасида ҳуқуқ посбонларининг казо-казолари турмаганида эди, у «адолат уйида» бу сурбетчиликларни бемалол амалга оширишга қодир эмасди. Менинг бу қопқонга тумшуғимдан илинишим, ҳукуматдагилар учун айна муддао бўлади. Рутбалари кўтарилган зобитлар, сўнгра Жўқи-га бундан ҳам кўп имкониятлар яратади.

Аксига олиб, вақт оёқлари юлинган чумолидан ҳам секин иммилларди. Суднинг бошланиши аччиқ ичак каби чўзилиб борарди. Хуллас, вайсақи гиёҳванднинг алжирашларига имкон қадар тишни-тишга қўйиб чидаб туришдан бошқа чора йўқ эди. Аммо у вақт ўтган сайин йиртқичлашар, менинг ўзимни жиловлашга уринишим, уни ваҳшийга айлантираётган эди.

Мендан садо чиқавермагач, у мени турткилай бошлади. Ғабздан қоним бошимга чиқиб, қулоқларим шанғиллаб кетди. Иккинчи Насрулло ичимда, «ур, ўлсин» деётгандек эди. Муштаримни тугиб, тумшуғининг остидан солиб оёқларим остига

йиқаман дея, ҳезланганда, кўзларим олдига ўғлимни бағрига босиб, одамлар ўпқони ичидан менга илтижоли термулган хотинимни қиёфаси келди, ва негадир шаштимдан қайтдим.

– Жўқини олинглар бу ердан, тоби қочаяпти! – дедим, соқчиларга бақириб.

Улар, «ўра» тарафга қайрилиб ҳам боқмадилар. Стол атрофида давра олиб, судланувчиларнинг орқасидан яқинлари олиб келган овқатларни баднафслик билан паққос тушираётган эдилар. Ароқ тўла пиёлаларни тўқиштириб, «ота» ва «келажаги буюк ўзбекистон» учун бўкиб-бўкиб, ичардилар. Аслида, Ўзбекистонни ёв босса, парвойларига келмасди. Бир яшиқ ароқ учун керак бўлса, улар шу тобда Ўзбекистонни Россияга қайтариб сотишга ҳам тайёр эдилар. Аммо, негадир ўз-ўзидан Жўқининг саси кесилди. Панжарага тикланиб, залнинг эшигига тикилиб тураверди. Бир пайт эшик очилиб, ҳалиги аёл мўралади.

– Уни бу ёққа, киргизиб юборинглар, пулини тўлаймиз – деди у, аёлдан икки кўзини узмай.

Ароқларини тўқиштираётган мелисалар, хохолаб кулдилар ва: – Мана шу таклиф учун охиригача сипқорамиз, – дея бараварига кўтармоқчи бўлдилар, ичларидаги бақалоқроғи: – Бир дақиқа, деди. Кўтида қолдирган «кўт»...

Ҳамма ичиб, пиёлани столга чаппа этди.

Уларнинг ичидан бири қўлидаги бир даста калитни ўйнатиб, аёлнинг ёнига борди. Аёл иккаласи бошда, ўн-ўн беш сония савдолашди. Кейин, аёл қўлини кўкраги орасига тикиб, у ердан суғириб мелисага пул чиқариб берди. Мелиса пулни бўлиб икки чўнтагига жойлагач, аёлнинг қўлидан ушлаб, уни «ўра»нинг панжарасигача бошлаб келди. Аввалида, уларнинг мақсади нима эканлигини англамадим. Англагач, бутун вужудим нафрат билан тўлиб тошди. Бунақа тубанликни кўриш нари турсин, ҳаётим бино бўлиб эшитмаган ҳам эдим. Инсон деб аталмиш Аллоҳ азиз ва мукаррам этиб яратмиш маҳлуқ ҳам шунчалар жирканч ва уятсиз бўлиши мумкинми, ажабо?!

Ширакайф мелиса эшикка калит сола бошлади. У учун ҳеч қанақа ғайриоддий нарса содир бўлмаётгандек эди. Ҳар кун юз бериши мумкин бўлган воқеа содир бўлаётгандек, у пи-

нагини бузмасди. Менинг эса ичимга даҳшат кирган эди. Гўё, назаримда ҳозир портлаб, парча-парча бўлиб кетадигандек ўзимни ҳис қилардим.

«Йў-ўқ-қ!» дея бақириб юборганимни сезмай қолдим.

Ҳайқириқдан ароқхўрлик қилаётган мелисаларнинг капалаги учиб кетди. Ҳаммалари уяси бузилган қовоқарилар сингари панжарага ёприлиб келдилар.

– Бу ишни ҳайвон ҳам қилмайди. Сизлар нима қиялпсизлар, ўзи? Ақл-ҳушларингиздан жудо бўлмаганмисизлар?!

– Нима дединг?! – дея ширакайф Жўқи менга ташланди.

Ортиқ, чекинишга чегара қолмаган эди. Эндиям, тилимни томоғимга ютадиган бўлсам, тилсиз шайтондан фарқ этмасдим. Жўқини қаттиқ кучоқлаб, икки букдим. «Тамом, етар!» дегандай у қўллини ҳавога кўтаргач, бўшатдим, у турган ўрнида бўшаган қоп сингари шалпайиб ўтириб қолди.

Шунда мелисалардан бири: – Э, жўра! Кайф қилиб, томоша этмайсанми? «Живой секс»ни турмадан чиққунча кўрасанми, йўқми? Ҳақиқатчи, қонунчи бўлсанг, ҳали қутулиб чиқишингга гарантия ҳам йўқ! – деди менга.

Ҳеч нима демадим.

– Нега қизариб, кетдинг? Гапларим ёқмадимми? – деди у. – Майли, хоҳламасанг, сени бошқасига ўтказамиз!

Юзимга қон тепчиганини ўзим ҳам сезиб турардим.

Мени иккинчи «ўра»га ташлашди. Аёлни биринчи «ўра»га тиқиб, Жўқи иккаласининг устидан қулфлаб қўйишди. Суд биноси ичида жонли «секс» томошаси бошланди. Мелисалар безрайиб, боқиб, ҳайбаракаллагичилик қилиб, ҳаёсизларни олқишлаб турдилар...

Бутун дунёда, полицияга энг тарбияли, ақлли ва фаросати жойида йигитларни саралаб ишга олишади. Улар ўз халқининг ҳақиқий ҳимоячилари, адолат ва миллат ҳақ-ҳуқуқларининг кафолатидирлар. Бизда, тескариси. Дордан қочган, онаси билан ҳам жинсий алоқа қилишга майллари борлар мелисаликка сараланади. Бу маълум бир соҳа соҳибларининг хатоси эмас, тизим чириётганининг аломатидир.

Мен кўрган бу бедодликни дунё дунё бўлиб ҳеч ким Ўзбеки-

стондан бошқа жойда кўрмаган бўлса керак. Жаҳон урушларида ва руслар тупроқларимизга бостириб келиб, аждодларимизни қиличдан беомон ўтказганда ҳам, сабабсиз қамаб, судсиз отганда ҳам, бунақа пасткашликлар содир этилмагани бор гап. Бундан кўра, сўроқсиз ва судсиз ўзингга қабр кавлатиб отиб ташлашса, ўзингни бу қадар камситилмаган ҳис қиласан, одам...

Бурчақда турган телефон жиринглади. Гўшакни кўтарган соқчи: «Есть!» деди. Сўнгра, келиб мен турган «ўра»нинг эшигини очиб: «Ўртоқ жиноятчи, чиқинг, кетдик!» деди.

Бир неча соқчилар қуршовида суд залига кириб бордим. Суд зали одамларга лик тўла эди. Бир-бир, уларга разм солдим. Уларнинг ичида қариндош-уруғлар, дўстлар ва танишлардан ташқари нотаниш инсонлар ҳам анчагина эди. Чехралар ташвишли кўринса ҳам, ботинида умид учқунлари сачраб тургани яққол сезиларди.

Чамамда, яхши гумон қилинаётгани билан суднинг адолатли яқун топишига ҳаммада ишонч йўқ эди.

Шундай қилиб, 1994 йилнинг 4 апрел куни тушга яқин; болалари ётадиган уйдаги жавонда – кийим ва ўйинчоқлар орасига жанговор граната «яширган» Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати устидан суд мақкамаси иш бошланди. Масхарабозлик ҳукмронлик қилган суд жараёнларида ажабтовур ҳангомалар содир бўлишини аввалдан билганимда эдим, замонамизнинг Хўжа Насриддини бўлмиш Ҳожибой Тожибойни суд раисидан маққамада қатнашишни ялиниб сўраган бўлардим...

ЖАЖЖИ ГУВОҲ

Ўқиганингиз каби суд тўрт девор ортидаги ғалва билан бошланди.

Судя бошда ҳайъат аъзоларини таништирди. Томонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида тушунтириш берди. «Айблов хулосаси»ни узундан-узоқ ўқиди. Ва, охирида судда гувоҳлик берувчиларнинг рўйхатини эълон қилди. Рўйхат бошида Вобкент туман ИИБ бошлиғи ва жиноят ишлари бўйича бўлим бошлиғи

турарди. Уларнинг пешидан Бухоро вилояти ИИБга қарашли жиноят-қидирув бўлимининг уч нафар ходими ва Вобкент туман ИИБ биносида доимий навбатчиликда турадиган юк автомашинаси ҳайдовчисининг исми-шарифи ўқилди. Тинтув актига имзо қўйган етти кишининг олтиси ички ишлар ходимлари эди. Еттинчи гувоҳ қўшнимизнинг ўғли – Ҳожиёв Абдуқаҳҳор бўлиб, уни ўша тунда тинтувга мажбурлаб олиб келишган.

Кун томонларнинг хайр-хўши билан якун топди.

Мен бу разилликни ҳар қандай йўл билан фош қилишга енг шимарган эдим.

Бу ишнинг жуда оғирлигини ҳам, амалга ошириш учун юздан ўн – ўттиз орасида имкониятим борлигини ҳам тушуниб етгандим.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам чиқмаган жондан умид зайлида иш тутишга мажбур эдим. Жон, жон бериб олинишини, Беҳбудий айтмоқчи: Ҳақ берилмаслигини, олинишини, муҳолифатнинг Бухородаги бир лидери сифатида ўзимга шиор қилиб танлагандим.

Бошида айтганимдек, болалар ётоқхонасидаги жавоннинг макети қўлимга тегиши лозим эди. Бу ишда менга хотинимдан бошқа биров кўмак беролмасди. Ундан ташқари “жанговор граната”нинг менга оид эканлигига хулоса берган эксперт аёлни суд жараёнларида ҳозир бўлиши муҳим эди. Суд жараёнлари адолат мезонларида иш кўрадиган бўлса, мен сўзсиз у берган хулосанинг асосли эканини ҳеч қанақа қийинчиликсиз чипакка чиқарардим.

Албатта, қайта-қайта урғу бераётганимдек, маҳкама ишини олиб бораётган маъмурларнинг адолат мезонларига эмас, мустабидлик ранги билан тусини ўзгартираётган ҳукуматга ён босишлари маълум бўлиб борарди.

Тафсилотларни ойдинлаштириш учун яна бир жажжи кимсанинг судда гувоҳ сифатида қатнашишига тўғри келарди. У тўққиз ёшли қизим, Мадина эди....

«Айблов хулосаси» ва гувоҳлар рўйхати ўқиб эшиттирилгач, судья мендан қўшимча гувоҳлар чақириш учун талабнома ёздириб олди.

Шу билан суднинг биринчи куни тугади.

Камерага кирибоқ, каравотга чўзилдим.

Эрталаб, хотинимнинг қучоғига ўғлимни бераётганимда у мелисаларнинг саросимага тушиб қолганидан фойдаланиб, баъзи бир маълумотларни қулоғимга шипшитишга улгурган эди. Шу сабаб, ўша машҳум тундаги воқеаларни қайта бошдан эслаб, хаёлан ҳақиқатни юзага чиқаришнинг чорасини излардим.

... Болалар ётоқхонасининг тўлиқ бир тарафи китоб тоқчаси ва кийим-кечакларни илиш учун жавонга айлантирилганди. Ҳаммаси қўлбола услубда ясалганди. Жавон ҳам энига ҳам бўйига уч қисмга бўлинган бир нечта тоқчалар ва тортмалардан иборат эди. Хотиним болаларнинг ҳар бирига уларни алоҳида-алоҳида бўлиб берганди. Ҳар бир бола кийим, китоб ва уйинчоқларни ўз бўлмасида сақларди.

Хотиним кафтимга қистирган мактубдагиларга кўра, катта қизим Мадина ўша тунда хонага кимнингдир кирганини сезиб, уйғониб кетган. Пардадан тушган хира ёруғда у кимсанинг ҳаракатлари яққол кўзга ташланган. Қаттиқ кўрққан қизим, даммини ичига ютиб, ўзи англамаган бир ҳолатда «жиноят иши» қандай тайёрланганининг гувоҳи бўлган. Шарпа жавонни пайпаслаб, очиб, ғаладонларнинг бирига қўйнидан бир нимани олиб, «тақ» эткизиб ташлаган. (Ҳар ҳолда, унинг «тақ» эткизиб ташлашни истамагани тайин. Шу томонини ҳисобга олсак, ўша нарса унинг қўлидан бехосдан тушиб кетган бўлиши мумкин). Табиий, қизим у нарсанинг нималигини билмаган. Шарпа қайтиб чиқаётганда, ойнанинг ёруғида юз-кўзи аниқ кўринган... Мен қамалганимдан кейин, қизим барчасини ойисига айтиб берган.

Бу дегани, қизим ўша кимсани кўрса, аниқ танийди дегани эди.

Суднинг иккинчи куни мужмал бир кайфиятда бошланди. Чунки, гувоҳ сифатида чақирилган мелисаларнинг бирортаси суд маҳкамасига келмади. Ўша тунда навбатчиликда турган ҳайдовчи – Аҳмат ака билан қўшнимиз Абдуқаҳҳор келди холос.

Судя уларни бирма-бир чақириб, гувоҳлик ола бошлади.

Аҳмат ака, ўша тунда мелисалар билан ҳақиқатан бизни кига келганини, аммо тинтувда қатнашмаганини, тинтув пайтида ҳовлида турганини, гранатани ким қаердан топганини кўрмаганини айтди.

Тинтув ўтказилганидан сўнгра ҳамма мелисахонага борган.

У ерда унга аллақандай қоғозларга қўл қўйдириб олишган. У ўз қўли билан ҳеч нима ёзмаган, хат саводи бўлмагани учун имзо қўяётган қоғозларни ҳам ўқимаган. Қисқаси, у киши шунчалик соддалик ва гўллик билан гапирдики, залда ўтирганлар ҳам кулди, ҳам ғазабланди.

Биздан икки ҳовли наридаги қўшнимиз – ёш йигит Абдуқаҳҳор ҳам шунга ўхшаш гап қилди. У ўзини мелисалар алдаганини, нима сабабдан олиб келганларини тушунмаганини ва қилган ишидан пушаймон эканлигини билдирди. Қоғозларга ўқимай қўл қўйиб берганини, кимдир унга ўша тунда гранатани кўрсатганини, у нарсанинг қаердан топилганлигини кўрмаганлигини ва ҳеч нимадан хабарсизлигини тан олди.

Фитна бошида юқоридагилар турганини ҳамма яхши биларди. Аммо, уларга яхши кўриниш учун виждонини сотган ижрочиларнинг пасткашлиги кўпроқ ҳаммани бирдай ҳайратга солганди. Миллатнинг ва давлатнинг суянган тоғлари бўлишга арзийдиган касб эгалари мелисаларнинг ахлатга тушган қурт каби ўзларини чиркин ва нафратга лойиқ тутишлари, келажакда жамият ичида туриб сон-саноксиз сохта жиноятлар уюштирилиши мумкинлигидан дарак бераётганди. Бошқа томондан, туҳматга бош-қош бўлган ва ёлғон гувоҳлик берган «халқ поспонлари»нинг менинг ишимни чеккадан кузатаётгани жуда таҳликали эди. Бу, улар навбатдаги топшириқни бекляпди, дегани эди. Чунки, улар шахс сифатида бир чақага қиммат, юқоридан «бос» дейилса, фитнанинг «туҳмат машина»сига миниб, олчоқликларини давом эттирмасликларига кафолат йўқ эди.

Суд залида қайнотам, Эшпўлот Ёров ва акам Саъдулла Саидов умидсизликка кўмилиб, ҳар замон хомуш бўлиб ўтирардилар. Қайнотам, мени яхши кўргани каби мен ҳам у кишини жуда ҳурмат қилардим. У киши паст-баландни кўрган, тажрибали ва зийрак одам эди. Вақтида, у мактаб директори бўлган. Кейин колхозда партком, сўнгра райком инструктори бўлиб ишлаган. Охирда, барчасидан қўл силтаб, Бухоро шаҳридаги бир институт ётоқхонасида комендантлик қиларди. Унинг қаттиқ изтироб чекаётгани бутун қиёфасидан ёғилиб турар, хаста бўлгани учун унга асабийлашиш мумкин эмасди. Асабийлаш-

са, қон босими кўтарилиб, оёқлари шишарди ва юролмасдан қоларди. У бошимизга тушган тухмат тошларининг залворини кўтара олмади. Маҳкама иши тугагандан ўн кун ўтиб, олтмиш ёшида тўсатдан вафот этди.

Акам эса, ўзини илмга бағишлаган, ҳақиқатгўй инсон эди. У қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича ажабтовур илмий иш қилган олим, физика фанлари номзоди, университет домласи эди... Гапнинг қисқаси, қайнатам ва акам иккаласи мелиса-гувоҳларнинг судга келишларини ташкил қилишлари лозим эди. Суд жараёни чоғида, уларни яқинроққа имлаб чақириб, муаммони бир бало қилиб ҳал қилишни сўрадим. Улар шу заҳоти суд залини тарк этиб, чиқиб кетдилар...

Кейин айтишларича, суд залидан чиқиб, улар тўғри Бухоро ИИБ биносига боришган. Ичкарига кира олмасдан роса овора бўлганлар. Улар билан ҳеч ким гаплашишни истамаган. Улар ҳам бошлиқ олдига киришни талаб қилиб, ИИБ биноси олдидан кетмай, кун бўйи тураверганлар. Кечга бориб, масъулиятли лавозимда ишлайдиган бир кишига улар ўз дардларини айтишга мувафақ бўлганлар. У кимса юқоридагилардан кўрқмасдан, юрак бетлаб, ёрдам қўлини чўзгач ишнинг ҳал бўлиши учун йўл очилган.

Ўша одам мардлик қилиб, гувоҳлик беришдан қочиб юрган мелисаларнинг судга келишини таъминламаганда, билмадим, аҳволим не кечарди?!

Ҳибсхонанинг тошбақага ўхшаш ҳамма жойи берк, ичи қоп-қоронғи темир машинаси ҳар кун судга олиб келиб, олиб кетади. Йўлда ҳам, ҳибсхонада ҳам бир хил манзара. Бир кинони юз марта кўрган каби кунлар турган жойида айланаверади, айланаверади...

Яна, янги кун бошланди. Яна, «тошбақа» ўлгурнинг қуёшдан тандирдек ёниб турган ичига қамалиб маҳкамага етиб келдим. Суд тушдан сўнг бошланди. Аниқлик йўқ, айтилган сўзга амал қилиш йўқ. Суд раиси кўнглига қараб иш тутади. Ишини, мол-ҳолини ташлаб келган одамлар аҳволи уни қизиқтирмайди. Тизим фуқаро учун эмас, мамлакатни қай йўл билан бўлсаям, жиловлашга тиришаётган кучлар учун ишлайди. Ҳукумат бошида турган уқувсиз бир кимсадан диктатор ясаб, оёғини ер-

дан узиш учун тиришади. Мулозимлар мансаб курсиларидан мосуво бўлмасдан туриб, ҳар қандай йўл билан бойлик ортириб қолиш ташвишида. Советнинг таълим-тарбиясини олган коммунист сарқитлар сиёсатни фалаж қилишга аҳд қилганлари каби, мамлакат иқтисодиётини парон-парча этишга киришганлар. Тузум алмашаётган жараёнларда данғиллама уйлар қуриб, бола-чақанинг келажагини таъминлаш уларнинг умр мазмунига айланган. Уларнинг нафсга ботган қоронғи дунёсида давлатчиликка йўл йўқ. Тараққиёт ва ривожланиш – бойиш ва ҳукуматни идора этиш учун тўсиқ бўлиб кўринади. Уларни маънавиятнинг «м» ҳарфи ҳам қизиқтирмайди. Така бўлсин, сут берсин қабилида иш кўрадилар. Чунки, яккаҳоқимликка интилаётган Каримовга ҳам, «Келажаги буюк давлат» дея дунёга аюҳаннос солинаётган Ўзбекистоннинг келажигига ҳам ҳеч кимда умид йўқ. Мамлакатнинг муҳим соҳаларини эгаллаб олган «порахўрлар армияси», «Ўзбек давлатчилиги» деган тушунчани, умумман тасаввурларига сиғдира олмайдилар. Улар, ҳалиям Иттифоқнинг қайта тикланишига умид қилиб яшайдилар. Пора – мамлакатнинг жон томирига айланиб боряпти.

Вобкент тумани ИИБ бошлиғи чақирув қоғозни қўлда тутганча залга кириб келди. Судя уни дарров минбарга чорлади, ва суд ишига алоқадор воқеа тавсилотларини сўради. У сўз бошламасдан суд залида ўтирган хотинимга ишора қилдим. У «жанговор граната» топилган жавоннинг кичик макетини чиқариб, ҳаммининг кўзи тушадиган ерга қўйди. «Бошлиқ» кўриб, саросимага тушди. Сўзни нимадан бошлашни билмай, каловланиб қолди. У бир макетга боқса, бир менга боқарди. Залдагиларга анқовланиб термулаётган кўзларида овсарларнинг кўзларидаги сингари бир олазараклик кезарди.

Ахири, тинтув ўтказилган пайтда у болалар ётоқхонасида бўлмаганлигини, ҳовли ташқарисида сигарета тутатиб турганини тан олди. Гранатанинг қаердан топилганини кўрмаганини, ва ҳеч нима билмаслигини айтди. Кўриб, давлат қораловчиси сифатида қатнашаётган прокуратура вакилининг таъби тириқ бўлди.

ИИБ бошлиғига, у:

– Кўрмаган бўлсангиз, протоколга нега қўл қўйдингиз! –

дея бақирди.

– Мен ўз йигитларимга ишондим, улар “топдик” деди, мен эса қўл қўйдим, – деди, у ҳам тагини ҳўллаган ёш боладай, минғирлаб.

Залда, ғалағовур кўтарилди. Ҳамма икки бир бўлиб ўтирган жойида вазиятни муҳокома қилишга тушди. Судя залдагиларни тинчлантиришга чақирарди. Аммо, унинг қўлидан жиллов чиқиб бўлганди. Охирида, ғалағовур кўтарилганининг ўзи учун фойдали бўлганини тушуниб етди, шекилли, у суд эртага давом этишини эълон қилди.

Кундан-кун суд залида нотаниш одамлар кўпайиб борарди. Дастакчилар уларнинг кимликларига парво қилмас, улар шунчаки жой танқис бўлиб бораётганидан норози эди. Кўпаяётганлар, ўзларининг кимликларини билдирмасликка ҳаракат қилаётган бўлсалар ҳам, мен ва атрофимдаги бир-икки ҳушёр ҳамкорларим, уларнинг кўпчиликлари махсус хизмат ходимлари эканини билиб турардик. Назаримда, ҳукумат яна бир фитнага ҳозирлик кўраётгандек эди. Уларнинг орасида ароқ ичиб келганлар ва оғзи шалоқлари ҳам кўп эди.

Бутун бузғунчиликлар бошида ҳукуматнинг ўзи турганидан кейин, бизнинг қўлимиздан нима ҳам келарди?! Ака-укаларимга ишора қилиб, ифвога учмасликка, ҳушёрликни қўлдан бой бермасликка ундаб турардим, холос.

Қилғиликни қилиб қўйиб, қочиб юрган ИИБ жиноят қидирув бўлими ходимларидан бирининг судда пайдо бўлганлигини кўриб, сал таскин топдим.

Акам ва қайнатамнинг хизматлари беҳуда кетмаганди.

Кўрсатма берган мелиса ходими роса чайналди. Ҳақиқатан жанговор граната топилганини, аммо уни у топмаганини, кимдир “топилди” деганда, бориб жойида кўрганини айтди.

Мен судядан сўз сўраб, гувоҳнинг макетдан граната топилган жойни аниқ кўрсатиб беришини сўрадим.

Залда ўтирганлар уни диққат билан кузатиб турдилар.

У макетни кўриб, аввал ҳайратга тушди. Сўнгра оҳиста қадамлар билан макетнинг олдига борди. Узоқ термулиб турди-да, жавоннинг чап томонидан биринчи бўлмадаги иккинчи

токчани кўрсатди. Мен судядан илтимос қилиб, гувоҳ кўрсатган жойни баённомага киритишни сўрадим.

Ови бароридан келмаётган прокурорнинг ичидан куйиб жизғанақ бўлаётгани бор башарасидан ёғилиб турарди. У гувоҳга ўзини қўполдан-қўпол кўрсатиб, бир неча саволлар берган бўлди. У одамларнинг кўзи учун гўё “граната топилган” жойни қайта-қайта сўраб, «жиноят»ни аниқлаштираётгандек эди. Ботинида эса, фитнанинг фош бўлаётганидан аламзада эди. У асл ҳақиқатни ҳаммадан кўра яхшироқ биларди.

Рухсат теккан гувоҳ елкасидан оғир тоғ қулаган каби залдан деярли учиб чиқиб кетди. У аслида шериклари наздида хол қўйган бўлса ҳам, шу билан иш битди қутулдим деб, ўйлаган эди.

Навбатдаги гувоҳ етиб келмагани боис танаффус эълон қилинди.

У орадан бир соат ўтиб, судянинг рўпарасида пайдо бўлди. Фақат ва фақат ҳақиқатни сўзлашга ваъда бергач, кўрсатма бера бошлади. Айтишича, гранатани у топмаган, аммо топилганда гувоҳ бўлиб турган.

Охирида, гранатанинг аллақандай яшиқ ичида, болаларнинг ўйинчоқ ва кийимлари орасидан чиққанини ҳам у илова қилишни унутмади.

У ўзи тўқиган афсонасини айтиб тугатар-тугатмас, судядан менга сўз беришларини сўрадим.

Шунда, прокурор орага суқилиб:

– Намунча чайналасан? Граната топган бўлсанг, топдим деб, тўғриси айт, топилган жойни кўрсат! – дея, асабий бир ҳолатда гувоҳга дағдаға қилди. Менинг муддаом ҳам ундан жавоннинг қаеридан гранатани топганлигини сўраш эди.

Гувоҳ пўписадан ўзини йўқотиб, кўзларини бақрайтирганча шалвираб қолди. Сўнг макетнинг олдига бориб, чап томондан учинчи бўлманинг биринчи токчасини кўрсатди. Кўрсатмани суд баённомага киритди.

Шунақа пайтларда, менинг икки кўзим бувиси билан ёнма-ён ўтирган қизим Мадинада бўларди. «Ётоқхонага кирган, шуми?» деган ишорамни у ярим қарашимдан дарров англайдиган бўлиб қолганди. У: “Йўқ” дея, бош чайқади.

Шомга яқин суд залида учинчи мелиса-гувоҳ пайдо бўлди. Тахминимча, роса омадим чопаётганди. Уларнинг турли вақтда судга келишлари, тил бириктиришларига монелик кўрсатарди. Албатта, бу поракандалик уларнинг ишлари сабаб эди. Ҳаммаси бир вақтда келганларида эса, уларнинг тил бириктириб олиб, тухматни қойиллатишларига имкон туғиларди.

Йирик гавдали, қора палто кийиб, бошига шилапа қўндирган ўттиз ёшлар чамаси бир кимса зал эшигидан ичкари кириши билан қизимга боқдим. Унга кўзи тушиши билан қизимнинг ранги оқарди. Кимса аввалги ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ шахдам юриб, кўтаринки кайфиятда олдинги қатордаги бўш ўриндиққа бориб ўтирди. Бироз ўтиб, судя уни минбарга чақирди.

Бу пайт қизим, ич-ичидан бўзлаб, йиғлаб ўтирарди. Онам кўзёшларини рўмолчаси билан артиб, «кўрқма, қизим» дегандай, унга далда берарди.

Қизимда пайдо бўлган барча нишонлар сўнги гувоҳнинг жавонга граната ташлаган кимса эканидан далолат бераётганидан шубҳам йўқ эди. Буни онам ҳам пайқаган эди. У оппоқ рўмолга ўралган Қуръони каримни менга имлаб, кўрсатаётган эди. Уммул китоб рўмолга ўралган бўлса ҳам, онамнинг феълидан келиб чиқиб, мен рўмолда нима борлигини дарров фаҳмлаган эдим. Онамга шошмасликни, вақти соати етгач ўзим ишора қилишимни бир амаллаб тушунтирдим.

Гувоҳ гранатани шахсан ўзи болалар кийими ва ўйинчоқлари турган жавондан топганини ва бошқаларга кўрсатганини фахр билан ўктам бир овозда тантанали равишда тан олди.

Эшитиб, онам хўнграб йиғлаб юборди. Менга отилаётган тухмат тошлари унинг юрагини қора қон қилган эди.

У, ортиқ чидолмади. Боласини сиртлон чангалидан юлиб олаётган ярадор арслон каби ҳайқириб:

– Суд болам, ижозат беринг, неварам гапирсин! – деди, юзини юваётган кўз ёшларини артаркан.

Суд раиси, гап нимадалигини англашга тиришди, англай олмади. Онамнинг юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан ноласидан таъсирланди шекилли, у ҳам рўмолчасини чиқариб, пешанасини ва кўзларини артди.

– Сўз берамиз, албатта сўз берамиз, у ҳам рўйхатда бор! – деди сўнгра.

Сўнгра, гувоҳ қолган еридан сўзида давом этди...

«Опер»нинг ўн дақиқа олдинги шашти қолмаганди. У, тилини ари чаққан кимсадай ғўлдирар, қўллари пиянистанинг қўли сингари тинмай қалтирарди. Устига халқ кийгизиб қўйган мундирда халқнинг ўзини қопаётган кўпакнинг бу аянчли ҳолати залдаги кўпчиликнинг борҳо нафратини кўзғатди.

Хафвсизликнинг одамлар орасига сизган «лайчалари» ҳам адолат олдида мағлуб бўлаётганларидан қизариб-бўзариб, ўзларини билдириб қўяётган эдилар. Фитна уюштиришга ҳозир бу малъунбашараларнинг оёқлари қалтираб ранги учганди.

Лиқ тўла залга ташқаридагилар ҳам тикилиб кира бошладилар. Ҳеч кимнинг текин томошадан қуруқ қолгиси келмасди. Ичкарига кира олмаганлар, ҳатто ташқаридан деразаларга ёпишиб олдилар...

– Нимага ажина чалган жиннидек, ғўлдирайсан? Одамга ўхшаб, гапир! – дея прокурор бақириб, ўтирган ўрнидан туриб кетди. – Жанговор гранатани қаердан, қай ҳолатда топдинг? Содир этилган жиноятнинг асосий гувоҳи бўла туриб ҳам, уни исботлаб беролмайсанми?!

Сўнгра, у суд раисига ўрин қолдирмай, гувоҳдан гранатанинг жавоннинг қаеридан топилганини сўради.

Гувоҳ макетни кўриши билан ўзини йўқотди. Юраман дея, депсиниб, юз тубан йиқилишига бир баҳя қолди. У жавонга яқинлашиши билан таваккал қилиб ўрта бўлмадаги биринчи тортмани кўрсатди. Сўнгра, «тўғрими» деётгандек прокурорга илтижоли термулди.

У кўзлари билан ёлвориб, прокурордан ўзини тўғри йўналтиришни сўраётган эди. Сирнинг фош бўлаётганидан жаҳли чиққан давлат қораловчиси ўзини тутолмай тутоқиб, кетди. «Овсар!» дея тишини қисиб, афтини бужмайтирди...

Ваъдасига амал қилган судя, мен ёзган талабномани инobatга олиб, қизим Мадинага кўрганларини сўзлаб беришга рухсат берди.

Одам кўплигидан залда нафас олиш қийинлашиб борарди. Эркин ҳаракатланишнинг сира иложи йўқ эди. Шу боис, одамлар Ма-

динани қўлма-қўл узатиб, бир пасда минбарга чиқариб қўйдилар.

Гувоҳ билан қизим чамаси икки метр масофада юзма-юз турарди. Зобит қизимга нафрат сачратаётган кўзларини тикма-син, қизим унга эътибор бермади.

– Мен ҳам қасам ичайми? – деди, у сўзга лаб жуфтларкан. Эшитиб, кутилмаганда кўнглим бузилди.

Жимжилоқдек қизалоқнинг ўзини катталардай тутиши судяга ҳам таъсир қилди.

– Гапир, қизим, нима дейсан?! – деди у. – Мен сенга, ишонаман. Уйларингиздан граната топилган кеча сен нимани кўрдинг?

Қизим, мелисага қайрилиб, боқди:

– Мен бу кимсани танийман! У ўша тунда, бизникига келганди. Кечкурун ухлаб ётганимда, ётоқхонамизга кириб, жавонга бир нима ташлади. У нарса "тақ" этганда, жуда қўрқиб кетдим...

Шундай дея қизим шўрлик, йиғлаб юборди. Шунда, рафиқам Муқаддасхон уни овутишга тушди.

– Мелиса ҳам қароқчилик қиладими, ёлғон гапирадими?! Менинг дадам, яхши одам. Бировга ёмонлик қилмайди... дея, қизим бор овози билан ҳўнграб-ҳўнграб, йиғларди.

Кўриб, мелиса типирчилашга тушди. У қизимга бир нима демоқчи бўларди, овози чиқмасди.

Зал эса, сукунатга чўпган. Дамини ичига ютган одамлар, шу тобда гўё портлаб кетадигандай асабий сиёқда зўрға ўтирардилар.

Мелиса кўп уринди, оғзидан бир сўз чиқмади.

Икки дақиқалик жимликдан сўнгра, бутун зал бир қалқиб, тушиб, кутмаганда залда соат кўнғироқ чалиб юборгандай бир вазият пайдо бўлди. Аёллар, ўтирган ерларида, гувоҳни ёзғира кетдилар. Бириси: «Ҳа, кўзинг оқиб тушсин!» деса, иккинчиси: «Ҳа-а, бировга чох қазиган қўлларинг, синсин!» дерди. Учинчиси: «Худони ғазабига учра!» дея қолган жойидан олдиарди...

Йиғлаб ўтирган онам қўққисдан ўтирган ўрнидан туриб, кўлида Қуръон минбарга қараб юрди.

– Она, бўлди, қўйинг! Кўксида зарра виждони бўлса, олган сабоғи бир умрга етарли бўлди! – дея онамни базўр ўтирттирдим.

Судя зални тинчлантириш учун тўқмоғи билан столни урарди. Ғалағовур эса, борҳо кўтарилиб борарди. Ахири,

шовқин-сурон босилавермагач у гувоҳни залдан чиқариб юборишга мажбур бўлди.

Гувоҳлардан яна эксперт аёл ва туман ИИБ жиноят қидирув бўлими бошлиғининг судга келиши кутилаётган эди. Аммо, улар келмади. Шу боис, суд мажлиси яна чўзиладиган бўлди.

Суднинг учинчи куни, шу тарзда кечди.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Камерага киришим билан ўзимни каравотга отдим. Кейинги икки ойда биринчи марта мириқиб, ухладим. Уйғонганимда, қушдек енгил эдим.

Биринчи гувоҳ “гранатани жавоннинг чап томонидаги биринчи бўлма, иккинчи тоқчасидан топилди” деб, айтди. Иккинчи гувоҳ эса, “чап томондаги учинчи бўлма биринчи тоқчасидаги қути ичидан топдик” деб айтди. Учинчи гувоҳ бўлса, умуман бошка жойни – жавоннинг ўрта бўлмаси биринчи тоқчани кўрсатди. Учта гувоҳ бир-бирига қарама-қарши кўрсатма беряпти. Қизим эса, гранатани ташлаб қўйган одамни кўрган заҳоти таниди... Назаримда, ишлар юришаётганга ўхшарди...

Қариндош-уруғлар анча-мунча егулик олиб келган экан. Қоровуллар егуликларни ичкарига олиб киришимга монелик кўрсатишмади. Чамамда, уларнинг менга бўлган муносабатлари илий бошлаган эди.

Камерадагилар билан ўтириб, овқатландик.

Уларни кўпроқ суддаги жараёнлар қизиқтирарди. Бугунги воқеаларни бошдан-оёқ ҳикоя қилдим. Эшитиб, барчаси хурсанд бўлди.

Тўртинчи кун суд йиғилиши одатдагидан кечроқ бошланди. Бу мени ташвишлантирмасдан қўймади. Назаримда, менинг масалам бу ерда ҳал бўладиганга ўхшамасди.

Ўзбекистонда суд ва прокуратуранинг мустақиллиги таъминланмаганлигини қонунлардан озроқ хабари бор одам яхши англайди. Айниқса, сиёсий мотивлар билан турли баҳоналар асосида айбланганлар иши юқорининг имо-ишораси асосида кўриларди. Шу сабаб, судянинг руҳий ҳолати унинг юз-кўзи ва ҳар бир ҳаракатидан уфуриб туради. Мана шуларни ҳисобга олиб, ҳамма вақт прокурор ва суд раисининг ўзини қандай тутишига диққат қаратар эдим. Улар танаффусдан танаффусгача бир неча марта ўзгарардилар. Танаффусдан чиққанларида

юқоридан қандай топшириқ бўлганлиги уларнинг чехраларида акс этиб турарди. Яъни, уларнинг афт-башарасига қараб, Тошкентдаги «иклим»ни англаш унчалик қийин эмасди. Бундан ташқари, суд раиси ва прокурор бир кунда икки марта махсус хизматларга ҳисобот беради, баробарида йўл-йўриқ олади, деб ҳам эшитган эдим.

Бугун суд раисининг ҳам, прокурорнинг ҳам авзойи бузуқ эди. Адашмасам, бу нишона юқоридан қонунга зид топшириқ бўлганини англатарди.

Эксперт аёл суд йиғилиши бошланмасдан аввал кириб, бир чеккада ўтириб олган экан. Судя ундан минбарга чиқишни сўради. Ўзбек тилини билмаслиги назарга олинадиган бўлса, у кўринишидан корейс миллатига мансуб эди.

Судя ундан эксперт сифатида «жанговор граната» борасидаги фикрини сўради. У хулосани ўзи ёзганлигини, аммо граната қаердан, қачон ва ким томонидан топилганлигини билмаслигини айтди.

Шунда, судя:

– Вы уверены, что то граната была боевая? Вид, у нее не была запала? (Сиз граната жанговор эканлигига ишонасизми? Ахир унинг учқун чиқарадиган қисми, запали йўқ экан-ку?) – деб қолди.

Судянинг кутилмаганда берган саволидан прокурор ақлини йўқотаёзди. У жиноят таркибида жиноят аломатлари йўқлиги маълум бўлишини хоҳламасди. Фикри ожизимча, менинг ишим ҳукумат истагандек яқун топишидан биринчи навбатда у манфаатдор эди. Унинг ҳукуматнинг жазо таёғи эканидан ҳеч гумоним йўқ эди. Ҳукуматнинг ғзабига учраганларнинг додони Ўзбекистонда прокурор берарди.

Тергов материаллари билан танишганимда биринчи навбатда эксперт хулосасига қаттиқ эътибор қаратган эдим. Хулосада, «топилган» гранатанинг запали – учқун чиқарадиган қисми йўқлиги ҳақида гап борарди. Тергов жараёнларида мени ҳимоя қилган Аҳад Эшонқулов «запал» деган нарса ҳақида тушунтириш бериб, унингсиз граната ҳеч қачон жанговор ҳисобланмаслигини таъкидлаганди. Шундан келиб чиқиб, запалсиз гранатанинг портламаслигини яхши билардим. Де-

мак, ўша лаънати граната мабодо меники бўлгандаям, у учун мени жавобгарликка тортиш қонуна имконсиз эди. Терговчи ушбу ҳолатни билиб туриб ҳам, терговни тўхтатмаган эди. У тўхтатишни хоҳлаганда ҳам юқорининг истагига қарши бориб, бу ишнинг уддасидан чиқа олмасди. Бу хатога урғу берган адвокат Аҳмад Эшонқулов ҳам уч кун ўтиб, ўшанда ишни ташлаб жуфтакни ростлаган эди.

– «Я так и написала, что нет «запал»а, остальное дело следователя. Он должен был решат этот вопрос (Мен гранатининг учкун чиқарадиган қисми йук, деб ёзганман. Қолгани терговчининг иши. У ҳал қилиши лозим.)» – дея эксперт судянинг саволига жавоб берди.

Шунда, экспертга саволим борлигини айтиб, судядан сўз сўрадим.

– Ваша совесть не мучает, что перед Вами судять совершенно не виновного человека? Во первых на гранате нет моих отпечатков пальца, во вторых Вы дали заключение на неопределенный предмет? Откуда я знаю тот ли предмет, которого будто «нашли» у меня дома Вы обследовали? – Вы выглядете как порядочный человек, но Вы оказывается – бессовестная! (Мутлақо айбсиз одамни суд қилишаётганидан виждонингиз қийналмайдими? Биринчидан, ўша гранатада менинг бармоқ изларим йўқ. Иккинчидан, сиз аниқланмаган бир нарсага – яроқсиз буюмга қараб хулоса ёзгансиз. Менинг уйимдан топилди, деб даъво қилинаётган нарсани айнан ўзини текширганнингизни мен қаердан биламан?! Сиз кўринишидан тартибли, ҳалол бир одамга ўхшайсиз-у, аслида виждонсиз экансиз!)

Русчада билганимча, қўшиб-чатиб сўзлаганларим экспертга қаттиқ таъсир қилди.

– Мне сказали, что этот предмет какого-то разбойника, террориста. А я вижу, что Вы порядочный, грамотный человек. Поэтому я прошу суда, вернуть этот предмет на дополнительное обследованию, - деди у. (Менга бу нарсани қандайдир бир қароқчиниқи, террористники деб айтишганди. Кўриб, турибман, сиз тартибли, зиёли бир одам экансиз. Шу боис суддан мен бу нарсани қайта ўрганиш учун юборишларини сўрайман).

Аёлим, суҳбат мазмунини яхши англамади, шекилли.

Менга қараб:

– Нима деди, у корейс хотин? – деб қолди.

У табиатан жуда зийрак бўлгани учун ҳар бир нарсанинг тагига етишга тиришарди. Ҳозир ҳам билиб-билмай гапираётган бўлсада, шубҳа этишга унда ҳақи бор деб ўйлайман. Чунки, бошимизга тушган адолатсизликлар туфайли у мендан ҳам кўпроқ азият чекаётганди. Тенгсиз ва омонсиз душманга қарши курашда, у менинг икки қанотим, руҳимнинг кескир шамшири эди. Ва, баробарида у оиламизнинг нажот қалъаси, наслимиз давомининг кафолати эди.

Ҳазиллашиб:

– Жиғилдони эмас, виждони бор экан! – дедим.

Эшитиб, эксперт хотиним икковимизга қараб жилмайиб қўйди. Ичимда, ўзбекчани биларкан, демак ўзбекнинг қалбини ҳам англайди, деб ўйладим.

Аммо, прокурорга экспертнинг гаплари ёқмаётганди...

Тушдан сўнгра суд залига энг охирги гувоҳ – Вобкент туман ИИБ жиноят қидирув гуруҳи сардори чақиртирилди. Бу йигитни яхши танирдим. У билан бирга ишлашга тўғри келган. Мен Вобкент туман ижроия қўмитасининг архитектура ва қурилиш бўлимида ишлаганимда, у «ижроком»нинг умумий бўлимида ишларди. Сўнгра, у меласага ишга ўтди. Кўп ўтмади, мен ҳам «Агропром»га масъул вазифага тайинландим. Секин-аста, у ҳукуматнинг, мен халқнинг одамига айландим. Тақдир тақозоси билан бугун суд залида у билан тўқнаш келиб турибмиз. Аслида, мен уни эмас, у мени суд залига судраб келди. У энди амалдор, елкасида нишони бор. Мен эсам, қўлларимда кишан темир қафасдаги қора курсида ўтирибман...

Ўша машҳум тунда, у тинтув гуруҳига раҳбар эди. Ёзув-чизувларни ҳам масъул сифатида, унинг ўзи амалга оширганди. Кейинроқ, терговчи ҳам унинг ёзганларига асосланиб, дастлабки суриштирув ишларини олиб борди. Хуллас, ҳалигача, у бўйнимга солган сиртмоқ исканжасидаман... Унинг оиласини ҳам яқиндан танирдим. У жуда камбағал оиладан чиққан. Ўта тиришқоқ бўлса ҳам, у учун оқ-қоранинг фарқи йўқ. Кучли то-

моннинг манфаатини қойилмақом қилиб ҳимоя қилади...

Тинтув ўтказилган ўша тунда, у жуда жиддий эди. Ўзини мен билан ҳеч қачон учрашмаган одамдек тутди. Пешонасини тириштириб, қовоғини осиб олди. Икки лунжига тош солиб олгандек, ияги кўксига тушди...

Хуллас, энг охириги гувоҳ минбарга чиқди. У, гўё ўзини ўзича ҳукумат заҳирада мен учун асраб қўйган ўлим келтирувчи сўнгги ўқ деб ҳисоблаётганди. Ғалабасидан шубҳаси йўқлиги, қиёфасидан билиниб турарди.

Менга тўнқалган нимаики номаъқулчилик бўлса, у «айблов хулосаси»да ёзилгандек қилиб, нуқта-вергулигача бир-бир айтиб ўтди. У «айблов хулосаси»ни ёд олган эди. У, на олдидаги бир даста қоғозга кўз югуртирар, на унда суфлиёрга эҳтиёж бор эди. Шундан англашилди-ки, зиммасига юқоридан Насрулло Сайидни жиноятчига айлантириш талаби юклатилган. Унинг мени жиноятчига айлантиришни хизмат бурчи сифатида қабул қилганидан ҳам гумоним йўқ. «Тинтув ўтказ», деб амир берганларида, у ўта совуққонлик билан тинтув ўтказди. Бугун унга «ўша кундаги ўзинг режиссёрлик қилган спектални ҳаётини воқеага айлантир» дея ҳукм қилишяпти, у бу иш учун ҳам қўлидан келганини қилади. Мушфиқ бир онанинг юрак-бағри қонга тўлиши, беш полапоннинг чирқираши-ю, Халққа Хурлик ва Ватанга тараққиёт истаган отанинг зулмдан олчоқларнинг оёқлари остида чўккалаши, энди уни ортиқ қизиқтирмайди. Юқоридагиларнинг «маладес» деган бир оғиз сўзи учун у онасини сотишга ҳам тайёр!

Прокурор, ундан граната жавоннинг айнан қаеридан топилганини сўради. Прокурорнинг биринчи бўлиб гувоҳни саволга тутиши, уларнинг олдиндан тил бириктирганини билдирарди. Яъни, прокурор ортиқ таваккал қилмоқчи эмас эди.

Гувоҳ олдидаги бир даста қоғозни титкилаб, граната топилган жой ҳақидаги ёзувни қидирди. Овоз чиқазмасдан кўзлари билан ўқигач, бориб, ўша жойни макетдан кўрсатди...

Судядан сўз беришни сўрадим. Рухсат теккач, гувоҳдан: «Кўрсатмаларингизнинг ростлигига ўзингиз ишонасизми?» деб сўрадим.

У бир муддат ўйланиб, жим бўлиб қолди. Сўнгра: «Ҳа, ишо-

наман!» деб жавоб берди. Аммо, кўзимга тик қарамади. Мен фурсатни бой бермай, ўтирганлар орасидан кўзларим билан онамни изладим. Ҳали мен онамни топмасдан, мени кузатиб турган онам Қуръонни бағрига босиб, минбарга чиқа бошлади. Онамнинг вожаҳатини кўрган гувоҳ: «Ўғлингиз нима қиларди, сиёсатга араллашиб, биз ҳам хизматдаги одаммиз. Буюрдилар, бажардик!» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Ҳаммаси, мен истагандек бўлди. Гувоҳнинг сўзсиз таслим бўлганини кўрган онам, ортига қайтиб, жойига бориб ўтирди.

Нималар содир бўлаётганини илғамай қолган прокурор билан судянинг эси оғай, деди.

Залда эса, аллақачон ғалафовур бошланган эди...

Судя рўйхатга киритилган барча гувоҳлардан кўрсатмалар олинганини айтиб, охириги сўз менга берилажагини эълон қилди.

«Охириги сўз» тайёр эди. Уни жуда қисқа ва лўнда қилиб ёзган эдим.

Судяга қўлимдаги кишанни ечишларини, қўлларимда кишан билан охириги сўзимни айтишни истамаслигимни айтдим. Судя рози бўлди. Қўлларимдан кишанни ечдилар. Икки соқчи келиб, икки ёнимда турди...

СЎНГГИ СЎЗ

Шу мушфиқ Ватанда халқ билан эт ва тирноқ каби ўсиб, улғайдим. Миллатимнинг нурли шууридан ва олмос руҳидан маънан баҳра олиб, вояга етдим. Ва, бир кун ақлимни танидим. Ақлимни танигач, Ватанимнинг аҳволи жуда абгор экани билиниб қолди. Халқимнинг ўз тупроғида, ўз уйида қул мисоли қора меҳнатга жалб этилгани мени ҳайратга солди.

Унинг қадоқ қўлларига кўринмас кишанлар урилган, кўзлари кўринмас дурра билан боғланган эди. У тутқун ва ҳақ-ҳуқуқидан мосуво қилинган бир бечора эди. Аммо қуллигидан, ҳуқуқсизлигидан у жуда ҳам мамнун эди. Чунки, Хурлик нима, тараққиёт ва ривожланиш нима у барчасини унутган, қадимда ота-боболар яратган буюк тамаддунлардан узулганига асрлар

кечганди. Унинг бахтини тараннум этгувчи ширин чўпчаклар қоғозларда эди.

Имкон туғилгач, ёлғонларнинг асири бўлган Ватанни озод кўришни истаганларнинг сафларига ўзимни урдим. Юртни, Мустақиллик ва демократия золимлар зулмидан қутқаради, деганлар билан жипслашдим. Мен бу йўлни хато йўл, деб ҳисобламайман. Миллатни ва давлатни тараққиёт ва ривожланишга олиб борадиган сиёсий платформамдан ўлмасам, ҳеч қачон воз кечмайман.

Миллатимнинг ҳақиқий Хурликни қўлга киритишини истайман. Тупроқларимни Озод ва Обод кўриш – виждоним амри, қалбим даъвати.

Бу иш муҳолифлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳалол кураш билан амалга ошади. Қонун шоҳнинг ҳам гадонинг ҳам раҳномосига айланган кун биз Озод ва Обод бўламиз!

Сиёсатга лўттибозлик аралашса, мамлакат инқирозга учрайди, жоҳиллик ва худбинлик пайдо қилган қоронғуликдан миллат ҳеч қачон қочиб қутулмайди.

Барчасини, тинчлик ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширадиган фурсат етди. Бу дамлар бир меҳмон – биз кутган кун келди, эртага орқасига қайтиб кетиши мумкин. Вақтида отни қамчиласак, афсус қиламиз, ҳеч қандай фойдаси бўлмайди.

Аммо, бу йўлда қурбонларсиз ғалабани таъминлашнинг имкони йўққа ўхшаяпти...

Ҳаракатларимда Конституцияга зид бирор бир ҳолат йўқ. Менга кўзғатилган жиноят ишининг сохта ва ясамалигини эл-олам кўриб турибди. Шундай экан, нима учун мени таъқиб қилаётганларига тушунмайман.

Уйимда ноқонуний тинтув уюштирилиб, «жанговор граната топилди», дея тухмат қилинаётгани, бу нафақат менга, бутун Ўзбекистон қонунларига, демократияга нисбатан ҳурматсизликдир, ғафлат уйқусидан уйғонаётган халққа хиёнатдир!

Шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида, дарҳол қамоқдан озод этилишимни ва Ўзбекистон қонунларини оёқости қилганлар устидан жиноят иши очишларингизни талаб қиламан!

Охирги сўзни ўқиб тугатдим. Зал бир муддат сукунат ичида

қолди. Кимдир йиғлади, кимдир хомуш тортди. Хўрлигим келиб, кутмаганда юрагим санчди. Кўзларим олди қоронғулашиб, ҳушимни йўқота бошладим. Йиқилиб тушмаслик учун дарров курсига ўтирдим. Соқчилар қўлимга кишан солди. Кимдир кишанланган қўлимдаги қоғозни тортиб олиб, судяга узатди.

Судянинг:

– Биз сиздан бошқача нутқ кутгандик! – деганини туш деб ўйладим.

Аммо, қилмаган жиноятим учун мен ҳеч кимдан кечириб сўрамайман, деган хаёл бошимда айланаётган бўлса ҳам, тилимга келтира олмадим. Бутун вужудимдан мадор қочганди. Назаримда, еру осмон бошимда чарх уриб айланаётгандек эди...

Ўзимга келганимда, судя ўрнида йўқ, прокурор ким биландир телефонда гаплашаётган эди. Сўнгра, у ҳам залдан чиқиб кетди. Бутун аламлар чашма кўзидаги оғир тош каби бўғзимда қолди...

Суд ҳайъатининг маслаҳати жуда ҳам чўзилиб кетди.

Устунлик тўла мен томонда бўлсада, кўнглим негадир безовта эди. Асаблари қақшаган одамлар ҳам жуда толиққан эдилар.

Ахири, мени тўрт кун аввал Жўқи билан ўтирган «ўра»га олиб бориб қамадилар.

Соқчилар билан ўтган кунлар мобайнида ўртамизда илиқ муносабатлар пайдо бўлганди. Жараёнларни ўз кўзлари билан кузатиб, уларнинг фикрлари ўзгара бошлади. Фурсатдан фойдаланиб, улардан қайнотамни чақириб беришларини илтимос қилдим. Мукофотига «яримта» ваъда қилишни ҳам унутмадим.

– Амаки, Судя билан прокурорнинг оёғи куйган товукдек тирчиллашига қараганда, нимадир бўлаяпти. Агар мени эртага турмадан олиб келишмаса, билинг, иш чатоқ. Ҳар ҳолда, улар ҳукмини ўқиб эшитириш учун одамларнинг тарқаб кетишини кутяпдилар. Улар тарқамайдиган бўлса, “ишни қайта терговга юборамиз” деб, уларни чалғитишлари ҳам мумкин. Юқори, улардан мени оғир жазога тортишни талаб қилган кўринади. Натижалар бунга монелик қилади. Ҳар ҳолда, тахминимча

шунга уларнинг боши қотган!

– Хукм ўқилмагунича, биз ҳеч қаяққа кетмаймиз! – деди қайнатам, терлаб-пишиб. – Ноҳақлик бўлса, ёппасига адолат ис-таб ҳокимиятга борамиз!

– Эҳтимол.., сиз ҳақдирсиз! – дедим, у кишига. Чунки, бошқа айтадиган гапим йўқ эди. Бу ишнинг сўнги нима бўлишини ўйлаб, бошим ачиб кетаётганди.

Кун кеч бўлиб қолганди.

Хукм ўқилмаса, одамларнинг суд залини ташлаб кетмасликлари ҳам тобора аниқ бўлиб борарди. Бунга, уларнинг ҳам ақллари етди шекилли, судянинг келаётганини эълон қилишди.

У тажанг ва асабий бир ҳолатда суд залига кириб келди.

– Ўртоқлар, судга бир муддат танаффус эълон қилинади! – деди, судя. – Кейинги жараёнлар қачон давом этади, хабарини берамиз!

Эшитиб, зал жунбушга келди. Одамлар, ҳақли талаблари билан тўс-тўполон кўтара бошладилар.

– Ортиқ, нимаси қолди? Тугатинг, қўйингда, ҳаммаси аниқ-ку! – деди кимдир.

– Сиз ҳам уларга шерик бўлмоқчимисиз! Адолат борми, ўзи? – дея қичқирди, бошқа биров.

Кимдир, «Ишнинг бошида ўзлари турибди. Шуларнинг ўзларини қамамаса, бу иш ёпилмайди!» дея бақирди... Хуллас, ҳар ким хаёлига келган сўзни аямай гапира бошлади.

Уларга ҳам шу керак эди. «Жанжал бошланяпти», деган баҳона билан дарҳол мени суд залидан олиб чиқиб кетдилар.

«Тошбақа»га чиқаётганимда, қулоқларимга одамларнинг: «Ҳокимиятга борамиз, адолатнинг қарор топиши учун намоиш қиламиз!» – деган қийқириқлари эшитилди.

Эшик ёпилгач, машина «Отбозор» томон елдай учиб кетди!

Мен кетгач, нималар содир бўлганини эртаси кун эшитдим.

Судянинг қароридан норози халқ катта кўчани тўлдириб, Бу-хоро вилоят ҳокимлиги томон юра бошлаган. Йўл ярмида, суд раиси билан прокурор бир неча фуқаролик кийимидаги кимсалар ва мелисалар ҳамроҳлигида намоишчиларнинг олдини тўсганлар. Ва, эртага судни давом эттиришга ваъда берган-

лар. Агар судя билан прокурор ваъдасида турмаса, одамлар эртага албатта намойишни давом эттиришларини, таъкидлаб, бир муддатдан сўнгра тарқаб кетганлар.

Суднинг охирги куни кўп чўзилмади. Суд мажлиси, эрталаб ўнда ўз ишини бошлади.

Биринчи бўлиб, давлат қораловчиси гапирди. Устунлик тўлиғича мен томонда бўлса ҳам, у барибир мени «айбдор» деб топди ва уч йил қамоқ жазоси сўради.

Сўнгра, суд ҳайъати аъзолари маслаҳатга кирди. Улар узоқ «маслаҳатлашдилар». Аслида, улар маслаҳатлашмаётган эдилар. Тошкентдан кўрсатма кутаётган эдилар.

Ниҳоят судя ҳукми эълон қилди!

СУД ҲУКМИДАН ПАРЧА

...Насрулло Сайидов... «айбдор» деб топилсин ва унга нисбатан бир йиллик қамоқ жазоси белгилансин. Унинг биринчи марта жиноятга қўл урганлиги ва кўплаб фуқаролар ва сайловчилари томонидан қўллаб-қувватланганлиги инobatга олиниб..., ЖКнинг... моддаларига асосан жазоси енгиллаштирилиб, мажбурий меҳнатга жалб қилиш шаклидаги шартли жазога алмаштирилсин. Махсус комендатура қошидаги жазони ўташ муассасасида белгиланган муддатини ўтасин ва... суд залидан озод қилинсин...

ХОТИМА

Менинг бошимга иш тушган у йилларда, диктатура энди бош кўтариб келаётган эди. Мен, унинг чангалидан осон қутулдим. Судлов мен ва мен кабиларнинг ишларидан тажриба орттирди. Биздан кейинги тухматга учраган муҳолифларга ўзини ҳимоя қилиш учун ҳеч қанақа имконият қолдирилмади. Менинг ишим ҳам сал кейин кўрилганда эди, узоқ муддатга қамоқхоналарда қолиб кетишим мумкин эди. Балки, ҳозир тирик

бўлмаган бўлардим.

Қонунлар мўътадил ишлайдиган дунё мамлакатларида инсон ўз айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Гумон қилаётган томон айбни исботлаши керак.

Бизда, айбдор саналаётган томонга ҳеч қурса айбсизлигини исботлашга имкон яратиб бериш лозим. Диктатура ҳукмбардорлик қилаётган бир юртда, шунинг ўзи ҳам катта иш. Бу минглаган айбсиз айбдорларнинг жазодан қутулиб қолишига имкон беради.

Ҳар қалай, бизнинг кунлардаги судлов билан солиштириладиган бўлсам, менга омад кулиб боққан деб ўйлайман. Каримов бошқаруви у кунларда бу қадар йиртқичлашмаган эди. Хавфсизлик ташкилотлари ходимлари орасида ёрдам қўлини чўзадиган одамларни топса бўларди.

Кейинроқ эшитишимча, бизга мелиса-гувоҳларни судга тортишга ёрдам берган инсонни ҳам ўша кунларда ишдан четлаштиришган. Бу дегани, хавфсизлик ташкилотлари қадамба-қадам зулм машинасига айлантирилаётган эди. Ўзбекистонда жорий ҳукумат томонидан пухта ўйланган, аниқ режа асосида иш олиб боришга мослаштирилган диктатура бошланган эди...

Бу хотираларни ёзмасам, ўзимга ҳам миллатимга ҳам хиёнат қилган бўлардим. Келгуси авлодлар, бизнинг кунлардаги қонунсизликни ва инсон қадр-қимматининг бир чақага арзимаслигини менинг тимсолимда тасаввур қилолмасди.

Икки-уч ой тергов изоляторида ўтириш ёки бир йил комендатура соқчилари назоратида қурилиш майдончасида ҳам-моллик қилиш унчалик ҳам азоб эмас. Ўзбекистонда ўн беш-ўн олти йилдан ошиқ қилмаган жинояти учун тергов изоляторларида ётиб чиққанлар бор. Кимлар эса, ҳалигача ҳам қилган айбини билмай қамалиб ётибди.

Мен судлов жараёнларидаги ноҳақсизликлар мисолида, ўзбек жамиятининг маънан тубсиз бир жарликка қулаб бораётганини очиб беришга ҳаракат қилдим. Бунга қанчалик эришдим, билмайман.

Бузуқ бир тузум касофатидан ота-боболар тиклаган маъ-

навият устунларига билиб-билмай болта уряпмиз. Одоб ва ахлоқсизлик туфайли, маънавиятсизлик – чирмовуқдай илдиз отиб боряпди. Адолат қувғунга учраб, зулм қувватга кирапди.

Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» деган китоби ҳақида эшитганларимнинг чўпчаклигини бошқалар ҳам яхши билади. Мамлакатни чўктирган, юз минглаган одамларнинг умрига зомин бўлган бир кимсанинг маънавият ҳақида ёзишининг ўзи, маънавиятсизликдир!

Канада 2008 йил, май-июнь.

ЗАРРА

(саргузашт ҳикоялар)

ЗАРРА

(сарғузашт ҳикоялар)

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

«Албатта Парвардигорингиз — Аллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз Аършига юксалди. У кечани (қоронғуликни) кундузга ўрар, (ва кеча кундузни) шошилган ҳолда қувиб юрар. У қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Униқидир. Барча оламлар Парвардигори — Аллоҳ буюқдир» (Аъроф: 54).

Ер планетаси – беҳад чексиз Оламнинг кичиккина бир заррасидир. Агар "Ер" деб аталмиш ўша заррани биз бир рақамга тенглаштирадиган бўлсак, Ердаги борлиқ одамзот ўша бирнинг орқасига чексиз ноллар қўйилганда ҳосил бўладиган рақамга, ўша бир бўлинганида ҳосил бўлажак даражадаги митти нуқтачадир. Бу нуқтачанинг ичида (8 миллиардга яқин одам) биргина одамни илғаб, топиб бўладими? Бу буюк чексизлик қаърида инсоннинг умри шунчалик қисқаки... Уни ҳатто бир лаҳзага тенглаштиришга ҳам тил бормайди.

Шу ҳақиқатни англаган инсон бу ёруғ дунёга келаркан, ўзини шу "чексизлик" ичидаги кичик бир зарра, ҳаётини эса шу "чексизлик"даги бир лаҳзага деб, ҳис қилиб яшамоғи лозим.

Шунга қарамай, ҳар бир зарра Буюк Яратувчининг эътиборида, лаҳзалар эса Унинг амри билан осмондан ерга тушаётган метеорит тезлигида шиддат билан ўтиб кетаверади...

У кимнидир, куч-қудрат соҳиби этса, кимнидир бир тишлам нонга зор этади. Кимдир, кеча-кундуз югуриб-елиб, қўллари бўш қайтади. Кимдир, ўтирган жойида мол-давлатга соҳиб чиқади. Бу барчаси, имтиҳон. Ҳикмати ҳам ёлғиз унинг Ўзига аён!

Бир Зарра ўлароқ, Яратганнинг амри билан мен ҳам бу дунёда

имтиҳон бермоқ учун келганман. Эсимни таниган кундан бери Ўзбекистоннинг Ватаним эканини исмимни билганим каби биламан. Ўзбекистон халқи – менинг халқимдир, Она заминдаги пушти паноҳимдир. Бутун курраи заминдаги ҳамфикрлар ва менга маслакдошлар – биродарларимдирлар!

Умр Коинот ва Заминни идрок этишим учун ва чексизлик қаъридаги зарранинг зарраси эканимни англашим учун берилган. Аммо, одам аввал ўзини англамоғи лозим... Кейин Оламини... Ўзини ва Оламини англаб етган инсон Яратганнинг мавжудлигини эътироф этмай иложи йўқ...

Курашлар ичида кечаётган жараёнлар эса, шубҳасиз, менинг ҳаётимдир. Омонатга берилган фурсат баъзан хурсандчилик билан, баъзан қайғу ғам билан ўтиб бормоқда.

Тангри ҳар бандасини ўз хулқ-атвори билан яратади.

Менинг ҳам ўзимга яраша хулқ-атворим, ўзимга хос турмуш тарзим бор. Бу дунёда ҳеч кимнинг хулқ-атвори бир-бириникига ўхшамайди.

Бировга ёқса-ёқмаса, азалда ато этилган хулқ-атвори ўзгартириш жуда ҳам қийин. Аммо, шу кичик бир зарра атворини ўзгартира олмаса ҳам, дунёни ўзгартиришга бел боғлаган.

Зарралигимни ўйлаб, гоҳо орқага чекинишга ҳаракат қиламан, аммо тийиқсиз юрак мени олдинга қараб судрайверади.

Ҳа, юрак ҳамиша бетоқат. Улкан кашфиётлар қилаётган бошқа зарраларни кўриб, у зарранинг ичидаги бир тутқун эканлигини унутиб қўяди. Фалақдаги қуёш билан беллашмоқчи бўлиб, тунлари ойнинг жамолига маҳлиё бўлади.

Сал жонсараклигим, хаёлпараст, сал романтиклигим балки шу юракнинг шарофатидандир. Гоҳо сал зикнароқлигим, тажанг ва ичиторлигим балки юракка баъзида қарши турмоқчи бўлганим туфайлидир. У, менга тегишли бўлса ҳам менга бўйинсунмайди. Ўжарликда ҳам қайсарликда ҳам у мендан ўзиб кетади, жиловини бермайди.

Болалиқдан ўта қизиқувчан, тиниб-тинчимас бўлганман. Бошлаган ишимни охирига етказмагунча, кўнглим ҳаловат топмайди. Зарра бўлсам ҳам, ўзимни тоғлардек буюк ҳис этишга одатланганман. Феълим нозик бўлса ҳам, бағрим жуда кенг.

Сал қўполлигим ва шаддодлигим ҳам йўқ эмас. Инжиқлигим, уйғоқлигимдан бўлса керак!

Ҳаракатсизлик нима, мен бу сўзнинг маъносини тушунишни истамайман. Бўш туриш – мен учун ўлим билан баробар. Шунинг учун «сокин» ва тор қамоқхона камерасининг мен учун тобутдан фарқи йўқ!

Озодлик ва Эркинлик – менинг икки қанотимдир!

Кўнглимга ботмайдиган ишлар билан юзма-юз келганда, гоҳида телбалигим кўзийди. Шу боис, ҳаётда жуда кўп азият чекаман. Аммо, мен телбалиқдан қутулишга уринмайман. У менинг «мен»лигимни, «ўзлик»имни – шахсимни ва шахсиятимни кўриқлайди. Номус ва ориятимни бир лаҳза бўлсин, ғафлатга бериб қўймайди. Унингсиз, мен ҳеч кимман!

Яқинда эллик икки ёшни қаршиладим. Ўтган умр саргузаштларга бой кечди.

Табиатан, саргузаштлар шайдосиман. Сиёсатга ҳам шу одадим туфайли аралашиб қолдим. Ҳалига довур, унинг ичидан чиқа олмайман. Орқага йўл бўлганда ҳам ҳеч замон чекинишни истамаган бўлардим. Адолат излаганим учун – Юртимни Обод, Халқимни Озод кўрмоқни ният қилганим ва кураш майдонидан чекинишни хоҳламаганим учун тинмасдан орқамдан таъқиб этадилар!

Зарра эсамда, чексизлик қаъридаги бир ёруғ юлдузни излайвераман. Ва, бир кун истаётган нарсамни ичим кенгликларидан топишимга ҳам ишонаман. Чунки, Аллоҳ таоло инсон хаёлларини учқур ва ичини коинот сингари сир-асрорларга бой қилиб яратганини тушуняпман.

ТИНЧ ОКЕАНИ ҚИРҒОҒИ БЎЙЛАБ САЁХАТ

Гўзал Ванкувер шаҳрига сафарим чоғида, Тинч океани соҳилида содир бўлган бир ҳангома ҳақида ёзмоқчиман.

Бизни қочқин ўлароқ бағрига олган Канада жуда улкан мамлакат. Унинг бир томонини Атлантика океани сувлари ювса, иккинчи томони Тинч океани қирғоқларига туташади. Шимол-

да Шимолий Муз океани, жанубда эса Америка Қўшма Штатлари бор. Агар Канада шарқидан ғарбига бормоқчи бўлсангиз, учоқда 7 соат учишингизга тўғри келади. Бу Тошкентдан Москвага бориб, ортга қайтиб келиш дегани.

Қарийиб уч йилдан буён Алберта провинсияси пойтахти Эдмонтонда яшайман. Бу ерда мусофирман, юртимдаги сиёсий босимлардан қочиб, шу ерларга келиб қолдим. Канаданинг энг ғарбий провинсияси ҳисобланмиш Британия Колумбияси бизга қўшни. Ундан нарис, Тинч океани ва ундан ҳам нарис Чукоткадан бошланадиган Осиё қитъаси. Орада, ер шари кенглигининг ярми бор холос.

Ванкуверни таърифини эшитмаган одам бўлмаса керак. Ҳавоси тозалиги, иқлимнинг мўътадил ва табиати нақадар гўзаллиги билан афсонага айланган бу муҳташам шаҳарни ҳамма бир кўришни орзу қилади. Тарихи узоқ, минг йилликларга бориб тақаладиган ушбу шаҳар бағридан оқиб ўтадиган Фрезер дарёси ҳақида кўплаб ҳикоя ва ривоятлар ўқиганман.

Ванкувер деганда, унинг уч бора (2005, 2007 ва 2009 йиллари) «Дунёдаги энг ажойиб ва зўр шаҳар» деб эълон қилинганини ва яқинда бу шаҳарда Қишги Олимпияда ўйинлари бўлиб ўтганини кўпчилик билади.

Март ойи охирида Ванкуверга борадиган бўлдим. Ора унча узоқ бўлмасада, шу пайтгача бу шаҳарга саёҳат қила олмаган эдим. Энди, Тинч океани қирғоқларида тўйиб-тўйиб нафас олиш орзуйим рўёбга чиқади. Албатта, бу орзуйимнинг ўзига яраша сабаблари бор...

Русларда Владимир Жириновский деган бир ултра миллатчи масхарабоз бор. У ўз чиқишлари билан авомни ўзига қарата олиш санъатини пухта эгаллаган. 1991 йилдан Россиянинг катта сиёсатига аралашиб юрган ушбу кимса фаолиятини доимо кузатиб бораман. Унинг руслар учун қанчалик аҳамиятли шахс эканлиги мен учун жумбоқ эмас. Сиёсий эврилишлар даврида Жириновскийга ўхшаш шахслар миллат руҳини кўтаришга анча асқотади. Миллий туйғуларни қўзғатиш орқали миллатнинг эртанги кунга ишончини орттириш бир сиёсий ўйин ўлароқ санъат ҳамдир. Менга кўра, Россия давлати бошида тур-

ганлар Жириновскийдан шу мақсадда фойдаланадилар.

Анча йиллар илгари Жириновский ўзининг бир телбанамо чиқишида «русские солдаты будут мыть сапоги в Индийском океане» дея дағдаға қилганди. Бу унинг сиёсий саҳнадаги биринчи чиқиши эмас эди албатта. У ўзининг илгарги чиқишларида бир Гитлерни мақтаса, бир Америкага дўқ-пўписа қиларди. Рус аскарининг куч-қудратини кўкларга кўтариб, мақтаб, гоҳида яҳудийларга ташланарди. Хуллас, унинг Ҳинд океани ҳақида айтган гапи менга қаттиқ ботди. Чунки, бу дегани, бутун Осиё русларга қарам бўлади, дегани эди...

Ўзбекистон мустақиллиги учун бутун вужудим билан курашганим ва унинг мангу Озодлигини истаганим боис, Жириновскийни тутриқсиз бу гапидан кейин умуман хушламайдиган бўлдим. Бу гапнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини билсам ҳам, унинг номини эшитганимда, энсамни томири қотадиган бўлди.

Бишкекда бир жойда бир неча рус йигитлар билан ўтириб қолдик. Бироз, ароқхўлик ҳам бўлди. Ўша даврада, Саша деган бир йигит қуйидагиларни гитара жўрлигида хиргойи қилди:

Мы пройдем через южные степи,
цепи гор и пустыни пески,
чтобы там, в океанских просторах,
наконец-то, помыть сапоги.
Заодно просушить и портянки
на флагштоках пленённой страны.
А всем давнишним недругам нашим –
надо будет поменять штаны.
Мы – мужы, а не малые дети
и слова не бросаем на ветер.
Ни к чему нам вертеть и крутить –
с нами лучше не стоит шутить!

Эшитиб, бир томондан алашим қўзиди. Иккинчи томондан руслардаги миллий ватанпарварликка ҳавасим келди. Орада суҳбат тарихга ва сиёсатга бориб тақалди. «Ҳа, агар бизнинг амиру хонларимиз ҳам ўз вақтида ўз айшу ишратини уйламай

янги ерлар очганда, балки биз ҳам океанларга чиқармидик» дея гап қўшиб қўйдим. Даврадошлар нимага шама қилаётганимни яхши тушундилар. Кейин, ҳазил-мутойиба бошланди. Саша, Жириновский айтган ўша гапларни такрорлади. Мен ҳам бўш келмадим. «Худо хоҳласа, мен ҳам бир кун оёғимни Тинч океанида ювиб қайтаман» дедим, ҳазиллашиб. Кимдир буни жиддийга олди, кимдир мийиғида жилмайиб қўйди...

Ҳазил-мутойиба аралаш, оғзимдан чиққан бу гап, негадир миямда ўрнашиб қолди. Болалиқдан қалбимда туғён урган дунёни кезиш, океанларни кўриш ҳаваси баттар ичимни қиздирди. Жириновскийнинг валдираганлари катта сиёсий ўйинлар учун айтилган бўлса, менинг айтганимни болаларча бир ҳавас, тентакона шунчаки хаёл деб, қабул қилса ҳам бўларди. Қолаверса, бу ишнинг унчалик мураккаб эмаслигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чўнтақда маблағ бўлса, хоҳлаган пайтда сажҳатга чиқса бўлади.

Хуллас, Ванкуверга бораётганим ҳақида у ерда яшаётган қадрдон дўстларга қўнғироқ қила бошладим. Улардан бири, Ғайратжон исмли укахоним эди. Анчадан бери Ғайратжонни яхши билардим. У ақли расо, мард йигит. Қўли гул уста. «Эрк» партияси сафларида мен билан елкама-елка туриб, узоқ йиллар Ўзбекистонда демократия ва озодлик ўрнатиш учун курашиб келаётган қадрдон сафдошим, водийлик Ғуломжон ака Холматовнинг фарзанди. Тинимсиз таъқиблар, сиёсий босимларга қарамай у ўз йўлидан чекинган эмас. Ҳалиям, сиёсий жабҳанинг олд сафларида курашни давом эттириб келяпди.

Ванкуверда яшаётган иккинчи қадрдоним – таниқли сиёсий диссидент, журналист Улуғбек Ҳайдаров. Мен Улуғбек билан олдин учрашмаган бўлсам ҳам, унинг ёзганларини ўқиб борардим. У сиёсий фаолияти туфайли бир муддат Ўзбекистон қамоқхоналарида ётиб чиқди. Қийноқларга қарамай, у зулм олдида бош эгмади. Ҳар ҳолда, у билан яқиндан танишиш ниятим бор эди, ижобат бўладиган бўлди.

Эдмонтондан учган учоқ Ванкувер шаҳри аэропортига қўниши биланоқ телефоним жиринглади. «Етиб келдингизми, ака?» деди Улуғбек.

Аэропорт биноси олдида Улуғбек билан эски қадрдонлардек кучоқлашиб, кўришдик. Унинг самимийлиги бутун қиёфасидан ёғилиб турарди. Мусофирчиликда оиладан, ака-укалардан, қариндошлардан йироқда яшаб туриб, гоҳо ҳамфикр, очиқ кўнгил қадрдон бир ҳамюрт билан учрашиш катта бахт, дегани.

Ўзбеклар дунёнинг ҳамма ерида меҳмонни бир хил кутиб олади. Катта қилиб дастурхон ёзишади. Кейин овқатлар, кетма-кет келаверади. Ўзбекнинг суҳбати ва баҳси ҳам сира битмайди. Хуллас қаерга меҳмонга борма, дастурхон билан учрашиб, дастурхон билан хайрлашасан.

Жуда кўп ванкуверлик ўзбеклар меҳмонга таклиф қилдилар. Баҳонада, қанчадан-қанча ажойиб ҳамюртлар билан танишдим. Афсус, уларнинг розилигини олмаганим учун, ҳаммаларининг исмларини келтира олмайман.

Мен уларга бу шаҳарга фақат зиёфат учун эмас, бошқа ишлар боис келганимни айтмоқчи бўлардим. Ҳеч фурсатини тополмасдим, бемаврид сўзлаб уларни ранжитиб қўйишдан кўрқардим. Хуллас, муддаони баён этишнинг ҳам фурсати етди. Улуғбек дўстимизнинг ўзи мендан: «Насрулло ака, режалар қанақа, қаёқларга олиб чиқайлик?» дея сўраб қолди.

Очиқ чеҳра билан кутиб олганлари ва самимиятлари учун уларга миннатдорчилик билдирдим. Ортидан, жуда зарур бир ишим борлигини қистирдим. Уларнинг қизиқсиниб турганларини кўриб, ниятимни изҳор қилдим: «Муҳожиротга чиққанимга беш йил бўлди, дедим. Оиламни беш йилдан бери кўрганим йўқ. Дунё ташвишларидан роса чарчадим. Кеча харитага қарасам, Ванкувер шаҳри океанга очилмас экан. Мен эса океанни кўрмоқчийдим. Рухсат берсангизлар, эрта тонгда Ванкувер шаҳридан кемада Ванкувер оролига сузиб ўтсам ва у ердан Виктория шаҳрига етиб олсам. Викториядан Тинч океани қирғоғи томон сузаман. Соҳилда океанга саёҳат қилдирадиган бирор кема топилар. Ўтириб, океан ичкарасига камида 50 мил кирмоқчиман» Ҳамюртлардан бири, «50 мил ичкарига... Нима қиласиз у ерда?» дея сўради. «Океаннинг юрак уришини, нафас олишини ҳис қилмоқчиман. Ҳидини ҳидлаб кўрмоқчиман, дедим. Кўзлаган манзилимга етсам, палубага чиқиб, атрофда-

ги улкан чексизликка боқмоқчиман! Океан қўйнидан шундай бир нуқтани топайки, у ердан қуруқлик умуман кўринмасин. Тўрт атрофни айланиб қараганингда, фақат бепоён сувлик ва хира-шира горизонт кўринсин холос... Улкан уммоннинг ва-жоҳатга тўла тўлқинлари оёқларим остида, ҳайқирсин. Чексизлик қаърида, бир муддат ёлғиз ўзим, ўз хаёлларим билан қолмоқчиман»...

Даврада енгил бир кулги кўтарилди. Аммо, ҳеч ким ҳеч нима демади.

Эртаси кун тонгда, уч оғайни ўзбеклар – Ғайратжоннинг машинасига ўтириб, Тинч океан қирғоқлари томон йўлга чиқдик. Тонг оқармасдан Ванкувердаги кемалар жўнайдиган, Жоржия бўғози (Strait of Georgia) қирғоғидаги денгиз портига етиб келдик. Бўғозни нима учун “Жоржия”, яъни “Georgia” деб аталиши ҳақида нимагадир олдин эшитмаган ва ўқимаган эканман. Аммо Шимолий Америка қитъасининг Тинч Океани ювиб турадиган, ана шу қирғоқлари бўйлаб қадимда қилинган қатор денгиз саёҳатлари ва кашфиётлар ҳақида бирмунча тасаввурим бор эди. Машҳур инглиз денгиз сайёҳларидан бири, Буюк Британия қироличаси ҳарбий-денгиз қўшинлари капитани Жеймс Кукнинг янги ерлар очиш мақсадида дунё океанида, ер шарини айланиб қилган уч йирик сафари ҳақида жуда кўплаб маълумотларга эга эдим. Айниқса унинг “Янги дунё”ларни кашф этиш илинжида Австралиядан тортиб Беринг бўғозигача, Ньюфаунленддан Жанубий Америка қирғоқларигача бўлган катта ҳудудларни харитага туширгани ва у ерларда Британия салтанати байроқларини ўрнатиб қайтгани ҳақида ҳам анча мақолалар ўқигандим. Хуллас, мен Британиянинг бугунги мавқега эришиши учун беқиёс хизмат қилган Жеймс Кукнинг амалга оширган ишларига болалигимдан қизиқардим.

Мактабда тарих ва жуғрофиядан баҳоларим аъло эди. Жеймс Кук ҳақида биринчи марта тарих ўқитувчимиз Шамсидинов домладан эшитганман. Ер шарининг очилмаган, инсон оёғи етмаган кенгликлари бўйлаб саёҳатлар, қўрқмас денгизчиларнинг саргузаштлари ва денгиз қароқчилари ҳақида нима топсам, албатта барини ўқирдим. Васко Да Гама, Витус Беринг,

Марко Поло, Абел Тасман ва Христофор Колумб каби ўнлаб, дунё уммонини кезиб, ер шари атрофини айланиб сузган денгиз саёҳатчилари – менинг болалиқдаги қаҳрамонларим эди.

Тарих ўқитувчимиз: “Жеймс Кукни Австралия қирғоқларида маҳаллий одамхўр қабила вакиллари, яъни аборигенлар тутиб олиб, ейишган” деб айтганда, роса таъсирланганман. Қай аҳволга тушганимни билсангиз эди, ўшанда. Одам ҳам одамни ейдими, дея анча ўзимга келолмай юргандим. Болалаиқдаги ушбу хотиралар асосида бир ҳикоя ҳам ёзганман. Сиз уни албатта, ўқийсиз.

Ванкувер шаҳри билан “Ванкувер” оролини чалкаштирмаслик керак. Ванкувер Шимолий Американинг Тинч океани соҳилидаги бир шаҳар. Ванкувер ороли эса океан ичидаги катта бир оролдир. Улар орасида айрим жойларда кенглиги чамамда 200 километргача етадиган бўғоз бор. “Жоржия” деб номланадиган ушбу бўғоз кўринишидан унчалик чуқур кўринмасида, аммо жуда узун. У бутун оролни қитъадан ажратиб туради. “Чуқур бўлмаса керак” деб ўйлашимга сабаб, у анча сокин. Тип-тиниқ, кўкимтир суви ойнадек мавжланиб, туради. Бўғоздан сузиб ўтганда йўлда яна кўплаб кичик орол ва оролчалар кўзга ташланади.

Биз ўтирган кема ўртача катталиқда бир паром-кема бўлиб, унинг биринчи қаватига 200 тача енгил автомашина юклашди. Машина эгалари ва бошқа йўловчилар иккинчи ва учинчи қаватдаги ресторанлар, дам олиш ва кузатиш залларига жойлашиб олди. Паромга чиқиш жараёни узоққа чўзилмади. Ўн-ўн беш дақиқада ҳамма кемага чиқиб, жойлашиб олди.

Кемада барча қулайликлар муҳайё қилинган. Бир маромда текис сузадиган бу кичик шаҳарча “Ванкувер” ороли томон сузишни бошлаганда, учовлон палубада эдик.

Кема қарийиб бир ярим соат “Strait of Georgia” бўғозидан сочилиб кетган оролчалар оралаб сузди. Биз – уч оғайни сайёҳларнинг завқимиз авжидалигидан – шодлигимизнинг чегараси йўқ эди. Осиё қитъасининг қоқ марказидаги бир мамлакатдан келган, денгиз ва бўғозларни ўз кўзи билан кўрмаган сайёҳлар учун бу ҳаммаси инонилмас бир мўъжиза эди.

Тамаддундан жуда йироқ, овлоқдаги катта-кичик оролларда уйлар борлиги ҳайратланарли эди. “Бу оролларни дунёнинг узоқ ҳудудларидан бу ерларга сокин ва тинч ҳаёт истаб келган бойлар сотиб олган” деди, шерикларимиздан бири. Балки, шунақадир...

Катталиги бор-йўқ ўн беш сотиқ келадиган оролчадаги дўнглик устида қурилган жуда гўзал бир уйга ҳавасим келди. Оролча ям-яшил арчага бурканган, ўртасидаги катта қоя устида биз таърифини келтирган гўзал ва ягона уй бор. Соҳилда бир неча қайиқ қозиққа боғланган. Қайиқлар кўплигига қараганда, бошқа оролчалардан меҳмонлар келганга ўхшайди.

Кўнглимдан, қанийди бу дунёда менинг ҳам ўз оролим бўлсайди, деган истак кечди. Озод ва бахтли инсонларга ўхшаб, ўз «мамлакатим»да чиройли бир тошқаср қурадим. Сўнгра, дунё ташвишларини унутиб, оилам ва ўз хаёлларим билан яшардим...

Биз кемадан Британия Колумбияси провинциясининг пойтахти – Виктория шаҳрига яқин бир ердаги портда тушдик. Кемадан йўловчиларнинг машиналарда тушиб олишларига ўн дақиқа вақт кетди. Бизда оддий маршрутқадан йўловчилар тушиб олишлари учун ўн дақиқа баъзан камлик қилади.

Учовлон “Қайдасан, Виктория?” дея йўлга тушдик.

Атрофидаги барча шаҳарчалар аҳолиси билан қўшиб ҳисоблаганда икки миллиондан ошадиган катта ва гўзал Ванкуверни эрта тонгда тарк этгандик. Аҳолиси етмиш беш мингга яқин Виктория шаҳрига яқинлашаётганимизда, хаёлимда баъзи шубҳалар пайдо бўлди. Чунки, Ванкуверни дунёдаги энг гўзал шаҳар бўлса керак деган бир туйғу юргимга ёпишиб олган эди. Ундан чиройли шаҳар ер юзида бўлмаса керак деб, ўйлагандим. Афсус, адашган эканман. Викторияга яқинлашганимиз сари Виктория архитектураси, табиати ва гўзаллиги мени ўзига ром қила бошлади.

“Гуллар шаҳри” деб аталадиган Викторияда эртакларда таърифланган шаҳарлар муҳташамлиги ва файзу таровот борлигини англадим. Буюк Британия қироличаси Виктория (1819-1901, Victoria) шарафига номланган бу курорт-шаҳар “Ванкувер” оролининг энг қуйсида, АҚШнинг Вашингтон шта-

ти кўриниб турадиган бурнида жойлашган. АҚШ билан Виктория шаҳри ораси тор бир бўғоздан иборат. Шу кичик, аммо жуда гўзал шаҳарга ҳар йили қарийиб тўрт миллион сайёҳ келишини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушладим.

Канаданинг бошқа ҳудудларидан фарқли бу шаҳарда ерли аҳоли (First Nations), яъни маҳаллий ҳиндуларнинг тарихий обидалари анча кўп экан. Ҳинду қабилалари статуелари йиғилган катта бир музей ҳам бор. Канада тупроқларига европаликларнинг оёғи етиб, уларнинг кенг тарқалишига асосий сабабчи бўлган машҳур “Худзон қўлтиғи савдо компанияси”-дир. (Hudson’s Bay Company, HBC). Шу компания томонидан 1843 йилда асос солинган “Форт Виктория” (ҳозирги Виктория шаҳри) бир пайтлар Буюк Британия давлатининг бу ердаги иштироки ва таъсири нақадар кучли бўлганлигини ўз «чеҳра»-сида яққол намоён қилиб туради.

Айтишларича, бу шаҳарчада 1860 йилда қурилган, океандаги кемаларга йўл кўрсатишга мўлжалланган машҳур “Фисгард” (Fisgard Lighthouse) маёғи бор. Дунёдаги энг гўзал боғлардан бири ҳисобланадиган “Батчард боғлари” (Butchard Gardens) ҳам айнан шу шаҳарда жойлашган. Аммо биз океанга шошганимиз боис, бу афсонавий боғни бориб кўра олмадик.

Машинада ўтириб, Ғайратжоннинг рафиқаси бериб юборган ўзбек таомларидан тўйиб тамадди қилдик, ва яна йўлда давом этдик.

Кўзланган манзил аниқ. Тинч океани мавж уриб турган соҳилга етиб, Баҳри уммони томоша қилишни режалаганмиз.

Бўғозга яқин қирғоқ бўйлаб, асфалт йўлдан тепага, шимолга қараб йўлга тушдик. Очiq океанга чиқишимиз учун 200 километрдан ортиқ йўл босиш керак.

Ғайратжоннинг қўли рулда, кўзи йўлда бўлсаям оғзидан ўзбек латифалари тушмайди. Иккинчи шеригимиз ҳам дунё кўрган илмли йигит чиқиб қолди. Суҳбатлари жуда мароқли. Учовлон “Ванкувер” оролининг тоза ҳавосидан мириқиб, нафас олиб, атрофдаги гўзал манзараларга мафтун бўламиз. Машина арчазор ўрмон ичидаги равон йўлдан шимолга қараб елиб бормоқда.

Сайру саёҳат ҳақиқатан одамга завқ бағишлайди. Рухни тозартириб, қалбга кўтаринкилик бахш этади. Устига-усти саргузашт-талаблигимиз, чарчоқ нима билин-тирмайди. Одам ўзини осмонда учиб юрган эркин қушдек ҳис этади. Ҳар доим ҳазил-мутойиба ва сиёсий баҳсларга имкон топилади. Ўзбекистондаги каби кўрқиб-пусиб олазарак қарашларга бу жойларда ўрин йўқ...

“Жуан де Фуса бўғози” (Strait of Juan de Fusa) сувлари чап томондаги қалин дарахтлар орасидан гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қолади. Нариги қирғоқ, Америка. Бўғоз унчалик кенг бўлмагани учун нариги қирғоқдаги бинолар пештоқида ҳилпираётган Америка байроғи кўзга ташланади.

“Port Renfrew” деб аталадиган қишлоққа ҳам яқинлашиб қолдик. Ям-яшил арчазорлар орасидан Тинч океанининг кўм-кўк тўқинланиб турган сувлари кўрина бошлади. Шу заҳоти машинани катта тош йўлнинг чеккасида тўхтатиб, машинадан тушдик. “Қаранглар океан, Буюк Тинч океани... Наридега Осиё, бизнинг гўзал Ватанимиз Ўзбекистон бор...” дея қичқириб юбордим...

Қайтиб, машинага ўтирдик. Ғайратжон қирғоққа яқин қолганда, моторни ўчирди. Туша-сола учовлон қирғоқ томон югурдик. Юрагимиз ичимизга сиғмасди. Ўзанига сиғмай майин чайқалаётган уммоннинг жўшқинлиги бизга ҳам юққан эди.

Океан «Тинч» деган номига мос равишда сокин эди. У асовот каби пишқирмасди. Бизнинг Амударёга ўхшаб, ўзанини кавлаб аждарҳо каби тўлғонмасди. Қаъридан келаётган пайдар-пай тўлқинлар бир маромда қирғоққа келиб урилиб, жони узилган оққушлар сингари яна ортига қайтарди.

Тўлқинлар қайтадиган ерда кичик бир харсангтош устида ўтирдим. Қора денгизда, Иссиққўлда чўмилган эдим бир пайтлар... Аммо бунақа ҳайбатли уммон билан биринчи даъфарўпара келаётгандим. На боши, на охири кўринади. Гўё ер юзига осмон қулаб тушган деб, ўйлайсиз. Мен бир умр излаган охири кўринмайдиган ўша «чексизлик» эди, бу. Орзуим, ушалганди.

Мен жонажон Ўзбекистоннинг Қизилқум саҳроси кўксидаги гавҳар – Бухорои шарифнинг Вобкентида туғилиб, ўсганман.

Ўзани тўла сувга қўшилиб, зар ва олтин оқадиган Зарафшон бўйларида улғайганман. Сув, биз туркистонликлар учун ҳаёт-мамонт масаласи. Аммо, чўлларимиз бағридан оқадиган дарёларимизнинг асовлиги ва важоҳатини бошқа ерда кўрмайсиз. Ёки, «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига» деганларидай, менга шундай туюладими?! Билмам! Кайфиятим аълолигидан юрагим кўксимга сиғмай, ҳаприқиб кетаётган бўлсам ҳам, ичимдаги Ватан соғинчини бутун ер юзидаги уммонларнинг сувлари ҳам сўндирилмайдигандай туюлади, гўё...

Учовлон ёш гўдаклардай хурсандчилигимизни ичимизга сиғдира олмасдик. Ҳар ким ўз хаёлига фарқ бўлиб, гўзал ҳислар уммонида туйғуларига чўмилиш билан овора эди. Шу онда менинг хаёлимда, Бишкекда қочқинда юрганимда рус оғайнилар билан содир бўлган воқеалар гавдаланаётганди. Жириновскийнинг гапи алам қилиб, қулоғимда: «Худо хоҳласа, бир кун оёғимни Тинч океани сувида ювामан» деган сўзларим жарангларди. Жириновский айтган рус аскарининг Ҳинд океани сувида оёқ ювишида бошқа маъно бор эди албатта. Аммо, биз ўзбекларнинг иқтисодий тушкунлик ва ички зулм шароитида сайру саёҳат билан денгизларга чиқишимизнинг ўзи амри маҳол эди...

Ҳаётда шундай воқеалар бўлади, вақт ўтгач, айтсанг ҳеч ким ишонмайди. Муболаға ёки бир латифа деб ўйлашади. Ҳаётимда шунақа воқеалар кўп бўлган. Гувоҳи бўла туриб, ўзим ҳайратга тушганман...

Қудрат эгаси ҳикматининг сир-синоатини Ўзи билади!

Сал ўтиб, тўлқинлар келиб урилиб, орқага қайтадиган чизиқ устида бўртиб турган бир йирик тошга қараб юрдим. Тошга оёқ қўйиб, уммонинг чайқалишини кузата бошладим. Бошимдан: “Ботинкамни ечиб, оёғимни океан сувига бир чайсамчи” деган хаёл кечди. Ботинкам ва пайпоғимни бирин-кетин еча бошладим. Энди бир пой ботинкани ечиб, тош устига қўйиб, иккинчисини қўлга олганимда, кутилмаганда узоқдан биз томонга важоҳат билан ёприлиб келаётган улкан бир тўлқин кўринди. Қочишга улгурмадим. Тўлқин зарб билан келиб урилганда, тош устида ўзимни зўрға ушлаб қолдим. Ботинкаларни ўйлашга вақтим ҳам бўлгани йўқ. Аммо қўлимдаги бир пой ботинкани

ташлаб юбормаган эканман...

Белимгача ивиб, муздай сувда қолиб кетдим. Орқароқда турган шерикларим, ваҳимада бир лаҳзага қотиб турдилар ва ўзларига келгач, ёрдамга шошилдилар. Кейинги тўлқин олдингисидан бироз кучсизроқ эди. У мен турган тошга келиб урулган бўлсада, менга зарар етказмади.

Буни қарангки, ўзим билмаган ҳолда Бишкекда қилган орзумим вожаб амалга ошди. Оёқларим Тинч океани сувида ўз-ўзидан ювилди!!! Ўзим ҳам бу ҳолатдан жуда ҳайратда эдим. (Ўшанда фаришталар «Омин» деган, кўринади).

Ялангоёқ, кўлимда қолган пайпоқларим ва бир пой ботинкам билан қирғоқ томон юра бошладим. Чиғаноқлар сочилиб ётган қумлар устидан юриб, сувдан сал узоқлашмоқчи бўлдим. «Насрулло ака, бир пой ботинкангиз қани» деди Ғайратжон кулимсираб. «Уни океан ўз қаърига олиб кетди» дедим, хомуш бир оҳангда ...

Шу пайт кимнингдир: “Насрулло ака, қочинг!” деган овози қулоғимга чалинди. Қарасам, яна бир шеригимиз океан сувларига жуда яқин бир ердан бақиряпти. Жон талвасасида қирғоққа қараб қочмоқчи бўлдим, улгурмадим. Орқамдан келиб яна бир кучли тўлқин урилди. Тўлқин қайтганда, уст-бошим бутунлай шалооба бўлган эди. Сувга яқин турган шеригимиз эса тўлқиннинг ичида қолиб кетди. У новча йигит бўлгани боис, унинг чайқалиб турган гавдаси ва баландга кўтарилган қўллари ҳали-ҳамон бизга кўринарди...

Тўлқин орқага чекинди. Учовлон пишқирган океан томонга боқиб, менинг бир пой ботинкамни излай бошладик. (Океанда улкан бир кемани илғаб олишнинг ўзи амри маҳол). «Эй буюк ва улуғвор океан, ботинкамни қайтар» деган бир туйғу кўнглимдан кечди...

Бир пайт тоғ кўчкисидай устимизга ёприлган бошқа бир тўлқин устида (мўъжизага қаранг) ботинкам кўриниб қолди. Зорманда, пўккакдек гир айланиб, рақсга тушарди. Тўлқин бизнинг оёқларимиз остига қадар келдида, у яна орқасига қайтиб кетди. Учовлоннинг оғзимиздан, “Астағфуллилоҳ”, “астағфуллилоҳ” дегандан бошқа сўз чиқмасди. Бу ҳолат бир неча

марта такрорланди. Қўлимиздан бир иш келмагач, ботинкани қирғоқдан кузатиб туравердик. Файратжон машинасида ортиқча оёқ кийими борлигидан сўз очганда, учинчимизнинг кўздан ғойиб бўлганини сезмай қолибмиз. У тўлқинга қарши тикка йўлга тушган экан. Юрагимизни ҳовучлаб, “Тўхтанг!” дея унга қараб қичқирдик, у тўхтамади. Бир маҳал у сув юзида рақс тушиб турган бир пой ботинкани билмадим қай йўл билан тутиб, биз томонга қараб бамайлихотир жилмайиб келарди...

Шалоба бўлган кийимларни сиқиб, яна машинага ўтирдик. Мўлжалимиз, шимолроқдаги “Tofino” деган соҳил шаҳарчаси эди. Айтишларича, у ердан океан ичкарасига саёҳат қилдирадиган кемаларга ўтирса бўларди.

“Ванкувер” ороли атрофлари ҳар хил китларга тўла эканини кемадаёқ ўқигандик. “Улар гала-гала бўлиб юради” дейишганди. Соҳил бўйларида кит томошаси “Whale watching” бўйича ҳар хил турсаёҳатлар борлигидан ҳам хабаримиз бор эди. Қўлимиздаги маълумотларда денгиз китларининг тўрт хил тури учраши ҳақида ёзилган бўлиб, уларнинг суратлари ҳам илова қилинган, маълумотларда Ола китларнинг одамларга ҳамла қилиши ҳақида ҳам ёзилганди.

...Канада такрорланмас табиат гўзалликларга бой бир мамлакат. Дўстлар билан дам олиш кунларида Эдмонтон ва унинг атрофидаги барча кўллар, миллий ботаник боғларни кезиб чиққанман. Канадаликларнинг табиатга ва атроф-муҳитга бўлган дўстона муносабатлари ҳар доим мени ҳайратга солган. Бу масалада ҳам, улар бизнинг том тескаримиз.

Ўрмон бўйлаб қилган саёҳатларимизда айиқ ва бўриларнинг эркин юрганини кўриш мумкин. Одамлар уларга заррача зиён етказмайдилар. Кийиклар ва буғуларни айтмаса ҳам бўлаверади. Улар кўйлардай пода бўлиб ҳар ерда кезади. Қишлоқлар тугул, шаҳар кўчаларида адашиб юрган кийикларни ҳар замон учратса бўлади. Қуёнлар эса, Канаданинг эркатой ҳайвонлари. Уларнинг кўча ва паркларда одамлар билан кўшилиб юрганини истаганча кузатиш мумкин. Ўзбекистонда қурт-қумурса ва чумчуқларгача кун йўқ. «Дич» деб, илон билан эчкиэмарнинг уйини куйдиришади. Охирги ўн йилликларда итларнинг бошига ҳам

«одам»нинг куни тушди. Кўринган итни тутиб, сўйиб едилар. Дайди итлар камайиб кетди. Баҳона ҳам бор. Ит гўшти шифомиш, доримиш, дармонмиш, яна бир баломиш... Билмайман, қайга қараб кетяпмиз. Кийикларни фақат кўриқхоналарда учратиш мумкин. Бирор амалдорнинг кўнгли кийик гўшти тусаб қолса, кўриқхонадаги кийикни ҳам худо урди, деяверинг. Канадада кўчада адашиб юрган кийикка ваълломати бармоғининг учини теккизсин, эртаси ўзини маҳкамада кўради...

Хуллас, учовлон Тинч океани қирғоғи бўйлаб, океан ичига сузадиган кемалар турадиган жойни излаб анча юрдик. “Port Renfrew” қишлоғидан ўтганимизда тош йўл тугади. Олдимиздан “Миллий кўриқхона” деб ёзиб қўйилган, енгил машиналар юриши таъқиқланган ҳудуд чиқди. “Тофино”га юрадиган тўғри йўлни топмадик. Одамлар айланма йўллар билан бориш мумкинлигини айтишди. Вазиятдан келиб чиқиб, ниятимизни ортиқ амалга ошира олмаслигимизни тушундик. Чунки, соат ўн бешдан ўтиб борарди. Кечки соат тўққизгача Ванкувер шаҳрига жўнайдиган кемага улгуришимиз шарт эди.

КАПИТАН “НЕМО”ГА ЎХШАШ ВА БОЙИБ КЕТИШ ОРЗУСИ

Беғубор болалик йилларим қишлоқда ўтган. Кўп болалардай мен ҳам ўйинқароқ ва шўх бўлганман. Айтиб, ўтганимдек, мактабда ёмон ўқимаганман. Тарих, география, физика, кимё ва адабиётдан баҳоларим аъло эди. Рус ва инглиз тилини ҳам мароқ билан ўрганганман. Болалиқдан саргузашт ва фантастик мавзулардаги китоблар мутаоласига жуда ўч эдим. Айниқса, буюк француз романист ёзувчиси Жюль Верн (1828 – 1905) асарларини севиб ўқир эдим. Жюль Верн асарлари қахрамонлари “кумир”ларим эди, десам, ҳеч қанақа лофи йўқ. Қизиқшим туфайли унинг “Ғаройиб саргузаштлар” туркумига кирадиган 64 асаридан анчагинасини ўқишга мувафақ бўлдим. Шу туркумга кирадиган “Капитан Грант болалари”, “Ҳаво шарида беш ҳафта”, “Ер шари марказига саёҳат” каби қатор саргуза-

шт асарларида баён қилинган воқеалар таъсирида болалик йилларимни учқур хаёллар қанотида кечирдим. “Сув остида йигирма минг лье” асари қаҳрамони капитан “Немо” саргузаштлари ҳақида ўқиғач, унга ўхшашим керак деган хаёл менга ҳеч қачон тинчлик бермади. (Шу ўринда денгиз льеси узунлик ўлчови эканлигини ва бир лье 5555 метрга тенг эканлигини кўрсатиб ўтиш жоиз деб ўйладим)

Асар қаҳрамони океан сувларининг чуқур тубликларига тушиш учун овлоқ бир оролда сув ости кемаси ясайди. У замонларда Баҳри уммон чуқурликларига тушиш инсониятнинг хаёлига ҳам келган эмас. Боз устига асар қаҳрамонинг шахси ҳам сирли. У ўзини “Капитан Немо” (французчада –“ҳеч ким”) деб таништираркан, қаерданлиги ва кимлигини ҳеч кимга айтмайди. Сирли капитан ўзи ясаган “Наутилус” номли ғаройиб кемасида дунё океанлари қаърида ҳали одам оёғи етмаган кенгликларда ақл бовар қилмас кашфиётларни амалга оширади. Сув ости кемаси сув юзида гоҳо кўринганда, денгизчилар уни сувда сузувчи йирик бир махлуққа, баъзан ҳайбатли китга ўхшатишади. Профессор Аронакс денгиз кемаларига «хуруж» қилаётган номаълум “махлуқ”ни топиш ва йўқ қилишга бел боғлайди.

Асардаги бош ғоя – ўқувчини фақат сув ости мўъжизалари билан таништириш эмас, кимлиги номаълум сирли капитан “Немо”нинг океан қаъридан топган беҳисоб бойликларни нимага сарфлашига ҳам урғу берилади. Асар якунида сирли кема капитанининг шахси бироз ойдинлашади. Унинг мамлакати, Ҳиндистон. Британиялик босқинчилар юртини босиб олганидан сўнг, у ўз юртдан қочишга мажбур бўлган. Шаҳзода Даккарнинг шиори: “Озодлик ва Эркинлик” эди. У ўзи яратган оламшумул кашфиётлар билан зулм ва истибдодга қарши курашга чоғланади. Океан остидан мислсиз бойликлар топиб, озодлик йўлида курашаётган инсонларга беминнат ҳадя этади. “Мен охириги нафасим қолгунча, эзилаётганлар тарафида туриб курашаман. Дунёдаги барча зулмга учраётганлар ва хўрланаётганлар менинг биродарларимдир” дейди у профессор Аронаксга.

Ҳа, озодлик ва ҳурлик йўлида бор илми ва жасорати билан ку-

рашган шахс ҳақида ўқиб, унга ҳавас қилмай бўладими? Менинг руҳимда ҳам озод ва ҳур ҳаётга иштиёқ жўш ургани учун ҳам, болалигимда капитан “Немо”ни йўлчи юлдузим деб билганман.

Ҳа, ҳаётда ҳам шунга яқин йўл танладим. Ўзбекистонни Озод ва Обод кўриш менинг олий мақсадимга айланди. Мухолифат сафларида туриб, орзуйим амалга ошиши учун кўлимдан келгунча курашдим. Ҳозир бу ҳақда батафсил ёзишнинг ўрни эмас. Капитан “Немо” номи билан боғлиқ мавзунини давом эттирсак, ҳар ҳолда тўғри бўлади дея ўйлайман.

1993 йилнинг охирида, Ўзбекистон президенти Каримовнинг шахсий топшириғи билан Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигидан мени чақириб олишди. “Чақириб олиш” деган спектакл ҳақида гапирмасам ҳам бўлар. Бу масхарабозликларнинг қандай амалга оширилиши кўпчиликка маълум. Аммо ўша воқеадан сўнг бошимга оғир кунлар туша бошлади. Аввалига сохта айб билан бир муддатга қамашди, сўнг узоқ муддат ишсиз, даромадсиз қолдиришди. Давомли таъқиб ва кузатувлар боис, оила боқиш оғирлашиб кетди.

1996 йилнинг январидан хусусий бир кичик корхона очдим. Қурилиш ва таъмирлаш ишларига ихтисослашган корхонамни, “Немо” деб атадим. Ўша кезлар ёппасига ҳамма кичик корхона ташкил қилишга тушиб кетган даврлар эди. Сон-саноғи йўқ кичик корхоналарнинг номлари ҳам ажабтовур эди. Аксар “Қўчқорбой ота”, “Рисолат хола”, “Махсум почча”, “Бахтиёрбек”, “Сарчашма”, “Зафар йўли” деганга ўхшаш ё ўлиб кетган отасининг ё бешиқдаги боласининг номини қўярди.

“Немо”ни давлат рўйхатидан ўтказиш осон кечмаган. Идорама-идора юриб, “Немо” нималигини тушинтиришга кўп вақт сарфладим. Давлат идораларида ўтирганлар орасида Жюль Вернни ҳам, унинг “Сув остида йигирма минг лье”сини ўқиган одамни ҳам топа олмаганман. “Нима қиласиз қаердаги чет элликни номини қўйиб, ундан кўра ўлиб кетган бобонгизнинг исминини қўйинг” дейишарди. Иш охири прокурорга бориб тақалди. “Капитан Немо” кимлигини фақат прокурорнинг татар миллатига мансуб котибаси биларкан. Ташкилот қийинчилик билан охир сўнгидан рўйхатдан ўтди. Тили айланмаган туман ҳоқими

ташкilotни умумий йиғилишларда “Нўмон” деб аташига қарамасдан, аста-секин иш бошланди.

Ҳар бир фикрлайдиган инсоннинг ўз “идеал”и бўлганидек, Жюл Верндаги капитан Немонинг хислатлари ва ҳаётда танлаган йўли менга жуда ёқарди. Мустабид тузумдан қочиб, сирли бир оролда унча-бунча инсон ақли олмайдиган кашфиётлар қилган, замонасидан анча илгарилаб, сув ости кемаси яратган капитан Немонинг машаққатли ҳаётидаги изланувчанлиги ва тиришқоқлиги мақтовга сазавор эди. Унинг оғир вазиятларда ҳам тушкунликка тушмай, танлаган йўлида собит туриши – неча-неча авлодларга ибрат бўларди. Айниқса, сув остидан топган барча бойликларини камбағал ва эзилган халққа улашиб, барчасини озодлик ва ҳурлик йўлида сарфлашга сафарбар этиши – олижанобликдан бошқа нарса эмасди.

“Немо”нинг ишлари аввалига юришмади. “Халқ душмани”га чиқарилган муҳолифатчи билан ишлашдан кўпчилик қўрқарди. Қай идорага буюртма излаб кирмай, идора раҳбари “Биз сизни ҳурмат қиламиз, ука, аммо буюртма бера олмаймиз. Биласиз-ку, сиз президентнинг шахсий назоратидаги одамсиз. Сиз билан ишласак, бошимиз ғавғодан чиқмайди...” дерди. Эртаси орқамдам ўша идорага СНБ ходими етиб келарди.

Анча вақтгача дуруст бир буюртма тополмай сарсон бўлиб юрдим.

Корхонани таъсис қилган йилимизнинг ёзига чиқиб, бир-иккита кичик ҳажмдаги ишлар топилди. Ўзим раҳбарлик қилган ПМКнинг усталаридан ёлланма бригада тузгандим. Одамларга хусусий уйлар қуриб бера бошладик. Имкон қадар тез ва арзон қуришга ҳаракат қилганимиз боис, буюртмалар аста-секин кўпая борди. Бир пайтни ўзида қурилиш материаллари савдосини ҳам йўлга қўйдик.

Кейинги йили эса ишимиз яна бироз ривожланди, бир-иккита мактаб ва боғча биноларини таъмирини бизга қўрқмай топширдилар. Кўпчилик биз билан хўжалик-молиявий жиҳатдан алоқада бўлишдан чўчиса ҳам, олдинги қилган дуруст ишларим сабаб тўсиқ бартараф бўла бошлаганди. Бухородаги бир қурилиш ташкilotида уч йил бош инженер, тўрт йил раҳбар

бўлиб ишлаганим кўпчиликка маълум эди.

Мухолифат йиғилишларида иштирок этаётганим боис, назорат ҳалиям камаймасди.

Тўрт тарафдан мени исканжада тутаётган бўлсалар ҳам, вобкентликларнинг ўз собиқ депутатларига ишончи ҳали ҳам кучли эди. Банкдаги оғайнилар СНБ ҳисоб рақамимни доимий назоратга олганини билдирсалар, қураётган биноларимиз атрофида ивирсиб юрган «агент»ларни ўзим сезиб юрардим. Туман солиқ идорасидаги дўстлар, «Кеча СНБдан биров келиб, «Немо»нинг ҳисоботларидан яширинча нусха кўчириб кетди» деб шипшитганда, асабларим қақшарди. Ишимнинг тоза эканлигини яхши билсам ҳам, ҳукуматнинг нималарга қодирлигини танамда бир бора синаб кўрганим учун ичимга ваҳима ораларди. Қутилармиканман бу ифлослардан дея, қонунсиз ва зўравон жамиятда яшаётганлигимдан хафа бўлардим. Ана шундай оғир бир вазиятда тирикчилик қилишга маҳкум қилингандим. Шунга қарамай, «Немо» барибир ўсишда давом этарди.

2002-йилнинг баҳорига чиқиб, сал оёққа турдик. Аммо, ҳалиям назорат остида эдим. «Немо»нинг хўжалик юритиш ҳужжатларини ҳар йил камида бир марта расмий тарзда текширишса, уч марта норасмий тафтиш қилишарди. Мен бундай фавқулудда ва оғир вазиятда жон сақлашга ва фаолият олиб боришга кўника бордим. Ҳар бир ҳужжатнинг тўғри бўлиши ва олган мажбуриятларимизнинг вақтида бажарилишига алоҳида диққат қаратдим. Қайтанга пишдим, ишимни ўта пухталиқ билан юритишга мослашдим.

Ўша йиллари, Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари анча яхши эди. Мамлакатда кўплаб халқаро ташкилотлар фаолият юргизарди. Бир қатор ўзимизнинг нодавлат ташкилотлари ҳам тузилганди. Қўйингки, сиёсий босим ҳам бироз пасайди. «Эрк» ва «Бирлик»нинг йиғилишлари гоҳи расмий ва гоҳи норасмий тарзда ўтиб турди. Хусусий корхонамиз кучли назоратда остида бўлишига қарамай, сиёсий курашдан чекинишни истамасдим. Мухолифатнинг Бухородаги фаолиятини мувофиқлаштириб туриш менинг зиммамда эди.

2003 йилнинг ёз ойларига келиб, «Немо» янада кенгайди.

Ширкат ўттизга яқин одамни иш билан таъминлай олиш иқтидорига етди.

Қурилиш ишларини техника ва ускуналарсиз олға жилдириб бўлмасди. Шунинг учун ортган маблағга асбоб-ускуналар сотиб ола бошладим. Оғир техникаларни ижара йўли билан амалга оширардим. Кредит ҳисобидан «Тико» русумли автомашина ҳам сотиб олдим.

Фаолиятимиз тармоқлари ва географияси секин-аста кенгая борди. Нафақат Вобкентда, вилоятнинг бошқа туманларидан ҳам буюртмалар ола бошладик. Бухоро шаҳрида катта миқёсдаги ишларга қўл урдик.

Ўша йил август ойида Тошкентда «Эрк»нинг навбатдаги пленуми ўтиши керак эди. Пленумда қатнашиш учун уч-тўртта сафдош дўстлар ҳозирлик кўрардик. Эртага Тошкент жўнаймиз деб турганда, туман прокуратурасига чақириб қолишди. Борсам «Эртага барча ҳужжатларингиз билан келинг. Сизга жинойт иши қўзғатилган!» деди прокурор ёрдамчиси.

Аввалига ҳеч нимани тушунмадим. Кейин, «Кам таъминланган оилаларга нафақа олиш учун ишчиларга нотўғри маълумотнома ёзиб берган» деган сохта айб билан жинойт иш очилганлигини билдим. Маҳаллага нафақа олиш учун мурожат қилган «Немо» корхонаси ишчиларининг баъзи маълумотномалари сохта эмиш. Ишчиларнинг ҳақиқий даромадларини яшириб, маълумотномада кўрсатмаган эмишман. Шу баҳона билан мени «Эрк»нинг пленумидан олиб қолишди. Икки ҳафта прокуратурада сўроқ бердим. Қаттиқ тортишувлардан сўнг жинойт аломатлари топилмагани сабаб «жинойт иши» ҳаракатдан тўхтатилди.

Аввалбошдан «жинойт иши»нинг ясама ва буюртма эканлиги маълум эди.

Кейинги «жинойт иши» «Немо» корхонасининг энг гуллаган даврига тўғри келди. 2004 йил охирларида «Немо»да қарийиб етмишта ишчи меҳнат билан банд эди. Ташкилотимиз 45 – 50 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарарди. (У пайтларда “сўм” анча қадратли эди ва бундай ҳажмдаги қурилиш ишларини фақат ПМКлар бажара олиши мумкин эди).

Бу воқеалар солномаси Ўзбекистонда ишсизлик айна чўққи-га чиққан замонларга тўғри келади. Одамлар гала-гала бўлиб, Россияга мардикорчиликка кетаётган қатағон даврлар эди. Шундай оғир даврда етмиш кишини иш билан таъминлаш, том маънода қаҳрамонлик эди. Ишчилар бекор қолмаслиги учун кеча-кундуз иш излаб оч бўридек вилоятнинг ҳар бурча-гида изғир эдим. Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган Қизилқум чўлларини кезиб, ишчиларимнинг ризқ-рўзини терганман. Иш ҳақи ойлаб, йиллаб берилмайдиган Ўзбекистонда ишчиларга ҳар ҳафта кечиктирмай маош тўлаганман. Иш сўраб келадиган одамларнинг сон-саноғи йўқ эди. Бир юк ва бир енгил автомашинада чўлма-чўл кезиб, ишчилар ва қурилиш материалларини ўзим таширдим. Чўл жазирамасининг азобини ва қум тўзонларининг ваҳшатларини фақат кўрганлар билади. Ана шунақа ноқулай об-ҳаво шароитларида ишлардик. Ҳар тийин минг бир машаққат билан топиларди. Бир ҳафтада бола-чақани ё бир марта кўрардик, ё кўрмасдик...

Каримов ҳукуматини одамларнинг тўқ яшаши қизиқтирмасди. Улар учун одамларнинг бир жойда тўпланмаслиги, халқнинг кўзи очилмаслиги муҳим масала эди. Мен каби муҳолифатчи атрофида кун сайин одамларнинг кўпроқ иш сўраб уймаланиши, ишчиларнинг меҳнатига яраша рағбатлантирилиши ҳукуматнинг ғашини келтирарди. Кўплаб давлат ташкилотларида ишчилар ойлигини йиллаб ололмаётган бир пайтда, «Немо» хусусий корхонаси ҳудудларида айна фасли баҳор эди. Ҳукумат учун муҳолифатчи тирноқ тагидан кир қидирадиган, аммо ўзининг қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган бир одам бўлиши керак эди. Аммо, мен тескарисини қилаётган эдим.

Ўша 1994 йил Олий Кенгаш депутатлигидан чақириб олганларидан сўнгра, ўзим раҳбарлик қилаётган ПМК (қурилиш ташкилоти)дан ҳам ишдан кетгазмоқчи бўлишган. Ташкилотда 250 дан ортиқ ишчи ишларди. Юқорининг топшириғи билан Қурилиш вазири Искандар Юсупов ПМКга ташриф буюриб, мени ишдан четлатишга уринган. Аммо, ўшанда ишчиларимиз муносиб қаршилик кўрсатган эдилар. Вазир ПМКнинг 250 аъзосидан ҳаммаси «Эрк» газетасига обуна бўлганини эшитиб

шокка тушганди. У мени ишдан бўшатишни эплай олмагач, ПМКни ёпиб ташламоқчи бўлди. Қарасам, ишчиларимиз ишсиз қолади, ўзим ариза ёзиб ишдан кетдим.

2004 йилнинг октябри охирларида яна прокурор чақирди. Бу галги «айбим» олдингисидан улканроқ эди. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш жараёнида ташкилотни қўшиб ёзганликда айбламоқчи бўлишди. Масхарабозликка қаранг, ўша пайтдаги ишларимиздан камчилик топа олмай, икки-уч йил олдин бажарилиб, эгасига топширилган ишларга ёпишиб олишганди. Икки йил олдин бажарилган ишлар ҳажми бир неча бора қайта- қайта ўлчанди.

Терговчилар ишлардан камчилик топишга буйруқ олганди. Мендан «айб» топа олмаган терговчилар уч бора алмаштирилди, икки марта тергов ишлари олиб борилди.

Ниҳоят тергов тугаб, иш судга ўтди. Биринчи суд муҳокамаси Бухоро шаҳрида бўлди. Терговда жиноятни исботловчи далиллар етарли бўлмагани учун ишни қайта терговга жўнатишди. Қайта тергов тугагач суд маҳкамаси Қарши шаҳрида бошланди. «Заказной» суд ҳеч қандай асоссиз жазо тайинлади. Олий Судга шикоят ёзишдан бошқа чорам қолмади. Апелляция (апелляция-рус) шикояти Тошкент шаҳрида бир ой мобайнида кўриб чиқилди. Қаршида тайинланган жазо бутунлай нотўғри эканлиги ўз исботини топди. Аммо шу орада сочларим тўкилиб, пешанамда ажинлар пайдо бўла бошлади.

Жюл Верндаги капитан «Немо» мен учун кураш рамзи эди. Аммо кураш ҳалол бўлмоғи лозим. Бўлмаса, Ўзбекистондаги лўттибозликларга бир «Немо» экан, минг «Немо» ҳам бардош беролмайди. Орқаваротдан қилинадиган ҳамлалар, муғомбирлик билан сохта айб ясашлар ва ноҳақ туҳматлар Афлотунини ҳам чарчатади. Дунё кезиб, амин бўлдим; ҳеч бир мамлакатда ҳукумат сиёсий рақибларига Ўзбекистондаги каби пасткашлик қилмайди. Биздаги руҳий қийноқлар дунёнинг бирор ерида йўқ. Маълум бир этик нормаларга риоя қилинмайдиган жамиятда разил одамлардан ҳар нарсани кутса бўлади. «Немо» хусусий корхонаси охир-оқибат сунъий тарзда хонавайрон қилиниб, ёпиб ташланди.

Аммо болаликдан руҳиятимга синган Жюл Верннинг машҳур денгизчи капитан «Немо»сига ўхшашлик орзуси юрагимдан ҳали бери сўнгани йўқ. Қарийиб 25 йил Ўзбекистон қурилиш ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, битта лойсувоқ уйимни битира олмаган бўлсамда, АДОЛАТ ва ОЗОДЛИК учун кураш ўти ҳали-ҳануз руҳимда ловуллаб ёниб турганидан мамнунман.

Демак, мен тирикман, яшаяпман!

ЯДРОВИЙ ҚУРОЛ-АСЛАҲА ОМБОРИ...

Худо асраса, бало йўқ, деган ҳикмат топиб айтилган.

Жонсараклик, ҳар хил фожеа ва ҳодисалар юз беришидан кўрқиш ва ваҳимага тушиш – ҳар кун ўлиш демақдир. Бу дунё ишлари кўп ҳам бизга боғлиқ эмас. Ҳаммаси, Яратувчининг хоҳиш-истаги билан содир бўлади. Бу эҳтиёткорликни қўлдан бой бериб, қўлни қовуштириб олма пиш оғзимга туш, дегани ҳам эмас. Биз ақл-ҳушимизни йиғиштириб, етти ўлчаб бир кесиб, ишимизни қилаверайлик. Ўзимизга боғлиқ бўлмаган ишлар билан ўралашиб қолмасак бўлди, дегани холос.

Ҳар бир жонли-жонсиз зарра ва олий мавжудод ўлароқ инсон ҳаёти саргузаштларга тўла. Ҳар кимса ўз ҳаётида содир бўлган тасодиф ва кутилмаган воқеалар ҳақида истаганча гапириши мумкин. Аслида, дунёда тасодиф йўқ. Ҳеч иккиланмасдан айта оламан: Аллоҳ бандаларига ҳар лаҳзада ўзнинг мавжудлиги ва қудратини билдириб туради. У минг бир ибрат билан ҳар бир бандасини тўғри йўлга бошлайди. Биз хом сут эмган бандамиз, Парвардигорнинг фазли карамини аксар ҳолларда англаб етмаймиз. Баъзан, англасақда кеч англаймиз!

Инсон ҳаётида гоҳ-гоҳ ғайриоддий воқеалар содир бўлади. Айтиб берсанг, ҳеч ким ишонмайди. Ошириб юбординг, қулоққа лағмон осма қабилда иш тутишади.

Раҳмон, Усмон ва Сайид деган бобокалонларим тақводор кишилар бўлишган. Ўзим худосиз жамиятда ўсиб-улғайганим боис, динимиз аҳкомларини унчалик чуқур билмайман.

Ибодатларим ҳам наридан бери. Шундай бўлса ҳам ўзимни худосиз деб ўйламайман. Ҳар нафасда иймон келтириб, ҳар қадамда Яратганнинг мўъжизалари қаршисида ҳайрат ва таажжубда яшайман.

Ҳаётимда, кутилмаганда рўй берган бир неча ҳайратангиз ҳодисалар бор. Йиллар ўтиб ҳам, мен уларнинг замирини англай олмаёпман. Улар қаршисида ақлим ожиз, тилим лол. Шунанча пайтлар бўлган, ўлишимга бир баҳя қолган...

1976 йил мен Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтида иккинчи курсда ўқирдим. Ўша йил ёзда ўқув машғулоти тугагач меҳнат амалиёти бўйича Россиянинг Тюмен шаҳрига борадиган бўлдим. Олтмишга яқин талаба-ёшлар, икки гуруҳга бўлиниб, Самарқанд-Тюмен йўналиши бўйича йўлга тушдик. Уч кун деганда, поезд Фарбий Сибирнинг йирик шаҳри Тюменга етиб келди.

Бизни шаҳар чеккасида қурилаётган катта бир заводнинг ёнидаги катта майдонда қурилган “палатка-шаҳарча”га жойлаштирдилар. Ҳар биттаси ўн кишига мўлжалланган чодирларнинг сон-санови йўқ эди. Биз, яъни Ўзбекистондан Россияга борган талаба ёшлар асосан завод қурилишида ишладик, лозим бўлганда бошқа ҳар хил ишларга ҳам жалб қилишарди.

Шанба ва якшанбада кимдир шаҳарни томоша қилгани чиқса, кимдир маҳаллий қизлар билан рақс тушгани “дискотека”га борарди. Бировлар шаҳар чеккасидан оқиб ўтадиган Тура дарёсига чўмилгани кетарди. Мен кўпчилик қатори навбат билан уч манзилга ҳам бориб турардим. Савридин деган қизилтепалик дўстим бўларди. У хушбичим ва келишган, баланд бўйли йигит эди. Икков қаерга борсак бирга борардик, палаткадаги ўрнимиз ҳам ёнма-ён жойлашганди.

Бир кун отамдан хат олдим. Раҳматлик отам, мактубида қишлоғимиз Бурқутда содир бўлган сўнги янгиликларни эринмасдан ёзганди. Охирида, Тюмен шаҳри четидаги бир ҳарбий қисмда аскарлик қилаётган Омон деган болани бориб кўришимни сўраганди. Ёзишича, Омон қадрдон бир дўстининг ўғли экан. Мен бу йигитни ҳеч қачон кўрмаган эдим. Хат охирида Омон хизмат қилаётган ҳарбий қисмининг манзили битилган эди.

Завод қурилишида бирга ишлайдиган маҳаллий ишчилардан ҳарбий қисм қаерда жойлашганлигини суриштириб, Савриддин билан йўлга чиқдик.

Шанба, дам олиш куни эди. Автобусма-автобус юриб, минг бир сарсонгарчиликдан сўнг, темир йўл қурадиган ҳарбий-қурилиш баталиони кўним топган манзилни топдик. Омоннинг ўттиз чақирим узоқдаги темир йўл қурилишида ишлаётганини айтишди.

Совға-саломларни елкага осиб, Сибирнинг йўлсиз кенгликларидан аскар ҳамюртимизни излаб йўлга тушдик. Тайганинг қалин ўрмонларини кўрган кишининг юраги орқасига тортади. У томонга машина юрмас, оёқизи йўлни топиш ўзи машаққат эди.

Улкан Дашти Қипчоқ кенгликларидан бироз шимолда Ер шарининг бепаён бир ҳудуди бор: У ерни “Тайга” дейишади. Ўта рутубатли ҳавоси, ўтиб бўлмас қалин ўрмонлари ва осмонда булутдай кезиб юрадиган пашшалари юракларга ваҳима солади. Охири кўринмайдиган ботқоқликлари машҳур ва машҳум. Тайганинг Ўрол тоғларидан бошланиб, Канаданинг Атлантика океани қирғоқларига етишини география дарсларида ўрганганмиз. Россия ва Канаданинг ўзига хос ландшафтлари ҳисобланмиш бу кенгликларларда битмас-туганмас ўрмонлар бор. Шу боис “Тайга”ни “ер куррасининг ўпкаси” дейишади.

Савриддин иккаламиз ана шу улкан “ўпка” ичида, кичик бир сўқмоқдан юриб, ҳамюртимизни излаб бораяпмиз. Ўрмонда гоҳида ваҳимали ва юракни титратадиган овозлар эшитилиб қолади. Гоҳида ёруғлик тушмайдиган улкан дарахтлар остида борлиқни зулмат қоплагандек бўлади. Серкүёш юрт фарзандлари бўлганимиз сабаб, бу манзаралар кўрқинчли ва нотабиий туюлди. Гоҳ, елкамиздаги юк билан югурамиз, гоҳ сокин қадам ташлаймиз. Мақсад, қандай бўлмасин “ўпка” ичидан тезроқ чиқиб кетиш. Бир пайт, кенлиги тахминан юз қулочча келадиган дарахтлари кесилган узун ялангликка чиқдик. Ўзимизни гўё зиндондан қутулгандек ҳис этганимиз сабаб, иккаламиз ҳам суюнганимиздан қичқириб юбордик.

Майдонда темир йўлга ишлатиладиган ҳар хил қурилиш материаллари сочилиб ётарди.

Савриддин: “Етиб келдик” деди.

Бироз юрганимиздан сўнг ҳарбийлар кўринди. Улар бизни Омон жойлашган палатка олдиғача олиб бориб қўйдилар. Ҳамюртимиз билан қучоқлашиб кўришарканмиз, унга совға-саломларни топширдик.

У ерда кўп ўзбек ва тожик ҳамюртларни учратдик. Узоқ Ўзбекистондан келган ҳамюртларини кўриб, уларнинг боши осмонга етди.

Баталион командири бизга алоҳида жой ажратди. Ҳамюртлар тўпланиб, палатка ичини Ўзбекистонга айлантириб юбордик.

Тошўчоқ қуриб, кабоб пиширдик. Омоннинг ошнаси дарахт новдасидан сих ясаб, гўшт ўтказиб турди. Хуллас, гулхан атрофида тонгача отамлашдик. Олиб келган тўрт ароқнинг бирини командирларга бердик. Учасини ҳамюртлар ўтириб, бирга ичдик. У замонлар коммунистлар замони эди. Руслар биз туркистонликларни аллақачон ароққа ўргатишган, бирор давра ароқсиз ўтмасди.

Эрталаб тонг оқаришига яқин Омоннинг командири олдимизга келди. У шаҳарга етиб оладиган яқин ўрмон йўлини тушунтира кетди. У пайтларда, Савриддин ҳам мен ҳам русчадан сал нўноқ эдик. Омонни русчаси ҳам нари-бери эди. Тушунсак, тушунмасак: “Да”, “да” деб, туравердик.

Ҳамюртлар билан қуюқ хайрлашиб, йўлга тушдик. Омон халтамызга бир нималар солган бўлди. Уни олмасликка ҳаракат қилдик, бўлмади.

Ичилган ароқ бошни зирқиратиб оғритар, устига-устак тунда ухламай чиққандик. Ортимиздан ҳар бири кичикроқ аридай келади пашшалар тўдаси булутдай эргашиб келарди. Дармонимиз қуриб, шу алфозда қалин ўрмон ичида анча юрдик.

Талабаликнинг дастлабки йилларида Фарбий Сибир ва Тюмен ҳақида унча маълумотга эга эмас эдим. “Шу ерлар ҳам одам яшайдиган жой эканми?! Қандай яшайди одамлар бу ўрмонда?!” деган саволлар, суҳбатимиз мавзуси бўлди.

Биз бу заминда одамзотнинг 15-20 минг йилдан буён умргузaronлик қилаётганини билмас эдик.

Чамаси уч соат юрганимиздан сўнгра олдимиздан бир хутор

(қишлоқча) чиқди. Дўкон бўлса, газак учун ароқ сотиб олмоқчи бўлдик. Ароқдан пайдо бўлган бош оғриғига ароқдан бошқа нарса наф бермайди, деб ўйлашарди одамлар ўша замонларда. Табиий, бу нарса ёш бўлишимизга қарамасдан бизга ҳам юққанди.

Олдимиздан соқоли ўсиб кетган, кийимлари бир ҳол чол чиқди. Ундан дўконни сўрамоқчи бўлдик. У ғирт маст, гандираклаб оёғида зўрға турарди. Уст-боши ифлос эди. Сўровимизга индамагани майли, у ортимиздан сўкиниб қолди. Бошқа биров учрар деб, қишлоқни айланиб чиқдик. Уч-тўрт чўчка қамалган кўра билан уймалашиб юрган товуқлардан бошқа нарса кўзга ташланмасди. Қишлоқнинг ўйдим-чуқур кўчаларига ақал шағал ҳам тўкилмаган эди.

Савриддин из кетган сўқмоқни кўрсатди. Ўша томонга юрдик. Икки-уч киши ёғоч уй олдидаги скамейкада папирос тутатиб ўтирарди. Кўринишларидан улар ҳам ширакайф эдилар.

Ўрта ёшдан ўтган, соч-соқоллари ўсиб, тўзғиб кетган кимсаларга бошимизни ирғатиб салом бергандек бўлдик. Сўнгра ёғоч уйнинг эшигидан ичкарига мўраладик. У ер тахмин қилганимиздек дўкон бўлиб чиқди. Ўтирганлар орқамиздан нималардир деб, ғўлдирардилар. Семиз сотувчи хотин ҳам бизга ёқинқирамай қаради. Ароқ олиб, яна ҳаялламай йўлга тушдик.

Қишлоқдан бироз узоқлашгач ароқни очдик. Иккаламиз ҳам бош оғриқдан адоий тамом бўлаёзгандик. Омон халтамизга қайнатилган картошка, қора нон ва қовурилган балиқ солган экан. Чириган дарахт устида ўтириб, нонушта қилдик. Шиша бўшагани ҳамоно йўлни давом эттирдик. Томирларимиздаги қон юришиб, кайфиятимиз кўтарилди. Ўрмондан келаётган ваҳимали товушлар ҳам, қоронғилик ҳам энди бизни қизиқтирмас эди...

Шу алфозда ҳазил-ҳузул билан қанча юрдик, билмайман, бирдан сўқмоқ тугаб битди.

Ўрмондан балчиқнинг бадбўй ҳиди кела бошлади. Ароқнинг касофатидан ҳушёрликни бой бергандик. Биз таъриф этилган тарафга эмас, янглиш кетгандик.

Дарахтлар қалинлигидан осмон кўринмасди.

Ортиқ, истасак-истамасак таваккал этишга мажбур эдик.

Шох-шаббаларга туртиниб-суртиниб, олдинга интилдик. Кўп юрмасдан, олдимизда устини моғорга ўхшаш ўт-ўлан қоплаган кечиб бўлмас ботқоқлик борлигини пайқаб қолдик. Боши берк кўчага кирганимизни англаётган бўлсак ҳам, ортга қайтиш ниятимиз йўқ эди. Бироз юриб йўлга чиқамиз, деган алдамчи ҳисга умид боғлагандик. Кун кеч бўлиб борарди. Дақиқа сайин ўрмон қоронғилашиб, борлиқ зулмат қаърига чўкаётган эди.

Ботқоқликни айланиб ўтиш мақсадида, шох-шаббалар орасидан йўл изладик. Шу ишнинг ўзига икки соатдан кўп вақт сарф бўлди.

Ваҳимга тушмаслик учун бир-биримизга атай далда бўладиган гапларни гапирардик. Ўрмон қаъридан аллақандай тушунарсиз товушлар келар, биз ҳам жавобан қичқириб кўярдик. Савриддин ўзича гоҳ-гоҳ баланд овозда кўшиқ ҳам куйлаб юборарди. Олдимиздан баъзан кичикроқ очиқ майдонлар чиқса ҳам, текист йўл топиш машаққат бўлиб кетаётган эди. Шундай очиқ жойларда ой шуъласига боқиб, бироз нафасни ростлардик-да, яна йўлда давом этардик.

Савриддин, “Соат ўн иккидан ошди” деганда, биз қаердалигимизни англамайдиган аҳволда эдик. Бир-биримиздан яширсак ҳам, аллақачон юрагимизга ваҳима оралаб бўлган, қаттиқ очиққанимиздан тиззаларимизда дармон қуриб борар, ичгани сув ҳам қолмаган эди. Халтадаги егуликлар тугаб битганди.

Бир муддат ўтиб, ҳаво бирдан айний бошлади. Ой қалин булутлар орасига бекиниб олди. Вақт ўтган сари кўрқув бизни ўз тассаруфига олаётган эди. Зарур бўлмаса, сўзлашга ҳам мажолимиз келмайдиган вақтга оз қолганди. Ахири, иккаламиз ҳам қўлимизга таёқ олдик. Ҳалигача аниқ мўлжал ололмаганимиз учун оёқ тортган томонга юришдан бошқа чорамиз йўқ эди.

Савриддин иккаламиз йиллар бўйи яқин дўст бўлган бўлсак ҳам, мушкул вазият баъзи жиҳатларда бизнинг фикримиз бир жойдан чиқмаслигини кўрсатар эди. Мен, “Бу ёққа юрайлик” десам, у бошқа томонни мўлжаллаб турарди. Бир қарорга келолмасдан уришиб қолишимизга сал қолди.

Ўзга чорамиз қолмагани учун тўқайга айланган дарахтзорлар орасида ёввойи ҳайвонлар очган йўлаклардан юра бо-

шладик. Гоҳида кийимларимизни шох-шаббалар юлиб қоларди. Шунақа пайт, ёввойи бирор ҳайвон орқамиздан келиб чанг соляпди, дея кўрқиб кетардик. Шу алфозда, анча юриб дарахтлар сийраклаша бошлаган ҳудудга чиқдик. Энди черника, малинага ўхшаш мева тугадиган бутазорлар бошланган эди. Тиканакли бу ўсимликлар ҳам анча баланд ва қалин эди. Уларни оралаб бироз юргач рўпарамизда тиканли симтўсиқ борлигини сезилиб қолдик.

Тўсиқдан ошиб ўтадиган жой изладик. Сал кўтарилиб турган жойни топиб, бир амаллаб тўсиқ остидан ўтиб ҳам олдик. Кўп юрмасдан, шох-шаббалар орасидан яна бир тўсиққа дуч келдик. Тўсиқнинг баландлиги бир ярим қулочлар бор эди. Бу гал омадимиз чопди. Тўсиқ устига қулаган дарахтдан нари томонга қийналмасдан ўтиб олдик.

Савриддин: “Одамлар бу тўсиқларни ёввойи ҳайвонларни ушлаш учун тортган” деди. Мен: “Балки, биздақа ёввойилар ўрмонни топтамаслиги учун тортган бўлишлари ҳам мумкин» дея, ҳазиллашмоқчи бўлдим. Чунки, симтўсиқларни кўриб, кайфиятим бироз кўтарилган эди. Нишона, чамамча яқин атрофда қишлоқ борлигидан далолат берарди.

Бир пайт, Савриддин шодёна овозда: “Қара, чироқ кўринди. Қишлоқ борга ўхшайди” дея ҳайқирди. “Йўғе, қани дўстим?!” дедим. Кўзларимга зулматдан бошқа нарса кўринмасди. “Ана, қара... Кўрмаяпсанми?” деди у. Пакана бўлиб туғилганимдан ичимда хафа бўлиб кетдим. “Кўтар, жўра, шуълани кўрай” дедим, унга. У елка тутди. Шунда зим-зиё ўрмондаги йилтиллаган шуълага кўзим тушди...

Биз хира шам сингари элас-элас ёруғлик таратаётган манзилни кўзлаб борардик. Хурсандчилигимизнинг чеки йўқлигидан танамизни тирнаб ташлаган тиканлар заҳмини назар-писанд қилмасдик. Яъни, саргардонликдан қутулганимизга астойдил ишониб, ўзимизни балиқ ичидан тирик чиққан Юнус пайғамбардек ҳис эта бошлаган эдик. Биз учун “ернинг ўпка”-сига тушиб, бутун чиқиш ақл бовар қилмас бир иш эди.

Ёруғликка яқинлашганимиз сари, буталар сийраклашиб борарди. Аммо, негадир юрагимни аллақандай ғашлик қамраб

ола бошлади. Чунки, чироқ жуда ҳам хира, аксига олиб фақат пастни ёритарди. Ҳар эҳтимолга қарши Савриддинни: “Асло, овозингни чиқара кўрма, эҳтиёт бўлганимиз яхши!” дея огоҳлантириб қўйдим.

Бироз юрганимиздан сўнгра, олдимиздан хандаққа ўхшаш чуқурлик чиқди. Уни кечиб ўтдик. Ичи лой экан, оёқларимиз балчиққа ботди. Хандақдан чиқиб ерга ётиб олдик ва атрофни кузата бошладик. Соат, икки-учлар эди. Бутун борлиқ сукунат қўйнида ором оларди. Қўрқинчи овозлар қайгадир ғойиб бўлганди.

Кузатарканмиз, чироқнинг битта эмас, бир нечта эканини сезиб қолдим. Бизни чироқлардан дўнглик ёки бинога ўхшаш бир нима тўсиб турарди. Яқинроқ бордик. Дўнглик ўт-ўланлар билан қопланиб ётгани боис, биз уни узоқдан сезмаган эканмиз. Биносифат нарса устида балиқчиларнинг тўрига менгзаш бир нарса тўшаб қўйилганди. Савриддиндан, пичирлаб: “Нега у иморат устига тўр ёпилган?” дея сўрадим. “Бу ерда овчилар яшаса керак. Овчи бўлгандан кейин, албатта тўри бўладида», деди у.

Дўнгликнинг нари ёғида қалин ўрмон борлиги шундоқ билиниб турарди. Аммо, нега майдоннинг ўт-ўлан билан қопланганига ва атроф хира чироқлар билан ёритилганига ақлимиз етмасди. Устига устак, майдон ўртасидаги бинода битта ҳам чироқ йўқ эди. Хуллас, на олдинга, на орқага юришимизни билмай, қотиб қолдик.

Ўшанда, биз энди йигирма ёшни қоралаётган ғўр йигитчалар эдик. Кўп нарсаларга фаҳмимиз етмасди, тажрибамиз йўқ эди. Аммо, нима бўлганда ҳам бу ердан талофатсиз чиқиб кетишнинг бир чорасини топишга мажбур эдик.

Бу сирли маконнинг нелигини тушуниб етмаганимиз боис, ётган жойимиздан қалқиб, тўғри ёруғликка қараб йўл олдик.

«Ҳе, кетдик. Бу ерда шубҳали ҳеч нима йўқ» деди Савриддин. Эшитиб, мен ҳам бироз ўктамлашдим.

Сал юриб, тўр ташланган бинога етдик.

Атрофни кузатиб, кўзим дарахтлар тагида ўрнатилган соқчиларнинг кузатув нуқтасига тушди. У ерда қўлида автомат тутган бир аскарнинг ғира-шира шарпаси кўринди.

«Етиб, келдик. Аскарни кўряпсанми?» дедим, Савриддинга.

У аскарни кўриб, ерга чўкиб олди. Мен ҳам унинг ёнига чўкдим. Ичимизга қаттиқ кўрқув кирган эди.

«Тақиқланган ерга кириб қолганга ўхшаймиз. Аскар бекорга тургани йўқ» дедим, шивирлаб. «Нима қиламиз?» деди Савриддин титраб.

Нима қилишимизни билолмай, биз анча жим турдик.

Бутун атроф тиканли симлардан тортилган тўсиқ билан ўраб олинган. Биз шу тўсиқни ошиб келганимизни, энди яққол англаётган эдик. Аниқроғи, аллақандай «сирли объект»га кириб қолгандик. Орқага йўл йўқ эди.

Аҳвол биз ҳис қилганимиздан ҳам оғир эди. Боз устига кўрқув бизни узил-кесил мавҳ эта бошлаганди. Энди, бу ердан билдирмасдан чиқиб кетиш ҳақида ўйлардик. Аммо, бошимизга бирор тайинли фикр келмасди.

Бир пайт: «Аскарни ёрдамга чақирамиз», деб қолди Савриддин қулоғимга пичирлаб.

«Йўқ» дедим, кескин оҳангда. У кўрққанидан шошиб, бизни отиб кўяди. Итлари бўлса, ўлдик деявер, иккаламизни ҳам тилка-пора қилади. Яхшиси, кўриниб турган дарвозадан ошиб, ўрмонга қочамиз».

«Анави, темир дарвозани айтяпсанми? деди таажжубдан ёқа ушлаган Савриддин. Жуда баланд-ку! Яна, бу ердан камида 30 – 40 метр масофада. Қочишга улгурамасак, отадилар. Аяб ўтирмайдилар!»

Бошим қотиб қолганидан унга нима деб жавоб беришни билмасдим. Бироз ўтиб, вужудимда шундай бир куч пайдо бўлди, ўзим-ўзимни тушунмай қолдим. Беихтиёр, шартта Савриддиннинг биллагидан ушлаб: “Ё, Худо!” деб дарвоза томонга отилганимни биламан...

Айнан шу лаҳзаларда ҳар тарафдан: “Стой... стой... стой стрелять буду!” деган овозлар кела бошлади.

Худони кудрати билан бир неча сония ичида ўзимизни темир дарвозанинг нариги томонида, ерга гурсиллаб тушган ҳолда кўрдик...

Ерга қуладик, аммо тўхтаганимиз йўқ. Тура-сола, ўзимизни қалин ўрмонга урдик. Орқамиздан ўқ овозлари келарди. Да-

рахтлар орасига энди кирдик, деганимизда, ўқ тегиб бир да-рахтнинг шохлари олдимизга узилиб тушди.

Биз, узоқ чопдик. Қалин ўрмоннинг шох-шаббалари орасидан йўл очиб, олға силжиганимизга ҳалигача ақлим етмайди. Муҳими, биз шикастланмаган эдик. Бироқ, югуришдан ҳаливерин тўхташ ниятимиз йўқ эди...

Ўрмон тугаб, кенг бир ялангликка чиққанимизда олдимизда каттагина бир хутор кўринди. Тонг оқариб келарди. Осон қутулганимиздан кўнглимизда ёруғлик пайдо бўла бошлаган эди. Кийимларимизга қараб бўлмасди. Мени кўйлагимни бир енги қаердадир узилиб қолганини ҳам сезмабман. Савриддини бир қўли қонаб кетган, қаергадир уриб олган кўринади. Шундай бўлсада кийимларни бироз тартибга келтириб, юз-қўлимизни балчиқ ва лойдан тозалаб, хутордаги энг яқин уй томон юра бошладик.

Хутор чеккасидаги уйга яқинлашганимизда тонг оқариб бўлганди. Хўрозлар жўр бўлиб қичқиришга тушгандилар. Уй олдида боргач, нима қилишимизни билмай қотиб туравердик. Бу аҳволда бировнинг эшигини тақиллатишга ҳам юрак бетламасди.

Кўп ўтмади, уйнинг дарвозаси жарақлаб очилди. Ичкаридан чиққан чол бизга бир қараб қўйиб, дарвозадан чиқаётган “Москвич”га диққатини қаратди. Машинадан мўралаётган тутун ҳавога кўтарилди. Машина орқаси билан чиққач, рулдаги йигит машинанинг олдини йўлга тўғирлади. Чол йигитга: “Яхши бориб кел, болам” дея, қўл силталади.

Қулоқларимга ишонамай, Савриддинга тикилдим: «Чол, ўзбекча гапиряптими?!» дея, у ҳам ҳайратдан ёқа ушлаётган эди.

Чолга яқинлашиб, унга салом бердим. «Валайкумсалям», деди у ҳам. Эшитиб, Савриддин иккаламиз, бир муддат ҳайратдан шамдай қотдик.

«Ўзбекмисиз, ота?» деди, ўзини йиғиштириб олган Савриддин ҳовлиқиб. «Бурқутман, болам» деди чол, лойга беланган ва бурда-бурда бўлган кийим-бошимизга кўз югуртириб. «Ўзбекмисизлар? Тонг саҳарда нима қилиб юрибсизлар, бу ерларда?»

Сибирда, қалин ўрмонлар орасида ўзбекчани биладиган одамни учратиш етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган эди.

«Студентмиз. Ўзбекистондан келгандик. Адашиб қолдик...» дедим. «Қани, уйга кирайлик, кейин сўйлашамиз. Чай-пай ичиб олинглар», деди чол.

Ширин муомиладан юзимиз ёришиб, тушкунлик ўрнини шодлик эгаллади.

Чолнинг ортидан эргашарканмиз: Чол, «Бурқутман» деяпти. Қишлоғимизнинг номи ҳам Бурқут. Қишлоғимиз билан чолнинг алоқаси бўлиши мумкинми, деган хаёл пайдо бўлди бошимда.

Мен Кумушкент қишлоқ Шўролар Кенгашига қарашли Бурқут деган кичик қишлоқда туғилганман. Тўғриси, шу пайтгача қишлоғимизнинг номи нима учун Бурқут дея, ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

Чолнинг Рамзия опа, деган фариштали кампири бор экан. Машинада жўнаган йигитнинг исми Камил бўлиб, у чол-кампирининг ўғли экан.

Биз бу ажойиб инсонларга кеча тунда бошимизга келган саргузаштларнинг ипидан игнасигача сўзлаб бердик. Ўзини «бурқут»ман деган Рамил ота ўзбек тилига жуда яқин лаҳжада гапирарди. «Ай, балаларим! Худай бир асрапти сизларни!», деярди, у ҳар икки оғиз сўзининг бирида.

Ёғоч уйга остона ҳатлаб биринчи бор киришим эди. Ичи жуда шинам бўларкан. Бизни чол-кампири устига тери тўшалган сўрига ўтқазиб, қаймоқ ва малинали мураббо билан сийлади. Қорнимизга бир нима кириб, сарсон-саргардонлик ва очликдан муз қотган танамизда иссиқ қон югурди. Шу орада тиниб-тинчимас Рамзия хола Савриддиннинг қўлидаги тилинган жойни тозалаб, йод суртиб боғлаб қўйди. Рамил ота, кампири олиб чиққан куйлакни менга мажбурлаб кийгазarkan: «Болам, сиз ўзбеклар биз билан бир уруғсиз. Ата-бабалар бу жерлардан сиз томонга китиб қолган» дея меҳрибонлик кўрсатди. Бу инсонларнинг самимиятига ишонмасдан бўлмасди. Мен ҳам унга: «Ота, бизни излаб келишмасмиканлар? Тезроқ, бу ердан кетсакми?!» дея хавотир билдирдим.

«Келишса, бу пайтгача келишарди. Энди, келишмайди. Туни билан ухламасизлар. Бир-икки соат ухлаб олинглар. Камил килсин, иш жойларингга абариб қўяди. Раҳбарларингга ҳам ту-

шунтиради», деди чол.

Тошдек қотиб ухлабмиз. Уйғонганимизда, Савриддин: «Бизни йўқотиб қўйиб, домлалар, роса хавотир олаётган бўлсалар керак» деди. Эшитиб, менинг ҳам юрагимга ғулғула тушди.

Камил ҳали қайтиб келмаганди. Ўзимиз йўлга чиқамиз десақ, яна бир балони бошламайлик деб чўчирдик.

Рамил ота, бизни қўярда-қўймай дастурхонга чорлади. Рамзия хола, олдимизга икки коса қайноқ шўрва келтириб қўяркан: «Болаларим, биз ўзбекларни яхши кураимиз. Сизлар билан тилимиз, тарихимиз бир», деди, чолини ёнидаги ўриндиққа ўтириб.

«Тайгада ҳар қадамда ҳарбий иншоотлар жойлаштирилган. СССРнинг бутун ракеталари шу ўрмонларда яширинган. Адашмасам, сизлар бирор ҳарбий омборга кириб қолгансизлар» деди сўзларини салмоқлаб Рамил ота. Сал нарида, ўрмоннинг нариги чеккасида иккитами-учта “объект” бор дейишган. Аммо, сизларни Худай асрабди. У ерларга яқинлашган кимса соғ қолмайди, деб эшитган эдим...»

Бизни яна ваҳима босди. «Мабодо, ортимиздан ҳарбийлар қидириб келмайдими?» Худди аввалдан келишиб олгандай, Савриддин иккаламиз баравар сўрадик.

«Келса, аллақачон ортларингдан келарди, дедим-ку! Демак, изларингизни йўқотишган. Мен Тайгани яхши биламан. Сизлар адашган жойлар бу ерлардан анча узоқ. Ўша тарафларда ер остида ракета омборлари бор, деб эшитганман. Тўғриси, ҳалиям қандай қилиб соғ-омон қутулганларингга ақлим етмаяпти. Худай асрабди, Худай асрабди...»

«Тўғриси, ўзимиз ҳам ҳайронмиз. Ошиб ўтган дарвозамизнинг баландлиги камида уч метр келарди. Умримда бирор марта бунақа баландликдан бир ҳамлада ошиб ўтмаганман. Бу бақалоқни айтмайсизми, мендан анча паст бўлса ҳам, мендан олдин сакради» деди Савриддин ҳам чолнинг сўзларини маъқуллагандай бўлиб, ҳазил-хузул аралаш.

Чолу кампир бизга қараб роса кулишди.

«Яшсанлар, балам, кучларинг бор, журак бор», деди Рамзия хола. Растанам, сизларни Худай бир асрабди, энди жуда эҳтият булинглар. Бу ўрмонлар жуда хапли, ҳамма яқ батқақ...»

«Буяғи энди Худайга таваккал... Хавотир олманглар. Сизлар ахир бирор диверсант-пиверсант эмассиз!» деди Рамил ота ҳам жилмайиб.

Бошимизга келган балолар, бизларни уларнинг наздида «қахрамон»га айлантирган эди.

Чол аввалбошдан биздан кимлигимизни суриштириб олганди. У ҳақиқатдан Самарқанддан келган студентлар эканлигимизга ишонч ҳосил қилгач, кўнглимизни кўтариш учун бироз ҳазил-мутойиба қилаётганди, холос.

Хотиржамлиги боис, бизга кўпроқ ёрдам бергиси келаётгани кайфиятидан билиниб турарди.

Мени энди кўпроқ ҳаммасидан кўра ҳам «Бурқут» сўзининг замири қизиқтираётган эди. «Ота, «Бурқутман», дедингиз! Бизни қишлоқнинг номи ҳам Бурқут. Бу нима дегани ўзи, шуни тушунтириб берсангиз?!» дедим унга.

«Йўғ-е.., Сан ҳам бурқутмисан?» деди у. «Билмадим, уруғим билан қизиқмаганман, дедим. Боболарим ўқимишли одамлар ўтган. Уйга борсам, суриштириб кўраман. Аммо, қишлоғимизнинг номи Бурқут...»

Рамил ота, ўтирган ўриндиғини мен томон суриб, яқин ўтирди.

«Мен ҳам ота-боболаримдан эшитганман бурқутлигимни» деди у. Паспортда «тотор» деб ёзилган. Бу ерларда бизни тотор деб билишади. Бурқутлар тарихи билан кўп қизиққанман. Тюмен шаҳрининг чеккасидан катта дарё оқиб ўтади, кўрдингларми? «Кўрдик, кўрдик, чўмилдик» дедик, биз. «Ўша дарёнинг оти, Тура. У минг йиллардан бери оқади. Қирғоғида қадим замонларда катта бир шаҳар қад кўтарган. Уни «Чинги Тура» деб аташган. Ана ўша Чинги Тура бурқутлар давлатининг пойтахти бўлган. Жуда катта ва чиройли шаҳар бўлган дейишади. Ҳозир ундан ном-нишон қолмаган. У замонларда бурқутларнинг жуда қудратли давлати бўлган...»

«Бу қачонги тарих ота?» деди Савриддин Рамил отанинг сўзини бўлиб.

«Бу жуда узоқ тарих. Тўғриси, қачонлигини билмайман. Қипчоқ даштларида жуда кўп уруғлар яшаган. Бурқутлар ҳам шулардан биттаси... Ўзбекхон, Шайбонийхоннинг авлодлари ҳам шу

ерларда давлат барпо қилган бир замонлар, деб эшитганман...»

«Э, эшитмаган эканман» дедим. «Қизиқсанг, топасан!» деди у. Тарих ҳеч қачон буткул йўқалиб китмайди. Бурқутлар у ёғи Қовқозгача, бу ёғи мўғулгача бориб, ов қилиб кезиб юрганлар. Боболаримиз эпчил овчи ва зўр чорвадорлар бўлишган. Жанг қилишда уларга ҳеч ким бас кела олмаган...»

«Биз, бу ерларга (Тюменга) келаётганимизда катта бир чўлни кесиб ўтдик. Поезд ўша саҳро ичида сал кам икки кун юрди. У ерларда, фақат қозоқларни учратдик. Бўлмаса, улар ҳам бурқутми?» дедим, мен яна Рамил отанинг сўзини кесиб. «Тўғри, балам. Орол билан орамизда жуда катта даштлик бор. Шу даштларда қипчоқлар, тоторлар, бурқутлар, нўғойлар ва яна жуда кўп турк уруғлари доим урушиб-талашиб яшаган. Қозоқ ҳам шуларнинг ичидан чиққан бир уруғимиз. Мен сизларга ота боболаримдан эшитганларимни гапиряпман. Тўғрисини, олимлар билади. Қадимда, исломдан олдин «яда таши» деган бир муқаддас тошимиз бўлган экан. Боболаримиз ўша тошга сиғинган деб, эшитганман отамдан...». «Қанақа тош дедингиз?» дедим қизиқишим ортиб. «Балам, мен “Яда таши” деб эшитганман, ўзим кўрмаганман...» деди чол.

Шу маҳал ташқаридан машина овози келди. Рамзия хола хабар олгани кўчага чиқди. Биз ҳам суҳбатни чала ташлаб, нарсаларимизни йиғиштиришга тушдик.

Рамил ота эса: «Шашманглар, Камил бўлса, қорнини тўқласин, нонушта ҳам қилмаган эди. Ҳикояни ҳам битириб оламиз» деди. Сиз ўзбек, туркман, қазақ ва қирғизлар бизга яқин авлад бўласиз. Кўпчиликларинг шу жерлардан кетгансизлар. Бу томони Ўрол, у томони Қитай, Эрон ва Юнонгача бизнинг ерларимиз, ўрислар бу ерларга кейин келди. Ҳазирги Россиянинг тўқсон фоиз ерида бизнинг оталаримиз қилич ўйнатиб, мол ва йилқи боқиб ҳукмронлик қилиб юрган...»

Камил кириб келиб, Рамил отанинг ҳикояси тўхтаб қолди.

Мен ўша кун ўзим учун жуда муҳим бир кашфиётни кашф қилдим. Ўша кун ибрати ҳалига довр умр йўлларимда менга чироқ бўлиб келяпти.

Камил чойини ичиб олгач, биз йўлга чиқдик.

Тушдан ўтганда у бизни Тюмен шаҳри чеккасида жойлашган студентларнинг палатка-шаҳарчасига етказиб олиб борди. У билан қўл сиқишиб хайрлашиб, Савриддин иккаламиз домламизга нимани айтиш ва нимани айтмасликни маслаҳат қила-қила, "штаб-палатка"га қараб йўл олдик.

НАФС ЛИХАРАДКАСИ ЁХУД ЎЗБЕКЧА ҚУЛОҚҚА ЛАҒМОН ОСИШНИНГ МИЛЛИЙ ФОЖЕАГА АЙЛАНАЁТГАНИ ҲАҚИДА

«Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс – агар Парвардигоримнинг ўзи раҳм қилмаса – албатта, барча ёмонликларга буюргувчидир» (Юсуф-53). Бу – Юсуф алайҳиссалом тили билан Қуръони каримда баён этилган бир ҳақиқатдир.

Шайтонга ўхшаб нафс ҳам инсонга васваса солади. Аммо, нафс кераксиз бир матоҳ эмас. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Нафсинг уловингдир. Унга юмшоқ муомалада бўл, қўполлик қилма!» деганлар.

Нафсда воқеъ бўладиган ёмон нарса васвасадир.

Ўзбекистонда тақдир тақазоси мени бир оқсоқол билан учраштиради. Ёши саксонлардаги фоний дунё юкидан бели букчайган отахон билан обдон ҳасратлашдик. «Иймони бутун, диндорлар оиласида таваллуд топганман, бутун умрим тоат-ибодатда ўтяди» деб гап бошлади, чол. Кейин бир хўрсиниб, нам сизган кўзларини рўмолчаси билан артаркан: «Охирги йилларда масжидга боролмай қолдим, болам» деди у. «Ота, нега масжидга боролмайсиз?» дедим, ёшланган кўзларига боқиб. У аввалига гапни нимадан бошлашни билмай, бир муддат сукунатга чўмди. Унинг ғамнок чеҳрасига боқиб, ичида инсон зоти кўтариши оғир бўлган бир дард борлигини сездим. «Масжидга борсам, кўнглим жуда ғаш бўлиб қайтаман. Номоз қилишга улгурмасимдан атрофимни ўраб олишади. «Ўғлингиз алдаб олиб кетган пулларни қачон қайтаради?» дея, одамлар берган пулларини сўрашга тушади. Нима дейишимни билмай қоламан. Номоздан кейин ҳам масжид ташқарисида мени кутиб турган

ларнинг ҳисоби йўқ. Ўғлим икки йил олдин улардан болаларингизни чет элга жўнатаман, деб анча-бунча пул олган...»

«Ўғлингиз, қаерда?» дейман, мўйсафидга. «Э, болам..! Қариган чоғимда шу куйларга тушиб қолишимни билсайдим.., дейди у. У падарлаънати ҳозир Россияда. Келолмайди. Қарзларини узганини кўролмай кетаманми, деб кўрқаман...»

Бу каби гапларни бугун Ўзбекистоннинг ҳар ерида эшитиш мумкин. Кимни кўрма, берган пулини ололмаганидан шикоят қилади. Бугун ўзбек тилига янги «кидала» деган сўз кирган. 20 – 25 йил илгари жамиятда бунақа манзара кузатилмасди. Тўғри, ҳамма замонларда фирибгарлик ва қаллобликлар бўлган, аммо бу «вирус» ҳозиргидек кенг тарқалмаган эди.

Дунё тажрибасига боқсак, айрим ижтимоий касалликларнинг вақти-вақти билан «гуллаш даври» бўлишини кузатамиз. Мисол учун АҚШда бир пайтлар “Буюк депрессия” ҳодисаси рўй берган. Россияда “МММ пирамидаси” атрофидаги воқеаларни, эсланг! Тарихдан “Олтин лихарадкаси” васвасасини ҳам кўпчилик билади. Калифорния, Аляска, Австралия ёки Сибирдан вужудга келган олтин васвасалари бутун бошли халқларни жунбушга келтирган. Одамлар қари ва касал ота-онасини, ёш гўдақларини ташлаб, осон бойиб кетиш илинжида кемаларда, поездларда, қайиқларда ва ҳатто пиёда ўша томонларга шошилганлар. Бойлик таллашиб одамларнинг йиртқичларча бир-бирларини ўлдирганлари тарих салномаларида муҳрланиб қолган.

“Лихарадка” сўзи инсон танасида кечадиган маълум бир жараён, яъни касалликни билдиради. У содир бўлганда тана ҳарорати бирдан ошиб, инсон талвасага тушади. Аммо ҳозирги замонавий илмий қарашлар бўйича “лихарадка” касаллик эмас, аксинча у инсон руҳияти билан боғлиқ бирор ниманинг ишқида васвасага тушиш ҳолатидир.

Бу жараён ҳар бир миллат ва ҳар бир одамда зеҳнияти ва ирсиятидан келиб чиқиб, турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, ўзбеклардаги тўпори таваккалчилик ва бошқаларни ўзидан кўра содда деб қараш нуқсони ҳеч кимга сир эмас. Айни шу қарашдан келиб чиқиб, бугун айрим юрт-

дошларимиз “нафс лихарадкаси” ҳолатига тушаётганликлари ва “кидалачилик”ни ўзларига касб қилиб олаётганликлари бор нарса. Кўп юртдошларимиз ночор иқтисодий аҳволини бошқа бир миллатдоши ҳисобидан бутламоқчи бўлади.

Ўзбекистондаги зўравон тузум босимларидан зада халқ ўз юртида иқтисодий тадбиркорлик фаолиятини эркин олиб бориши мумкинлигига ишончини йўқотгани учун ҳам мажбурликдан ҳар хил нопок йўллар билан пул топишга одатлана бошлади. Бу бор гап.

XVII асрда Ҳолландияда “Лола лихарадкаси” содир бўлган. Ҳолландлар юриб турган ишларини ташлаб, бор зеб-зийнатларини сотиб Туркиядан келтирилган лолаларни етиштиришга тушадилар. Лола етиштириш мамлакатда тирикчилик манбасига айланади. Рақобатга дош бериш учун баъзилар нопок йўлга кирадилар. Айримлар ён-аторофидагиларни синдириш учун вируслар ихтиро қилади.

Барчаси замирида кўпроқ пул топиш ва бойиб кетиш илинжи ётади. Пул кимлар учун – Озодлик. Кимлар учун – Ҳокимият. Мутлақо кўпчилик учун эса, Заруратдир. Бизнинг замонамизда пулсиз бир кун ҳам нормал яшашнинг иложи йўқ. Қопчиғимизни унутсак, саросимага тушиб қоламиз. Бу дунёда пулсиз қолиш ўлим билан баробар. Пулга тиш-тирноғи билан боғланган одамзот вақтнинг тенг ярмини пулнинг қачон келиб, қачон кетишини ҳисоблаб ўтказади. Бу, умрнинг тенг ярми пул можаролари билан боғлиқ, дегани. Пул танқислиги бошланса, одамларнинг кафти қичийдиган бўлиб қолган. Бу ўзига хос иммун тизими бўлиб, асабларни тинчлантириб туради, холос. Қолган барчаси, ёлғон ва ўз-ўзини алдаш демакдир.

Қадим замонлардан «ҳалол ва ҳаром пул» деган тушунча бор. Ҳаёт тажрибасига бой ва оқ-қорани таниган кўпчилик пул муомиласида жуда эҳтиёткор ҳаракат қилади. Баъзилар пул кетидан қувлаганларни хушламайдилар. Халқ орасида орттирган бойлигининг манбаси аниқ бўлмаган кимсаларнинг «муғомбир», «ҳаромхўр», «очкўз» дейилиши ҳам ҳаммага маълум. Мустақиллик йилларида бунақа кишиларни кўпроқ «мошенник», «фирибгар», «товламачи» деб атайдиган бўлдилар. Бу кимсаларнинг ойлик маоши юз доллардан ошмайди, аммо эллик

миллион долларлик уй куради. Бу тоифа кишиларни аксарини ҳукумат ва ҳуқуқ тартибот ташкилотлари вакиллари ташкил қиладилар. Ҳокимиятнинг иссиқ хоналарида кун бўйи валақлаб, чой ичиб ўтирадиган бекорчилар орасида ҳам уч-тўртта завод-фабрикаси борлар талайгина. Қайси бирларининг ўнлаб савдо дўконлари бор. Халқнинг моли, жони ҳисобига яшаётган бу кимсаларни шунчаки «мошенник», «фирибгар», «товламачи» деган билан таърифини келтириб бўлмайди.

Кейинги ўн йилликда Ўзбекистонда ҳам хусусий тадбиркорлик қилиш учун оз бўлсада имкониятлар пайдо бўла бошлади. Ҳозирги ёш авлод она қорнидан «инга» деб эмас, «пул» деб тушадиган замонлар келди. Миллий қадриятлар, гўзал урф-одатларимиз орқа планга ўтиб нафс балоси олдинги планга чиқди. Марра бошида ҳукуматнинг ўзи тургани ҳам бор ҳақиқат.

Бойлик орттираётган кимсалар даромадларининг ҳалол ёки ҳаромдан келаётганига қизиқмай қўйганлар. Ҳамқишлоқларини Россияга олиб бориб, ишберувчиларга арзон гаровга сотаётганлар ҳам, арабларнинг Дубайида бировларнинг «ҳожатини чиқариб» мўмай пул топаётганларнинг ҳам ҳалол-ҳаром билан иши бўлмай қолган. Ҳаромхўрлар кун-кундан тўнғиздек семириб, ризқини ҳалолдан бутлаётганлар чўпдай озиб кетяпдилар. Адолатсиз тузумнинг касофати тайинли, тагли-тугли оилаларни адои тамом қилляпти.

Қарийиб, беш йилдан буён мусофирчиликнинг машаққатли нонини ейман. Шу вақт ичида чет элларда юрган кўплаб юртдошлар билан боғлиқ ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдим. Ўзбек ҳамма ерда ҳам ўзбек. Дунё кезиб ҳам бир туки ўзгармаган. Юрт ичида нима «каромат» кўрсатган бўлса, у ташқарида ҳам ўша ишларни давом эттирмақда.

Канадада ҳам анча-мунча ўзбек бор. Тирикчилик илинжида юрган кўп ўзбекларни учратганман. Улар орасида соддаси ҳам, очик кўнгиллари ҳам, ҳалолдан пул топаётганлари ҳам топилади. Пул учун нафсининг йўлига юриб, юртдошларини қон қақшатаётганлар ҳам бисёр.

“Нафс лихарадкаси»га чалинган бир неча юртдошларимизни танийман. Тилга олмоқчи бўлганим икки шахс қинғир йўл-

лар билан Канадага келиб, «сиёсий қочоқ» мақомини олган. Бу икки кимсани шартли равишда Бакс ва Макс деб атадим. Ҳарқалай уларнинг ўзлари ҳам ўзларини шунга яқин ном билан аташларини ёқтирадилар.

Бакс билан Канаданинг бир провинсиясидаги кичик бир шаҳарчада танишдик. У Канадага Ўзбекистондан мўмай пул ишлаш учун келган. Бакс юз кўринишидан ўзбек миллати шаклланишида муҳим рўл ўйнаган Дашти Қипчоқ уруғларидан. Малла сочлари, қисик кўзлари ва пачоқ бурнига боқиб, уни мўғул деб ҳам ўйлаш мумкин.

Бегона юртларда ҳамюртингни учратиш, у билан ҳамсухбат бўлиш – чанқаган одамнинг қониб сув ичишидек бир нарса.

Бакс билан дастлабки учрашувда менда ғайриоддий таасурот пайдо бўлган. У Ўзбекистондаги ночор иқтисодий аҳвол, қашшоқлик, давлатнинг корупсия ботқоғига ботиб борётгани, айниқса диктатор Каримовнинг зўравонлик сиёсати ҳақида жуда куюниб гапирган. Ўшанда, уни Ўзбекистондаги диктатурадан роса азият чеккан экан, бечора деб ўйлаганман.

Сўзларига қараганда, у Ўзбекистондаги нуфузли бир олий ўқув юртини битирган. Ўқишни битириб Ўзбекистонда катта бир ташкилотда бир неча йил ўз соҳаси бўйича ишлаган.

Йигирма йил Каримов режими камчиликларини, унинг нотўғри сиёсий ва иқтисодий фаолиятини танқид қилиб келган мендай бир кимса, Баксларни Ўзбекистондаги диктатура етиштирганини яхши англайди.

Бакс ўшанда Канададаги йирик бир компанияда ишлар ва ҳатто ўша компаниянинг беш олти киши ишлайдиган бир бўлимида раҳбар эди. Эшитиб, шундай бир миллатдошим борлигидан теримга сиғмай кетгандим. “Биласизларми, бир ҳамюртимиз канадаликларга иш ўргатаяпти, илм бераяпти” деб мақтаниб ҳам юрганман. У билан Ўзбекистонда қандай қилиб демократик жамият қурса бўлади, дея соатлаб баҳслашган вақтларимиз ҳам кўп бўлган..

У билан дўстлигимиз узоққа чўзилмади. У қусурларини ўзи билмаган ҳолда аста-секин намоён қила бошлади. Камчилик айб эмас, инсон истаса камчиликларини тузата олади. Аммо,

фазилатга йўйиладиган қусурлардан Ўзи асрасин.

Бора-бора, Баксда миллий ғурур ва ватанпарварликдан асар ҳам йўқлигини пайқадим.

У дуч келган ерда, дуч келган одамнинг олдида ўз миллатини ҳақоратлаш ва камситишдан ўзини тия олмасди. Унинг танқидий қарашлари юртдаги камчиликларни тузатиш ва жамиятни олдинга силжитиш учун эмас, камситиш ва миллат устидан кулиш эвазига қурилганди. У ўзга миллат вакилларига ўзини си-полик билан хитой, япон ёки корейс деб таништирарди. “Нега бундай қиласиз? Ўзбеклигингиздан мағрурланмайсизми?!» десам, аксар индамас, гоҳида “Айтганда, ким биларди, қолоқ, тупой халқингизни” деб кўярди, сўкиниб. Роса аччиғим чиқарди. Неча марта шу масалада тортишиб ҳам қолганмиз.

Ҳар гал машинасига ўтирганимда, магнитофонни баланд қилиб, бир кўшиқни қайта-қайта кўярди, ва ўзи ҳам кўшиққа жўр бўларди. Бу кўшиқ ўзбекистонлик қизиқчи Мирза Холметовнинг:

Бир қоп пулим бўлса, нима қилардим?

Бир қоп пулим бўлса, ўзим билардим.

Энг сўнги нусхада машина миниб,

Кўнглимга не келса қилардим, деган кўшиғи эди.

Ўзини айтишича бу кўшиқ унинг ҳаётининг мазмуни эмиш.

Орамизда, пул ва моддий дунё хусусида кўплаб баҳслар бўлган. Мен бой бўлишнинг ёмон жиҳати йўқлигини, унга ҳалол йўллар билан қозонилган бойлик ибодат эканлигини тушунтирмоқчи бўлардим. У эшитишни ҳам, тушунишни ҳам ис-тамасди. Пул топиш учун ҳар нарсага тайёрлигини айтарди. «Пул бу дунёда ҳамма нарсани ҳал қилади» деб ўз фалсафа-сига ёпишиб оларди.

Инглизчада ўз она тилидагидай эркин сўзлаша оладиган, жуда тиришқоқ ва тиниб-тинчимас бу ҳамюртимизнинг фожеа-си фақат шулардангина иборат эмаслигини кейинроқ англадим.

Орадан кўп ўтмади, у ишидан ажради. Аникроғи, уни ҳай-дашди. Сабаби, ҳалигача мен учун қоронғи. У бир муддат иш-сиз қолиб кетди.

Ўзбек жамоаси ўзаро маслаҳатлашиб, Баксга ишсиз юрган ҳамюртларни бир ерга тўплаб, кичик бир компания очиш ғоя-

сини таклиф қилди. Унинг, бу ишни эплашига кўпчилик ишонарди. Бу борада унинг илми ҳам тажрибаси ҳам етарли эди. Аммо юртдошлар орасида яхши мутахассиснинг етишмаслиги муаммоси бор эди.

Шу орада яқинда Ўзбекистондан Канадага қочиб келган бир юртдошимиз Баксга алоқага чиқиб, таклифни қўллаб-қувватлаган бўлди. Шартли равишда, Макс деб атайдиганимиз кимсанинг хунармандчилиги бор эди. Унинг Бакс яшайдиган шаҳарга кўчиб келишига ҳамюртлар ёрдам қилишди. Эндиги умид Бакс ва Макснинг ўзаро иттифоқига боғлиқ эди.

Макс ҳам илк қарашда анча ақлли ва мўмин-қобил кўринди. Ҳар гапида дину диёнатдан гапирар, беш маҳал номозни қанда қилмасди. Аммо, ҳар гапида «Аллоҳ»ни тилидан қўймайдиган, ҳалоллик ва покликдан соатлаб ваъз қиладиган бу кимсадан юртдошлар хавотирга туша бошладилар. Унга эрта-индин ҳамкор бўладиган Бакс ғирт атеист ва худосиз эди. У диндорларни орқаворотдан аямай сўқар, уларни ёмон кўришини ҳеч кимдан яширмасди. Макс уни акси, номоз-ниёзи йўқларни «кофирлар» дерди.

Ҳар ҳолда, уларни пул топиш ва бойлик орттириш мақсади бирлаштирди. Коммунистик эски режим таъсирида ўсган ва ўзбекнинг қипчоқ уруғларидан бирининг вакили бўлган худосиз Бакс ва Ўзбекистоннинг тоғли бир ҳудудидан Канадага қочиб келган диндор Макс иккалови кутилмаганда жуда иноқлашиб кетдилар. Давраларда бир-бирларига мулозамат қиладиган диндор билан худосизни кўрганларнинг, уларга ҳаваси келарди.

Шу йўсин ўзбекистонликлар очган компаниянинг ишлари ривожлана бошлади. Ишлар юришиб кетди, кўп ҳамюртлар ишлик бўлдилар.

Компанияда ишлаётган юртдошларимизнинг эрта тонгдан кун ботгунча қўли ишдан бўшамасди. Улар ўн олти соатлаб ишлаб, канадалик ишчилардан икки баровар кам маош оларди. Устига-устак Бакс билан Макс: “Бошқа ерда сизни биров ишга олмайди. Сизга бу қадар пул ҳам беришмайди» дея, ишчиларга миннат қилишдан чарчашмасди. Компанияга қанча соф даромад келишини Бакс билан Макс бошқа ҳеч ким билмасди.

Ҳа, ҳисоб-китоб ишлари бошқалардан мутлақо сир тутиларди. Асосий топилган пулнинг Бакс ва Макс ўртасида арра қилинишини ҳамма билса ҳам, биров “ғинг” демасди. Кун ора “Вестерн Юнион”дан кимларгадир жўнатилаётган пуллардан ҳам кўпчиликнинг хабари бор эди.

Шу алфозда кунлар ўтаверди. Ўзбекистонликлар бажараётган ишлар бир-бирига уланиб бораверди. Бакс банклардан алдаб олган йирик миқдордаги кредитларни ҳам ош қилиб юборди. У кредит олган банкларни ҳам алдаб, ўзини хонавайрон бўлган бечора бир мижозга сола бошлади. Атрофда ҳамма, нималар рўй бераётганини кўриб билиб жим турди. Ўзбекистондаги каби, «Кўзим кўрмаса, кетимни бўри есин» қабилида иш тутилди.

Макс шу орада ишларини битириб олди. Бир пайтлар одамларни чув тушириб, орттирган қарзларидан қутилди.

Содда ва ишонувчан ҳамюртларимизнинг эса бири икки бўлмади. Соддалик жинойат эканини англаш учун уларда шижоат етмасди. Зотан, биз фазилат санайдиган содалик ҳам, ишонувчанлик ҳам аслида шижоатсизлик ўртага чиқарган бир нуқсон бўлиб, энг ёмони биз нуқсонимизни фазилатга йўядиган бўлиб қолгандик.

Бир йил ҳам ўтмади. Бакс билан Макс пул таллашиб, уришиб қолди. Икки томон ҳам ўзича адолатли эди. Шаллақилик қилиб, улар бир-бирларининг устидан ҳар томонга шикоят қила бошладилар. Беғараз ёрдам берган юртдошларни ноқулай аҳволга солганлари етмагандек, айбларини уларга тўнкашгача бордилар. Полисия аралашди. Хуллас, икки юҳо туфайли ҳамюртларнинг орасига низо тушди, бир неча йиллардан буён давом этиб келаётган аҳил бир даврага путр етди. Эзгу мақсадлар билан бунёд этилган ризқ дўкони, гуллаб-яшнаб, мева бермасдан бузиб ташланди. Бир чеккада кузатиб турган бошқа миллат вакиллари, хусусан маҳаллий инглизлар ўзбекларнинг қандай халқ эканлигини яхши билиб олди...

Ушбу воқеа бугунги ўзбеклар маънавий ҳаётидан кичик бир манзара, холос. Ўзбекларга хос бу “кидалачилик” фақат Канада ёки бошқа бир чет мамлакатда содир бўлиши мумкин

дейилса, тўғри бўлмайди. Бу иллатларнинг асл илдизи Ўзбекистонда «гуллаб-яшнаган». Етмаганидек, ўзбекистонликларнинг ер юзида оёғи етган ер борки, бу каби ҳодисаларни истаганча кузатиш мумкин. Бугун айрим юртдошларимиз дунё бўйлаб, ўзлариникини ўзлари таламоқдалар, ўзлариникининг пайини ўзлари қирқмоқдалар...

Бизда “шарқ деспотизми” деган ўзига хос бир маданият борлигини бутун дунё билади. Бунинг маъноси, кўп ҳолларда одамлар юқоридагиларга ортиқ ишониб, ўз ҳақ-ҳуқуқини уларга бериб қўйиш демакдир. “Деспотизм” қоидаларидан унумли фойдаланаётган маҳаллий амалдорлар ўз халқини асрлар мобайнида эзиб келаётгани ҳам бор гап. Ҳаромхўрларнинг халқнинг ишонувчанлигидан ва соддалигидан фойдаланиб мислсиз бойлик орттириш билан овворалиги ҳам дунёи оламга маълум. Аристотел таърифича, айнан “деспотизм” тирания (якка ҳукмронлик) монархияга олиб борадиган асосий йўлдир.

Марказий Осиё мамлакатларида ҳукмрон доиралар “шарқ деспотизми”дан унумли фойдаланадилар. Халқ пахта ёки бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиради, ундан келадиган даромаднинг ҳисобини билмайди. Кун-тун меҳнат қилиб, меҳнатининг баҳосини англамайди. Даромадни муттаҳам корчалонлар билганича тақсимлайди. Уларнинг атрофидаги муғомбир ва қаллоб кимсалар қўлларини совуқ сувга урмасдан, бунақа вазиятлардан ўта унумли фойдаланадилар. Халқни мансабдорларнинг қўллари билан талаб, беҳисоб бойликлар орттирадилар.

Халқни шу ҳолатга олиб келган нарса, соддалик ва ишонувчанликдир. Ўзбекистондаги тоталитаризмнинг пойдевори ҳам халқнинг соддалиги ва ишонувчанлиги асосига қурилган.

Бу ишларга дунёнинг бир чеккасидан туриб, бошқа миллатлар кўзи билан боқилса, барчаси саргузаштга ўхшайди. Ўзбекистон деган улкан қамоқхонада жаҳолат лойига ботган одамларнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган хатти ҳаракатларини хаҳлаганча томоша қилиш мумкин. Шу миллатнинг бир зарраси ўлароқ бу кўргуликлардан юрак-бағрим ачишади. Хўрлик босиб, ўзимни камситилган ҳис қиламан...

Тажрибамга суяниб, шуни очиқ айтмоқчиман: Бизнинг фожеамиз ташқарида эмас, ўзимизнинг ичимизда. Демак, дардларнинг шифосини ҳам, ечимини ҳам ичимиздан изламоғимиз керак. Шу йўлдан кетмас эканмиз, бизни бу касалликлар тарих саҳнасидан бир кун изсиз ва сассиз ғойиб бўлишга маҳқум этади!

Миллий зеҳниятлар ҳар доим ўзгарувчан бўлган. Юз йил олдинги ўзбек зеҳнияти бугунгисига ўхшамайди. Бугунги ўзбекининг тафаккури ва қарашлари кечагисидан фарқ қилади. Агар бундан юз йил олдин ҳозирги Бакс ва Макслар бўлганида, албатта уларнинг қўлларини чопган бўлардилар. Бугун эса, уларнинг ошиғи олчи. Эртага нима бўлади, уни Ўзи билади!

Шу ўринда, “Бакс” калимасига тааллуқли икки оғиз сўз: 1861 йилда АҚШда фуқаролик уруши бошланади. Мамлакатда бошбошдоқлик авж олиб, шимол ва жануб ўртасида ўзаро низо-лар чиқади. Бу ҳолатдан фойдаланган хусусий банклар сохта пул банкнотлар ишлаб чиқара бошлайдилар. Натижада, иқтисод издан чиқади. Офатни тўхтатиш ва қора йўллар билан топилган даромад йўлини тўсиш мақсадида президент Линколн давлат томонидан муомалага чиқарилажак барча пул банкнотларига белги қўйишга буйруқ беради. Бу белги ўша пайтларда муомалада бўлган долларнинг орқа томонига босилган яшил рангдаги «greenbacks» белгиси эди. Шундай қилиб одамлар сохта пулларни ҳақиқийсидан ажратишга ўрганадилар. Банкларнинг ғирром усуллар билан топаётган даромадлари бутунлай кесилади. Яшил белгиси бор пул банкнотлар, яъни долларлар ўшандан буён “бакс” деб аталади.

Бугунги ўзбек жамиятида ҳам ғирромлик ва муттаҳамлик ортидан бойлик орттириш йўлини тўсиб, фавқулудда чоралар кўриш лозим бўлган замонлар келди. Мамлакат кооррупция ва алдамчилик ботқоғига ботиб бормоқда. Америка бир замонлар долларнинг орқа томонига махсус белги босиб, жамиятини сохта даромадлардан асрагани сингари, биз ҳам «бакс» ва “макс”га бир белги қўймасак бўлмайди. Халқимиз «бакс ва макс»лар билан асл нарсаларнинг фарқига борсин. Фавқулудда чора кўрмасак, ичимиздаги бефарқлик бизни еб битиради...

ОДАМ ОДАМНИ НЕГА ЕЙДИ? ЖЕЙМС КУКНИ КИМ ЎЛДИРГАН?

Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларим тарих ва жуғрофия ўқитувчимиз: Денгиз сайёҳи “Жеймс Кукни Австралия қирғоқларида, маҳаллий одамхўр аҳоли – аборигенлар тутиб еган” деганда роса унга ичим ачиган. “Нега ейди? Одам ҳам одамни ейдими?” деган савол бераверганман ўқитувчимизга.

Болаликда ҳар ким ҳам одам одамни ўлдиришини, ҳатто ейиши мумкинлигини тасаввурига сиғдира олмаслиги табиий ҳол...

Бутун мавжудотни яратган Холиқ махлуқотларнинг бир-бирларига оқибатли, одил ва меҳрибон бўлиб яшашларини ис-тайди. Муқаддас китобларда бу ҳақда очиқ-ойдин хабарлар келган. Бу жабҳада масъулият биринчи навбатда одамзот зим-масида бўлиб, бу масаланинг ижобий ҳал этилиши биз билан сизга боғлиқ.

Болалигимда руҳимда ёвузлик ва ҳақсизликка кучли нафрат борлигини сезардим. Ноҳақликни ва зўравонликни ёқтирмас-дим. Кўнглим бироз юмшоқ эди, сал нарсадан таъсирланар-дим, ҳақсизликни кўриб туриб бартараф этолмаганим учун кўзларимга ёш олардим. Қон тўкилиши билан боғлиқ ҳар қа-нақа томошани ёқтирмаганман. Ҳозир ҳам шунақаман.

Ўқитувчимиз Жеймс Кукнинг кемада ер шарини уч марта ай-ланиб чиққанини, янги ерларни кашф этганини кўп таъкитлар-ди. Кук Австралияни очгани борганда, бир оролда маҳаллий одамхўр ёввойи қабилалар ҳужумига учраган. Улар асирлари-ни бурда-бурда қилиб хомлигича еб юборганлар. Бу воқеани биринчи бор эшитганимда кўнглим жуда ёмон бўлган, ҳатто кўзим намланган...

Талабалик йилларимда босқичдошларим билан рус қўшиқ-чиси Высоскийнинг “Почему аборигены съели Кука» деган ашуласини ётоқхонанинг тор хонасида устимиздан беклаб, яшириб эшитганмиз. У замонларда Высоскийни эшитиш ком-

мунистик ахлоққа зид ҳисобланарди. Мана ўша қўшиқнинг матни:

Не хватайтесь за чужие талии,
Вырвавшись из рук своих подруг.
Вспомните, как к берегам Австралии,
Подплывал покойный ныне Кук.

Как в кружок, усевшись под азалии,
Поедом с восхода до зари,
Ели в этой солнечной Австралии
Друга дружку злые дикари.

Но почему аборигены съели Кука?
За что – неясно, – молчит наука.
Мне представляется совсем простая штука:
Хотели кушать – и съели Кука.

Есть вариант, что ихний вождь – большая бука,–
Кричал, что очень вкусный кок на судне Кука.
Ошибка вышла – вот о чем молчит наука,–
Хотели кока, а съели Кука.

И вовсе не было подвоха или трюка,
Вошли без стука, почти без звука,
Пустили в действие дубинку из бамбука –
Тюк! – прямо в темя – и нету Кука.

Но есть, однако же, еще предположенье,
Что Кука съели из большого уваженья.
Что всех науськивал колдун – хитрец и злюка:
– Ату, ребята! хватайте Кука!

Кто уплетет его без соли и без лука,
Тот сильным, смелым, добрым будет, вроде Кука!
Кому-то под руку попался каменюка, –
Метнул, гадюка, и нету Кука.

А дикари теперь заламывають руки,
Ломают копья, ломают луки,
Сожгли и бросили дубинки из бамбука, –
Переживают, что съели Кука.

Бу қўшиқ Высоский услубида кесатиқ-ҳазил шаклида айтилган деб, юрардик. Қўшиқ негизида ҳаётий фалсафа ётганини кейин тушундим. Шу сабабми, Жеймс Кукнинг фожеали ўлими ҳақида айрим нарсаларни ўқиб чиқишга тўғри келди. Манбаларда Кук Австралия қирғоқларида эмас, Ҳавайи оролларида ўлдирилган. Совет тарихчиларининг Ҳавайини Австралия билан нега чалкаштирганини ҳалигача англамайман.

Хуллас, Жеймс Кук дунё океани бўйлаб қилган учинчи узок сафари давомида, Тинч океанининг шимолий кенгликларини ўрганеди.

1778 йилда Кук Британия ҳарбий – денгиз флотига қарашли «Резолюшн» и «Дискавери» кемаларида, Ҳавайи (Сандвич) ороллари атрофида пайдо бўлади. Ҳавайи оролларини айланиб чиққач, шимол томон сузади. Канада қирғоқларига келиб, Ванкувер яқинидаги “Strait of Georgia” бўғозини ҳам харитага туширади. Яна шимолга юриб, Аляска, Камчатка ва Чукоткани аниқлайди. Ҳатто Беринг Бўғозигача етиб боради.

Шу ўринда бир тарихий далилни айтиб ўтмаса бўлмас: Кук Канада ва Аляска қирғоқларини ўрганаётган бир пайтда, рус денгизчи сайёҳларига дуч келади. У руслар қўлидаги шимолий ерларнинг хариталарини кўриб, уларнинг нақадар аниқлигидан ҳайратга тушади. Ҳатто айрим маълумотларни кўчириб олади. Бу ҳақда ўқирканман, баъзи бир жумбоқлар пайдо бўлди. Канада тарихини ўрганишга муштоқлигим боис, жумбоқлар ечимини излашга аҳд қилдим. Аляскани русларнинг нима учун Америкага сотгани ҳам мени қизиқтириб қўйди.

Одамхўрлик ва одам ўлдириш бугунги кунларда ҳам камаймаган. Шакл ва амалга ошириш усуллари ўзгарган холос.

Жеймс Кук фожеаси орқали мен бу муаммога жавоб изламоқчи бўлдим. Мен Кукнинг яна Ҳавайига қайтгани ва оролга

тушиб, у ердаги ёввойиларга ем бўлгани тавсилотлари билан қизиқиб бир нарсани тушундим: Ҳар қандай содир этилган жиноят негизда маълум сабаблар ётади...

Ҳар халқнинг ўз маънавий қадриятлари ва ақидалари бўлади. Кук кашф этган ҳавайиликларнинг ҳам ўз динлари ва ишонган худолари бўлган. Уларнинг дини бўйича қачонлардир оролга Лоно исмли худони қайтиши керак эди. Афсоналарда айтилган “худо”нинг келганидан хурсанд аборигенлар аввалида Жеймс Кукни кўриб, уни жуда яхши кутиб оладилар. Аммо “ўзга дунё” одамлари билан учрашганда доим ўзини калондимоғ қилиб кўрсатишга ўрганган Кук бу сафар мудҳиш хатога йўл қўяди. У кемасидан йўқолган бир қайиқни баҳона қилиб 1779 йилнинг 4 феврал куни ҳавайилик қабила бошлиғи ва бир неча ерлик жангчини ҳибс этади. Ана шунда ерли аҳоли Кукнинг ўзлари кутган худо Лоно эмаслигига ишонади. Улар ҳужумга ўтадилар. Кук ва яна бир неча денгизчи аборигенлар қўлига тушади. Капитанлари асир олинганлигини билган британияликлар ўт очиш қуроллари ишга соладилар. Аммо энди кеч бўлганди. Ўқлар ёмғиридан саросимага тушган аборигенлар, Жеймс Кукнинг жасадини қайтаришга мажбур бўладилар. Қайтарилган жасад аллақачон бурдаланган, калла бўлагида бир жағ етишмасди...

Бу фожеа – маънавий қадрияти ва ақидалари ҳар хил бўлган халқлар тўқнашуви тимсолидир. Таассауфлар бўлсин, бугунги кунда ҳам ер юзининг турли бурчакларида юқоридаги каби фожеалар содир бўлаяпти. Одамзотнинг ҳозирги вакиллари ҳавайиликлардек одам гўшти ейишмасада, бегуноҳларни қурбон қилишдан тўхтаётганлари йўқ. Мутлақо, кўплаб қотилликлар заминида одамларнинг бир-бирларининг ақидаларини тўғри англамаслиги ва етарли даражада ҳурмат этмаслиги ётади. Руҳий хасталиклар билан боғлиқ каннибализм (одамхўрлик) балоси бундан истисно албатта.

Телевизор қаршисида ўтириб, ҳар кун «тирик бомба»ларнинг ўзларини портлатиб, юзлаб бегуноҳларнинг умрига зомин бўлаётганини кўриб даҳшатга тушаман. Яратганнинг кичик бир зарраси ўлароқ, бу бедодликларга сал бўлсин тўсиқ қўйиш

қўлимдан келмаслигини ўйлаб, афсусланаман. Нафсига қул жоҳил одамларга боқиб, уларни машҳур денгизчи Жеймс Кукни еган ҳавайиликларга ўхшатаман. Ҳиссий жазавага қул, жўн шiorлар таъсирида ёвузлашаётган оломонга: “Тўхтанг, фикр қилинг! Сиз ҳам одамсиз” дегим келади.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАР МУАММОСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунларда, ҳамма ёқдан мамлакатга меҳмонлар ёғилиб кела бошлади.

Амалдор бир дўстим, Япониядан юртимизга кичик бир гуруҳ меҳмонлар йўлга чиққанини айтиб, мендан уларга йўлбошчилик қилишни сўради. Японларни олдин кўрмаганлигим ва улар билан мулоқотда бўлишга қизиққанлигим боис таклифга рози бўлдим.

Япон кампир, унинг олим ўғли ва Иван деган рус таржимон йигит тўрталамиз йўлга чиқдик. Улар Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларига боришмоқчи эканликларини айтишди. Мақсад; япон кампирнинг ўғли тупроқшунос олим бўлиб, илмий иши юзасидан у бу ҳудудларни кўриш иштиёқида экан.

Машина елдай учиб, Учқудуққа яқинлашиб борарди.

Узоқлардан бир неча юксак тепаликлар қорайиб кўрина бошлади. Бир пайт машина ичида кутмаганда, бир нима баланд овозда қўнғироқ чала кетди. Машина ичидагилар бўмба тушгандай ўтирган жойларида беихтиёр учиб тушдилар.

Мен саснинг нималигини ва қаердан чиқаётганини аввалида англамадим.

Ҳаммани ваҳима босганди. Япон кампирнинг: “Радиасия, Радиасия...” дея бақиргани дард устига чипқон бўлди. У ҳайдовчидан машинани тез тўхтатишни талаб қила бошлади. Ҳайдовчи машинани тўхтатди. Япон кампир ва унинг ўғли сумкадан аллақандай кичик қўл телефонига ўхшаш нарсани чиқариб, уни таржимонга кўрсатди ва бир нарсаларни тушунтира кетди. Уларнинг ўзаро гап-сўзларидан, “...микроренген, 250

микроренген...” деган сўзларни фаҳмлаб олдим. Кампир машинани тезда орқага буришни талаб қиларди.

Таржимонга юзланиб: «Нима гап?» деб сўрадим:

У: «Радиоактивлик даражаси жуда баланд, 250 микроренген кўрсатяпти. Бу ёғига бормаймиз, орқага қайтамиз, деяпти меҳмонлар» деди.

«Э-э, одамлар Учқудуқнинг қудуқларидан сув ичади. Ўзи, нормаси қанча бўлиши керак экан?» дея сўрадим Ивандан.

Кампирдан сўраб-суриштирган Иван: «15 микроренген-соатдан ошган жойга одам зоти кирмаслиги керак экан. Кирган одам рак бўлармиш. Огоҳлантирмагани учун Ўзбекистон ҳукуматидан компенсация ундираман, деяпти» деди.

Катта тош йўлдан машиналар кетма-кет Учқудуққа ғизиллаб, ўтиб турибди. Қорайиб турган тепаликларнинг этакларида болалар қўй боқиб юрибдилар...

Она-ўғил японлар йўл чеккасидаги саксовул соясига ўтиб олдилар. Улар тикка турган ҳолларида ўзаро ниманидир муҳакома этарканлар, бизга қараб тинимсиз бош чайқардилар.

Мен, бизга яқинлашиб қолган, қўй боқиб юрган болаларни суҳбатга тортдим: «Болалар, “радиоактивлик” нималигини биласизларми? Бу тепаликлар ёнида қўй боқиш нари турсин, яқинига боришнинг ўзи хавфли. Физикани ўқийсизларми, ўзи?» дея сўрадим улардан.

Ўзини Жамшид деб таништирган, бола: «Тоға, биринчидан “радиоактивлик” нима билмайман! Иккинчидан физикани ўқишнинг менга кераги йўқ. Мактабда физика дарсларида тарихдан курс ўтамиз, тест саволларини ечамиз. Мен келажакда прокурор бўлмоқчиман!» деди. Болаларнинг ичида каттароғи у эди. «Қанча одам бу тепаликлар атрофида қўй боқади. Ҳозирча, ҳеч ким ўлгани йўқ, бунча ваҳима қиласиз!» деди кичикроғи.

«Нима учун прокурор бўлмоқчисан?» дея Жамшидга савол бердим. У: «Жиноятчиларни ушлаб қамайман, бой бўламан, яхши яшайман» деди, фахрга тўлиб-тошиб.

Японларнинг ҳар кўзи пиёладек бўлиб, болаларга ҳайрат билан боқардилар. Мен шу чоққача японларни қисик ва кичик кўзли бўлади, деб хато қилганимни тушундим.

Учқудуққа беш-олди чақирим қолганда, Учқудуқнинг қудқларидан сув ичмай Тошкентга қайтдик.

Японларнинг нима учун саросимага тушганлиги мени қизиқтириб қўйди. Муаммони ўрганишга киришдим. Ва, муаммага чуқур ёндошганим сайин, японларнинг қисик кўзларининг нима учун катталашиб кетгани сабабларини англай бошладим.

Учқудуқ атрофидаги у қора тепаликлар – ўлим кўзғотувчи қора ўлатлар эди. Бу каби тепаликларнинг Поп, Навоий шаҳрининг шундоқ биқнида Зарафшон дарёси қирғоғида ва Зарафшон шаҳридан узоқ бўлмаган Бесопан посёлкаси атрофида, Ангрен, Янгиобод ва Зафаробод шаҳарлари яқинида ҳам борлиги нафақт бизнинг – бутун инсониятнинг фожеаси эди.

Радиоактив моддалар чиқиндиларидан иборат бу қора тепаликлар, нормадаги 15 микроренген-соат ўрнига ўттиз-қирқ йилдан буён атроф-муҳитга 1500 микроренген-соатгача радиоактив нурланиш тарқатиб турибди. Бу ерлардан собик СССР даврида уран қазиб олинган ва чиқиндилар хавфсизлантирилмай, ташлаб юборилган. Учқудуқда биз кўрган қора тепаликлар уран қазиб олишдан қолган, таркибида инсон ва барча жонзотлар учун ўта хавфли радиоактив моддалар бўлган «чиқиндилар омбори» эди.

Учқудуқдаги барча радиоактив чиқинди омборлари ҳажми 3 миллион тоннани ташкил этади. Тошкент вилояти, Янгиобод руда конидаги шундай чиқиндилар миқдори эса 500 минг куб метр эканлиги тахмин қилинади. Навоий шаҳри яқинидаги чиқиндилар омборининг 630 гектар майдонда очилиб-сочилиб ётганлиги, биз учун атом бўмбасини қучоқлаб ётгандай бир гап. Биз бу фожеани бугун англаб етмасак, вазият ўзи бир кун буни бизга англаб етишга мажбур қилади. У вақт, биз кўп нарсаларни бой берган бўламиз.

Шу ўринда, радиоактивлик нималигини англамаган, физика дарсларида тарих ёки президент асарларини ўқиб, прокурор ёки мелиса бўламан деганлар фожеаси «чиқинди омборлар»иникидан кам эмаслигини ҳам айтиб ўтишни жоиз деб топдим. Булар ҳам ҳали, Ўзбекистоннинг бошига сон-саноксиз муаммолар олиб келадилар...

Уран 1789 йилда кашф этилган оғир метал. 1132 даражада эрийди. Парчаланганда ўзидан альфа, бета, гамма нурлари чиқаради. Энг хавфли гамма эканлигини, бу нур кўринмас бўлиб инсон тўқималарини емиришини, нурланиш натижасида инсоннинг барча безлари шикастланишини ва генетик касалликларга чалинишини таъминлашини биз яхши англамоғимиз лозим.

Уран қазиб олишда ер остига сульфат кислотани қувурлар орқали юбориш натижасида Ўзбекистоннинг барча ер ости сувлари таркибида бериллий, марганес, хлор, сианид, селена, кремний, кадмий ва фосфатлар миқдори нормадагидан бир неча баробар ошиб кетган. Ер ости сувларини доимий истеъмол қилиб келаётган ўзбекларнинг тўрт мучаси соғломини топиш бизнинг кунларда анқонинг уруғидай бир гап. Гитлер армиясида немис зобитлари ўз кийими ёқасида махсус капсулада 1 миллиграмм сианид моддаси олиб юрганлигини, асир тушиш хавфи туғилганда шу капсулани ютиб, ўзини ўлдирганини филмларда кўрганмиз. Энди, Ўзбекистон ер ости сувларида сианид моддасининг кейинги эллик йилда миқдоридан бир неча баробар ошиб кетганлиги хусусида сизга тушунтириш бериб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Ўзингиз, ўйлаб кўриб, хулоса чиқараверинг...

Яқинда, бир ошнам билан Хатирчи туманида таъзия билдириш учун бир хонадонга кирдик.

Ёш бола тўсатдан ўлиб қолган экан.

Хонадон соҳиби кўзимга таниш кўринди. Эсласам, бу ўша «қора тепаликлар» этагида қўй боқиб юрган Жамшид. У орзу қилганидек прокурор бўлибди. Қайсидир вилоятда туман прокурори экан. Ҳашаматли иморати олдида чанг юкмаган «Лосетти» машинаси турибди.

«Бола қайси касалликдан ўлибди» дея сўрадим ёнма-ён ўтирган ноташиш кимсадан. «Оқ қон касалига чалинибди» деди у.

Нимагадир ҳовлидан сульфат кислотанинг ҳидига ўхшаш бадбўй ҳид келарди. Кўчага чиққач, Жамшид олдимизга келди. Ундан: «Иморатга ишлатган темир қувур устунларингиз зўр

экан, қаердан олгансиз?» дея сўрадим. «Зарафшон шахридан ошналар юборишган, арзонга тушган» деди у.

Жамшид прокурор бўлса ҳам, унинг уран конларида ишлатилган метал буюмлар ўзига юқори даражада нурланиш олиб нурланиш манбаига айланишини билмаслигини яхши англадим. Бунақа буюмлар аҳолига сотилмаслиги нари турсин, ер остидан чуқур кавлаб, кўмиб ташланиши лозим эди.

Унга ҳозир радиоактив нурланиш нималигини тушунмайдиган чаққон «тадбиркор»ларнинг ташландиқ уран конлари атрофидаги барча темир-терсақларни йиғиб, пуллаётганини, бу иш қанчадан-қанча умрларларнинг заволи бўлаётганлигини айтишдан фойда йўқ эди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Радиоактив нурланиш миқдорини ўлчайдиган асбобни олиб, Жамшиднинг уйига бордим. Асбоб, унинг уйидаги темир устунларда нормадан анча юқори микро-ренген-соат нурланиш борлигини кўрсатди...

СССР тарқалиши билан Ўзбекистондаги ёпилиб қолган уран конларига “ҳаёт бағишлаш” учун яқинда Россия-Ўзбекистон музокаралари бошланди. Жанубий Корея билан ҳам шу йил охирида шундай шартнома имзоланиши кўзда тутилмоқда.

Халқаро изолясияга тушиб қолган Ўзбекистон ҳукумати ўз иқтисодини тиклашнинг йўлларини изламоқда, бу тушунарли. Ҳозирда бир кило ураннинг жаҳон бозоридаги нархи 100 доллар атрофида...

Муҳими, халқнинг соғлиги ва мамлакатнинг экологик тозалиги эмасми?! Халқнинг соғлиги ва мамлакатнинг хонавайронлиги эвазига келадиган сармоядан бизга не фойда?! Токайгача, радиоактив чиқинди “омбор”лари зарарсизлантирилмай атроф-муҳитни булғаб, миллат соғлигини емирраётганига чидаб туриш мумкин? Фожеа кўламини халқимиз қачон англайди?..

Насрулло Саййид. Канада, 2010 йил

ТАРИХ ҶЌИТУВЧИСИ

Бу воқеага тўрт-беш йил бўлди. Хотиним ва болаларимни олиб, янги ўқув йили бошланиши арафасида ул-бул харид қилиш учун Бухоронинг «Сомонийлар» бозорига бордим.

Бозорда юришни ёқтирмайман. Хотиним ва болаларни бозорга киритиб юбориб, ўзим кириш дарвозаси олдида уларни кутишга қарор бердим.

Бозор атрофини ўраб турган пахса қалъа деворларига кўзим тушди.

Тарихдан маълум, қадимда бутун шаҳар баланд девор билан ўралган. Шаҳарга мазкур деворларга ўрнатилган ўн иккита дарвозадан кириб чиқилган. Билишимча, шу дарвозалардан фақат биттаси – «Сомонийлар» бозори чеккасидаги «Қоракўл» дарвозаси сақланиб қолган.

Қалъа девори ҳам абгор ҳолатда.

Қалъа деворлари томон йўл олдим. Бозор ҳудуди тугаб, ахлатхоналар бошланди. Ахлатлардан оралаб бир амаллаб ўтиб, қадимий дарвозага яқинлашдим. Харобага айлантирилган обида атрофи таърифлаб бўлмас даражада ифлос эди.

Деворга разм солдим, Бухорода «девкирпич» деб атланиган катта-катта хом ғиштлардан терилган. Деворнинг айрим ерларининг яқинда бузиб кетилганлиги кўзга яққол ташланиб турибди. Беш-олти қадам юриб дарвозага янаям яқинлашганимда, дарвозанинг нақд ўртасидаги чўнқайиб чиғилаётган тирик тўнкага кўзим тушди. Яқинроқ, бордим. Қай кўз билан кўрай, бир кимса ҳожатдан бўшаниш билан овора. Унинг ҳам кўзлари менга тушди. Дарҳол, у қалъа деворидан олиб синдирилган ғишдан кесак ушатиб олдида, орқасини артиб, хижолат тортиб ўрнидан қалқди. У кўринишидан, 50 – 55 ёшлардаги кастум-шим кийган, оппоқ бежирим кўйлагининг ёқасига қизил галстук боғлаган бир одам эди. Айни ҳолатда, пўрим кийим-боши уни жуда ҳам жирканч кўрсатарди.

Кўриб, бошим айланиб, кўзларимнинг олди қоронғилашди.

Ўз-ўзидан жаҳлим чиқиб, ғазабим келиб бўғзимга тиқилди. Наҳот, бу одам тарихни билмайди, обидаларнинг қадр-қийматини англамайди, деб ўйладим.

Ташландиқ бўлиб ётган бу доровозанинг бир замонлар қанчалар муҳташам бўлганлиги тарихлардан маълум. Икки тарафида найза ушлаб турган сарбозларни кўриб, дорвоза маҳобатидан кимларни ваҳима босмаган. Бу дорвозадан узоқ-узоқ мамлакатлардан келган карвонлар, фақир-фуқаро ва давлат аёнлари ичкарига кирганлар. Қанчадан-қанча кимсалар бу дорвозани кесиб ўтиб, ер юзининг ҳар тарафига сочилиб кетганлар.

Кўрмаганга олиб, уни саволга тутдим:

– Дорвоза қачон қурилган бўлса экан? Сиз ҳам билмасангиз керак?

– Нега билмайман, тарихчиман, лисейда дарс бераман. Бу девор ва дарвоза XVI асрда қурилган, – деди у.

Тарихни биладиган ўзбек зиёлиси ҳолини кўриб, ичимдан ўзимни жабрдийда ҳис қилдим.

У ҳали ҳам дорвоза тарихи хусусида гапирарди. Менинг эса, қулоқларимга ортиқ том битганди. Шу аснода, хаёлим дунёнинг бошқа бир узоқ мамлакатида яқинда газетада ўқиганим бир хабарда эди. Газета Италия пойтахти Римдаги кичик бир кўча ҳақида ёзганди. Кўчанинг икки томон бошида темир қутилар ўрнатилган экан. Уларда: «Диққат! Сиз тарихий кўчага кириб келяпсиз. Бу кўчада бир замонлар Юлий Сезар юрган!» деб ёзиб қўйилган экан.

Ҳар икки томондан кириб келган одамлар Сезар изидан юраётганлари сабаб фахр ўлароқ, темир қутиларга атаганларини ташлаб ўтишаркан. Ана шу қутиларда йиғилган пуллар, шаҳар ободончилиги харажатларининг бир қисмини қоплар экан.

Бухоронинг мана шу «Қоракўл» дорбозасидан ҳам не-не амирлар кириб чиққанлар. Яқин юз йилликда бу ердан Аҳмад Дониш, Фитрат, Файзулла Хўжа каби ким қанча улуғларимизнинг оёқ излари мана шу дорбозанинг остоналарида қолган. Наҳотки, бу инсонларнинг юз-хотирини ўрнига қўя олмайдиган бир миллатга айланиб қолдик...

Орадан бирмунча вақт ўтди. Вобкент Бухоро йўналиши бўйлаб

Бухоро шаҳрига киришга биров қолганда, Каримов буйруғи билан нақшинкор ғиштдан тикланган замонавий «Бухоро дорвозаси»га етар-етмас ҳамма қатори менинг ҳам машинамни тўхтатишди.

У ерда қандайдир тантанали очилиш маросими бўлаётганлиги боис, одам гавжум эди. Машинани йўл чеккасига қўйиб, маросим бўлаётган жойга бордим. Кимдир микрофондан оташин нутқ ирод этмоқда эди: «Биз Ўзбекистонда оламшумул воқеалар содир бўлаётган бир замонда яшаяпмиз, дерди у. Мен тарихчиман, бизнинг халқимиз ҳеч қачон бундай миқёсдаги фаровонликни кўрмаган. Очилиш маросими гувоҳи бўлаётганингиз мана шу доровоза, бизнинг қудратимиз тимсоли. Унинг ер юзида минг-минг йиллар туришига аминман. Келажак авлодлар, бу дарвозани албатта зиёрат қиладилар ва биз қандай буюк ишларни амалга оширганимиз ҳақида гапирадилар»...

Нутқ ирод қиладиган кимсанинг овози қулоқларимга таниш туюлди. Яқинроқ, бордим.

Қай кўз билан кўрай, оташин нутқ соҳиби «Сомонийлар» бозори олдидаги калъа девори дарвозаси ўртасида најосат қолдириб кетган лисейнинг тарих ўқитувчиси эди...

Насрулло Саййид. “Туронзамин” сайти, 2012-йил

ДЕВОНА

Мени 1982 йилда Вобкент туман ижроия қўмитаси архитектура ва қурилиш бўлимига ёш мутахассис сифатида ишга қабул қилишди. Ўшанда, биринчи марта «партия хўжалик активи», яъни райкомнинг кенгайтирилган йиғилишида қатнашимга тўғри келди. Парткомнинг биринчи котиби Ином Наимов эди.

Туманда биринчи котибнинг, хон, кўланкаси майдонлигини ҳамма яхши билади...

Бир кун райкомнинг катта мажлислар залида 450 – 500 киши иштирокида мажлис ўтказиладиган бўлди. Соат ўн иккига белгиланган мажлис ўн икки яримда ҳам бошланмади. Шунга қа-

рамай, тумонат одам йиғилган залда пашша пар урса билинарди. Ҳамма жим, бошини эгиб кимдир блакнот титкилайди, кимдир кўзлари жовдираб эшикка «райком келмаяптимикин» дегандек қараб-қараб қўяди.

Шунча одамни у нима учун куттиради, дея сўраб-суруштирадиган бир ботир йўқ.

Бир пайт, тарақ-туруқ бошланди. Ҳамма юрак ҳовучлаб эшикка боқди.

Залдагилар райком келяпди, деб ўйлаган эдилар...

Мажлиснинг бошланиши бир машаққат бўлса, мажлисда сўкинч ва ҳақорат эшитиб ўтириш минг бир машаққат эди. Шунинг учун «тиқ» этган товушдан ҳар сафар ўтирганларнинг қулоқлари динг бўларди.

Хуллас, эшикни тарақлатиб очиб залга уриб кирган кимса биринчи котиб эмас, жулдур кийимдаги бир девона эди. Ёз фаслининг айна чилласи бўлганига қарамай бошида телпак, урنيққан одми кастум-шимини кир босгани шундоқ кўзга ташланади. Мен билан ёнма-ён ўтирган кимсанинг унга кўзи тушиши билан: «Э, Қосим девона-ку!» деди. Мен у вақтлар ҳали Қосим девонани танимасдим.

Девонани кўриб, ҳамма ҳайрон. Райкомнинг югурдаклари, типирчилаб қолдилар.

У нукул: «Қани, қани, қани... автобус, автобус...» деб, қичқирарди.

Югурдакларнинг унга ташланганини кўрган туман мелисаси бошлиғи, девонанинг қўлларини қайириб, уни залдан чиқариб ҳайдамоқчи бўлди. Девона эса: «Справкам, справкам... бор, бор» дея унга кескин қаршилиқ кўрсатди. Мелиса бошлиғи бир неча югурдак ҳамроҳлигида ҳам уни залдан чиқаришнинг уддасидан чиқолмади. Девона уларнинг торт-тортларига қарамасдан: «Қани, қани... автобус, автобус» дея бақаришда давом этарди. Залдагилар нималар содир бўлаётганини англолмай, лолу ҳайрон эдилар.

Бир пайт оғзи-бурнининг мойини рўмолчаси билан артаётган райком эшик олдида пайдо бўлди. Унинг еётган овқатини чала ташлаб, шоша-пиша келаётгани шундоқ кўриниб турарди. У зал тўла одамларни куттириб, 20 – 30 қадам нарида-

ги хонада бир-икки меҳмони билан бемалол ичиб-еб «базму жамшид» қилаётган эди.

У эшик олдидаги Қосим девонани кўриб юмшоқ тортди: «Ҳа, нима гап Қосим?» деди, типирчилаб. Девона: «Қани, қани... автобус, автобус» дея эски дийдиёсини бошлади. Райком аланглаб, кўз югуртиркан: «Қани транспорт бўлими, қани автобаза?» дея, бақира кетди. Уч-тўрттаси одамлар орасидан райкомнинг олдига отилиб чиқди. Партком бирининг орқасига қантариб тепиб, болохонадор қилиб сўқди: «Ҳе, к...вачча» деди. Бор, ҳамманг! Беш дақиқада Қосимнинг ишини ҳал қилиб келиб, менга «доложит» қиласанлар!» Қосим девона залдагиларга қараб, бир тиржайдида, шошмасдан оғзига бир отим нос ташлаб, уларнинг орқасидан чиқди.

Мажлис ҳар доимгидек кечикиб бошланди. Парткомнинг бўкиб овқат егани ҳолатидан кўриниб турарди. У минбарда терлаб-пишиб, пишиллаб, базўр гапирарди. Залда, ҳалиям сукунат ҳукмрон. Кечикиб, гапга қолмаслик учун бир-икки соат эрта келган йиғилганларнинг кўпчилигининг қорни танбур чала бошлаган эди. Райкомни кўриб, унга ҳавас қиладиганларнинг аксарининг эса иштаҳаси карнай эди.

Бир пайт, транспорт бўлими бошлиғи ҳансираб келиб парткомга «доложит» қилди: «Автовокзалда автобус йўқлигидан одамлар тўпланиб қолган экан. Шунга..., Қосим девона...» «Бўлди, қил!» деди райком унга «Девоналар билан ўйнашманглр, охири яхши бўлмайди. Бор, жойингга ўтир!»

Шу-шу, Қосим девонага меҳрим тушди. Қайда кўрсам, сўрашиб, кўлига ул-бул туттириб кетадиган бўлдим. Айниқса, оддий кишилар унинг иззат-ҳурматини жойига қўйсалар, ўз-ўзларидан мамнун бўлардилар. Кимдир, унга бир бурда нон, кимдир бир сих кабоб, кимдир уч-тўрт чақа садақа қиларди. У кўпини истамасди. Хуллас, халқ ўзининг девонасини ҳеч замон қуруқ қўймасди.

Қосим девонага ўхшаган девоналар дунёнинг ҳар ерида топилади. Улар адолатсиз ва ҳақсизликни жуда тез илғайдилар. Ҳеч кимдан қўрқмайдилар, таъма қилмайдилар. Ичларидаги гапни ҳар ерда баралла айта оладилар. Уларда нафақат «жинни» деган справкалари, яхши-ёмоннинг фарқига боради-

ган нозик қалблари ва самимятлари ҳам бор. Улар бировни суйсалар, чин дилдан суядилар. Қарғасалар ҳам чин юракдан қарғайдилар. Уларнинг қарғиши, милтиқни ўқидан ёмон. Улар отган «ўқ» мўлжалга аниқ тегади. Шу учун замонанинг жаллодлари бўлмиш прокурорлар, судялар ва милисалар ҳам улар бор жойдан айланиб ўтадилар.

Мамлакатдаги иқтисодий инкироз девоналар ҳаётига ҳам анча салбий таъсир қила бошлади. Қашшоқликдан кўзоч бўлиб бораётган халқ, ўзидан ортмайдиган бўлди. Гадойлар, тиламчилар ва товламачилар кўпайгандан-кўпайиб, одамлар девоналар билан тиламчи ва товламачиларнинг фарқига бормай қўйдилар.

1990 йилги сайловларда, Қосим девона тумандаги сайлов участкаларини пиёда кезиб, «Қилма, қилма, қилма...гуноҳ, гуноҳ» дея, ҳаммани адолатли бўлишга даъват қилиб юрди. Буни, бугун кўпчилик эслайди. Ўшанда, сайловлар нисбатан адолатли ўтган эди. Кейин ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди...

Ҳисобласам, Ўзбекистонда тахминан сайловларда ўн мингдан ошиқ сайлов участкалари фаолият кўрсатади. Демак, мамлакатда сайловлар адолатли ўтиши учун «соғлар»ни назорат қилиб турадиган камида ўн мингта девона керак бўлади.

Яқинда, Қосим девонани уч-тўрт йил олдин ўлди, деб эшитдим. Оллоҳ уни марҳамига олиб, охиратини обод қилсин!

Насрулло Саййид. “Туронзамин” сайти, 2009-йил

ОЛАБЎЖИ ЯХШИМИ, МЕЛИСА...

Онам укамни ухлатиб, менга ташлаб далага ишга чиқарди. Мен ўшанда етти-саккиз яшар кичик бола эдим.

– Болам, уканг уйғонса ёки йиғласа, дарҳол бешикни тебрат, қайтиб ухлайди. Ухламаса, хархаша қилса «олабўжи келяпти» десанг, жим бўлади, – дерди, у далага кета туриб.

У вақтлар ёш эдим, олабўжи нималигини англамасдим. Сал

улғайгач болалар билан “олабўжи” ўйнардик. Ўйин қондасига кўра, беш-олти бола йиғилиб, ичимиздан биримизни олабўжи қилиб ҳамма ёғини бўярдик. Бўйнига ҳар нарса осиб, уни кўрқинчли бир махлуққа айлантлардик. У одамхўр ролини ўйнаши керак эди. Ҳар томонга сочилиб яширинган болаларни топиб: “Тра-а-ах! Улдинг!” дерди, у. Олабўжи ҳаммани топиб отиб ташламагунча ўйин давом этарди.

Бироз улғайиб, ақлим киргач онамдан:

– Она, “Олабўжи” ким? – дея сўрдим.

– Олабўжи деб ёвуз подшоҳларни айтишади, билишимча, – деди мендан бунақа гап чиқишини кутмаган онам. – Чингизхоннинг ўғлими, набирасими билмайман, битта Жўжи дегани бўлган экан. Ўшани «олабўжи» дейишган. Ҳар ҳолда, катталаримиздан шундай деб эшитганман. Балки, олабўжи йиртқич бир ҳайвондир. Бизни ҳам шундай деб кўрқитиб ухлатишган.

Замонлар ўтди. Оилалик бўлдим, фарзандлар туғилди. Бир кун хотинимнинг боламизни ухлата туриб:

– Ухла, ана “мелиса” келяпти, ухламасанг олиб кетади, – деганини эшитиб қолдим.

Унга:

– Мелисага бало борми? Болага яхши гапириб, алла айтиб ухлат десам, у: – Ҳозир ҳамма оналар ҳам боласини мелиса билан кўрқитиб ухлатади. Мелисанинг отини эшитмаса, болалар қуруқ алла билан ухламайди, – деди.

Нега олабўжидан одамлар кўрқмай қўйган, деган фикр келди бошимга. Саккиз юз йил болаларни ухлатиш учун ишлатилган «олабўжи» ортиқ эскирдими? Ёки, замон шиддат билан ўзгаряпдими? Бир миллат ўлароқ, қадриятларимиздан тез узоқлашаётганимиз каби салбий қаҳрамонларни ҳам ҳаётимиздан сиқиб чиқаришга киришдикми? Савол кўп, жавоб йўқ, деганларидек, Каримов «шарофати» билан ёки мелиса ҳақиқатан ҳам «олабўжи»дан ёвуз ва жозибалироқ чиқиб қолдимикин, деб ўйладим.

Чингизхон авлоди Жўжихон ростанам отаси сингари жуда ваҳший ва раҳмсиз бўлган. Буни бутун дунё билади. Унинг ваҳшийликларини кўрган ва билган аждодларимиз, балки ўша дав-

рда Жўжининг номини Бўжигга айлантириб олишгандир. Балки унинг образида бутун ёвузлик тасвирлангандир... Кейинроқ, бу одат уларнинг руҳиятига сингиб, болаларни ҳам унинг номи билан кўрқитиб, ухлатгандирлар балки... Аниқроғи, Жўжихонми, Бўжихонми ўша ёвуз босқинчи бизнинг очиқ душманимиз бўлгани аниқ. Аммо, қонунларимиз ва тинчлигимиз кафолати бўлган мелиса ходимларининг ёвуз «бўжи»нинг ўрнини эгаллашларига нима сабаб бўлдийкин? Бу, тузини еб тузликқа тупириш дегани эмасми?! Ҳеч ким бу дунёда едириб-ичириб, уйли-жойли ва болали-чақали қилган валинеъматига бунақа нонкўрлик қилмаса керак. Мен, мана шуни тушунмайман!

Тушунганим, 1937 йиллар қатағонлари, Иккинчи жаҳон урушига йигитларни мажбуран жўнатиш учун “овлаш” кампаниялари, урушдан кейинги террорлар, Гдлян-Иванов қирғинлари, айниқса Каримов режими даврида мелисаларнинг ўз халқига етказган чексиз жабру жафолари уларнинг олабўжи бўлишларига замин яратмадимикин?! Ўзбек мелисасининг кўполдан-кўполлиги, шу давлатнинг асоси бўлган фуқарони менсимаслиги, ҳар нарсани баҳона қилиб одамларга оч йиртқичдек ташланиши, балки жамоатчилик наздида шунақа тассавур уйғотган бўлса ҳам ажаб эмас... Яна, ўзбек мелисасининг биологик жиҳатдан шу миллатга тегишлиги эканлиги беш бармоқдек аниқ бўлса ҳам, уларнинг руҳан Жўжихонларнинг давомчилари эканликларини Каримов ҳукумати исботлашга бел боғлаган шекилли?! Нима бўлганда ҳам, асл ҳақиқат – улар, аслида тузумнинг қурбонларидир. Буни, уларнинг бир-иккилари англаса ҳам кўпчиликлари англамайдилар. Бу эса бизнинг, бутун миллатнинг фожеасидир!

Мустақиллик йилларида халқ кўзи ўнгида мелиса ходимлари минглаб ёш, илмли ва ақлли йигит-қизларнинг чўнтагига қорадори, наша, патрон ташлаб қўйиб тухмат билан қамаш амалиётини қўллаб келмоқда. Шу каби бир неча иллатлар сабаб асрлар бўйи болаларни кўрқитиш тимсоли бўлган олабўжи мелисага ўрнини бўшатди... Мелиса кирган хонадонда фарёд бошланади. Дарвозаси олдида мелисани кўрган кимсанинг юрагига титроқ киради, ҳатто эшиги олдида мелисага кўзи тушиб

юрак хуружидан жон таслим қилганлар бор. Мелиса хоҳ тўғри хоҳ эгри бўлсин, ўзига ёқмаган кимса устидан жиноят қўзғашга қодир. У ноҳақ-туҳмат билан қамаб, сўзини икки қилган ҳар қанақа одамнинг оиласини шамол каби тўзғитиб юбора оладиган кучга эга. Чунки, унга «тинчлик кафолати» соясида чексиз имкониятлар берилган. У амалга ошираётган жиноятларининг ўндан тўққизини кафолатига кирмайдиган ишлар орқасида содир қилади.

Яқинда, бир дўстимизнинг уйида зиёфатда бўлдик. Роса отамлашдик, дунёнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқдик. Давра айни қизиганда, гап сиёсатга бориб тақалди. Мавжуд тузум ҳақида ҳар хил фикрлар билдирила бошлади. Кимдир мақтади, кимдир ёмонлади. Бир пайт эшик қўнғироғи жиринглади. Эшик назорасидан ташқарига боққан мезбон:

– СНБ! Ёнида мелиса ҳам бор! – деди хавотир билан.

Шу заҳоти, уй ичи сукунатга фарқ бўлди.

Ўтирганлар ўзларига кела бошлашлари билан кимдир ошхонага чиқди, кимдир чуқур-чуқур нафас олди. Кимларнинг ҳали ҳам бузуқ эшик каби оғзи ланг очиқ эди... Уч-тўрт улфат ўзини ухлаганга солиб, ростакамига хуррак ота бошлади. Шунда, мелиса билан СНБ бор жойда уйқу дорининг кераги йўқлигини сездим. Ҳатто, Ўзбекистон шароитида жарроҳлик амалиётларини ҳам улар иштирокида наркозсиз ўтказса бўлар экан деб ўйлаб қолдим.

Остонада ҳеч қанақа сабабсиз, кутилмаганда хавфсизлик ташкилотлари ходимларининг пайдо бўлиши ва ҳеч бир гуноҳсиз кимсаларнинг саросимага тушиши – мавжуд тузум эришган ягона ва ғайриинсоний “ютуқ” эди. “Ютуқ”нинг бу миллатга жуда ҳам қимматга тушгани масаласи эса, умуман бошқа бир мавзу.

“Олабўжи” миямизда босқинчилардан қолган бир асорат эди. Бу асоратдан қутулганимиз рост бўлсин!

Аммо, ўзингдан чиққан балога, қайга борасан даъвога деганларидек, нопок мелисаларнинг зулмидан ҳаливерин қутуладиганга ўхшамаймиз. Бу учун энг аввало ҳақиқий демократия ва ошкоралик талаб этилади. Мустақил ва Ҳур бўлдик,

деганимиз билан фуқаронинг ҳақ ва ҳуқуқларига ҳурматни ўрганмасак, бурнидан ҳалқа ўтказилган ҳўкиздеқ хору зор бўлиб, ўлиб кетаверамиз.

Аммо тўла Озод бўладиган бўлсак, бошқа бир муаммо пайдо бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Яъни, ўзбек оналари мелиса билан кўрқитмасдан (бошқа кўрқитадиган нарса бўлмаса) қандай қилиб болаларини ухлатадилар?! Билмадим! Ёки асрлар бўйи ухлаганимиз етар деб, Охирзамонни уйқусизлик билан қарши олаимизми?! Чунки, диктатор айтмоқчи: Ўзимизга хос, ўзимизга мос бир миллатмиз-ку...

Рустам Иброҳимов (тахаллус) «Мусулмон Ўзбекистон» сайти, 2006-йил

УШАЛГАН БУЮК ОРЗУ

Инсон умри давомида нималарни кўриб, нималарнинг гувоҳи бўлмайди. Баъзан, кутилмаган воқеалар содир бўлиб, руҳиятга қаттиқ таъсир қилади, ва дунёқарашни ўзгартириб юборади. Бу ҳолатдан ичдаги кўрқув сўниб, юракда шижоат пайдо бўлади.

1980 йилда Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтини битирдим. Йўлланма билан Навоий шаҳридаги бир қурилиш трестига ишга юборишди. Трест НУС деб номланиб, тўғридан-тўғри Москвага бўйинсунарди. Зарафшон, Учқудуқ ва Зафаробод шаҳарларида унинг қурилиш ташкилотлари бор эди.

Мен Учқудуқ шаҳридаги 3-қурилиш монтаж ташкилоти (СМУ-3)нинг бир участкасида уста сифатида иш бошладим.

Ташкилот Учқудуқдаги олтин конлари рудасидан олтинни ажратиб оладиган завод қураётган эди. Бошлиқ шовинист рус миллатига мансуб бир киши эди. Ташкилотда асосан руслар, украинлар ва белоруслар бўлиб, ўзбеклар деярли йўқ, маҳаллий халқлардан уч-тўртта қозоқ бор эди, холос. Улар ҳам қо-

ровулда турарди.

Миллий камситилиш нималигини мен ўшанда англаганман. Олтин бизники бўлса ҳам, ўзбекларни одам ўрнида кўришмасди.

Ўшанда, камситишларга нисбатан ичимда исён пайдо бўла бошлади.

Балким, шу камситишлар туфайли неча замонлар босқинчилар ва ерли мустабидлар томонидан сурункали сўндирилиб келаётган руҳимдаги миллатсеварлик туйғулари қайта уйғонгандир...

«Маданият ташувчилар» терисини ёпинган қулдорларга аралшиб, унча-бунча нарсага ақлим етди. Бахслар секин-аста тортишувларга айлана бошлади.

Бир кун биз қурилиш қилаётган жойда катта йиғин бўладиган бўлди. Йиғинга Москвадан меҳмонлар келиши кутилмоқда эди. Менга йиғин бўладиган зални тайёрлаш ва бино олдида байроқларни кўтариб, ўрнатиш топширилди.

Раҳбарлар аксари руслар эди, бир кун олдин улар ичиб олиб эртароқ уйларига кетган эдилар. Йиғилиш ўтказилиши керак бўлган жойда мендан бошқа ҳеч ким қолмаганди. Кечга яқин иккита байроқни юқорига кўтардим. Байроқларнинг бири СССРнинг ўроқ ва болғали қизил байроғи, иккинчиси Ўзбекистонники эди. Улар бир хил юксакликда ҳилпирарди.

Эртаси эрталаб ҳар томондан меҳмонлар кела бошлади. Москвадан ҳам уч-тўртта мулозим бор эди. Бир пайт, улардан бири байроқларнинг бир хил юксакликда осилганини кўриб, жанжал кўтарди.

Одатда, Ўзбекистон байроғи СССР байроғидан пастроққа осилиши керак экан. Менинг «хатойимни» тўғирлашга қанча уринишмасин, фойдаси бўлмади. Флагшток ишламагани учун йиғилиш сўнгигача байроқлар ўз ҳолича қолди.

Йиғилиш тугагач менга ҳужум бошланди. Ташкилот раҳбари ва яна уч-тўрттаси атрофимни ўраб, мени ҳақорат қила бошладилар. Ўзбекистоннинг мустамлака эканлигини очикчасига гапириб, улар мендан Ўзбекистон байроғини пастга туширишимни талаб қилдилар.

Мен Ўзбекистон байроғини индиришдан қатъиян бўйин тов-

ладим. Улар аламларига чидай олмай, мени оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўка бошладилар. Хуллас, мени эртаси кун ишдан ҳайдашди.

Ўша кун шууримда, миллий мустақиллик учун кураш кайфияти пайдо бўлди. Шу туфайли, меҳнат дафтарчамни олиш чоғида бошлиғимизга бир нарсани ваъда қилдим... «Мен, Ўзбекистон байроғини ўша сенинг СССР байроғингизга албатта бир кун кўкка тикаман!» дедим. У бу гапим учун умрим қамоқда чиришини уқтирди ва меҳнат дафтарчамга муҳр босиб, улоқтирди.

Мен Вобкентга уйимга қайтдим. Уйга қайтганимдан хурсанд бўлган ота- онам тўйни бошлаб юбордилар, мен уйландим. Учқудуқда фаолиятимни давом эттирсам, Армия сафларига олишмасди. Бу «енгиллик»дан маҳрум бўлгач тўйдан қирқ беш кун ўтиб, ҳарбий хизматга чақиришди.

Йиллар ўтди. 1990 йил келди, СССРда «қайта қуриш ва янгилавиш» сиёсати авжига чиққан даврлар эди. Ўзбекистон ССРда Олий Кенгашга сайловлар компанияси бошланган. Туманимиздан Муҳтарама Наврўзова деган димоғдор бир колхоз раисининг номзодини Ўзбекистон Олий Кенгашига депутатликка кўрсатишди. Бир ўқитувчини унга хўжақўрсинга муқобил ҳам қилиб кўтаришди.

Райком секретари Сатторов (Вобкент туманида) катта бир йиғинда ҳаммани Наврўзовага овоз беришга даъват қилди.

– Опани яхши биласизлар, бир неча бор халқ депутати бўлган. Юқоридан топшириқ бўлди, у албатта депутат бўлиши шарт. Ҳаммангиз ўз ташкилотингиз билан унга овоз берасиз! – деди, у буйруқ оҳангида.

Ўша кеча ухлай олмай чиқдим.

Наврўзовани кўпчилик ёқтирмаслигини яхши билардим.

Эртаси кун ўзим ишлайдиган жамоада (ПМК-қурилиш ташкилотида) масала муҳокама қилинди. Ташкилотимиздагилар менинг номзодимни Наврўзовага муқобил ўлароқ, Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига номзод қилиб кўрсатайлик, деган қатъий талаб билан чиқишди. Олдинига рози бўлмадим, кейин орқамдаги бу «куч»дан руҳланиб рози бўлдим...

Сатторов номзодимни руйхатга олишларига роса қаршилик қилди, олдига чақириб: «Агар номзодингни қайтариб олсанг, ёрдам қиламиз, мансаб берамиз» дея, авради. Бўлмагач, дўқ-пўписага ўтди, ҳар турли «криминал»ларни олдимга жўнатиб, қўрқитмоқчи бўлди...

1990 йилнинг 19 феввалида, ур-йиқит ва мислсиз курашлардан сўнг депутат бўлдим. Райком секретари менинг ғалабам туфайли «аҳтиётсизлик қилгани» баҳонасида ишдан олинди.

Айни ўша дамларда СССР ҳудудларида миллий озодлик курашининг шабадалари эса бошлаган эди. Мен бу хуш кунлар ифорини туйишим баробарида, сиёсатнинг паст-баландини ўрганишга киришдим.

1990 йилнинг март ойида ўтган Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1-сессиясида асосан ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Кейинги сессия 1990 йилнинг 18 июнида ўз ишини бошлади. Сессияга Ўзбекистоннинг байроғини олиб борган эдим. Уни қўлимдаги «дипломат»да авайлаб олиб юрганим боис, унинг борлигини ҳеч ким сезмади. Учқудуқдаги собиқ ўрис раҳбарга ўн йил олдин берган ваъдамнинг устидан чиқмоқчи эдим. Мустақилликни очиклаш учун вазият етилган эди. Бу мен учун буюк бир орзу эди.

Фаришталар «Омин», деган экан. Оллоҳнинг изни билан мен сессияда Ўзбекистон байроғини юксакка кўтаришга эришдим. Аҳамиятлиси, 20 июн куни кўтарилган ўша байроқ ёнида қуллигимиз рамзи бўлган СССРнинг қизил байроғи йўқ эди. Бу воқеа энди биз, бир миллат ўлароқ босқинчи СССРни бошқа тан олмаслигимизнинг илк нишониси эди.

Айни, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон «Мустақиллиги Декларацияси» қабул қилинган эди. Кимлар учун бу нарсалар аҳамиятсиздир, бу кун мен учун тарихий бир кун эди. Бу дақиқаларни жуда узоқ кутгандим.

Ғалабадан анча вақт сармаст бўлиб юрдим. Лекин, жорий тузум тепасида ўтирганлар ҳаракатимни тўғри қабул қилмадилар. Ноҳақ жазолаш йўлига ўтдилар. Улар ҳозиргача ҳам мени жазолаб келмоқдалар.

Айтмоқчи, яна битта Ўзбекистонда озод, демократик, эркин

жамиятни ўртага келтириш орзуйим бор. Бу, албатта юз беради. Бу кунларни кўриш менга насиб қилмаса ҳам миллатимга, ўғил-қизларимга албатта насиб қилади!

Демократик, эркин жамият қурмасдан Ўзбекистонни ҳеч бир жиҳатдан тараққий эттириб бўлмайди!

Насрулло Саййид. «Исёнкор» сайти, 2007-йил

АМИРЛИКНИНГ ОЛТИН КОНЛАРИ ҚАЙДА?

Рус тилидаги “РЕГНУМ” интернет сайти, Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидаги “Кўкпатас” овули яқинида “Восточний” тоғ-руда кон-карьериди ғор ичида 1715 йилда араб имлосида тошга ёзилган битик топилганлиги хусусида хабар тарқатди.

Руда қазиш чоғида эксковаторчи унча катта бўлмаган ғорга дуч келган. Хабарни ўқирканман, «охири топишибди-да» деб беихтиёр оғзимдан учиб чиққан сўзлар, қулоғимга бошқа бировнинг овози бўлиб туюлди. Чунки, мен халқимиз ўзлигини танимас экан, амирликнинг олтин конларининг топилишига тиш-тирноғим билан қаршиман...

«Кўкпатас» дала-геология қидирув экспедитсияси бошлиғи Владимир Марченконинг таъкидлашича, 2009 йилнинг июл ойи ўрталарида Учқудуқ шаҳрида миш-мишлар болалаб, уларда “Восточний” карериди ишлайдиган эксковаторчи йигит тоғ-тошлар орасидан ғор топгани ва ўша ғорда араб имлосидаги ёзувлар ва деворга чизилган қандайдир харита борлиги ҳақида гап ёйилди» дея хабар давом этади.

Наҳот, бир пайтлар тарихини эшитиб, ўша жойни топиш орзусида ҳаловатсиз ўтказган дамларим беҳуда эмас экан, биз ёшлигимизда излаган хазина ахири топилибди, деб ўйладим.

Марченко давом этади: “Миш-мишлар Навоий кон-металлургия комбинатининг 2-сон Шимолий руда бошқармасига ҳам етиб келди. Биз воқеа жойига тез етиб, ғордаги тошга битилган ёзувларни ўрганишга киришдик. Ғорнинг асосий қисми унча

катта эмас, аммо ғордан бошланган йўл ёриқ орқали давом этади. Ғорнинг гипстош деворларида араб имлосида ёзилган ёзувлар бор. Ёзувларни дарҳол суратга олдик. Афтидан анча униққан ёзувлар темир ёки бирор бошқа қаттиқ жисм билан тошга ўйилганди. Биздан олдин ҳам ёзувлардан кимдир нухса кўчирганга ўхшайди.

Олган суратларимизни арабшунос мутахассисга кўрсатганимизда, ёзувларнинг 1715 йилда битилгани аён бўлди. Уларда, “Боздон” деган жой ҳақида ишора борлигини аниқладик”.

Марченкога кўра ёзувларни умумийлаштириб, хулоса қилинса: “Бу ерда, яъни, Боздонда менинг ўз ғорим бор” деган маъно чиқади. “Девордаги минераллар вақт ўтиши билан ўзидан ранг чиқариб, чаплашиб, хос шакллар ва суратлар пайдо қилган. Биринчи қарашда, улар кишида худди харитага ўхшаш таассурот қолдиради”, дейди Марченко.

Ғор деворидаги тош ёзувларнинг ўта саводхон кимса томонидан ёзилганлиги айтилади, мақолада.

Қизилқум чўллариининг одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган, кимсасиз бу манзилларда 1715 йилда ким қандай мақсад билан ушбу ғорга ёзувлар битгани инсонни таажжубга солади.

Жумбоққа жавоб мақолада ҳам изланган.

Бир замонлар Арабистондан Учқудуқ томонларга бир илмли шайх келиб, шу атрофларда “Кўчқор ота” деган манзил қуриб, бир муддат яшаган эмиш. “Бу ёзувларни балки ўша шайх ёзиб кетгандир” деган фикрни илгари суради муаллифлар.

Тўғриси, ушбу қараш ва фикрлар менга эриш туюлди. Чунки мен у минтақани ва ғор топилган ҳудудни яхши биламан.

1980 йил Самарқанд Давлат Архитектура ва қурилиш институтини битириб, Учқудуқда иш бошлаганман. Меҳнат тажрибам, “Рудадан олтин ажратиш олиш заводи” қурилишидан бошланган. 1980 – 82 йиллар бирга ишлаган дўстлар билан Учқудуқ шаҳри ва унинг атрофида кўп тентираганман. Атрофдаги қозоқлар яшайдиган овулларнинг деярли барчасида бир неча марта қўноқ бўлганман. Тарих ва геологияга қизиқишим туфайли маҳаллий кишилар билан яқиндан танишганман.

Бағри кенг, меҳмондўст қозоқ қардошларимиздан бу ерларнинг тарихи ҳақида кўп воқеалар ва ривоятлар эшитганман.

“РЕГНУМ”даги мақола боис, у ерларда кечган даврларни эсладим. У ерда инсонлардан эшитганларим ва кўрганларим, хаёлимда гавдалана бошлади...

...Куйидаги гап-сўзларни 1981 йилда “Кўкпатас” овулида бир қозоқ чолдан эшитганман.

Тарихдан маълум Бухоро амирларининг олтинлари жуда беҳисоб бўлган. Бухоро шаҳрини икки аэроплан билан бомбалаб, халқни қўрқитиб, кейин босиб олган қизил бандит Михаил Фрунзе бу ердан вагонлаб олтинларни Москвага ташиб кетади.

Жуфтани ростлаган Амир Олимхон ҳам қурби етганча амирликнинг хазинасини ўмаришга ҳаракат қилган. Ривоят қилишларича, у олиб кетолмаган бир қисм олтинларни Қашқадарё томонларда, Ҳисор тоғларида яширган...

Фрунзе Бухоро хазиналаридаги олтинларни кўриб, бутунлай ақлдан озади. У бу ҳақда Москвага доҳийси Ленинга хабар йўллайди. Олтинлар эшалонларда манзилга етиб боргач болшовойларда, «Бухорога бу олтинлар қаердан келиб қолган» деган савол туғилади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам: Бухорога қаердан келиб қолди бунча олтин?

Бир ривоятда айтилишича, Бухоро амирларининг Қизилқум саҳроларида олтин оладига махсус конлари бўлган. Айтишларича, уларнинг бир неча авлоди ўша конлардан беҳисоб олтин қазиб олган. У конлардаги олтин дунёдаги бошқа олтинларга сира ўхшамас, улар ўзининг ўта тозалиги ва ранги билан ҳар қанақа олтинлардан ажралиб турган.

Амирлар қизилқум бағридан жуда йирик (айримлари ҳатто ёнғоқдек келадиган) сочма олтинлар қазиб олгани ҳақида эл орасида гап юради.

Қизилқумдаги ўша конларда олтин тупроқни ювиб, ажратиб олинмас, аксинча тўппадан тўғри донатор ҳолда қазиб олинар эди. Яъни русчасига “самородка” ҳолатида. Конлар қаердалиги жуда сир тутилган, уларнинг қаердалигини фақат амирлар ва ўта ишончли кишилар билган. Олтин конларига ишга жўнатилганлар, ҳеч қачон орқаларига қайтмаганлиги хусусида

ҳам эл орасида гап юради. Ўша конлар, тахминан Қизилқум саҳросининг ҳозирги Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари ўрнашган сарҳадларда бўлган. Руслар бекорга бу ҳудудларга панжа урмаганлар. Мурунгов билан Кўкпатас олтин конлари ҳам шу баҳонада топилган кўринади.

Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхон 1917 йилги Рус шўро инқилобидан сўнг саросимага тушади. Бу вақтга келиб болшовийлар Тошкентни ишғол қилган, навбатдаги ҳамла Бухорога қаратилган эди. Шу сабаб муҳаққақ тахтидан ажрашни билган Олимхон, чўлдаги олтин конларини изсиз йўқотишга қарор қилади.

У қирқта аскардан иборат лашкарни олтин конларига йўллайди. Лашкар кондаги барча ишчиларни қиличдан ўтказиб, конни кўмиб ташлагач у ерда из қолмагунча от чоптиради. Лашкарбоши отлар туёғи текис қилган ҳудудни харитага тушириб, амирга етказиши лозим эди. Лашкарбоши томонидан амалга оширилган ўша харитани баъзи бировлар қиличга ўйилган, дейишади.

Хуллас, лашкар буйриқни бажариш учун йўлга чиққанидан бир ҳафта ўтиб, амир иккинчи қирқ кишилиқ лашкарни биринчи кетган лашкар изидан жўнатади. Улар орқасига қайтган кўшинни қириб ташлаб, харитани амирга етказиши лозим эди. Машъум фармон амалга ошади.

Конни текистлаб орқасига қайтган аскарлар йўлларида учраган чўпон ёхуд бошқа бирор тирик жон кўрса қириб ташлаган эдилар. «Кўкпатас»даги қозоқ чол менга ўшанда фақат бир бола омон қоганини айтганди. Раҳми келган сарбоз болани ўлдирмай, кўзларини ўйган, деганди. Бола кўйларга эргашиб, ўлар ҳолатда овулга етиб келади.

Иккинчи қирқ кишилиқ лашкар ортидан учинчиси жўнайди. Улар ҳам олдиларидан чиққан лашкарни қириб, харитани олиб қайтадилар. Амирнинг буйруғи билан уларнинг ўзлари ҳам ўша тунда гумдон қилинадилар.

Қозоқ чол эҳтиросларга тўлиб тошиб, ишонч билан ҳикоя қилган бу гапларда қанчалиқ ҳақиқат бор, Аллоҳга аён.

Иккинчи ҳикояни Учқудуқ зонасида узоқ йиллар қамоқда

ўтирган, озодликка чиққач бир муддат мен билан ишлаган рус чолдан эшитгандим. У бизга қарашли ҳудудда вагонда қоравул эди.

Ленинградлик бу чол иккинчи Жаҳон урушидан сўнгра Москвада университетнинг журналистика куллийетини тамомлаб, нуфузли бир газетага ишга кирган. Касбий фаолияти туфайли у давлат раҳбарлари даражасидаги тадбирларда иштирок этиб, анча-бунча маълумотга эга бўлган.

У Бухоро Амири тўғрисида кўп гапирган. Чолга кўра, хаста, кўзлари кўрмай қолган Амир Олимхон ўлишидан олдин (У 1944 йилда Афғонистонда ўлган) Сталинга Бухорога қайтиб, ватанида бандаликни бажо келтириш илтимоси билан мактуб ёзади. Эвазига ота-боболари узоқ йиллар қазиб олган олтин конлари жойлашган ерларни кўрсатишни ваъда беради. Ва баробарида бир қисм олтинга эгалик қилиш ҳуқуқини сўрайди.

Амир Саййид Олимхон таклифини рад этган Сталин, дарҳол Бухоро олтинларини қидириб топиш учун махсус экспедитсия ташкил қилишга буйруқ беради. Чол шу экспедитсия таркибида биз томонларга келиб қолади.

Экспедитсия учун Самарқанд шаҳридан база ва муқим жой ажратилади. Ҳайъат берилган топшириққа биноан даставвал Туркистон тарихини ҳижжалаб, ўрганиб чиқади. Кейин Бухоро амирликлари тарихи ва уларнинг олтинлари ҳақидаги ёзма ва оғзаги хотиралар қоғозга туширилиб, йиғилган материаллар хулосалангач, геологлар олтин излагани ҳозирги Зарафшон ва Учқудуқ томонларга йўлга чиқадилар.

Қизилқумдаги конлар ўрни аниқлангач, у ерларда 1955 – 58 йилларда аҳоли пунктларини қуриш бошланади.

Ўша замонлардан бу ерларга СССРнинг турли бурчакларидан “мутахассислар” ёприлиб кела бошлаганлар. Қизилқум чўли квадратларга бўлиниб, ҳар қадамда “шурф” (ер остини ўрганиш учун жуда чуқур ўралар) бурғулашга тушганлар. Олимлар Қизилқумдаги Бухоро амирлари қазиб олган олтин конларни тинимсиз излаганлар...

Учқудуқда 1981 – 1982 йилларда мутахассислигим бўйича меҳнат фаолияти билан банд бўдим. Бутун вақтим, “Учқудуқ –

Кўкпатас” автомагистралини қуриш билан ўтди. Иш бошқарувчи (прораб) бўлганим боис, менга “Краз” юк автомашинаси бириктирилди, бу ерларда бошқа транспортда юриш амри маҳол эди. Фаровон ҳаёт ва бойлик излаб келган геолог, махсус техникумни битирган ҳайдовчи белорус йигити билан кун-тун чўл кезиб, йўл қурулиши учун шағал излардик. Чўлдан шағал ёки тош излаб топиш осон иш эмасди. Шағал баҳонасида бутун Қизилқумни ўргандим. Шеригим иккаламиз чўлдан анча ноёб ашёлар топиб, олимларга топшириб юборганмиз.

Россиядан Сталин жўнатган экспедитсиянинг Қизилқумни илма-тешик қилиб кавлаб ташлаганининг гувоҳи бўлганман. Ковланмаган ер қолмаган эди. Чексиз ва кимсасиз саҳронинг ҳар ерида одамларнинг ер бурғулаб турганини учратиш нақадар ғайритабиий бир манзара эди.

Учқудудан кетишим олдидан қоровул чол билан учрашдим. Ундан: «Бухоро амирларининг олтин конларини топа оладилар, деб ўйлайсизми?» дея сўрадим. «Йўқ» деди, у кескин оҳангда. У конлар тилсимланганга ўхшайди. Акс ҳолда, аллақачон топилган бўларди. Йиғилган маълумотларга қараганда, конлар шу атрофларда бўлиши керак эди. Қанча конлар очилди. Саҳродан уран ва олтинга ўхшаш қанчадан-қанча ноёб металллар топилди. Афсус, бу конлар асло у конлар эмас. Бу конларда олтин миқдори жуда оз. Аксига олиб, бу конлардан олтинни фақат кимёвий йўл билан ажратиб олиш мумкин. Амирлар эса олтинни ювиб эмас, қумдан данақдай ажратиб олганлар»...

Кейинроқ, бу мавзуни иложи борица чуқур ўрганишга киришдим. Ҳақиқатан, Зарафшон яқинидаги “Мурунгов” ва “Кўкпатас” олтин конларидан олинадиган рудадади олтин миқдори грамлар билан ўлчанарди. Катта маблағ сарфлаб, кимёвий усуллар билан ажратиб олинаётган бу конлардаги олтинларнинг амирликнинг олтинларига ҳеч қанақа алоқаси йўқ...

Оқ-қорани таниб, миллатимиз фожеасини англаб етганимдан сўнгра эса, у конларнинг топилмаганидан суюндим. Амирликнинг олтин конлари топилганда, қанчадан-қанча бойликларимиз аллақачон ҳаром жиғилдонларда ҳазм бўлиб кетарди.

Ёппасига замонавий қулларга айлантирилган халқимизга у олтинларнинг заррача ҳам иссиғи тегмасди. Ҳатто, ўзимизни мустақил деб эълон қилиб ҳам, биз ўзбек олтинларининг кимларнинг корига яраётганидан беҳабармиз. Биз битта нарсани, бойликларимизга ҳалиям ўзимиз эгалик қила олмаслигимизни яхши биламиз, холос.

Рус интернет сайтида чиққан мақоланинг амирликнинг олтин конларига тирноқча ҳам алоқаси бўлмаслигини истардим.

Халқимизнинг фаровонлигига нафи тегмаган ҳар қандай бойликнинг ер остида ётгани фойдали кўринади...

Насрулло Саййид. «Муносабат» сайти, 2011-йил

БАЙРОҒИМИЗ ҲАҚИДА

Эртага Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кунга 18 йил тўлади.

Мовий, оқ-яшил ва қизил ранглар мужассам ўн икки юлдузли байроқ қандай қабул қилинган эди?

У кунлар тарихи ҳақида қўлимдаги ҳужжатлар ва суратлар етарли бўлмасада, билганимча байроқ тарихини баён қилишга жазм этдим.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши депутати бўлганим боис, ўша кунлар воқеа-ҳодисаларининг қоқ марказида эдим.

Воқеалар асносида нималарнидир илғамай қолган бўлишим мумкин, нималарнидир тўлиғича очиб бера олмасман. Албатта, байроқ қабул қилиш жараёнларини мендан чуқурроқ биладиганлар вақти келиб кемтикларимни тўлдиради, деган умиддаман!

Собиқ СССР таркибига кирган ўн беш республиканинг ҳар бирининг ўз байроғи бўларди. Байроқлар бирдай қизил бўлмаса ҳам, бошқа рангларга қизил ранг карвонбошилиқ қиларди. Сўзда «иттифоқдош» деб аталадиган бирор республика ўроқ ва болға тамғаси туширилган СССР байроғисиз ўз байроғи-

ни ҳаволантира олмасди. Иттифоқдош республикаларнинг байроқлари СССРнинг қип-қизил байроғи билан бирга, сал пастроққа осиб қўйиларди. Бу, амалда Совет империясининг бутун ҳудудларда гегемонлигини ифодаларди.

Болтиқбўйи ва Кавказдаги баъзи республикалар руслар босиб олгунча мустақил бўлганлари ва ўз тимсоллари ва ўз байроқларига эга бўлган даврлар хусусида гапира бошлаган замонлар эди. Шўролар ҳудудларида тарихни қайтадан ёзиш ва ўтмишдаги хатоларни тўғирлаш ҳаракатлари кучайганди.

Бизда ҳам “Туркистон Мухторияти” ҳақида узук-юлуқ гаплар юрарди. Ленин бошлиқ болшевик тўдалар Чор Россиясидаги монархияни қулатганидан сўнгра, Туркистонда ҳам мустақиллик ҳаракатлари бошланганлигини, 1917 йилнинг охирига келиб бу ҳаракатлар самараси ўлароқ Туркистонда мустақил бир давлат барпо этишга киришилганини ва у бор-йўғи 72 кун умр кўрганлигини ўзбекнинг илғор фикрли кишилари энди кўрқмай гапириб ёза бошлаган эдилар.

Тарихда “Туркистон Мухторияти” деб номланган давлат бўлганлигини чет элларда кўпчилик билса ҳам, юрт ичида бу ҳақда аксар аҳоли ҳеч нима билмасди...

1921 йилнинг ёзида бир гуруҳ маҳаллий ватанпарварлар Аҳматзаки Валиди бошчилигида Бухорода “Туркистон Миллий Бирлиги” деган ярим яширин ташкилот ва унинг қошида эса “Эрк” сиёсий партиясини тузадилар. “Туркистон Миллий Бирлиги”нинг ягона мақсади – “Мустақил Туркистон Ислом давлати”ни қуриш эди.

Оддий оммани айтмай, тарихда Қўқонда «Туркистон мухторияти», Бухорода «Туркистон Миллий Бирлиги» ташкилотлари таъсис этилганлигини, шунингдек ушбу ҳаракатлар оқимида «Эрк» деган ҳуррият партияси ташкил бўлганлигини, ҳатто уларнинг ўз байроқлари ҳам борлигини мен ҳамсуҳбат бўлган кўплаб депутатлар билмасди.

Боболар ўртага келтирган «Туркистон Миллий Бирлиги» ҳаракатидан бизга оқ-қизил рангли, ой ва юлдузи бор бир гўзал байроқ мерос қолган.

1988 – 89 йилларда шаклланган “Бирлик” халқ ҳаракати ва «Бирлик» парчалангандан кейин «Бирлик»нинг ишини давом эттирган (1990 тузилган) “Эрк” демократик партияси ўша байроқни қайта тиклаш ва “Туркистон Миллий Бирлиги” бошлаб берган мустақиллик ҳаракатини кенг тарғиб қилишга енг шимарди. Воқеалар тизимини диққат билан кузатиб турган собиқ Иттифоқ даврида ҳокимиятни эгаллаб олган маҳаллий коммунист раҳбарлар “Туркистон Мухторияти” ва «Туркистон Миллий Бирлиги» ғояларининг қайта тирилишини ҳам, уларнинг байроқларининг янгидан долғаланишини ҳам асло ва асло истамас эдилар.

Каримов тарихга ўз нуқтаи назари ва манфаати доирасида жуда эҳтиёткорлик билан ёндошарди. Ундаги ўта шахсий масалаларга қарам ночор зеҳният миллий қарашларга тескари ўлароқ, бир пайтлар Қўқонда ўрнатилган мустақил мухторият ва Бухорода асос солинган Миллий Озодлик Ҳаракати фаолиятини сиёсий жиҳатдан тўғри мушоҳада қилишга ожиз эди.

1990 йилнинг 20 июнида демократик йўналишдаги бир гуруҳ депутатлар босими остида «Эрк» демократик партияси ҳайъати томонидан тайёрланган “Ўзбекистон Мустақиллиги Декларацияси” қабул қилинди.

Кўпчиликни ташкил қиладиган коммунист депутатлар ва уларнинг бошини бирлаштириб турган Олий Кенгаш ҳалиям марказдан қўрқиб, жуда эҳтиёткорлик билан фаолият кўрсатарди. Яратилаётган қонунларнинг кўпчилигида ҳаливерин “Иттифоқ” ёки “Янгиланган Иттифоқ” атамалари ишлатилаётган эди.

Тарих саҳнасида Ўзбекистон Олий Кенгашига бир нафаслик демократик шабада туфайли сайланиб қолган, юрт мустақиллигига ташна, Туркистон Миллий Озодлиги учун курашлар тарихидан хабардор кичик бир депутатлар гуруҳи ва фақат юқорига қуллуқ қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган мутлоқ кўпчилик оломонсифат депутатлар ўртасида тарихий бир сиёсий кураш жараёни кечаётган эди...

Россия, Беларус ва Украина республикалари томонидан 1991 йил 8 декабрда имзоланган “Беловеж шартномаси” СССР

деган давлатни тугатиб, уни бутунлай “гўру чўп”га чиқаришга оз муддат қолганди. Ўрта Осиё республикаларидан ташқари барча иттифоқдош республикалар ўз мустақилликларини аллақачон эълон қилган, Ўзбекистондаги ҳукумат ортиқ ҳавода муаллақ қолишга маҳкум СССР президенти М.С. Горбачевга қуллуқ қилишдан тўхтамасди.

Ўзбекистон президенти Каримов “ГКЧП” Горбачевни тахдан четлатмаган кунгача мустақиллик ҳақида гапиришдан ўзини тийиб турди. У муҳолифатнинг сўзларига «бир сафсата» дея қарарди. Чунки, у ҳалиям шўроларнинг парчаланиб кетишига ишонмас, тарих ғилдирагининг орқага айланишидан умидвор эди. “Мустақиллик Декларасияси” қабул қилинганидан сўнг ҳам у бир йилу икки ой Москванинг йўриғи билан иш тутди. 1991 йилнинг 31 августида, у ниҳоят кутмаганда юрак ютиб муҳолифат томонидан эълон қилинган мустақилликни тан олишга мажбур бўлди. Пишиб, етилиб, чегаралардан аллақачон ўтиб кетган вазият уни шундай қилишга мажбурлади. Унинг, ортиқ бошқа йўли қолмаган эди. Олий Кенгаш залида ўтирган депутатлар Каримовнинг ўта эҳтиёткор ва қатъиятсизлигини билганлари боис, унинг тантанавор сўзларини бепарво кутиб олдилар...

Мустақиллиги эълон қилинган ёш давлатга биринчи навбатда байроқ, тамға, мадҳия ва Конституция керак эди. Биринчи байроқ, ортидан тамға 1992 йил 2 июлда, Конституция 1992 йил 8 декабрда ва мадҳия 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди.

“Биз энди мустақил бўлдик, бизга битта байроқ керак. Тезда бир байроқ танламасак, халқаро майдонда уятли бўламиз” деганди ўшанда Каримов. Шу боис байроқ масаласи билан унинг шахсан ўзи шуғулланди. Мустақиллик эълон қилинган сессияда, биратўла байроқ учун танлов ҳам эълон қилинди.

Орадан кўп ўтмади. 1991 йилнинг 17 ноябрида депутатлар шошилиш сессияга йиғилдик..

Залнинг катта саҳнасига танлов бўйича тайёрланган байроқларнинг эскизлари чиқариб қўйилди.

Олдинги сессияда “Туркистон Миллий Бирлиги” байроғини

танловга тавсия қиламиз деб келишиб олгандик. Фарғоналик депутат Садирали Умаров сессияга байроқни қаердандир топиб олиб келди.

Мен Садирали Умаровни 1990 йил 20 июнда “Мустақиллик Декларасияси”ни қабул қилинган кезлардан яхши танирдим. Мен Ўзбекистон байроғини саҳнада кўтариб, “Яшасин Мустақиллик!” деб қичқирганимда, у биринчи бўлиб олдимга чиқиб, мени кўзларидаги қувонч ёшлари билан қучиб, қутлаганди. Шу-шу, иккаламиз иноқ эдик. Аллоҳнинг изни билан “Туркистон Миллий Бирлиги” байроғини ҳам биргалашиб, саҳнага олиб чиқиб, бошқа байроқлар қаторига илиб қўйдик.

Барча байроқлар махсус тайёрланган тахта рамкаларга солиб (чунки улар ҳали қоғозда эди) осилган эди. Олий Кенгашда юрт Озодлиги учун курашган аждодларимиздан қолган тарихий байроқ ҳам пайдо бўлди. У чеккада рамкага солинмаган ҳолда турарди.

Залдаги баъзи бир коммунистик эски тузум тарафдорлари бу ишимизга норози ўлароқ роса шовқин кўтарди. Уларнинг ичидан: “Бу байроқни саҳнадан йўқотинглар, бу байроқ ватан хоинларининг байроғи” дея бақирганлар ҳам бўлди. Аслида, улар ўзларининг ўта кетган хоин ва жоҳилликларидан беҳабар эдилар.

Каримов залга кириб келганида, биз саҳнага қўйган “Туркистон Миллий Бирлиги ” байроғига бироз тикилиб турдида, индамай жойига бориб ўтирди. Унинг индамасдан бориб жойини эгаллаши, балки...

Тўртта байроқ намуналари юзасидан музокоралар бошланди.

Юрт мустақиллиги учун курашган аждодларимизнинг тарихий байроғини ҳам бир неча депутат ёқлаб гапирди. Аммо кўпчилик ҳар доимгидек ўзича ташаббус кўтаришдан чекилиб турар, демократик қарашдаги депутатлардан бошқа ҳамма Каримовнинг хоҳиш-истаги доирасида иш кўришга кўника бошлаган эди.

Улар ортиқ «коммунистик лайчалик»ка қўл силтаб, мустақил Ўзбекистоннинг янги «дода»сига ўзларини мослаштираётган

эдилар. Буни яхши биладиган Каримов: «Бу ерда ҳамма нараса ифодаланган, тарихимиз ҳам бор, мусулмончилигимиз ҳам бор, ниятимизнинг поклиги ва ойдин йўлимиз ҳам бор» дея, маккорлик билан ҳозирги Ўзбекистон давлат байроғини олдинга сурди. Пиримқул Қодиров сингари уч-тўрт депутат минбарга чиқиб, Каримовнинг фавқулотда “доно”лигига тасаннолар айтдилар. Шу байроқнинг бизга жуда мослигини таъкидлаб, бошқа байроқ эскизларини чипакка чиқаришга киришдилар. Кимдир, минбарга чиқиб оқ ранглар четидаги ингичка қизил ҳошияни олиб ташлашни ҳам таклиф қилган бўлди...

Озодлик учун кураш тимсоли ўлароқ тарихдан бизгача етиб келган байроғимиз етарлича овоз ололмади. Ҳозирги байроқ намунаси унча-бунча нуқсонларга қарамай Каримовнинг хоҳиши доирасида шошма-шошарлик билан тасдиқлаб юборилди. Албатта, биз бунақа хом-хаталаликка қарши овоз бердик, афсус кучлар тенг эмас эди....

Фикримча, «Туркистон Миллий Озодлиги» ҳаракатлари бир пайтлар қабул қилган байроқ Мустақил Ўзбекистоннинг руҳига ва қиёфатига ҳар томонлама мос тушарди. Кўпчилик депутатлар ўшанда бу масалага жиддий ёндашмади. Тарихимизни яхши англамасдан Каримовнинг раъйига қараб, юзаки муҳокама билан бугунги байроқни тасдиқлаб юборавердилар.

Балки, бу масала аждодлар тарихига ҳурмат асносида чуқур таҳлил қилинганда, ёндошув бошқача бўлармиди...

Ҳозирги байроғимиздаги ранглар ва айрим белгилар ҳақиқатан мавҳум. Шунга қарамасдан биз Ўзбекистон байроғини бошимизнинг туғи ўлароқ севамиз ва унинг ҳеч қачон ерга инмаслиги учун ҳамма нарсага тайёрмиз!

Худди шу сингари тарихий “Туркистон Мухторияти” ва «Туркистон Миллий Бирлиги» байроқлари ҳам биз учун муқаддасдир...

Насрулло Саййид. «Муносабат» сайти, 2007 йил, 17 ноябр

КАНАДАЛИК ҚАРИНДОШЛАР

Болалиқда жуда шўх бўлганман...

Ёш ўтган сайин, олис-олисда қолган хотираларни эслаш инсон қалбига завқ бағишлайди.

Айни кучга тўлган йигитлик йилларим Қизил империянинг охирги ўн йилликлари ва қулаши даврларига тўғри келган. Брежнев замонининг «тўкин-сочинлиги-ю», диққанафас коммунистик ёпиқ сиёсат таъсирида ўсдим ва тарбия топдим. Ғарб ҳақидаги тасаввурларим ҳам «очиқ дунё»дан келадиغان айрим қисқа ва юлиқ маълумотлар ва совет пропагандаси «маъқул» деб топган ёлғонлардан иборат бўлган.

Ғарб ва Америка ҳаёти тўғрисидаги дастлабки қарашларим, ўша замонларда кўрган филмларим орқали шаклланган бўлса ажаб эмас.

Болалиқда ёнбошлаб олиб, телевизорда кино томоша қилишни ёқтирардим. Айниқса, Америка индееслари ҳақидаги филмлар жону дилим. «Чингачкук – Катта илон», «Виннету – апачилар доҳийси», «Осеола», «Оқ, бўрилар», «Қондошлар» (Братья по крови) ва «Апачи» каби бир қанча филмларнинг онгим шаклланишида катта ҳиссаси бор деб, биламан.

Америка ҳиндуларининг сиу, апачи, шауни, шайен каби қабилалари ҳаётини ёритувчи саргузашт ва детектив филмларни ҳис-ҳаяжонларга тўлиб-тошмасдан томоша қилиб бўлмайди. Болалиқда асосий ролларни ижро этган Гойко Митич ва Дин Ридларга жуда ўхшагим келарди. Ҳиндулар ва уларнинг ҳаёти тўғрисидаги дастлабки маълумотларни ана шу актёрлар ўйнаган филмлардан олганман. Ҳатто, мазкур филмлар таъсирида болалигимизда ёғочдан от ясаб, бошимизга пат терилган тасма боғлардик. Ҳар кимнинг ўзи ясаган қўлбола камони бўларди. Қий-чув қилиб жангга кириб, бутун маҳаллани бошимизга кўтарган вақтларимиз кўп бўлган.

Кун келиб жонажон ватанимдан ҳиндулар юрти олис Канадага қочиб, жон сақлашни хаёлимга ҳам келтирмаганман. «На-

сибанг қайга сочилган бўлса, териб емасдан иложинг йўқ» деган сўзларда олам-олам ҳикмат борлигини энди англаяпман.

Ярим яланғоч, мард ва жасур ҳиндулар билан уларнинг резервасиясида (қишлоқ) ўтириб бир пиёла чой устида ҳангома қуриш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Севимли қаҳрамонларим – Инчу Чуннинг ўғли Виннетуга Осиёлик қондоши Чингачкук, яъни «Катта илон» (Марказий Осиёдаги бир қабила бошлиғининг ҳиндуча номи)дан салом етказиш пешонамга ёзилган экан.

Ҳиндуларнинг асли келиб чиқиши осиелик эканини, ўтмишда биз билан қондош ва жондош бўлганини ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Энди билсам, Америка қитъасини менинг боболаримнинг боболарининг боболари бундан ўн минг йиллар илгари мамонтлар ортидан қувлаб, кашф этган эканлар. Мактабда ўқитувчиларимиз, Американи Христофор Колумб очган деган ақидага ёпишиб, тарих қатларини титиб кўришга ҳафсала қилмаган шекилли. (Албатта, ҳафсала топилганда ҳам коммунистик тузим бунга йўл бермаган бўларди).

Оттавага келиб жойлашган кунимнинг эртаси кўчага айлангани чикдим. Янги дунёнинг бир чеккасидаги бир мамлакатнинг катта бир кўчасида аввалида танҳо ўзим тентирадим. Шаҳар марказига қараб илгарилаганим сайин, одамлар аста-секинлик билан гавжумлаша бошладилар. Ахири, жиловимни елкамга ташлаб, уларга эргашиб бошим оққан томонга қараб кетавердим. Анча юргач, кенг, машиналар юриши тақиқланган кўчанинг бошига чикдим. Бу кўча Тошкентнинг «Сайлгоҳ» кўчасига ўхшаб кетарди. Кўчанинг икки томонида қатор ресторанлар, дўконлар бор эди. Тўрт тараф ғуж-ғуж одам. Уларнинг ичида турли-туман тоифаларни учратиш мумкин, айримларининг афту башарасини кўриб таажжубга тушасан. Баъзилари том маънода ҳақиқий «ужас»га ўхшарди. Сочлари тўзғиган, кийимлари йиртиқ-ямоқ, уларнинг тан-баданида сурат чизилмаган тангадек жойи йўқ. Кўзларимдаги ҳайратни сезиб, «Ҳай!» (Hi!) деб бир тиржайиб кўядиган бу кимсаларнинг кўйдаи ювош ва зиёнсиз эканликларини кейинроқ англадим, албатта.

Оломон ичидан бирор ҳамюртимни топаманми, деган умидда ўтган-қайтганга зимдан термулардим, гап-сўзларга қулоқ

тутардим. Бирпас юргач кўзим тўпланиб турган одамларга тушди. Улар қуйиб қўйгандек ўзбекистонликларга ўхшар эдилар. Фарқи, эркаклари сочини ўстириб, иккита қилиб ўриб қўйган, ҳатто баъзиларида жамалаги ҳам бор эди. Бу усул бизда фақат аёлларга хос бўлганлиги учун кишида ажабтовур тасаввурлар пайдо қиларди.

Уларнинг ичидан бир қиз бирдан орқасига ўгирилганда, башарасини кўриб юрагим «шув» этиб кетди. Терисини шилиб қоплагандай у худди севимли қўшиқчимиз Юлдуз Усмонованинг нусхаси эди. Унинг ярим яланғоч, паст буйли гавдаси типик осиеликдан фарқ қилмас, елкалари, қўллари ва ҳатто гардани «тотуировка» билан безалганди. Жуда майдалигидан баданидаги суратларда нималар акс этганини фақат яқинроқдан фарқлаш мумкин эди. Икки қоши чеккасида, бурни, қулоқлари, лаблари ва ҳатто тилига алламбалоларни осиб олган бу аёлнинг киндиги остида “Welcome” деб ёзиб қўйилганди. Қўлида сигарети бўлмаганда ва тан-бадани безалмаганда, бу қизни кўрган ҳар қанақа ўзбекистонлик уни ҳақиқатан ҳам Юлдуз Юсмоновадан ажрата олмасди. Унинг япалоқ юз тузилиши, пачоқ бурни, катта оғзи ва қисик кўзлари айнан суюкли хонандамизникидан фарқланмасди.

Бу «ўзимизникилар» билан бўлган биринчи учрашувим эди.

Кейин билсам, бизга ўхшаганлар бу юртда жуда сероб экан. Шоир Абдулла Ориповга, қўшнимиз Тошмурод акага, Бишкек шаҳридаги ижара соҳибаси Рая опага ва дўстим шоир Холдор Вулқонга икки томчи сувдек ўхшайдиган канадаликларни ҳам кўчаларда учратдим. Шоир Вулқонга ўхшаш айнан кўзи остида катта холи бор бир одамни учратганимда жуда ҳам ажабландим...

Ўқиш учун мактабга борганимда синфда хотинимнинг нусхаси ўтирганини кўриб, беихтиёр ёқа ушладим. Суриштирсам, у Колумбиядан келган Еленда исмли сиёсий қочқин бир аёл экан.

Дунё шунчалик торми, деб ўйлайсан. Кезганинг ва ўрганганинг сари, кенг ва ҳайбатли дунё кичик қишлоғингга ўхшаб торая бошлайди...

Олимларнинг ёзишича Ер курраси пайдо бўлганидан буён камида олти марта музлик даврини бошдан кечирган. Ер қут-

бларидаги музликлар кенгайиб, экватор сари силжиган. Қутбларда катта миқдорда муз тўпланиши эвазига дунё уммонларидаги сув миқдори озайиб кетган. Натижада, сув сатҳи 80 – 100 қулочга қисқариб, кўп жойлар сув сатҳидан юзага чиқиб қолган. Шундай жараёнлар содир бўлган даврларда Британия ороллари Европа билан, Аляска Чукотка билан, Филиппин архипелаги ва Малайзия, Австралия Осиё билан туташиб кетаркан. Ҳатто Япониянинг ҳам ўтмишда Осиё қитъасига бир неча бор қўшилиб-ажралгани тахмин қилинади.

Муз даврининг охири марта ўн-ўн икки минг йил илгари содир бўлганини олимлар исботлаган. Америка қитъасига одамларнинг Осиёдан кўчиши эса илк бор 45 – 50 минг йил аввал рўй берган. Кейинги кўчишларнинг 10 – 12 минг йил олдин содир бўлганлигини археологик топилмалар далиллаб берган.

Сўнги кўчишнинг беш минг йил олдин юзага келмаганини ҳам биз яхши биламиз. Сув ва муз устида узоқ ва давомли юришлар аждодларимизнинг Осиёдан Америка қитъасига кўчишини таъминлаган. Чунки бу даврга келиб одамлар қайиқлар, ҳайвонларга қўшиладиган чаналар ясай бошлаганлар ва Осиёдан Аляскага бемалол сузиб ўтишнинг усулларини кашф этганлар. Янги қитъага кўчиб ўтган қавмларнинг осиеликлар – асосан Сибир, Мўғулистон, Енисей (Энасой) минтақасидан эканлиги айтилади.

Тарихдан яхши маълум, юқорида баён қилинган ўлкалар бутун турк қавмларининг қадим бешиклари ҳисобланади. Қадимги одамлар асосан овчилик билан шуғулланганлар. Шунинг учун улар ов кетидан қувлаб, тинмасдан кўчиб юрганлар...

Эдмонтон шаҳридаги Алберта провинсияси Парламенти биноси ичида саёҳат қиларканман, фойеда ўрнатилган ҳиндуларнинг бир қабила бошлиғининг ҳайкалига кўзим тушди. У қўлида найза миллий кийимда виқор тўкиб турарди. Албатта, Оттава ва Эдмонтонда бундай ҳайкалларни кўп учратиш мумкин. Гап ҳайкалларнинг кўп ёки озлигида ҳам эмас. Эътиборлиси, ҳайкалларга синчиклаб қарасангиз, уларга сингдирилган ҳурлик ва озодликни ҳис қила бошлайсиз. Оддий тошдан тарошланган жонсиз ҳайкалларда кўзидан ўт чақнаб турган ҳинду-

ларнинг мағрурлиги ва шижоати уфуриб туради.

Биздачи, бизда?! Тошкентдаги Амир Темурнинг «керзовый этик» кийиб турган ҳайкалида ҳеч қанақа жангаворлик руҳи сезилмайди. Қайга қараманг, бошини ерга эгиб, букчайиб турган ҳайкалларга кўзингиз тушади. Аёлларга қўйилган бутун ҳайкалларда тиланчи ва чорасиз оналарнинг тимсоли баён қилинган.

Охирги ўн йилликларда АҚШ ва Канадада қадимий туб ерлик аҳоли (First Nations) аборигенлар (туб ерли аҳолини европаликлар шундай деб аташган)нинг ҳуқуқларига анча эътибор берилди бошланди. Канада ҳукумати 1982 йилда Конституциясига қўшимча 35-1 моддани киритиб, ҳиндулар ҳуқуқларини янаям мустақамлади. Ҳозир бу мамлакатда «Ҳиндулар тўғрисида» алоҳида қонун бор.

2008 йилнинг 11 май куни Канада примъер министри Стивен Ҳарпер Канада Парламентида қилган чиқишида: «Бугун биз туб ерли аҳолини ассимилятсия қилиш борасида олиб борилган барча сиёсатларимиз нотўғри бўлганлигини ва бу сиёсат жуда катта зарар етказганлигини тушуниб етдик. Шу сабабли Канада ҳукумати туб ерли аҳолидан чин дилдан кечирим сурайди. Ва уларнинг кечиритидан умидвордир» деди. Давлат бошлиғи Парламент биносида ушбу сўзларни айтаётган онларда дунё жамоатчилиги вакиллари билан бир сафда Канадалик ҳиндуларнинг 600 та қабиласини бирлаштирган аборигенлар Миллий фонди Ассамблеяси раиси Фил Фонтен ҳам шу ерда эди. У ҳинду қабилалари бошлиғи либосида Стивен Ҳарпернинг кечиримини қабул қилди.

Мен яшаётган Алберта правинсиясида ҳиндуларнинг кўпроқ Кри (Cree) қабиласи вакиллари ва метислар (оқ танли ва ҳинду чатишмасидан туғилганлар) яшашади. Эдмонтон кўчаларида ҳар кун ўнлаб ҳиндуларни учратаман. Айтганимдек, уларнинг кўпчилиги бизга, яъни Осиёликларга жуда ўхшайди. Уларнинг аксари мен ва атрофимдаги ҳамюртларимизга қараб: «Сизлар ҳам ҳиндусизлар?» дея сўрайди. Мен ҳам савол берган ҳар бир ҳиндунинг саволига савол билан жавоб қайтариб: «Сизлар, қаердан келганлигингизни биласизларми?» дейман. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг қачонлардир Осиёдан келганликларини яхши билишади.

Жуда кўп европаликлар ҳиндуларнинг дангасалигидан, илмга интилмаслигидан, ароқ ва гиёҳвандлик моддаларга ружу кўйганидан шикоят қилади.

Бу иддаоларда қисман бўлса ҳам жон борга ўхшайди. Гоҳида, наркотик модда истеъмол қилган ёки спиртли ичимлик ичган ҳиндуларни кўчада учратаман...

Маълумотларга қараганда, Канада аҳолисининг бор-йўқ икки фоизини ташкил қиладиган ҳиндулар ва эскимослар (инуитлар)нинг жиноят қилиб қамалганларнинг 15 – 17 фоизини ташкил қилиши ташвишли ҳолдир.

Европанинг беш юз йиллик истибдодига қарши тура олган, ҳозиргача ҳам миллий маданияти ва ўзлигини йўқотмаган ҳиндуларнинг ичкилик ва гиёҳвандликка муккасидан кетиши тушунарсиз, албатта!

Статистик маълумотларга таянилса, Канадада 1,1 – 1,3 миллион «қизил танли» деб аталадиган туб ерли аҳоли яшайди. Шундан 69 фоизи – 800 минг ҳиндулар, 26 фоиз метислар ва 5 фоизни инуитлар (эскимослар) ташкил қиладирлар. Улуш билан ҳисоблаганда 17,7 фоизи Британия Колумбияси правинсиясига, 17,5 фоизи Онтарио правинсиясига, 45 фоизи эса Алберта, Соскачеван ва Манитоба правинсияларига тўғри келади. Франсуз тилида сўзлашувчи Квебек правинсиясида эса бор-йўқ 9 фоиз аборигенлар яшайди, деб ишонилади.

Канада аборигенларининг ўн бир тил оиласида гаплашишлари ва мамлакатда уларнинг олти юзга яқин қабилалари мавжудлиги айтилади. Кўпчилик туб ерли аҳоли асосан: Алгонкин (Algonguain), Кри (Cree), Гурон (Huron), Блэкфут (Blackfoot), Оджибуэй (Ojibway) ва Малисит (Mahseet) тил оилаларида сўзлашадилар. Шу ўринда, Америка қитъасига ўн минг йиллар илгари келиб қолган ушбу халқларнинг кичик-кичик қабилаларга бўлиниб яшаганликлари, тил ва лаҳжаларнинг ранг-баранглашишига олиб келганини айтиб ўтиш жоиз. Бундай ранг-баранглик, уларни бир-бирларидан бегоналашишга олиб келган.

Ҳиндуларнинг ўзларининг айтишларича, фожеага аввало ўзаро қабилавий урушлар сабаб бўлган. Тинимсиз урушлар

натижасида ўзаро ёвлашиш кучайиб боргани етмаганидек, улар бир-бирларини мислсиз қирғин-баротга учратиб турганлар. Натижада кучли марказлашган давлатлар, йирик шаҳарларни барпо қилиш имкони бўлмаган. Бу ҳолат 500 йил илгари босқин уюштирган европаликларга қўл келган ва улар янги ерларнинг ҳақиқий хўжайинига айланганлар.

Канада аборигенлари тарихига бағишланган бир неча музейларни бориб кўрдим. Айниқса, уларнинг кийимлари чокидаги нақшлар эътиборимни тортди. Бу нақшлар Марказий Осиё халқлари кийимларидаги нақшлардан унчалик фарқ қилмайди. Ўзбек сўзоналаридаги нақшлар ва гулларни ҳиндуларнинг безакларида ҳам илғаса бўлади.

Хуллас, Америка қитъасида яшаб келаётган туб ерли аҳолининг қачонлардир Осиёдан кўчиб келганига ортиқ шубҳа йўқ. Ҳатто, генетик тадқиқотлар ҳам буни исботлаган.

Уларнинг ва бизнинг аجدодларимизнинг тиллари орасида ўхшашлик борми, деган савол атрофида ҳам олимлар тадқиқот олиб бормоқдалар. Агар турк тилларининг шаклланиш даври ҳиндуларнинг Аляскага кўчишидан анча кейин содир бўлганлигини инобатга олсак, балким ўхшашликлар оз бўлар. Нима бўлганда ҳам Виннетунинг боболари билан бизнинг бобо-бобокалонларимизнинг қариндош бўлгани аниқ...

Насрулло Саййид. “Муносабат” сайти, 2009 йил.

МЕН АНГЛАБ ЕТМАГАН ДУНЁ

Бу воқеа содир бўлганига анча бўлди. Кечқурун ишдан пидеа уйга қайтаётиб, бир кўча наридаги маҳалла ҳудудидан кесиб ўтдим. Маҳаллада тўй бўлаётган экан. У пайтлари ҳар бир маҳаллада ҳозиргидай ҳашаматли тўйхоналар йўқ эди. Кўпчилик тўйни кўчанинг ўзида, йўлнинг ҳар икки томонини шол ёки галам деворлар билан тўсиб, ўтқазарди.

Уй томонга тўйхонани кесмасдан ўтишнинг иложи йўқ эди.

Бир бало қилиб ўтиб кетаман деган хаёл билан бостириб бо-
равердим. Кўринишидан тўй ҳали бошланмаган, халқ тўпла-
нётган пайт эди.

Кўчани тўсиб турган гилам-деворни айланиб ўтишим билан
кўзим ичкаридаги қарийиб тўлиб қолган даврага тушди. Одам
кўп, давра шунга яраша кенг олинган эди. Тўйхонанинг нариги
томонини мўлжаллаб, уч-тўрт қадам қўйгандим, кимнингдир:
«Кўшни... Ҳой, Саидов» дегани қулоғимга чалинди. Қарасам,
мен билан битта кўчада яшайдиган Рамазон қассоб. Ёнида кў-
чамиздан яна бир неча кимса бор. Нима қилишни билмай қол-
дим. Олдига борай, десам, тўйхонада қолиб кетаман. Индамай
ўтиб кетай десам, қўшнилар хафа бўлишлари мумкин. Шу пайт
яна кимдир елкамга кўлини қўйди. Ёнимда тиржайиб бозорлар-
да “қизилига бос, оқиға бос” қилиб, картон қоғоз устида одамлар-
га карта билан қимор ўйнатиб юрадиган Шавкат. У: «Ака, хуш
келибсиз, ўтирмайсизми», деб маҳалладошлар ўтирган томонга
тортқилаб кетди. Унга эргашишдан бошқа чорам қолмади.

Таниш чехралар билан сўрашиб, жойимни топиб ўтирдим.
Хуллас, жуда ёмон кўрадиган одамим, “оқиға бос, қизилига
бос”чининг тўйи устидан тушибман.

Аниғи, мен бу “касб” эгаларини одамлар нима деб чақир-
шларини ҳалиям билмайман. Аммо уларнинг қаллоблигидан
хабарим бор. Уч-тўрти бир бўлиб улар одам гавжум жойлар-
да, айниқса бозорларда қўққисидан пайдо бўлишади. Кейин
“дастгоҳ” қуришади. Ерга картон қоғоз ёзиб, қимор бошлай-
дилар. Чаққон қўллар карталарнинг жойини кўз юмиб-очгун-
ча алмаштириб, картон устида капалаклардай гир айланади.
Уларнинг атрофини бир пастда соддалар қуршаб оладилар.
Бир-икки «томошабин»га ютуқ чиққач, ўйинга бошқа бепарво-
лар ҳам қизиқиб қолади. Айниқса, ичганлар хўракка тез илина-
дилар. Хуллас, бир нечанинг шўри қуригач, “оқиға бос, қизили-
га бос”чилар ғойиб бўлиб қоладилар.

Бу қаллобларни уйимиз мол бозорига яқин бўлгани боис,
кўп учратардим. Улар бозор ичида қашқирдек изғиб, мол ва
қўйлар орасидан гўл одамларни излаб юрадилар...

Бироздан тўй бошланиб, саҳнага санъаткорлар чиқди. Ҳар

турли ичимликларнинг оғзи очилиб, қадаҳларга ароқ-шароб қуйилди. Сўнгра давра раиси, “зўр тадбиркор, уддабурон” деб, роса мақтай-мақтай, микрофонни бир йигитга тутқазди. У йигитнинг отини эслаб қолмаган бўлсам ҳам, айтганлари ҳалиям қулоқларимда жаранглаб туради.

«Мана бу кеча буюк инсон, қадрдон дўстимиз, Шавкатбекнинг уйида катта бир тантана, – дея у сўз бошлаган эди. Қадрдон дўстимиз ҳалол меҳнат қилиб йиққан пулларига бугун ўғлини хатна тўйи қилиб, халққа ош беряпти. Мана қаранг, давра нақадар тўкин. Бу ерга Шавкатбекни ҳурмат қилиб юртимизнинг барча вилоят ва туманларидан ҳамкасблари қутлагани келганлар. Мен шу ерда тўпланган барча ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз номидан тўйчини суннат тўйи билан чин юракдан табриклайман. Илоҳим, Шавкатбекни ўғиллари ҳам отаси изидан бориб ўз халқига хизмат қилсин, отасига ўхшаб эл ардоғида бўлсин...»

Узоқдан тўйга ҳамкасбини қутлагани атайлаб келган меҳмон оташин табрик нутқи қиларкан, мен даврадагиларни кузатардим. Назаримда, тўйхона учга бўлинган эди. Бир томонда “қизилига бос, оқига бос”чилар. Замонавий пластмасса столлар қўйилиб, устига чойшаблар солинган. Меҳмонлар беш-олтидан бўлиб ўтиришибди. Столларга игна ташласа, ерга тушмайди, дастурхонда товуқ сутидан бошқа ҳамма нарса бор. Иккинчи томонда хотин-халажлар учун жой қилинган. Улар болаларини тиззаларига олиб, чақ-чақлашиб суҳбатлашишяпти. Уларнинг столлари ҳам унчалик ёмон безатилмаган. Биз ўтирган даврага эса узун темир столлар қўйилиб, бу ерда ҳам анча одам бор. Темир оёқлар устига жойлаштирилган узун тахта ўтирғичлар устида қаторлашиб тизилиб ўтирган яқин атрофдан келган меҳмонлар давраси тўйчининг ҳамкасблари даврасига унчалик ўхшамасада, ҳарқалай тузук. Ҳамма нарса бор.

«Ўзбекистонда шунча “қизилига бос, оқига бос”чилар бор эканми? Камида юз киши бор» дедим Рамазон қассобга. «Ҳа, булар бир-бирлари билан иноқ экан. Андижондан ҳам меҳмонлар келишибди» деди, у ҳавас билан оғзидан бол томиб.

Тоқатим тоқ бўлди. «Сигарет чекиб, келаман» деб жуфтакни ростладим.

Орадан йилар ўтган бўлса ҳам, ўша тўй ҳақида эслаб турман. Чунки, ўшанда биринчи бор “оқиға бос, қизилиға бос”чиларнинг ўз жамияти борлигини билганман. Кейин ҳам жуда кўп тўйларда бўлдим. Агар бирор бир беданавозни тўйиға борсанг, албатта даврани беданавозлар, мелисани тўйиға борсанг мелисалар, ўқитувчини тўйиға борсанг даврани ўқитувчилар босиб кетишини кўп бор кузатдим.

Бир кун адашиб бир ўйинчини тўйиға кириб қолибман. Тўйиға эллиқдан ортиқ рақосса келган. То тонгача басма-басиға ўйин бўлди. Созандалар чиқиш қилиш учун ўрин талашадилар. Созанда деганлари жуда ҳасадчи ва қичиқ бўларкан...

Ҳаёт тажрибамдан келиб чиқиб, шундай хулосаға келдим. Одамларни дунёқараш ва манфаатлар бирлаштираркан. “Тенг-тенги билан” дегандек, ҳамма ўзиға ўхшаган одамлар билан яқин бўлишға, яхши-ёмон кунларини ўшалар бирға ўтказишға интиларкан. Агар инсон адашиб, бошқа давраларда юрганида ҳам барибир бир кун ўз тенгини топаркан.

Гоҳида фалончи мендан нега узоқлашиб кетди, нима мен унга бирор ёмонлик қилдимми, деймиз ва ўзимиздан хафа бўлиб юрамиз. Аслида, ўша сиздан узоқлашган одам ўз кўнглини ўзидай тушунадиганлар олдиға кетган бўлади. Бундан эса сира хафа бўлмаслик керак...

Насрулло Саййид. «Зарра» сайти, 2013йил

БУ ДУНЁДА ТИНЧЛИК БОРМИ, ЎЗИ?

Олти-етти йил илгари Бухорода содир бўлган воқеа ҳеч ҳам эсимдан чиқмайди.

Тонг саҳарда кимдир дорвозани қаттиқ тақиллатди. Чиқсам, дорвоза олдида икки мелиса турибди.

– Нима гап? Тинчликми? – дедим.

– Тинчлик эмас-да, ака! Нима гап, гапиринг? – деди биттаси кўққисдан.

Совуқ гапдан юрагим шув этиб, нима ёмон иш қилдим эканим, дея негадир қўрқиб кетдим.

– Э, укалар бизда тинчлик! – дедим, кесатиб, ичимдаги безовиталикни сездирмаслик учун. – Кўчага чикмай, подшомизни айтганини қилиб уйда тинч ўтирибмиз. Мухолифатчи бўлганимиз билан қўлимиздан ҳеч нимани ўзгартириш келмайди. «Отахон» бош кўтарганнинг бошини янчади...

– Сизлар ҳеч ҳам тинч юрмайсизлар. Қилғиликни қилиб қўйиб, ўзингизни билмаганга солиб юраверасизлар. Дастларингдан бизларга тинчлик йўқ. Икки кундан буён тик оёқдамиз, ҳатто уйимизга ҳам боролмаяпмиз. “Казарменное положение” қилиб қўйишди...

Улар гапиряпди, менинг ичимни ит таталайди. Қанақа воқеа содир бўлган бўлиши мумкин деган ўй хаёлимни бутунлай банд этган. Хаёлимга тайинли бир нарса келса, неча кун бўлди йигитлар билан учрашмадик, яқин орада «Озодлик» билан ҳам суҳбатлашмаганман...

– Тўғриси, нима гаплигига ақлим етмаяпти. Тушунтириброқ гапиринглар, илтимос! – дедим, ахири.

– Ака, Термиздан хабарингиз борми? – деди, мелисанинг бири ичини ёриб.

– Йўқ! – дедим, ҳайрон бўлиб. Термиз қаерда, Бухоро қаерда? Мен қаердан биламан Термизда нима гаплигини?!

– Бомба тушибди-ку! – деди иккинчи мелиса ваҳима билан.

– Йўғ-ээ-э! Наҳот-ки? – десам, ишонқирамай,

– “Толиблар”, отибди! – деди мелисалар.

– “Толиблар”да бомба бор эканми, учоғи йўқ-ку! – дедим, мен ҳам.

– Бомба эмас, снаряд! – деди улардан бири. – Вазият жуда чатоқ. Ҳозир ҳамма тик оёқда. «Тревога» беришган. Ҳамма ерда “Ўз уйингни, ўзинг асра” тадбири кетяпди. Бошлиқ, “Насрулло Саййиддан бохабар бўлинглар” деб бизга қаттиқ топшириқ берган. Ўшанга келувдик...

– Менинг нимадан бохабар бўласизлар? Террорист бўлмасам, оддий бир “Эрк”чи бўлсам. Фаолиятимни чеклаб қўйгансизлар...

– Бизга нима дейсиз! – деди уларнинг бири қўйиб, бири

олиб. – Топшириқ юқоридан. Бизга бошлиқ нима деса, биз ўшани бажарамиз. Рўйхатнинг бошида ўзингиз турибсиз. Биз сизни огоҳлантирдик. Бирор аниқ маълумотингиз бўлса бизга айтинг, бўлмаса ўзингизга ёмон бўлади...

Уларнинг бу гапидан сўнг ўйланиб қолдим. Чун-ки, уларга гап уқтиришнинг фойдаси йўқ.

– Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ! – дедим, гапни қисқа қилишга тиришиб.

Шу пайт қаёқдандир гулдираган қаттиқ овоз келди. Орақасидан осмонда иккита ҳарбий тикучар пайдо бўлиб, пастлаб, устимиздан кесиб ўтди. Қўрқиб, кетдим. Қўшнилар ҳам уйларида кўчага югуриб чиқдилар. Дорвоза олдида икки мелиса билан турганимни кўриб, ҳамма ҳайрон. Бизга яқинлашишга ҳеч кимнинг юраги бетламайди...

Шунда қўлларидаги расияси ишлаб, уларга кимдир топшириқ берди. Мелисалар уйдан чиқмаслигимни тайинлаб, шошиб кетиб қолдилар.

Ён томондаги икки қўшним ёнимга келди.

– Нима гап, Насрулло ака?! – деди иккаласи бирваракайига.

– Уруш бошланибди?! – дедим, уларга жиддий оҳангда.

Иккаласининг ҳам кўзи косасидан чиқай деди.

– Ҳозир уйга кириб, қўнғироқ қиламан. Урушни тўхтатишади – дедим-да, сўнгра дорвозани гупиллатиб, ёпиб, ичкарига йўл олдим.

Радиодан “Озодлик”ни топиб, вазиятни ойдинлаштирмақчи бўлдим. Айтилишича, Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида жанг олиб бораётган толибларнинг битта снаряди ўтган кун тасодифан ўз йўналишини ўзгартириб, Ўзбекистон томонга келиб тушган экан...

Канадага келганимга яқинда уч йил тўлди. Қўналғага яқин бир жойда яшайман. Бу ер ҳам нотинчликда Ўзбекистондан қолишмайди. Осмонда учоқлар ва тикучарлар учавериб, қулоқни қоматга келтиради. Айниқса, бугун эрта тонгдан қиёмат кўпди. Кўчага югуриб чиқсам, осмонда иккита қирувчи учоқ учиб юрибди. Ҳарбий учоқнинг бунчалар пастлаб учганини илгари кўрмагандим. Шовқиндан қулоқ пардалари йиртилиб кетаман, дейди.

– Нима бўлди? – дея, қўшни африкалик йигитга юзландим.

У ҳеч нарса бўлмагандек, қулоғидан қулоқликни олдида, елкасини бир қисиб, ўз иши билан машғул бўлди.

Индамасанг, индама, дегандай уйга кириб, интернетда “News”ни таъқиб этдим. У ерда, “Кеча Россиянинг Ту-95 русумли иккита бомбардимончи учоғининг мамлакатимиз шимолий сарҳадлари яқинида учиб юргани маълум бўлди. Айғоқчи рус учоқларини тутиш мақсадида, Канада ҳарбий ҳаво кучларининг CF-118 русумли иккита қирувчи ҳарбий учоғи осмонга кўтарилди. Канада ҳарбийларининг ҳушёрлиги туфайли душман учоқлари мамлакатдан қувиб солинди” деб ёзиб қўйилган эди.

«Тинчлик йўқ эканда» деган ўй келди хаёлимга. Сўнгра, бошимда «ўрисларга бу ерларда нима бор», деган савол пайдо бўлди. Саволга жавоб топиш учун Россия ва Канада мамлакатлари ўртасидаги муносабатларларни ўрганишга тўғри келди.

Матбуотда ёзилишича, яқинда шимолий музликларда – Арктика остидан катта нефт захираси топилган. Унинг ҳажми 90 миллиард баррелга тенг экан. Дунёда ушбу нефтга эгалик қилиш учун катта геополитик кураш бошланган. Россия, Канада, Норвегия, Дания ва АҚШ мамлакатлари энг шимариб, ишга киришганлар...

Вазиятни англагач, ортиқ бирор оролга кўчсамми, деган режа устида ўйланиб қолдим.

Дунёда бирор осуда жой қолганмикан, ўзи...

Насрулло Саййид. «Зарра» сайти, 2011 йил.

ПОЙДЕВОРИ ЙЎҚ ЖАМИЯТ

Вобкент шаҳрининг қоқ марказида асрлар силсиласидан беталофат кечиб, бизнинг кунларга етиб келган бир минора бор. Азим чинор каби кўкни бўйлаётган бу гўзал иншаот 1196 йилда ҳукмдор Абдулазизхон томонидан қурдирилган. ЮНЕСКО

маълумотларига таянадиган бўлсак, минора Марказий Осиёдаги энг нақшинкор ва энг гўзал минора деб, таърифланади. Баландлиги 46 қулоч келадиган санъат асари 800 йилдан буён қилт этмай, бир нуқтада салобат тўкиб турибди. Ваҳоланг-ки, 800 йил олдин Москва шаҳрининг ўрнида ёғоч бараклардан иборат шаҳарча қурила бошлаган эди...

Яқин-яқингача минорадан бор-йўғи олти қулоч масофа на-ридан катта афтомагистрал йўл ўтарди. Бу йулдан кеча-кун-дуз юк машиналари тинимсиз қатнар, шунга қарамай, мино-рага ҳеч қандай зарар етмаган. Чунки унинг пойдевори жуда мустаҳкам қурилган.

Айтишларича, меъмор уста Бақо ҳукмдорга минорани тез муддатда қуриб битиришга ваъда бериб, пойдеворини тикла-гач икки йил унинг кўзидан ғойиб бўлади. Меъморни икки йил бетиним излатган ҳукмдор ғазоби қўзиб, уни топиб бошини олишга қасд қилади.

Орадан икки йил ўтиб, уста ўзи қайтиб келади, ва ҳукмдор-дан бир қошиқ қонидан ўтишни сўрайди. У, ҳар нарса ақл, ўл-чов ва меъёр доирасида амалга оширилмоғи шартлигини таъ-кидлайди. «Ҳисоб-китобга кўра минора пойдевори мустаҳкам бўлиши учун икки йил вақт лозим эди. Мен сиздан қурилишни икки йилга тўхтатиб туришни сўрасам, барибир кўнмасдингиз. Шу сабабдан икки йил қочиб юришга мажбур бўлдим. Энди минорани тикласак бўлади, пойдеворидан кўнглим тўқ. Унинг ортиқ минг йиллар туришига аминман» дейди у.

Устанинг сўзларидан кўнгли тўлган ҳукмдор минорани кўта-ришга ижозат беради.

«Пойдевори мустаҳкам бўлсин!» деб, ота-боболар бежизга айтишмаган.

Пойдевор ҳамма нарсада бор, ҳатто жамиятда ҳам. Жамия-тнинг пойдевори, унинг маънавиятидир. Ҳалоллик ва адо-латга орқа бериб қурилган жамият умрбоқий бўлади. Ёлғон, ҳаром-ҳариш, зўравонлик ва ўзибилармонликка орқа берган жамиятнинг пойдевори жуда тез чирийд.

Когон шаҳридаги қурол-аслаҳа омборининг тўсатдан порт-лаши кўплаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб кел-

ди. Бу ҳодиса, И.Каримов қураётган жамиятнинг омонат эканлигининг навбатдаги далили ўлароқ, зўровонлик билан ҳеч нимага эришиб бўлмасликни кўрсатди.

Диктатура ҳукмрон режимларнинг асосий элементларидан бири, ўзибилармонликдир. Бундай режимларнинг бошида турганлар ҳамма нарсани ўз қўлларида ушлаб туришга уринадилар. Яъни, Ўзбекистон президенти Каримов сингари. Мамлакатнинг бош меъмори ҳам, бош судяси, бош врачлари ҳам, бош муаллими, бош қассоби ҳам, ҳатто бош гўркови ҳам унинг битта ўзи. Ўлкада гўё ундан бошқа ишга ярайдиган бирорта мутахассис йўқ. Илм-фан ва аниқликка таянадиган мутахассисларнинг фикрлари мустабиднинг ғазабини қўзғатади. Унинг кўрсатмалари асоссиз ва илм-фан тажрибаларига таянмаган бўлса ҳам ҳар доим атрофидагилар томонидан қўллаб-қувватланади. Тўғриси сўзлашга журъати етадиганлар топилиб қолгудек бўлса, ташаббуснинг дарров пайи қирқилади, ва тўғри сўз соҳиби бадном қилиниб қамоққа отилади.

Ўтган ўн саккиз йиллик ҳукмронлиги даврида «юртбоши» сохта шуҳрат ва мақтовларга қул бўлди. Илмий асосга таяниб ишлаб чиқилмаган жуда кўп дастурларга халқнинг пулини совуриб, у ўзини «буюк ислоҳотчи» қилиб кўрсатмоқчи бўлди. У мамлакат иқтисодини ўпириб ўнлаб теннис кордлари ва монополия асосида ишлаб чиқарадиган машина заводлари қурди. Халқнинг заволига фаолият кўрсатадиган юқоридаги каби ишлар ва дабдабали байрам маросимларини ўтказишга кетган миллиардлаб маблағларни мамлакат тараққиётига хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш муассасаларига сарфлаганда эди, халқ хорижларда қул каби арзимаган пулга ишламасди. Уларнинг орқасида қолган миллионлаган болалар ота-она тарбиясини кўрмасдан ўсмаган бўларди. Бекордан-бекор осмонга совурилган харажатларнинг мингдан бир улушига Когондаги каби хавфли омборларнинг ўнтасини хавфсиз жойларга кўчириш мумкин эди...

Ҳар бир туманда коллежни битириб, йилига камида 50 ўқувчи фермер деган диплом олади. Нима бўлибди, дерсиз? Биринчидан, улар номига ўқитиладилар. Иккинчидан, уларга

фермер бўлиш учун ким ер беради, ёки бутун ерларни эгаллаб олган ҳокиму ҳокимчалар, ёки уларнинг хеш-ақробалари дипломи бор экан дея уларни ишга оладиларми?

Ўзбекистон бюджетидан ҳайбаракалплачилик ва «показуха» учун қилинаётган харажатларни кўриб ҳафсаланг пир бўлади. 2004 йил Ғиждувонда Абдуҳолиқ Ғиждувоний юбилейи нишонланиши арафасида амалга оширилган бемаъни ишларнинг шахсан гувоҳи бўлганман. Ўшанда, бутун Бухорода халқ орасида Ғиждувонга шахсан Каримовнинг ўзи ташриф буюрармиш деган гап тарқалди. Гап-сўзларга қараганда, у Когонда учоқдан тушиб, Ғиждувонгача автомашинада келиши керак эди. Вилоят ҳокими Хусенов мана шу муносабат билан Когондан Ғиждувонгача бўлган 50 чақиримлик йўлнинг ҳар икки томонини гуллар билан безашга бел боғлади. Бутун вилоятдан йиғилган ҳашарчилар йўл бўйлаб гул экишга тушиб кетдилар. Ҳар бир ташкилот, ҳар бир маҳаллага жой ажратилди. Йўлнинг икки чекасида гул ўтқазиш баробарида, бетон ва пишган ғиштлардан гулхоналар ясалди. Жуда катта маблағлар ҳисобига гуллар сотиб олинди. Минтақанинг жазирама иқлимига дош беролмаган гуллар икки-уч кунга етмай куриб қолаверди. Ўт ўчириш машиналари эрта-кеч гулларни суғоришга жалб килинди, мелиса ходимлари бир неча ой тун-кун гулларни кўриқлаб чиқди. Ҳатто, Ғиждувоннинг Лабирут қишлоғи атрофида хароба уйлارга Каримовнинг кўзи тушмасин дея, бутун қишлоқни йўлдан тўсиб турадиган пишиқ ғишдан тўсиқ-девор кўтардилар. Кўрган кўзга ёмон кўринмасин дея, қанчадан-қанча камбағал, бечораларнинг уйлари бузиб ташланди. Қилинган харажатлар миллиардларни бўйлади.

Юбилей тантаналари бир кунда ўтди кетди. Уйлари бузилган фуқаролар қўлларини бурунларига тикиб қолавердилар. 50 чақирим масофадаги бутун амалга оширилган ободонлаштириш майдонлари харобага айланиб, ташландиқ аҳволга келди. Бу ишлар учун масъуллар аниқ бўлса ҳам, жавобгарлар қидирилмади.

Ўйлашимча, мулозимлар ва мутахассилар орасида Когондаги омборхоналарни кўчиришнинг чорасини излаб юрган

кимсалар ҳам бўлган. Улар Каримовдан шу мақсадда пул ундиришни ва бу ишни амалга оширишнинг аниқ йўлларини билмаганлар. Чунки, уларда уста Бақодаги масъулият ҳисси ва шижоат етишмаган.

Когон фожеаси учун жуда кўп шахсларни айбдор қилиб, жазолаб юборишлари аниқ. Аммо, бу билан вазият яхши томонга юзланадими? Ёки, бу фожеа охиригиси бўлиб қоладими?

Халқимиз билмайдиган, англамайдиган яна қанчадан-қанча оғриқли нуқталар борлигини ўйлаганимда, юрагимни ваҳима босади, ўзимнинг хаёлларимдан ўзим қўрқиб кетаман. Когон фожеаси боис, «пойдевори йўқ жамият» бошида турганларга жуда кўп айтадиган гапларим бор. Афсус, туғилиб ўсган Ватанимизда биз учун минбар йўқ, фикрлайдиган ва ҳақларини талаб қиладиганлар бу жабрдийда тупроқларга сиғмай қолганлар. Жоҳил ва худбинларнинг қўлида банди бу юртда фикрламайдиган, кўзи кўр, қулоғи қар, тили кесилганларгина «осуда» ҳаёт кечиришлари мумкин...

Шундай бўлсада, келажакда фалокат олиб келиши мумкин бўлган айрим манбаалар ҳақида ёзмасам бўлмайди. Ниятим, бу билан одамлар кўнглига ғулғула солиб, жамият ичида ваҳима тарқатиш эмас. Аксинча, муаммоларга жамоат эътиборни қаратиш, ҳукуматни ушбу муаммоларга чоралар излашга даъват этишдир:

Ўзбекистонда 50 йилдан буён уран қазиб олинади. Мамлакатимиз дунёда уран сотишда пешқадам ўнликка киради.

Инсон туқималари учун ўта зарарли радиоактив гамма нурлари тарқатувчи бу элемент 300 – 400 қулоч ер остидан қазиб чиқарилади.

Ўзбекистонда урanni икки хил усулда қазиб олишади. Биринчиси, ер остига махсус шахталарда тушилиб, хом-ашё тўғридан-тўғри вагонеткаларга ортилиб ер юзига олиб чиқилади. Иккинчиси, махсус қувурлар орқали ер остига сульфат кислота юборилади, ва ҳосил бўлган қатламда руда кислота ёрдамида эритилиб, насослар ёрдамида сўриб олинади. Олиб чиқилган уран рудасининг энг бой қисми заводларга юборилса, таркибида уран элементи оз бўлган қисмлар махсус омбор-

ларда жамланади.

Учқудуқ шаҳри атрофида уч миллион тонна, Тошкент вилоятида эса беш юз минг метр куб радиоактив чиқиндилар очик табиатда сақланмоқда. Бундай омборхоналар Наманган вилоятида ҳам бор.

Четдан қараганда ҳеч ҳам зарари йўқдай кўринадиган бу қоп-қора тепаликлар аслида ажалнинг ўзи. Улар миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритиши мумкин.

1991 йил Ўзбекистон Олий Мажлиси таркибида фаолият кўрсатган давримда, Каримов номига депутатлик сўрови ёзиб, радиоактив чиқинди омборларининг атроф-муҳитга зарарини ўрганиш буйича махсус комиссия туздиришга эришгандим. Ўшанда, йирик олимлар иштирокида ўн етти кишилик ҳайъат тузилиб, Козим Тўлаганов раҳбар этиб тайинланганди. Мен ўзим ҳам шу комиссия аъзоси эдим.

Биз Навоий, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларига бориб, у ердаги аҳволни ўргандик. Олимлар махсус асбоб-ускуналарда атрофдаги радиоактивлик даражасини ўлчаб, ҳайратдан ёқа ушлаган эдилар. Чиқиндилар омборларидаги кўрқинчли аҳвол ҳаммани ташвишга солганди.

Омборлардаги аҳвол лойиҳада кўрсатилган хавфсизлик тадбирларига умуман тўғри келмасди. Айрим радиоактив чиқинди омборлари атрофида ўлчов ўтказганимизда нормадаги 15 микроренген-соат ўрнига 1500 микроренген-соат нурланиш бор эди.

Омборхоналар атрофида каналлар қазилиб, улар сув билан тўлдирилмаганди. Чиқиндилар усти махсус қатлам билан қопланмаганлиги оқибатида улар шамол таъсирида узоқ-узоқларга учиб кетмоқда эди.

Зарафшон олтин қазиб чиқариш заводи чиқиндилари (пульпохранилище)ни бориб кўрганимизда, унданда даҳшатли манзарага дуч келган эдик. Таркибида инсон соғлиги учун ўта захарли бўлган сианид, марганес ва бериллийи бўлган чиқиндилар, атроф муҳитда сочилиб ётарди. Лойиҳани кўтариб қараганимизда, бу чиқиндилар махсус ҳовузларда сақланиши ва усти сув билан қопланиб туриши шарт эди.

Навоий вилояти Зафаробод шаҳарчаси атрофида уран рудаси сулфат кислотаси ёрдамида эритиб олинар экан. У ердаги қудуқлар атрофида сулфат кислотасининг ерга тўкилиб ётганининг гувоҳи бўлдик. Мен шунда, олимлардан ер ости сувларининг таркибини ҳам ўрганишни сўрадим. Биз Конимех, Ғиждувон ва Шофиркон туманлари ҳудудларида бир неча қудуқлардаги сув таркибини текшириб кўрдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, сувлар таркибида инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган оғир металллар – селена, кремний, кадмий, бериллий, сианид ва фосфаридлар топилди. Айрим қудуқларда уларнинг миқдори нормадагидан бир неча ўн марта ортиқ экани аниқланди. Кейин, Навоий шаҳри атрофидаги Дўрмон қишлоғи харобаларини бориб кўрдик. Яқинда, қишлоқдан 30 – 40 оила кўчирилган экан. Сабаби, қишлоқ аҳолиси уран шахталарида ишлатилган темир арматура, труба ва релслардан уй-жой тиклаганлар. Оқибатда, қишлоқдаги бутун уйлар нурланиш манбаига айланиб, одамлар ёппасига ўла бошлаганлар.

Шундай темирларнинг Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари бозорларида сотилганлигини билганлигим учун мазкур ҳудудларда радиоактив нурланиш олган металллар тарқалганлиги даражасини текширишни ҳайъатдан талаб қилдим. Бир олим бунинг осон йўли борлигини, яъни учоқдан туриб аэрогамма сёмка қилиш кераклигини айтиб қолди. Унинг таъкидлашича, учоққа махсус асбоб ўрнатилиб, у барча аҳоли пунктлари устидан учиб ўтиши ва нурланиш манбааларини аниқлаши шарт экан.

Биз Тошкентга телефон қилиб, вазиятни тушунтирдик ва учоқ сўрадик. Лекин пойтахтдан учоқ ўрнига ҳамма ишни тез тўхтатиш буйруғини олдик. Устига-устак, олимлар зиммасига комиссия хулосаларини ошкор қилмаслик талаби юклатилди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, мени Тошкентга чақиришди.

Ҳайъат ўз ишини яқунлаши ва хулосаларни умумийлаштириши керак эди.

Хулоса, кутилганидан ҳам даҳшатли эди.

Олимлар очиқ гапиришдан қўрқа бошладилар.

Менга комиссия хулосаси ўрнига Навоий кон-металлургия комбинатининг бир неча ўн варақдан иборат белгиланган тад-

бирлари илова қилинган жадвални беришди. Жадвалда ёзилишича комбинат икки йил мобайнида комиссия кўрсатган камчиликларни бартараф этиши керак экан...

Битмагандан бит ундир қабилида иш тутиб, тадбирларга кетадиган сарф-харажатларни ҳисоблаб чиқдим. Хотирам панд бермаса, тадбирлар учун 262 миллион рубл лозим бўларди. Бу 1991 йилда жуда катта маблағ эди.

Кейин ҳам ушбу муаммолар юзасидан Зарафшон ва Учқудуққа бордим. Мени комбинатнинг эшигидан ичкарига кириштирмади. Ортиқ депутат эмас эдим, мени муддатидан олдин депутатликдан чақириб олишганди...

Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ичимлик суви муаммоси йилдан-йил долзарб муаммога айланиб бормоқда. Бунинг на яширадиган, на сир тутадиган жиҳати қолмади. Одамлар аллақачон тўғри келган ердан сув излаб топиб ичиш ҳаракатига тушганлар. Қишлоқларда ўрта асрлардаги сингари ер қудуқлари қайтадан оммалашмоқда. Йигирманчи аср бошларидагидек, хонадонларда «качалкалар» ишга тушиб кетган. Аксар экин ерлар бизнинг кунларда артезиан ва зовур сувлари билан суғорилмоқда.

Истеъмолдаги ва сўриб олинаётган сувларнинг таркиби умуман назорат қилинмайди. Назорат қилинаётган бўлса, уларнинг фойдаланиш меъёри қай даражада? Яна, уран конларида ишлатилган ва нурланиш манбаига айланган арматураларнинг янги тикланаётган коллежлар қурилишларида ишлатилмаётганига кафолат борми?

Сув тақчиллиги авж олиб бораётган замонда радиоактив чиқиндилар атрофидаги ҳимоя ҳовузларини сув билан тўлдириб туришнинг неқадар имкониятлари мавжуд?

Ўзбекистон расмийлари гоҳ-гоҳ Қозоғистон ва Қирғизистон томондан юқумли касалликлар кириб келиши мумкинлиги хусусида жар солиб қоладилар. Шунақа пайтларда давлат чегаралари тақа-тақ беркитилади. Аммо республика ичидаги санитария ҳолати ҳеч қачон очиқланмайди.

Ўзбекистонда охири ўн йилликда касалликка чалинган ёки ҳаром ўлган молларнинг ёппасига истеъмол қилинаётга-

нидан кўпчилик хабардор. Мен ўзим шахсан, бунақа ҳолатни бир неча бор кузатганман, бевосита гувоҳи бўлганман. Улар ярим нарҳда сомсахоналар, колбаса сеҳлари ва қамоқхоналар, етимхоналар, Олий ва ўрта махсус билим юртлари, мактаб каби бюджет ташкилотининг ошхоналарига топшириб юборилади. Бугун бирор расмий Ўзбекистонда ҳаром ўлган ёки юқумли касалликка чалинган молларнинг қаерга кўмилаётганлигини айтиб бера олмайди. Чунки, «тан олинмаган инқироз» даврида ҳамма нарса истеъмолга киритилган, ва бунинг «шарофати» ўлароқ «чиқитсиз технология»лар йўлга қўйилган. Буни қанчалар яширмайлик, ҳар кун иситмаси ошкор қилиб турибди. Одамлар орасидаги ёппасига заҳарланиш каби ҳодисаларнинг илдизлари айнан, мана шу каби муаммоларга бориб тақалади.

1989 – 90 йилларда Ўзбекистонда аҳолига ёппасига ер участкалари берилди. Аслида, бу тадбир Каримов томонидан қилинган популистик бир ҳаракат эди. Оқибатда, мамлакатнинг олтин захираси ҳисобланадиган унумдор ерлар талон-тарож бўлди, деҳқончиликнинг қон тизимини ҳаракатга келтириб турган жон томирлари қишлоқ хўжалигининг кўксидан маржон сингари ситиб ташланди...

Бу дегани, халққа ер бермаслик керак эди, деган маънони англатмаслиги керак. Ерни ҳар доим ҳақиқий муҳтожларга, қурилиш қилиш имконияти борларга берсагина ўзини оқлаши мумкин. Ёки, бу масаланинг бошқа ечимларини топиш керак бўлади. Давлат ва халққа оид ҳар нарса борки, уни халқ ва мамлакат ривожига учун истифода этиш лозим. Бу йўлда давлат раҳбарининг манфаатлари рол ўйнамаслиги зарур.

Ўзбекистоннинг қай ерига борманг, 1989 йилда берилган аксар ер участкалари ўрнида чала қолдирилган иморатларни кўрасиз. Чунки, шу йиллар давомида аҳоли деярли қорин тўйдириш ғами билан овора бўлди. Турли-туман рўзғор ташвишлари ва ишсизлик туфайли қурилиш қилиш учун маблағ ортира олмади. Натижада, ҳашаматли уйлар қаторида чордевор, юртимизнинг жамолига сўғал бўлиб тушадиган омонат уйлар қад кўтарди.

Касбим қурувчи бўлганлиги учун бир нарса доим диққатимни тортади.

Одамлар етишмовчилик туфайли техник талабларга жавоб бермайдиган уйлар қурадилар. Ким нима топса, эртасини ўйламасдан топганидан уй тиклаб ташлайверади. Жуда кўп иморатларнинг пойдевори хўжакўрсинга қилинади. Деярли, кўплаб иморатларда сейсмик (зилзила) талабларга жавоб берадиган махсус ишлар бажарилмайди. Йўқлик ва ҳаёт қийинчиликлари сабаб, ўзбекистонликлар ўзларининг сейсмик зонада жойлашганларини унутган деса ҳам бўлаверади. Бу иддао, аҳолининг ўртаҳолдан паст даражада яшайдиган тўқсон фоизига тегишли...

Ҳа, пойдевори йўқ жамият чиришга маҳкум!

Насрулло Сайид. “Муносабат” сайти, 2009- йил.

МАҚОЛАЛАР

МАҚОЛАЛАР

КАРИМОВНИНГ «ТИНЧЛИК ДАСТУРИ» ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

И.Каримов 1990 йил март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1-сессиясида халқ депутатлари томонидан сайланиб ҳокимият тепасига келди. Бу 1989 йилнинг ёзида тасодифан Ўзбекистон ССР коммунистик партияси Биринчи котиби вазифасига келган инсон учун катта омад эди. Чунки, у даврлар собиқ СССР ҳудудларида янги эпоха – империя таркибида бўлган миллатларнинг мустақилликка эришиб, ўз давлатчилигига асос сола бошлаган замонлари эди.

Дунёнинг кўп мамлакатларида бундай бахтга эришган инсонлар аллақачон ўз миллати рамзига айланиб бўлган, ҳамма ерда уларнинг ҳайкаллари қўйилган, миллий пулларида эса уларнинг суратлари акс этган ва ҳоказо...

Худонинг қудрати билан Самарқанднинг қайсидир болалар уйида тарбияланган бу инсонга ўзбек миллатининг «отаси» бўлиб минг йилларга тарихда қолиш имкони туғилганди. Имконият орқасида катта ва машаққатли синовлар борлиги ҳам ҳаммага маълум эди. Асносида, бу ўзбек халқи учун ҳам катта бир имтиҳон бўлди.

Хўш, Каримов бу синовдан қандай ўтди? У ўзининг қарийб 17 йиллик имкониятидан қай даражада фойдалана билди? У амалдан кетгач, халқ унинг ҳайкалини бош майдонга қўядими, миллий пулимизда унинг жилмайиб турган суратлари акс этадими...

Ўтган даврнинг иштирокчиси ва гувоҳи ўлароқ, содир бўлган воқеалар тўғрисида мушоҳада юритишга жазм қилдим.

Каримов давлат тепасига келгач, унинг дастлабки гапларидан бири шу эди:

– Менга биров вақт беринглар, мен Ўзбекистонни жаннатга айлантираман. Бемалол ишлашимга ҳеч ким халақит қилмасин, тинчлик ва осойишталикка раҳна соладиган 50 – 100 таси бор, уларнинг танобини тортиб қўйсак ҳаммаси зўр бўлади!

Орадан 15 йил ўтса ҳам Ўзбекистон гуллаб-яшнамади.

Халқининг оғир аҳволи ҳаммага аён.

Нега ўзини “буюк ислоҳотчи” деб ҳисоблаган Каримовнинг иши юришмади?

Унга нима халақит берди?

50 – 100 одамнинг эмас, у жуда кўп одамнинг танобини тортди. Мамлакат тинимсиз “халақит қилувчилар”дан тозалаб турилди, биров ундан нима қилаяпсан, деб сўрамади. Шундай бўлса ҳам, нима учун у ваъда берган “ўзбек мўъжизаси” содир бўлмади?!

Россиядаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи “Мемориал” ташкилоти яқинда эълон қилган рўйхатда Ўзбекистон қамоқхоналарида азоб чекаётган сиёсий маҳбуслар сони 5700 кишини ташкил этади. Бу рўйхатга Каримов режими даврида сиёсий сабаблар билан қамалиб, ҳозирда озодликка чиққанлар кирмайди. Тергов изоляторларида суд маҳкамасини кутаётганлар, қидирувда бўлганлар ҳам бу рўйхатга тиркалмаган. Бу, ахборот йиғиш ҳаддан зиёд машаққатли бўлган ёпиқ бир макондан имкон даражасида олинган маълумот. Асл рақамларнинг бу рақамларга бир неча баравар кўплиги ҳам кўпчиликка аён.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Бир кун бор ҳақиқат албатта юзага чиқади. Қатағоннинг ҳақиқий кўлами эълон қилинади ва айбдорлар ўз жазосини олади. 50 – 100 одамнинг танобини тортаман деб миллатнинг минглаган гулларини жувонмарг этган Каримовнинг бирор бир сири очилмасдан қолмайдиган кунлар келади...

Қамаш усуллари:

– ёнидан 5-6 дона патрон чиқди. (Қуролнинг ўзини эмас, фақат патронини ёнида олиб юрган эмиш...)

– уйдан бир дона жанговар граната чиқди. (Ҳали аскар бўлиб улгурмаган ёш йигит граната нималигини билмаса ҳам уни уйда сақлаганмиш...)

– чўнтагидан варақа ёки гиёҳванд модда чиқди. (Ҳам ўқиркан, ҳам чекаркан...)

– фалончи қорининг шогирди экан. (У ҳатто ўша қорининг кимлигини ҳам билмайди...)

– фалончи билан бирга мактабда ёки институтда ўқиган экан. (Шундай бўлишини билганида, у билан ўқимасди, ўқишни ташлаб кетарди...)

– фалончининг кассетасини эшитибди. (Кассетанинг устида – “Эшитиш умрга завол” деган ёзув бўлганда, балким сотиб олмасди).

– фалончи билан кўчада учрашиб қолганини одамлар кўрибди. (Ўша куни кўчага чиқмаса бўлмасмиди?..)

Судлар томонидан чиқарилган кўп ҳукмларни ўқиб, юқорида келтирилган “айб”лар билан инсонларга шафқатсиз жазолар белгиланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ҳақиқатан, бу одамлар Ўзбекистондаги тинчликка раҳна сола оладиларми? Нега Қозоғистонда, Қирғизистонда ёки бошқа республикаларда одамларнинг чўнтагидан патрон чиқмайди, нима учун улар уйида граната сақламайди, ёнида варақа олиб юрмайди? Нима, ўзбеклар шунақа “томи кетган” халқми?

Бу айбловларнинг ёлғон ва тўқима эканлиги ҳаммадан кўра, ҳукуматнинг ўзига кўпроқ аён. Қамашга санксия берган прокурор ҳам, ёлғонларни тўқиб, “айблов хулосаси”и ёзган терговчи ҳам маҳкамада мудраб туриб ҳукм ўқиган судья ҳам буни яхши билади. Лекин, ноҳақ-туҳмат давом этаверади.

Улар, балки буни “Миллат ва Ватанга хизмат қилиш” деб тунсалар керак?

Ундай эмас. Улар ҳаммасини билиб туриб қиладилар. Барчаси, «тепа»дан оғзаки берилган «дастур»га биноан амалга оширилади. Қоғозларда ёзилган қонунларнинг «дастур» олдида бир чақалик қадри йўқ.

Каримовнинг «дастур»ига таяниб иш кўрмаган мулозим данғиллама уйидан ва қимматбаҳо автомашиналаридан бир соатда айрилиб қолиши мумкин. Шунинг учун уларни халқнинг хоҳиш-иродаси ҳам, Охират куни ҳам қизиқтирмайди.

Каримов ҳокимиятга келган 1990 йилларда Ўзбекистонда шунақа хавф бор эдими? Нега у “тинчликни сақлаш” баҳонаси

билан сон-саноксиз айбсиз одамларни қамади?

Қўйдек ювош ўзбек халқининг Каримовга ҳеч қачон хавф туғдирмаслигини ҳамма билади.

Менимча, мамлакатни жаннатга айлантиришни ваъда қилган Каримов, ўз ишини эплай олмагани учун ҳам баҳона излашдан нарига ўтолмаяпти.

У қилдан қийиқ излайди. Йўқ жойдан ваҳима яратади. Кимлардир, унга халақит бераётгандек бўлиб туюлади. Кимлардир, унинг курсисини тортиб олиш учун зимдан иш бошлаганга ўхшаб кетади... Айбдор ҳар доим халқ ичидан изланади. Натижада, у ўз камчиликларини ҳаспўшлаш илинжида ўзи ишлаб чиққан “Тинчлик дастури” тўғрилигини исботлаш учун бутун дунёга “ички хавф” хусусида бургадан фил ясаб вайсашга мажбур бўлади.

Ноҳақ қамалиб, қийноқлар ва адолатсизликларга дучор қилинган инсонларда эса, Каримов ва у барпо қилган тузумга нафрат ҳисси ортиб бораверади. Каримов лаёқатсизлиги орқасидан ҳар кун ўз-ўзига душман яратади. Унинг “Тинчлик дастури” эса, ҳаливерин амалда ва қачон яқунланади, ёлғиз Аллоҳга аён...

Раҳмат Насибов (тахаллус). «Мусулмон Ўзбекистон» сайти, 2006-йил

“ҚИРҚИБ - ҚИРҚИБ” ГАПИРИНГ ЭНДИ, ҚОЗИ АКАЛАР!

Ҳаромхўр бир амалдор билан ҳалол бир киши тортишиб қолибди. Масала ечимини топмагач иш қозига етибди.

Амал-тақал қилиб ҳалол меҳнат билан кун кечираётган кимса биринчи бўлиб қозига учрашибди. У қозиларнинг қуруқ қўл билан иш битирмаслигини билгани боис бор-йўғини сотиб, маҳкамада ҳақлигини исботлаш учун чорасизликдан қозига қирқ сўм пора ҳам берибди.

Шу-шу, у: «Бопладим. Масала энди менинг фойдамга ҳал бўлади» деб бамайлихотир маҳкамани кутиб юраверибди.

Ҳаромхўр амалдор ҳам қозини чақириб, бироз сиёсат қилган бўлиб, унга юз сўм пора берибди, ва у ҳам маҳкамани кутиб юраверибди.

Қози бир кун иккаласини чақириб, маҳкамани бошлабди.

Иш роса чўзилибди. Қози маҳқамада мудраб, чайналиб, ҳеч бир қарорга кела олмасмиш.

Охири камбағалнинг сабр-тоқати тугабди. Қозига берган қирқ сўм порасини писанда қилиб, у: «Қози домла! Қирқиб-қирқиб, гапирмайсизми? Чўзмасдан қарорни чиқаринг, кўйинг. Ҳақлигимни ўзингиз яхши биласиз! – дебди.

Бамайлихотир кузатиб ўтирган амалдор ҳам берган юз сўм порасини назарда тутиб: «Эй, нодон! Сен нега «қирқиб-қирқиб гапирмайсан» дея қозига безбетлик қиласан? У киши нима қилишни ўзи яхши билади. Юз бор, хотир бор, деган экан машоихлар» дебди.

Гап тагини англаган қози ишни шунда юз сўм берганнинг фойдасига ҳал қилиб юборибди.

Бу латифа бугунги ўзбек жамиятида ҳар қандай воқеяликнинг ўзагига айланган. Ўзбеклар мустақилликка эришганларидан буён адолатли ва инсофли қозиларга рўпара бўлолмасдан оворайи сарсонлар. Қозилар ҳукумат бошида ўтирганларнинг хоҳиш-истагидан ташқарида иш кўролмайдилар. Улар, баҳоли қудрат мустақил, холис, қонунлар доирасида ҳукм чиқаришга уриниб кўрмайдилар. Бу билан кўрқмас, адолат билан иш кўрадиган қозилар йўқ демоқчи эмасман. Унақа қозиларга Каримов режимида эркин ва мустақил фаолият олиб бориш учун йўл йўқ, холос.

Қайта қуриш йилларидан сал олдинги даврларни эслайлик: Москвага яхши кўринишни истаган хоин Усмонхўжаев ўз миллатдошларини ноҳақ-туҳмат билан жазолаш эвазига ҳокимиятини мустаҳкамламоқчи бўлди. Аксар ўзбекдан чиққан қозиларнинг қўли билан мудҳиш ва шармандали жиноятларни амалга оширди. Минглаган айбсиз айбдорлар қон йиғладилар, юзлаган оилалар бу ишларнинг орқасидан пораканда

бўлиб кетди. Бу Ўзбекистондаги шармандали ва хоинона иш “Ўзбеклар иши” номи билан тарихга кирди. Бу иш орқасидан қарийб, ўн олти минг киши жабр-зулм тортди.

Орадан кўп ўтмади. Замон ва замон билан баробар ҳукмдор ўзгарди. Яна ўша қозилар, «Ўзбеклар иши» “жиноятчи”ларини қайта оқлаб, тескари ҳукм чиқариб беравердилар... Бу орада, кимлар қамоқхоналарда ўлиб кетди, кимлар ўзини осди, ва кимлар оғир дардларга чалиниб ногирон бўлиб қолди.

Буни қарангки, ноҳақ қилинган бу ишлар учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмади. Ҳеч ким қилган хатоси учун миллатдан узр сўрамади.

Бугунги зулмлар, ана ўша кунлардаги истибдоднинг давоми десам, хато бўлмайди.

Ана ўша қозилар қилган жиноятлари учун жазосини олмагани боис ҳам маҳкамаларда мудраб, юқоридан буйруқ кутиб ўтирадилар. Ўзларича, масалани адолатли ҳал қилсалар, қамалишларини ҳам, юқорининг амри билан иш тутиб, ҳеч қачон қамалмасликларини ҳам улар яхши биладилар.

Ўзбекистондаги юзаки терговларнинг ва номига ўтказилаётган суд жараёнларининг аҳволи бутун дунёга маълум.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланганим боис, жуда кўп суд маҳкамаларида қатнашишга тўғри келди. Қонунларга зид иш тутган кўплаб қозилар билан тўқнашдим. Уларнинг: «Мен нима қилай, юқоридан шундай топшириқ берилган. Бошқа иложим йўқ» деган сўзларини деярли ҳар маҳкама эшитардим. Адолатсиз ҳукм ўқилганда, юрак-бағри қон бўлиб ўтирган оналарнинг ҳўнграб йиғлаганларини кўриб, менинг ҳам юрак-бағрим пора-пора бўлган кунларнинг саноғи йўқ. Сўзларимда зиғирча ёлғон сезсангиз, суд биноларининг олдига бориб, бироз туринг! Қанча-қанча ноҳақлик қурбонларини кўрасиз, уларнинг оҳ-воҳ аралаш жавраганларини эшитиб, фиғонингиздан дут чиқади.

Балким, сиз уларнинг гапларини асоссиз, ўзларини туҳматчи деб ўйларсиз?!

Улар ноҳақ бўлсалар, қозилар нега уларнинг арзу додини эшитишдан кўрқадилар? Нега очик суд маҳкамалари шикоят қилганларнинг айбларини исботлаб бера олмадилар?

Аксинча, яшириқча ёпиқ суд маҳкамалари ўтказиб, уларга ноҳақ айблар тўнкаб тезроқ қамаб юборишга тиришадилар...

Андижонда бир неча йил олдин Азизахон Расулова деган олтмиш ёшга кирган бир онаизорнинг жазирама асфалтда чўзилиб ётиб олиб, икки соат вилоят қозиси Нуриддин Тўқлиевдан беш дақиқага қабул қилишни сўраб зорланганини кўрганман. Аёлнинг ўғлини 8000 доллар пора бера олмагани учун Ҳаким Хўжаев 14 йилга ноҳақ қамаган бўлиб, барчасидан вилоят суди раиси хабардор бўлган. Икки соат ўтиб аёлнинг олдига чиққан вилоят суди раисининг юзига жабрдийданинг онаизори барчасини солиб тўкканда, ўшанда бир гуруҳ инсонлар воқеа гувоҳи бўлиб тургандилар. Аёлнинг даъволарини рад қила олмаган суд раиси нон кавшаниб, қизариб бўзариб жойида ходадай қотиб тилини ютиб тураверганди.

Ўзбекистонда, озми-кўпми мустақил инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари бор. Улардан кўмак сўраб, ариза ва шикоят билан келаётганларнинг эса сон-саногии йўқ. Мамлакатда адолатни қарор топтириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳеч қанақа самара бермаяпти. Депутатларнинг қўли билан ўзлари амалда жорий қилган қонунларни давлат мулозимлари менсимайдилар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг чақириқларига ҳеч ким парво қилмайди.

Ўзбекистон ичкарасида, Ҳинд ёки Америка филмларида судьялар ҳукм чиқаришда хато қилмаслик учун воқеа тафсилотларининг ҳар бир деталини пухта ўрганишини, судланувчининг ҳар бир важига эътибор беришини телевизирда томоша қилиб, ҳуқуқий ва фуқаровий тузумни фақат хаёлда орзу қилиш мумкин.

Терговчилар жиноятни аниқ далиллар билан исботлаб, очиб бериш ўрнига, айбланувчини уриб-сўкиб, қилган қилмаганини бўйнига юклаш билан овора. Барчасидан яхши хабардор қозилар эса, “айбини бўйнига олган” айбдорни қайта тергов қилишга шошилмайдилар. Акси, унинг «лом»-«мим» демай қамалиб кетиши учун ҳаракат қиладилар. У терговда «иқдор» бўлган «айби»дан тонмоқчи бўлса, унинг кимнинг думини босиб олгани билан қизиқадилар. Керак бўлса, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган жиноятларни тўнкаб, «ўзбилармон»ни кўзда тутил-

ганидан ҳам узоқ муддатга қамаб юборадилар. Ҳукм аниқ ва қатъий, шикоятга ўрин йўқ.

Биринчи суд босқичида адолатни қарор топтира олмаганлар, апелляция шикояти ёзадилар. Энди бир эмас, бир нечта қози ишимни кўриб чиқиб, адолат қилади деб ўйлайдилар. Аксарият ҳолларда судлов хўжакўрсинга ўтказилади. Ҳар қанақа апелляция маҳкамаси узоғи билан 15 – 20 дақиқада ниҳоясига етади.

Хуллас, суд тизими буюртма асосида ишлайди. Аҳвол СССР давридагидан ҳам бир неча баробар абгор.

Буюртмачи ҳаммага маълум. Бутун тизим ўшанинг ноғорасига ўйнайди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 64-моддасида келтирилган ўзбек қозиларининг қасамёди матни билан ўқувчини таништирсам: “Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан”.

Раҳмат Насибов (тахаллус). «Мусулмон Ўзбекистон» сайти, 2006-йил

АЛПОМИШНИНГ АКАСИ КИМ?

Халқ миллий қаҳрамони Алпомишни дoston ва кўшиқларда асрлар бўйи мадҳ этиб, унинг жасоратини ардоқлаб келади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Алпомиш тўғрисида филм яратишга киришилди. Филмда бош ролни деновлик каратэ устаси Азаматали Қаландаров ўйнаган.

Мен бу мақоламда замонамиз «Алпомиш»и Азаматали Қаландаровнинг акаси, Тоштурманинг бош лохмачи – “Гарри” ёки Ғайрат Қаландаров тўғрисида баъзи маълумотларни очиқламоқчиман. Ғайрат Қаландаров ҳақиқатан ҳам Азаматали Қаландаровнинг туғишган оғайнисими, ёки қариндошими,

умуман унга бегонами буни аниқ билмайман. Унинг: “Алпомиш ролини ўйнаган йигитнинг акасиман” деган иқрорига кўра шартли равишда «акаси» деяпман холос.

Менимча, “лохмач” сўзи рус тилидаги пахмоқ ҳайвонларга нисбатан қўлланиладиган “лохматий” сўзи негизидан олинган. Бу сўзнинг қамоқдагилар орасида кенг тарқалганлигини ва даҳшатли маъно англатишини турмага тушиб чуқурроқ ўргандим.

Ўзбекистон махсус хизматлари тизимида лохмачларнинг ўрни қай даражада?

Бугун бутун дунёда Ўзбекистон қамоқхоналаридаги қийноқлар ҳақида гапирилмоқда.

У ерда турмага тушган инсон ақл бовар қилмас қийноқларга тутилади. Зўрлаш орқали эркаклар номусига тажовуз қилинади. Асаб ва қон томирларининг бирлашган жойи оёқ остига дубинка билан уриб, инсоннинг териси шилмасдан туриб шилиб олинади. Тирноқлар орасига ўткир жисми тикиш, эркакларнинг жинсий аъзосига оғир юкни осиб қўйиш, селлофан ўралган арматура билан савалаш, инсоннинг бош қисмига электр токини қисқа муддатга теккизиш каби қийноқ усуллари Ўзбекистон қамоқхоналарида оммалашиб бормоқда.

Қийноқларнинг дастлабки руҳий-психологик қисми терговчилар томонидан бажарилса, жисмоний қийноқлар орқали сўроққа тайёрлаш қисми турма хизматчилари томонидан амалга оширилади. Қолган барча ваҳшиёна қийноқлар терговчиларнинг яқин биродарлари – ўзлари ҳам қамоқ муддатини ўтаётган ва терговчилар хизматига ёлланган “лохмач”ларга юклатилади.

Лахмачларни катта тажрибага эга терговчилар танлайдилар. Улар узоқ муддатга қамалганлар, ваҳшийликка мойил руҳий носоғлом маҳкумлар орасидан сараланади.

Лахмачлар янги қўлга олинганлар орасида кўпроқ фаолият кўрсатади. Тергов жараёнларида тор камераларда тутқинларни қийнаб, қўрқитиб, зўрлаб, улардан терговга асқотадиган кўрсатмалар олади. Эвазига наркотик моддалар, озиқ-овқат ва пул билан таъминланадилар. Бундан ташқари, лохмачлар

Ўзлари ўтирган камерада хўжайин мавқеини эгаллайдилар. Қамоқдагиларга келадиган озиқ-овқат ва буюмларга эгалик қилдилар. Тўкин-сочин ва шоҳона яшаш улар учун ҳаёт мазмуни ҳисобланади.

Улар ўзларини тўрт девор ичида, очикдагидан кўра яхшироқ ҳис этади. Шунинг учун озодликка чиқишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бу йўлда улар ҳар қанақа одамни бўлакларга бўлиб, терговчига яхши кўринишга ҳозир турадилар. «Ичини уқиш» керак бўлган ва зиммасига қилмаган жиноятини юклаш керак бўлган кимсани камерага тиқиб беришса, бас!

Тоштурмада ётиб чиққанлар “Гарри” лақабли “лохмач”ни даҳшат билан эшлашади. У ваҳший ва йиртқич бўлиши билан бирга, укаси «Алпомиш»га ўхшаб бақувват ва гавдали.

Турмага тушган ҳар қандай инсон, Гарри ва унга ўхшаб лохмачлар билан тўқнашишни хоҳламаса, тезда терговчининг талабига кўниши ва қилган-қилмаган айбини бўйнига олиши лозим бўлади. Акс ҳолда, тутқуннинг бошига осмон қўпади. Хоҳлаган пайтда, камерада пайдо бўлиб қолиши мумкин бўлган Гаррининг нимани хоҳлаши, ёлғиз Аллоҳга аён. Чунки, Тоштурманинг эркатойидан ҳар нарса кутса бўлади...

Ўзбекистон қонунлари биринчи марта қамалганларни олдин қамалиб чиққанлар билан бир камерада сақлашни тақиқлайди. Судгача бўлган тергов даврида, аслида шахснинг ҳали айбдорлиги аниқланмай туриб, бутун умри қамоқда ўтаётган “лохмач”лар билан бир камерада сақланиши қамоқхона қоидаларига зид.

Ўзбек ҳуқуқ-тартибот ходимларининг “лохмачлар” қўли билан инсонларни қийноққа солиб, ўзларини гуноҳсиз деб ҳисоблашга маънавий ҳақлари борми?

Биринчи галда, шахснинг айбини қонунлар ва инсоний усуллар билан исботлаш учун ҳуқуқ-тартибот ходимларида илм ва маҳорат етишмайди. Иккинчиси, ҳокимиятни ҳар қандай йўл билан жиловлашни мақсад қилган ҳукуматни ҳуқуқ-тартибот ташкилотларининг жорий қонунлар доирасида иш кўриши қониқтирмайди. Чунки, ҳукуматнинг айтгани айтган, дегани деган бўлиши керак... Бу, мавжуд тузум репрессив машинасининг ўз

халқига нисбатан қилаётган энг кечириб бўлмас жиноятларидан биридир...

Акобир Наврўзов (тахаллус). “Муслмон Ўзбекистон” сайти, 2006-йил

РАЗИЛ ШОҲ ҲАҚИДА РИВОЯТ ВА ҲАҚИҚАТ

Россия телевидениесида “Поле чудес” кўрсатуви бошловчиси Леонид Якубович томошабинларни ўйин иштирокчилари билан таништира бошлади:

- Хўш, қаердан келдингиз?
- Ўзбекистондан.
- Яхши! Демак, ўзбексиз? Судланганмисиз?
- Йўқ?
- Судланмаган бўлсангиз, қанақасига ўзбексиз?...

Ҳазиломуз айтилган бу сўзлар замирида аччиқ ҳақиқат бор.

Ўзбекистонда ҳар қандай суд маъмуриятига мурожаат қилсангиз, вақти йўқлигини, кўрилиши лозим бўлган ишлар навбат кутиб қалашиб ётганини рўкач қилади. Аслида ҳам шундай.

Судялар кўрилиши лозим бўлган ҳужжатларни ҳижжалаб ўқишга вақт тополмагани учун шунчаки, муддати етган кун ва рақлаб уларга кўз югуртиради, ва маҳкамани бошлаб юбораверади. Боз устига талашиб-тортишадиган ва ҳар сўзида қонунни пеш киладиган кимсалар маҳкамага киритилмайди.

Қонунлар доирасида иш юритадиган адвокатларнинг талаблари ҳам ҳеч қачон эътиборга олинмайди. Шу сабабдан ҳам кўпчилик адвокатлар аксар ҳолларда келишувчилик йўлига ўтиб оладилар. Бузуқ вазият кўп ҳолларда, адвокатларни терговчининг ва судянинг малайига айлантириб қўяди. Бузуқ вазиятлар эса, қонунларнинг амалда иш бермаслигидан келиб чиқади.

Судялар қонунда белгиланган муддат тугамагунча суд жараёнларининг чўзилишини назорат қилиб турадилар. Чунки, улар жараёнларнинг чўзилишидан манфаатдорлар. Ҳисоб-ки-

тобларича, бундай ҳолларда «узоқ вақт қилинган иш кўлами» кўзга яққол кўринади, «тўкилган тер» қилинган «меҳнат»нинг маҳобатини оширади.

Аслида суд маҳкамалари юзаки, номига ўтказилади. Ҳукмлар аллақачонлар кабинетларда ёзилиб қўйилган бўлади. Чунки судлар мустақил эмас, улар сайланмайди, юқоридан тайинланади. Улар, президент Каримов ва унинг атрофидагилар ёзган ҳукм ва қарорларни тантанали равишда ўқиб беришдан бошқасига ярамайди. Мавжуд ҳолатларга эътироз билдирган судянинг илдизи ўша кун қуригилади. Бунақаларнинг ўрни бўшашини худодан ёлвориб сўраб, қоп-қоп пул қўлтиқлаб навбат кутиб турганлар қанча?

Барча ишлар юқоридан бошқариб турилгани учун ҳам ҳар қандай бошланган жараён жазо белгилаш билан якун топади. Суд маҳкамасига кириб чиққан ҳар бир одам пешонасига “судланган” деган тамға босилади. Ҳукуматнинг талаб ва истаги шунақа. «Оқланди» деган ҳукмнинг ўқилиши, қуёшли жазирамада яшин чаққандай бир гап. Иш судга тушдими, шахснинг айбдорлиги исботини топиши керак.

Ўзбекистонда хоҳлаган вақтда хоҳлаган бирига айб тўнкаш ва жазолаш механизми яратилган. Мақсад; Каримов тахтда экан, ҳеч ким қулоғини қимирлата олмасин...

Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, Ўзбекистон шароитида бир тўқисдан минг айб қидириб топса бўлади. Масалан, ҳар қандай одамнинг реал харажатлари қонуний топилган даромадларидан ортиқча. Демак, ҳар қандай кимсанинг ҳам иш фаолиятида қай бир шаклда бўлмасин яширин даромади бор. Буни ҳукумат бемалол ўғирлик деб баҳолашга ҳақли.

Қонуний даромад орттиришнинг чеклаб қўйилиши – яшаш учун ноқонуний даромадларни излашга мажбур қилади. Каримов ҳукумати томонидан атай жорий қилинган бу каби усуллар, жамиятни осон бошқариш учун асқотади ва ҳаказо...

Яна, Ўзбекистонда қонунлар шунақанги мавҳумлаштириб ишлаб чиқилмоқдаки, уни хоҳлаган вақтда, хоҳлагандай талқин қилиш мумкин. Битта қонуннинг битта банди билан айна жазони содир қилган кимсани ҳам жазоласа, ҳам муко-

фотласа бўлади. Бу ишни кўраётган шахснинг истаги ва кимлигига боғлиқ. Тақдирини судяга икки қўллаб топшириб таваккал қилишни истамаганлар ечим учун бошқа йўл қидирадилар. Бошқа йўлларнинг боши бирлашган чорраҳада пора ҳукмронлик қилади. Шу сабабдан ҳам исталмаган ҳолатлар бугун Ўзбекистонни дунёдаги порахўрлик авж олган давлатларнинг олд сафларига олиб чиққан.

Каримов ҳолатни билмайди, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Ҳаммасини билади. Унга шундай бўлгани маъқул. Ўғрилар ёки нопок ишларга аралашганлар адолат талаб қила олмайдилар. Пастдан адолат талаб қилинмагач, юқоридигилар хоҳлаганларини қилиб юраверадилар.

Шу ўринда, бир ривоятни эслашга тўғри келади:

Қадимда бир амалпараст, худбин шоҳ ўтган экан. У қартайган сайин, бутун сарватидан айрилиб қолишдан қўрқиб, ваҳимага туша бошлабди. У бир кун машҳур бир мунажжимни чақиртириб, ундан:

– Мен ўлсам, ўрнимга ким подшоҳ бўлади? – деб сўрабди.

Мунажжим:

– Ўрнингизга энг ҳалол фуқаронгиз подшоҳ бўлади, шаҳоншоҳим. У одам шу даражада ҳалол бўладики, бировнинг нарсасига бирор марта ҳам кўз олайтирмаган бўлади, – дебди.

Буни эшитган разил шоҳ юртда бирорта ҳам ҳалол одам қолдирмаслик чорасини қидира бошлабди. Ўйлай-ўйлай, барча фуқарони йиғиб, катта тўй берадиган бўлибди. Тўйга келадиганларга ўзлари билан биттадан тухум олиб келишларини буюрибди. Ҳамма тўйга тухум билан келибди. Тухумни дарвоза олдида қолдириб, фуқаро базмга машғул бўлибди. Тўй тугагач, шоҳ фуқароларига:

– Энди, ҳамма ўзи олиб келган тухумни ўзи билан қайтариб олиб кетсин, – дебди.

Бошида бутун фуқаро юз минглаган тухум йиғилган уюмдан қандай ўзим келтирган тухумни топаман дея, ҳайрон бўлибди. Чораси топилмагач, ҳар ким қўлига илинган тухумни олиб йўлга кетаверибди.

Тўйдан бир оз ўтиб, шоҳ қозиларини йиғиб, фуқароларга

айб қўйиш учун жойларга жўнатибди.

Ҳар бир фуқарога: «Нега тўйдан ўз тухумингизни олиб қайтмадингиз? Демак, сиз ўғрисиш!» деган айб қўйилибди.

Тухумнинг ўзиникими, ё бировникими эканлигини исботлаб бера олмаган бутун халқ айбига иқрор бўлибди.

– Мен, энди қаридим! Орангизда ким энг ҳалол бўлса, бировнинг молига кўз олайтирмаган бўлса, келсин, тахтни топшираман! – дебди кўнгли жойига тушган шоҳ.

Айбсиз айбдорга айланган халқдан садо чиқмабди...

Разилликда ва ҳийла-найрангда Каримовнинг ривоятдаги шоҳдан ортиқ жойи бўлса борки, кам жойи йўқ. У ҳам ривоятдаги шоҳ йўлидан бориб, ўн беш йилдан буён ақлли, умидли, ҳалол фуқароларни судлаш ва қилмаган жиноятига иқрор қилиш билан овора бўляпти. Мамлакатнинг тараққиёти ва миллат рўшнолиги уни қизиқтирмайди.

Энг қизиғи, дунё унинг разиллиги ва мунофиқлигини кафтидаги каби очиқ-ойдин кўриб билиб туради.

Демак, у халқни эмас, ўзини ва атрофидагиларни алдаяпти...

Раҳмат Насибов (тахаллус) “Мусулмон Ўзбекистон” сайти, 2006-йил.

НАФРАТ, МАНФААТ ВА МИЛЛАТ

Қирғизистонда яшаб, қирғиз халқи маданияти ва тарихини баҳоли қудрат қўлдан келгунча ўрганишга ҳаракат қилдим.

Қирғизлар билан ўзбеклар орасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Шимолий қирғизистонликлар – Талас, Норин, Иссиққўл ва чўйликлар билан Жанубий қирғизистонликлар – Жалолобод, Ўш ва боткентликларнинг бир-бирларидан бироз фарқли жиҳатлари борлигини ҳам фаҳмладим.

Шимолликлар жанубликларни «сартлар» деб атайди. Улар буни очиқчасига айтмасада, тор давраларда бот-бот тилга оладилар. Бу иборани улар нафақат жанубликларга, Олатов-

нинг нари ёғидаги бутун халқларга нисбатан қўллайдилар. Шунинг учун «сарт» сўзининг келиб чиқиш сабаблари билан қизиқдим. Бир қирғиз аёли: «Сартлар савдогар халқ, улар ҳамма нарсани пулга чақадилар. Уларда ҳамма нарса сотилади» деди, «Нега сарт дейсиз» деган сўровимга.

Бу қараш нелар асосида шакланган деб, ўйлай бошладим, ва тарихий манбааларга мурожаат қилдим. Билишимча, «сарт» сўзи маълум бир миллий гуруҳга нисбатан эмас, маълум бир ҳудудда яшовчи бутун бошли халқларга нисбатан қўланилар экан.

Демак, тадбиркор ва пулга ўч манфаатпараст жанубликлар, нисбатан кўчманчи, содда ва чорвадор шимолликларнинг худбинликлари билан бироз ғашига теккан бўлсалар ажаб эмас, деб ўйлаб қолдим. Ва, болалигимдан қулоғимда қолган халқ ичида кўп ишлатиладиган «така бўлсин сут берсин», «лўлининг эшагини суғор, пулини ол» деган мақолларни эсга олдим...

Ҳозирги Ўзбекистон қадимул айёмда ўтган Буюк Ипак йулининг қоқ марказида жойлашган. Ўрта асрларда бу ерларда ҳаёт қайнагандан қайнаган – бу жойлар ер юзининг маданиятлар кесишган, савдо-сотик авжига чиққан нуқтаси бўлган. Ота-боболаримиз ғарбдан ва шарқдан йўлга чиққан карвонлар билан доимий алоқада бўлганлар. Уларнинг ҳожатларини чиқариб пулини олганлар, улардан зарур маҳсулотларни сотиб олиб, ўзларининг маҳсулотларини уларга сотганлар. Савдо-сотик бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган.

Қадимда «савдо» деганда фақат бугунги савдо-сотик муносабатлари назарда тутилмаган. «Савдо» бутун бошли тижоратларнинг таъмал тоши бўлган.

Бу нарса бугун ҳам бизнинг қонимизда кўпириб турибди. Йўқдан йўндириб яшаш бизнинг ўзимизгагина хос бир сифатимиз. Шу ўзимизга хос сифат бугунги қатағон ва тадбиркорлик ўта даражада сиқиб қўйилган даврда, чорасизлик туфайли бизга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтира бошлади. Халқ йўқдан йўндиришга ҳаддан зиёд ружу қўйди, ва бугуни ва келажagini топшириб қўйган ҳукуматга мамлакатни талон-та-

роҳ қилиш учун чексиз имкониятлар очилди. Оқибат, бутун тизимларда қонунсизлик гуллаб-яшнади. Мустақилликнинг қарийиб 20 йиллик машаққатлари халқни чарчатди. Самарасиз ҳаракатлар шууримизда миллий характерга мос салбий оқибатларни пайдо қила бошлади. «Яхши яшаш» шиори остида тарозининг иккинчи палласига ор-номус ва диёнатимизни қўйиш даражасига етиб келдик. Тескариси содир бўлаётгани билан қизиқмадик.

Эртанги кунга ишончсизлик, аниқ мақсад ва тайинли даромад манбаи йўқлиги баъзи тоифа одамлар орасида очкўзлик ва гушналик кайфиятини уйғотди. Айрим шахслар қандай бўлмасин пул топиш ва яшаб қолиш илинжида одам ўғлига хос бўлмаган жирканч йўллардан от қамчилади. Тубан ва хиёнат асосига қурилган тизимларни «бозор иқтисодиёти» ёки «бозор муносабатлари» дея хаспўшлаш давр талаби бўлиб қолди. Иқтисодиётдаги тенгсизлик ва пул орқасидан қувиш, пора ва таниш-билишчилик бир томондан халқ бошига чексиз машаққатлар олиб келган бўлса, иккинчи томондан меҳрсиз ва шафқатсиз маънавияти ҳаминқадар паст пулдорлар қатламини вужудга келтирди. Аммо мамлакатда бойлар ва саховатпешалар камайса камайди, кўпаймади. Ҳам маънан ҳам моддий жиҳатдан бойишнинг йўллари кесилгач, разил ва тубан кимсаларга моддий бойиш учун имконият эшиклари очилди. Бу ҳолат азалий бирдамлик, ватанпарварлик, дин ва диёнат анъаналарига ўт қўйди.

Юртимизда Хўжа Аҳрор валий, Чорикулбой ва Файзулла Хўжаевга ўхшаган ҳақиқий бойлар кўп ўтган. Битта яхши ва ҳақиқий бой бўлган қишлоқда бирорта уйланмаган етим, битта ҳам тиламчи бўлмаган. Бугунги «бой»лар топаётган пулларига қўша-қўша иморатлар тикляпдилар, ҳар хил марказдаги машиналар сотиб оляпдилар. Уларга қанча кўп бўлса, шунча оз туюляпди, қанча есалар ҳам улар ўзларининг ва атрофидагиларнинг қоринларини тўйдира олмаяпдилар.

Қочқинликда юриб, кўп дўстлар орттирдим, ҳеч қачон танимаганим, анча юртдошлар билан янги алоқалар тикладим. Афсус, Ватанни ташлаб чиқишга мажбур бўлганлар орасида

ҳам ичкаридаги иллатлар болалаганини кузатиш мумкин. Халқаро ташкилотлардан моддий ёрдамлар ундириш илинжида ўзини ҳар кўйга солаётганларни кўрсам, ансам қотади. Олинган «чойчақа»ларни тақсимлашдаги ўзаро тортишиб-талашишларга эътибор бериб, кўзим олдига ўлжа учун бир-бирини бурда-бурда қилаётган бўрилар галаси келади. «Биз шу аҳволга келиб қолдикми» дея, ич-ичимдан эзилиб кетаман.

Бугун дунёнинг ҳар ерида юрган ўзбеклар хоҳ қувғинда, хоҳ мардикор бўлсин ер юзидаги бошқа халқларни истаса-истамаса ўзбек деган миллат билан, унинг шакл-шамойили ва феъл-атвори билан таништирмоқда. Ҳар бир кичик-катта ҳаракатимиз дунё халқлари кўзида муҳрланмоқда, дунё бизни қайтадан кашф қилмоқда. Бизгагина кўпроқ хос оқибатсизлик, манфаатпарастлик каби иллатларимиз туфайли, улар бизга ҳайрат ва надомат кўзи билан боқмоқдалар...

Хуллас, шимолий қирғиз ёхуд қозоқлар жанубликларни «сарт» деса, дегандир. Бу, уларнинг ҳаққи. Қолаверса, «сарт» ҳақоратомуз бир сўз эмас. «Сарт» сўзининг луғавий маъноси, «қаттиқ» демакдир. Яъни, бу ерда «бахил», «зиқна», мол-пул учун борини сотишга тайёр, манфаатпараст, пул топиш учун ўзини ҳар кўйга сола олади, деган маънода келяпти.

Бу аканинг укага, ёки уканинг акага берган холис баҳосидир. Бундан ғазабланиш ўрнига, тўғри хулоса чиқарилса фойдалироқ бўларди!

Насрулло Саййид. “Туронзамин” сайти, 2007- йил.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ИАКИТИ

Мана 15 йил бўлибдики, Иакити воқеасини унута олмайман. Иакити тўғрисида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бир газетада ўқиган эдим.

Ўтган асрнинг 90 йиллари охирида бир гуруҳ япон ўлка-

шунос олимлари Японияга қарашли Тинч океанидаги одам яшамайдиган кичик бир оролга тадқиқот ишлари учун бо-радилар. Орол қалин ўрмон билан қопланганлиги сабабли олимлар ўзларига оёқизи йул очиб, аста-секин орол ичка-рисига йўл оладилар. Бир пайт орол ичкарисидан келган ўқ овози уларни кўрқитиб юборади. Чақириқлар, алоқа боғлаш учун қилинган ҳеч бир ҳаракат фойда бермайди. Ўқ отган одам на гапиради, на талаб қўяди ва на олимларга олға босишга имкон беради.

Шунда бир олим дурбин орқали, қалин ўрмон ичида соқол-лари ўсиб, деярли ёввойилашиб кетган, ҳарбий кийимдаги милтиқли одамни кўриб қолади. У ўрмонга қулаб тушиб, пар-чаланиб кетган эски бир ҳарбий учоқ ёнида турарди. Ўлкашу-нослар аскарнинг учоқни кўриқлаётганига ва уларни оролга киришга қўймаслигига кўзлари етиб, орқага қайтадилар.

Тезда, бу ҳақда пойтахтга хабар берилади ва нуфузли дав-лат комиссияси тузилади.

Бошда ҳарбий мутахассислар орқали эски аскарни қуро-сизлантиришга уриниб кўрилади. Фойдаси бўлмайди. У жуда эпчил эди. Зарбалари ҳам қақшатгич бўлиб, ҳеч кимни олдига яқинлаштирмасди. Ҳайъат учоқнинг борт рақамини ёзиб олиш-га мувафақ бўлади. Архив ҳужжатлари титкилаб, учоқ тарихи ўрганилади. Аниқлашса, бу учоқ Япон армиясининг иккинчи Жаҳон урушида дом-дараксиз йуқолган учоқи бўлиб чиқади.

Сўнгра, учоқ командирини излашади. Командир АҚШда ис-тиқомат қилаётган 84 ёшли чол эди. Унинг эллик йил олдин учоқ билан оролга қулагани маълум бўлади. У, тирик қолган эди. Бир аскарга учоқни кўриқлашни буюриб, ўзи омон қолган экипаж аъзолари билан оролни тарк этган эди.

Командирнинг айтишича: Иакити, у қайтиб келмагунча, учоқга бировни йўлатмаслиги, ва ҳар қандай ҳолатда ҳам буй-руқни кутиши шарт эди.

Иакити буйруқни пойлаб, оролда ёлғиз эллик йил яшаган. Шу орада у деярли ёввойилашиб бўлган. Аммо елкасидаги бурчни сидқу дилдан бажарган.

Хуллас, давлат комиссияси, АҚШдан учоқ командирини

олиб келган ва унинг шахсий буйруғидан кейин қари аскар Иакити қуролини топшириб, таслим бўлган.

Бу воқеа Японияда анча шов-шувларга сабаб бўлди. Буйруқни беришга бериб, аскарни эллик йил оролда унутиб қолдирган командирни маҳкамага тортиш талаби билан чиққан японлар ҳам анчани ташкил қилди.

Айниқса, содиқлик билан хизмат қилган Иакити ҳақида кўп гапирилди. Чунки, шу ўтган эллик йил ичида дунё тамоман ўзгарган эди. Иакитининг қўлидаги милтиқни фақат музейларда кўриш мумкин эди...

Бу орада Япония қолоқ давлатдан, кучли ва ривожланган давлатга айланди. Ўзаро уришган Япония билан АҚШ бир-бири билан ортиқ душман эмас, иттифоқдош эдилар. Бу орада, енгилмас деб ҳисобланган бир неча тузумлар емрилиб битди. Коммунизм қурмоқчи бўлган давлатлар парчаланиб, уларнинг ўрнида мустақил давлатлар бунёд бўлди. Одамлар космосга учди, ойга қўнди, янги планеталар топилди. Украинадаги Львов шахрининг шоҳ кўчаси тўрт марта қайта номланди. Иакити қулаган учоқни қўриқлашни бошлаганда Львовдаги шоҳ кўчанинг номи Сталин бўлган бўлса, кейин бир муддат Гитлер деб юритилди. Уруш тугагач кўчага Ленин номи берилди. Ҳозир шахарнинг шоҳ кўчаси Бандера деб аталади.

Иакити оролда ёлғиз қолиб кетган ўша даврларда демократия ҳақида айрим гап-сўзлар бор эди холос. Эллик йил ўтиб қанча мамлакатлар демократия шарофатидан тараққиётга эришди.

Охирги ўн беш йилда Украина, Қирғизистон, Гуржистон, Болтиқ бўйи мамлакатлари ва шарқий Европадаги бир қанча мамлакатлар демократик йўлдан бориб, анча-бунча ютуқларни қўлга киритдилар. Озарбайжон, Қозоғистон, Арманистон... ва қанча-қанча мамлакатлар бошқарув тизимларига демократик унсурларни жорий қилиб, олдинга қараб одимламоқдалар.

Дунёда шунча ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг ўзини дунёдан изолясия қилиши мени таажжубга солади. Ёпиқ сиёсат йўлига ўтиб олиб, ҳукуматнинг дунё тажрибасидан хулоса чиқармаслигини ҳечам ҳазм қилиб бўлмайди. Ҳатто, Ўзбекистоннинг «эталон»и бўлган Россия ўзида

демократик ўзгаришлар етишмаётганлиги тан ола бошлади. Тараққиёт бобида оқсаётганлиги сабаби ўлароқ, у ердаги ҳукумат муҳолифатни шакллантиришга бел боғлаган.

Давлат бошида ўтирган И.Каримов халқни айниқса, ахборотлардан изолясия қилиш йўлини тутган. Ахборт эркинлигисиз демократия ривожланмайди. Каримов эса, ҳатто демократия қуришнинг оддий йўлларини ҳам тан олишни истамайди. Дунё тажрибасида ҳар қандай мамлакатнинг демократиялашиш даражаси, у ердаги «озчилик»нинг жамиятда тутган мавқеи билан ўлчанади. Қайси мамлакатнинг сиёсий ҳаётида муҳолифатнинг ўрни йўқ, у ерда демократия йўқ демакдир! Айни йўлдан борилмас экан, демократик жамият қуриш ҳақида сафсата ҳам сотмаслик керак.

Эллик йил танҳо яшаган Иакити тимсолида, иззоласиянинг жамиятни ёввойилашга маҳкум этишини кўриш мумкин.

Халқимиз орасидаги ўзаро суҳбатларни таҳлил қилиб, дунёбеҳабарлигимизни пайқайман. Умидсизлик ва шуурсизлик бизнинг турмуш тарзимизга айланиб бормоқда. Халқни шу кўйга солган ҳукуматнинг ҳам, буйруқ билан ҳаракатга келадиган депутатлар, ҳокимлар ва амалдорларнинг ҳам халқдан авло жиҳатлари йўқ аслида. Ҳамма ҳам Ўзбекистонда дунёлардан узилиб, жаҳолат лойига ботиб яшаяпти.

Демократик, фуқаролик жамиятларда эса ташаббус оддий халқдан чиқади. Жамият фикрини ўрганиб туриб, ҳукуматлар иш юритадилар, қарорлар қабул қиладилар. Очиқ жамиятларда халқнинг тушунчасини ўстиришдан ҳукуматлар манфаатдор бўладилар.

Тўғри, Иакитининг интизомига қойил қолса арзийди. Буйруққа итоат этиб эллик йил ёлғиз яшаш осон иш эмас. Бечора Иакити ўтган йиллар мобайнида ўрмонда нима еди, нима ичди...

Хуллас, Ўзбекистондаги мавжуд аҳвол билан Иакити фожеаси ўртасида қандайдир боғлиқликни кўраман. Балки, чалкаштириб юбораётгандирман...

Насрулло Саййид. “Туронзамин” сайти, 2007-йил

ИЛК ТААСУРОТ

Бишкек – Тифлис – Лондон – Торонто – Оттава йўналиши буйича, учоқ салкам бир кун учди.

2007 йилнинг 24 июлида Оттава кўналғасига кўндик. Мени Канада Муҳожирлар Вазирлиги ходимлари кутиб олиб, муҳожирларни қабул қиладиган махсус меҳмонхонага жойлаштирдилар. Меҳмонхона бир вақтнинг ўзида 94 та муҳожирни қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, хоналар деярли муҳожирлар билан лиқ тўла эди. Уларнинг аксари Африка ва Жанубий – Шарқий Осиёдан келган муҳожирлар эдилар. Ичларида Конго, Сомали, Бирма ва сенегалликлар кўпроқ эдилар назаримда.

Оттаванинг қоқ марказида жойлашган меҳмонхона деразасидан Канада давлатининг Парламент биноси кўриниб турарди. Тун алламаҳал бўлганига қарамай, ҳали кўпчилик ухламаган, даҳлизда ўрнатилган телефондан кимдир Африка, кимдир Осиё қитъасидаги яқинлари билан суҳбатлашмоқда эди. Шунда, қайлардандир қулоқларимга ёқимли ва мунгли бир хониш таралди.

Оллоҳим, эй Оллоҳим !

Надир маним гуноҳим !...

Беихтиёр, оёқларим овоз келаётган томонга қараб юриб кетганини сезмай қолдим. Қия эшиқдан ичкарига мўралаб, хиргойи қилаётган йигитга кўзим тушди. Ичимда, у билан яқинроқ танишиш истаги туғилганди. Эшикни қоққанимда, у: «Some in!»¹ дея, ўтирган ерида мен томонга бурилди. «Салом, гардаш!» дедим. У бу сўзни эшитган заҳоти, ўрнидан шарт туриб, менга қараб юрмоқчи бўлганда караватнинг оёғига депсиниб йиқилиб тушди. Бориб, дарров унга туришга ёрдамлашдим.

Ўзини Сажжат, деб таништирган йигит Эроннинг Машҳад шаҳридан эди. У ҳам форсчада, ҳам туркчада бирдай сўзларди. Мен ҳам ўзбекча-тожикча аралаштириб, ундан қолишмасдим. Биз узоқ суҳбатлашдик. У меҳмонхонадаги менга яқин ҳудуддан бўлган ягона муҳожир эди. Иккаламиз ҳам ҳамсуҳбат топганимиздан хурсанд эдик.

1 «Some in!» - киринг.

У йигирма олти ёшда бўлиб, тўнғич ўғлим билан тенг эди. Орамизда анча фарқ борлигига қарамасдан Сажжат билан тез дўстлашиб олдик. Унинг кўзлари кўрмасди. Ёш бўлишига қарамасдан ҳаётнинг аччиқ-чучигини тотган бу йигит кутилмаган фалокатдан кўр бўлиб қолганди. У бошидан кечган воқеаларни йиғлаб туриб, ҳикоя қилди: Айтишича, у оғир атлетика бўйича спорт устаси бўлган. Машғулотларнинг бирида, кўтариб турган штангаси бехосдан кўлидан чиқиб, бошига тушган. Орттирилган оғир жароҳатдан у қарийиб олти ой ҳушига келмай шифохонада ётган. Ҳушига келганда, кўзлари кўрмай қолганини билган...

Кўзлари кўрмаса ҳам у зийрак ва жуда сезгир эди. У шу аҳволда битта ўзи Эрондан Туркияга бориб, Истамбулда бир йил яшаган. Қочоқлик мақомини олганидан сўнг у ердан Канадага жўнатишган. Келганига бир ой бўлибди экан.

У кўзларини даволатгач юртига қайтиб, яна чемпион бўлишни орзу қиларди.

У бир кун мени шаҳар айланишга таклиф қилди. Меҳмонхона рўпарасида катта хиёбон бор эди. У билан майсазорда ёнбошлашиб, дунёнинг ишлари тўғрисида узоқ суҳбат қурдик. Сайр қилаётганларнинг аксари ит етаклаб юрарди. Сажжатнинг кўзлари кўрмаса ҳам уларни кўраётган одамдек муҳокома қиларди: «Бу ерликлар кўппакларни яхши кўрадилар, дерди у. Кўпчилиги кўппак асраб олади. Улар кўппак билан битта том остида бирга яшайди, бирга овқат ейди ва бирга ётади». «Йуғ-э» дедим, мен. У: «Ҳа, ишонинг, деди. Кўчада итларининг орқасидан юриб, ахлатини ҳам йиғиштириб юрадилар. Кўппак кўп бўлган билан шаҳар жуда тоза. Сизларда ҳам кўппак бор бўлса керак?» «Кўп, дея жавоб бердим. Ер юзида кўппак бўлмаган бирор жой бўлмаса керак. Ўзбекистонда ҳам кўчаларда, вокзал, бозор ва мазорларда, ҳар ерда истаганча кўппакларни учратиш мумкин»... У сўзимни кесиб: «Тошкентда кўппак оз бўлса керак?» деб сўради. «Йўқ, дедим. Аксинча, кўппак Тошкентда жуда ҳам кўп». «Кўппак кўп бўлса, кўчаларни саришта қилиш қийин, деди Сажжат. Уларни боқишнинг ўзи катта муаммо. Дайди ва қаровсиз итлар ҳар ерда тозаликка путур етказди. Канадаликлар бир нимани билмасалар, улардан чиққан

чиқиндиларни ўша заҳоти салафанга солиб, итларнинг орқасини тозалаб юрмасдилар»...

Оттавадаги кузатишларимга таяниб, шуни айта оламан: Бу ерда кўппаклар тажовузкор эмас. Бировга ташланиш нари турсин, ҳалигача кўчада бировга акиллаган кўппакни кўрмадим. Бизда уйида тугул, кўппаклар кўчада дуч келганда ҳам бегоналарга ташланишга тайёр туради, эҳтиёт бўлмасанг қошиб ҳам олади. Ташланмаса ҳам, ирриллайди, ҳеч бўлмаса ола қараб кўяди.

Мол эгасига ўшамаса, ҳаром ўлади, деганлари шу бўлса керак. Уларга балки тажовузкорликни бизлар юқтиргандирмиз...

Тажовузкор бўлмасак эдик, итни ҳам битни ҳам тутиб еярмидик...

Ҳа, яқинда эшитдим. Бир ошнам: «Сен кўрган нарсалар ўзгариб кетган. Дарёи кўлларни, чўллардаги саксовуллару ҳайвонот дунёсини еб битирган ҳозир халқимиз, энди итлар ва мушукларни ейишга тушишди» деди. «Нима учун?» дея сўраган саволимга, у: «Ит, илон ҳар касалга шифомиш. Аммо бу бир баҳона. Халқнинг аҳволи оғир, камбағаллар кўпайган ҳозир, раҳбарларнинг эса оддий халқ билан иши йўқ. Нафсимиз ҳакалак отган, жоҳилмиз, жоҳил!» дея куйиниб жавоб берди.

Эшитиб: «Мусулмонлигимиз қайда қолди? Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига боролмайдиган бир аҳволга тушдикми?» деган хаёл миямдан «лип» этиб ўтиб кетди.

Насрулло Сайид. “Исёнкор” сайти, 2007-йил

ГҶШТ ДҶКОНИДА ОЁҒИДАН ОСИЛГАН ИТНИ КҶРГАНМИСИЗ?

Канадага келганимга икки ой бўляпти. Бу вақт ичида канадаликлар ва бу ердаги кўпгина чет элликлар билан суҳбатлашишга улгурдим. Бирортаси Ўзбекистон деган калимани эшитмаган. Мендан ким сўраса, ғурур ва ифтихорга тўлиб: «Ўзбекистонданман, ўзбекман!» дейман. Улар: «Ўзбекистон

Афғонистонми, Покистонми..?» дея сўрашади. Ҳатто, айримлари Тожикистонни ҳам тилга олади. Аммо, Ўзбекистонни ҳеч ким билмайди.

Бир сомалилик ўзини билағон кўрсатмоқчи бўлиб: «Ўзбекистонни яхши биламан. Пойтахти Боғдод» деб қолди.

Наҳот оламга ўз илми ва зеҳнияти билан доврўқ солган Беруний, Фаробий ва Ибн Синонолар, Фарғонийлар юртини бугун ер юзида ҳеч ким билмаса, деб ўйладим.

Бир кун қўлимга Канаданинг мактаб ўқувчиларига мўлжалланган «Дунё тарихи» китоби тушиб қолди. Варақлаб қарасам, Македонский бор, Чингизхон бор. Амир Темур ва Мирзо Бобур ҳақида эса қисқагина ёзилган ва уларни «мўғул» деб таъриф берилган. Биздан чиққан бошқа «қахрамонлар» ҳақида ҳеч нарса йўқ. Ибн Сино, Беруний, Фарғоний ва Хоразмийларни эса «Буюк араблар» бўлимидан топдим...

Шунда, саккиз аср илгари ота-боболаримиз билан содир бўлган бир воқеа эсимга тушди. Чингизхон зулмидан Олд Осигеа қочиб борган аждодларимизга маҳаллий халқлар ҳам зулм қила бошлайдилар. Уларнинг сардорлари йиғилиб, Жалололдин Румийнинг ҳузурига борадилар. Мавлано Румий улардан: «Гўшт дўконида оёғидан осилган итни кўрганмисизлар?» дея сўрайди. Улар: «Йўқ!» дея жавоб берадилар. Мавлоно уларга: «Сизлар ҳам бироз ит бўлинглар, биргина қўйлик билан мақсадга етиб бўлмайди» дея, насиҳат қилади.

Шунга ўхшаш воқеага ўзим ҳам гувоҳ бўлганман.

Бир неча йил олдин Зарафшон шаҳрида яшайдиган жияним Шухратни кўргани бордим. У Зарафшондаги тилла конига оддий ишчи бўлиб ишга кирган замонлар эди. У пайтларда шаҳарда асосан руслар яшар, Зарафшонда европача муҳит ҳукмрон эди. Оз сонли ўзбекларнинг мавқеи ўзига яраша, улар асосан қора ишлар билан машғул, турмуш-тарзлари ҳам бошқа халқларга нисбатан анча ночор эди.

Шухратнинг аниқ манзилини билмаганим панд берди. Уни излаб, бошимни суқмаган жойим қолмади. Кимдан сўрамай: «Какой еще Шухрат» деб тўнғиллаб қўярди.

Уни амаллаб топиб, уйда бир кеча меҳмон бўлдим.

Унинг уйи олдидаги сўрида тўрт-беш ароқхўр йигитлар кун-тун ароқхўрлик қиларди. Уларнинг дастидан ўзбекларга кун йўқлигини кузатиш қийин эмасди. Ширакайф бу кимсалар дуч келган ўзбекка очиқчасига ўдағайлар, бошини тиклагани бўлса, калтаклашдан ҳам тоймасдилар. Очиғи, руслар тугул Зарафшонда ўзбекларни бошқа халқлар ҳам назар-писанд этмасдилар. Ўзбек ўз юртида хор эди.

Орадан икки йил ўтди. Яна, Зарафшонга Шухратни излаб бордим. Унинг уйи олдида ўша арақхўрлар икки йил аввалгидек ҳали ҳам маишат қилиб ўтирардилар. Улардан бири: «Вы кому, Шурику?» дея сўради мендан. «Да!» дейишим билан у ўрнидан сапчиб туриб: «Сейчас позову» дея, подездга кириб кетди. Унинг шериклари ҳам ўринларидан туриб, гўё эски танишлардек мен билан қучоқлашиб кўриша бошладилар. Қайси томондан қуёш чиққанини англамай қолдим. Уйга киргач Шухратдан ароқхўрларнинг ўзгариб қолганларининг боисини сўрадим. У жилмайиб, узоқдан гап бошлади: «Қарасам, бу ерда ўзбекка кун йўқ, деди у. Булар муомалага кўнмайди. Яхши гапирсанг, елканга миниб олади. Замон шуларники (зўрники) бўлиб қолди...

Қишнинг изғиринли совуқ кунларидан бири эди. Ароқхўр ва сурбет қўшниларнинг шаштини сал пасайтириб қўйиш учун эр-хотин бир режа туздик. «Дом»дагиларнинг кўпчилиги ўз уйларида ўтирган вақт эди. Мен бақириб хотинимни ёлғондакамига сўка бошладим. У уйдан отилиб чиқиб, уйимиз атрофини оёқяланг айланиб қочадиган бўлди, мен ярим қулочли ялтироқ пичоқни кўлимга олиб, уни «сўяман» дея бақириб қувадиган бўлдим. Биз ўйлаган «спектакл» кутилганидан ҳам зўр чиқди. Иккаламиз ҳам ролимизни қойилмақом ўйнадик. Бутун атрофда бақир-чақир бўлиб кетди. Эр-хотин уй атрофидан бир неча бор додлаб қувалашиб, кейин хонамизга отилиб кирдик. Эртаси кун эрталаб уйдан чиқсам, арақхўрлар пешвоз қаршилаб, мен билан қуюқ сўраша кетдилар»...

Шухратбек жиянимнинг бу ҳикоясини бекорга эсламадим. Халқимиз: «Ўғлинг бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса, йўқ бўлсин» деб бекорга айтмаган. Гоҳида шўхлик ҳам керак бўлар-

кан. Лекин мен бу билан ўқувчиларни шундай ҳаёт тарзига даъват қилмоқчи эмасман. Айтдим, қўйдим- да...

Насрулло Саййид. “Исёнкор” сайти, 2009-йил

АЛОҲИДА КАТЕГОРИЯ

Ҳар кун мактабдан қайта туриб, кўчамизнинг нариги бетида жойлашган чиройли икки қаватли бино олдида бироз нафас ростлайман. Бино пештоқига “Catholic immigration centre” деб, ёзиб қўйилган. Пештоқда ёзилган “Католик” сўзига эса кейинроқ тўхталаман.

Бу бинони Эдмонтон шаҳрида ҳамма билади.

Эдмонтонга келган муҳожир биринчи бўлиб шу ерга келади, ва бир неча кун шу ерда яшайди. Хужжатлари тўғри бўлгач муқим яшаши мумкин бўлган жойларга кўчириладилар.

Бу ерда, ўзбекларга ҳурмати баланд Жума ака деган афғонистонлик бир одам ишлайди. У киши Ўзбекистонда ўн йил қочқин бўлиб яшаб, бу ерларга келиб қолганлиги сабаб ўзбек тилини яхши билади.

Ҳар кун мен бу бинога келганимда бу ерда турган ўнлаб қочқинлар ичидан ўзимизникиларни излайман. Гоҳида Жума ака билан учрашиб, ўзбеклар ва Ўзбекистон ҳақида гаплашамиз.

Бу ерга дунёнинг ҳамма еридан келаётган минглаб, балки юз минглаб муҳожирлар оқимини кўриб ҳайратга тушаман.

Эдмонтонда турли ирқ ва турли миллатларни учратиш мумкин. Африкалик қора танлилар, ҳиндистонлик салла ўраган сигхлар, Жанубий-Шарқий Осиёдан келган кичик жуссали одамчалар, ўзбекларга ўхшаш колумбияликлар кўчаларни тўлдириб юрадилар. Хитойликларнинг нақадар кўплигини айтмасам ҳам бўлади. Шаҳарда ҳар миллатнинг ўз йиғиладиган жойи, овқатланадиган емакхоналари бор.

Охирги сўровномаларда биргина Онтарио штатида 23 фоиз аҳоли ўзининг Канадалик эмаслигини айтган. Канада аҳоли-

си муҳожирлар ҳисобига тез суръатларда ўсмоқда. Мамлакат аҳолиси қарийиб 35 миллион кишига етган. Охириги беш йилда Канадага келган муҳожирларнинг 38 фоизини (1,3 миллион) Жанубий Осиёликлар, 18,2 фоизини (1,2 миллион) хитойликлар ташкил қилади. Маълумотларга қараганда туб канадалик бўлмай бу юртда яшаётганларнинг 25 фоизини африкаликлар, 15 фоизини хитойликлар, 8 фоизини филиппинликлар, 6 фоизини Лотин Америкасидан келганлар, 5 фоизини араблар ташкил қилади. Яна бу ерларда миллионларга яқинлашиб қолган украиналик ва россияликларни, 100 минглаб полшалик ва эронликларни, бир неча ўн минглаб турклар ва афғонистонликларни учратиш мумкин. Канадада 223 миллат вакиллари дўст ва иноқликда бир юрт фуқароси ўлароқ ҳамжиҳат бўлиб аҳил яшамоқдалар. Канада ана шунақа жуда ҳам ноёб ва бағри кенг бир ўлка.

Ҳар кун Эдмонтонда янги ҳаёт ва бахт излаб келаётган ўнлаб муҳожирларни учратаман. Бу оқимни бутун Канада бўйича қўшиб ҳисобласак, бу сахий ва бағрикенг юртга минглаб одамларнинг кўчиб келаётганликлари аниқ бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда ўтган 2007 йилда 25 миллион киши шу ташкилотнинг Қочқинлар буйича Олий Комиссариатида қочқин деган мақом олган.

Қочқинлар дунёнинг кўплаб мамлакатларига жойлаштирилади.

Канадада ҳам муҳожирларни қабул қилиб олиб, бошпана билан таъминлашади. Бепул тил ўргатиб, ишга жойлаштиришади.

Дунёдаги миллионлаб қочқинлар ичида Ўзбекистондаги диктатурадан қочиб, Канадага етиб келган муҳожирлар унча кўп бўлмаса ҳам, бор. Қочоқлар оқими Андижон воқеаларидан сўнг оммавий тус ола бошлади.

Аммо ўзбек қочқинларининг кўп-озлиги ҳеч бир маъно аңглатмайди. Ўзбек қочқинлари алоҳида категория қочқинлар сирасига киради. Буни турли мамлакатлардан келган қочоқлар билан қилинган суҳбатлар асносида, ва ўзбекларнинг турмуш-тарзини ва руҳиятини ўрганиш учун олиб борган кузати-

шларимдан англадим.

Хитой ва Ҳиндистон каби олис минтақалардан келаётган қочқинлар мамлакатларида демографик муаммони ҳал қилиш учун Канадага келадилар. Эркин нафас олиш қийин бўлиб бораётган у юртларда миллиардлаган аҳоли яшайди. Уларнинг бошқа ўлкаларга кўчишларидан биринчи навбатда маҳаллий ҳукумат манфаатдор бўлгани учун ҳам улар ҳукуматнинг ёрдами орқали манзилга етиб келадилар. Колаверса, улар 100 – 150 йил бурун бу ерларга кўча бошлаганлар. Биз каби, уларнинг орқасидан мамлакатларида жиноят иши очилмайди. Террорчи ва алламбалоларга чиқарилиб, қариндош-уруғлари тузум томонидан бадном қилинмайди. Аксинча, четга чиқиб ўрнашган ҳар бир хитой ёки ҳар бир ҳунду тарихий мамлакатда алоҳида қадр-қимматга эга бўлади.

Африкаликлар кўпроқ ҳаёт машаққатларидан, очлик ва юпунликдан қочиб бу ерларга келадилар. Мамлакатларидаги миллий низолар уларнинг ҳиққилоқларига келган. Аммо, уларнинг кўпчилиги хоҳлаган пайтда юртига кайтиши мумкин. Шунингдек, ҳақиқий сиёсий террордан қочиб келган афғонистонликлар, эронликлар, ироқликлар, Лаос ва бирмаликлар ҳам Канадада анчагина.

Ҳа, ўзбек қочқинлари эса, алоҳида категория.

Бишкекда юриб, турли-туман ўзбек қочқинларини кўрдим. Бир воқеа ҳеч эсимдан чикмайди: Шаҳар чеккасидаги бир қирғиз аёлининг катта ҳовлисидаги ҳужрада ёлғиз битта ўзим турардим. Ҳовлида яна мендан ташқари бешта кирачи оила яшарди. Ҳамма ҳовлига битта дарвозадан кириб-чиқар, ҳожатхона ҳам умумий эди.

Биз турадиган кўча бошида бошқа бир қочқин яшарди. У билан шунчаки, салом-алигимиз бор эди. Бир кун кечки пайт у ҳовлиқиб олдимга кириб келди, ва кўчада кимдир унга ёмон қараб ўтганидан шикоят қилди.

Бошқа ўзбек қочқинлари учрашиб қолганларида ҳам суҳбат мавзуси асосан шунга ўхшаш ҳолатлар хусусида бўларди. Кимдир уларни кузатган, кимдир ёмон қараган, кимдир телефон қилиб, гапирмай телефон гўшагини қўйиб қўйгани ҳақи-

да ҳадик аралаш суҳбатлар қўр оларди. Кўпчилик ўз сояси-дан ҳам қўрқиб яшарди... Хуллас, хонага қўрқиб қочиб кирган йигит номозхон бўлганги учун Ҳизбуттаҳрир аъзолигида айбланиб, икки йил қамалиб чиққан эди. Мен, унга ҳеч нарсадан қўрқмасликни, ҳар нарсага эътибор қилмасликни, бу ер бошқа бир мамлакат эканлигини, бу ерда оз бўлсада эркинлик борлигини айтдим. У билан анчагача гаплашиб ўтирдик, вақт ярим кечадан ўтди. Унинг ҳолатини ҳисобга олиб, унга истаса, ётиб қолиши мумкинлигини айтдим. У дарров рози бўлди.

Ярим тундан кечганда, дарвоза тақиллаб қолди. Ранги докадек оқариб кетган йигитни ваража тута бошлади:

– Ана келди! – деди.

– Ким? – дедим, мен.

– Мелиса! – деди, у.

– Қанака мелиса? – дея уни тинчлантиришга ҳаракат қилдим. – Қўрқманг. Улар бу ерларга келолмайдилар.

– Ака, қўрқяпман, Ўзбекистон СНБси мени тинч яшашга қўймайди!

Унинг гапларини эшитиб ҳайрон бўлдим.

– Бирор жиноятингиз борми? – деб сўрадим ундан.

– Ҳеч қанақа жиноятим йўқ, номозхонман, холос! – деди у. – Ўзбекистонда уйимизга мелиса келавериб, юрагимни ваҳима қоплайдиган бўлиб қолган. Хасни кўрсам ҳам кўрқув босади.

– Диндан хабарингиз бўлса, Аллоҳни танисангиз, нима учун бандасидан кўрқасиз? – дея сўрадим ундан. – Мусулмон киши таваккал қилади, яхши-ёмон барчасини Аллоҳдан деб билади...

Шу он, дарвоза яна тақиллади.

Чиқиб қарадим, ҳеч ким йўқ. Хонага кирсам, намозхон йигит қўлида ошхона пичоғини ушлаб, бурчакка тиқилиб, ҳар ёнга олазак бўлиб ўқталиб турибди.

Менга кўзи тушган ҳамоно, у:

– Ака, уларнинг қўлига тушиб, хору зор бўлгандан кўра ўзимни ўлдираман! – деди у.

Уни зўрға тинчлантириб, бир амаллаб қўлидан пичоқни олдим.

Энди ўттиз бир ёшига кирган йигитнинг қариб қийилган чоллардек жисмидан қуввати кетгани билиниб турарди.

У бироз ўзига келгач, бошига тушган кулфатларни йиғлай-йиғлай сўзлаб беришга азм қилди:

...У жуда қашшоқ ҳаёт кечирган. Уни Ҳизбуттаҳрирга аъзоликда айблаб, тухмат билан қамашган. Қамоқхонада кўз кўриб-қулоқ эшитмаган қийноқларга гирифтор бўлган. Қамоқдан қутулиб чиққанидан кейин ҳам, уни мелисалар бир дақиқа ўз ҳолига қўймаган...

У маҳзун ҳаёти ҳикоясини англатар экан, кўзлари эшиқда, қулоқлари динг, тик оёқда турарди. Эрталаб уйқудан уйғонганимда, унинг бир ярим литрлик баклашка тўла пешоби хона эшигига яқин жойда, у ҳали ҳам тик оёқда, туни билан ухламаганиди.

– Ака, қамоқхонахонада буйрақларимни уриб эзганлари етмагандек, совуққа ҳам олдирганман! – деди, у ўзини ноқулай ҳис этаркан.

Мен уй соҳибасидан кеча тунда эшикни ким тақиллатганини сўрадим. У, қизининг йигити келганини айтди. Бу гапни эшитган йигит кўрқа-писа кўчага чиқди. Кейин билсам, у бир соат ҳам ўтмай ижарада турган уйдан кўчиб кетибди.

Орадан кўп ўтмади. Ўзбекистоннинг расмий интернет сайтида мақола эълон қилинди. Айтилишича, у йигитни Ўзбекистонда ҳеч ким таъқиб қилмаётган экан, жиноятчи сифатида қидирувда ҳам эмасмиш. Уни қочқин ўлароқ «ношукур» деб баҳолашибди...

Мен Ўзбекистондаги вазиятни яхши билганим учун унинг нима учун Ватани тарк қилганлигини тушунишга ҳаракат қилдим. Бу йигитдаги кўрқув ва безовталиқни деярли ҳамма қочқинларда кузатиш мумкин. Улардаги бу ҳолат ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Фуқаролардаги шуур ва руҳиятдаги безовталиқлар аввал бошдан юртнинг ичкарасида мустабид тузум тарафидан атай шакллантирилган. Қочқинликдаги кўрқув ва ваҳима зўравон тузумнинг узоқ йиллик мевасидир. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг ичкарасида қамалиб чиқмаганларнинг ҳолатида ҳам яққол сезилиб туради. Ўзбек қочқинлари ҳатто чет

элларда ҳам полисияни кўрган заҳоти ўзларини йўқотиб қўядилар.

Бунақа кўрқув ҳисси бошқа ҳеч бир миллатда учрамайди. Толиблардан қочиб келган афғонларда ҳам, ўқ ёмғиридан аранг жонини асраб қолган ироқликларда ҳам, этник жанжаллардан зада бўлган африкаликларда ҳам бу каби кўрқувни кўрмайсиз. Дунёнинг ҳамма ерида одамлар полисиячиларга ҳимоячиси, ишончли дўст сифатида қарайди. Инсонларда бирор муаммо туғилиб қоладиган бўлса, биринчи бўлиб уларга мурожаат қиладилар.

Бизда-чи? Мелисани кўрган ҳар бир фуқаро ашаддий душманини кўргандай, безовита бўла бошлайди. Унга кўзи тушиши билан ундан талофатсиз қутулиб кетишнинг йўлини излайди. Аслида, улар бизнинг ака-укамиз, амак-амакваччамиз, ёки бирор яқинимиз эмасми?! Уларни шу кўйга солган, қутиртирган ким?!

Бу халқнинг ўзи шунақа, кўрқоқ десак, бу халқдан чиққан ботирларнинг сон-санови йўқ... Кимлар бизларни бу қадар журъатсиз ва шижоатсиз бир халққа айлантирди, ичимизда чўкиб ётган журъат ва шижоатни уйғотишимиз учун нима қилишимиз керак?!

Қаранг, бутун бошли халқлар дунё кезиб, ризқ-рўз териб юрибди. Бирор ким уларни ўзбекни камситган каби камсита олмайди. Ҳаммаси киндик қони тўкилган тупроғига хоҳлаган пайти бориб, хоҳлаганда орқасига қайта олади. Улар биз каби эскирган ақидаларга ёпишиб олмаганлар. Янги дунёни эгаллаш учун ҳамжиҳат бўлиб сафарга чиққанлар.

Ўзбек эса, дунёнинг ҳар ерида уйдан илон чиққан одамдек соясидан кўрқиб юради.

Ер юзида ватанидан қувилганлар кўп, аммо ўзбеклар алоҳида категория...

Насрулло Сайид. «Муносабат» сайти, 2008-йил

ЗАҒИЗҒОНМИ, МУСИЧА...

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида Бухоро яқинидаги “Қасри Орифон” қишлоғида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мангу кўним топган ва аллома номи билан машҳур мақбара-мажмуа таъмирланди. Дунё мусулмонлари орасида катта обрў-эътиборга эга Ҳазрат Нақшбанд номидан сиёсий мотивларни кўзлаган президент Каримов таъмирлаш ишларини шахсан ўзи назорат остига олди.

Таъмирлаш ишлари ниҳоясида мажмуани қабул қилиб олиш учун президент бир гуруҳ мутахассислар ва меҳмонлар иштирокида Бухорога ташриф буюради. Зиёратгоҳда у одатича қадамда тўхтаб, атрофидагиларга «доно» маслаҳатлар бера бошлайди. Унинг ўзини «чурқ» этмай диққат билан тинглашларини ёқтиришини унга ҳамроҳлик қилаётганлар жуда яхши билардилар. Аммо мажмуада ўз дунёси билан иш кўраётган қурт-қумурсқа ва қушларга буни уқтиришнинг иложи йўқ...

Қушлар чуғури, уни асабийлаштира бошлайди. Айниқса, Бухорода «олашақшақ» деб аталадиган зағизғон унинг тутатишига сабабчи бўлади. У асабларини жиловлай олмайди. Вилоят ҳокими Самоиддин Хусеновга бақира кетади: «Йўқот, бу ўзбилармон лаънати безориларни» дейди. Бу ерларда беозор жониворларни – мусичаларни кўпайтириш керак...»

У ўшанда, зағизғонларни «террористлар» дейман деб, «безорилар» деб юборган бўлса ажабмас!

Президент учиб кетган куннинг эртаси вилоят ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлади. Йиғилишда овчилар, туман ҳокимлари, ички ишлар ходимлари ва мактаб директорлари иштирок этадилар. Йиғилиш кун тартибидаги масала; «Зағизғонларни қириб ташлаб, мусичаларни кўпайтириш чора-тадбирлари» эди. Муҳокомалардан кейин фавқулотда дастур қабул қилинади. Ҳар бир ўлдирилган зағизғоннинг ўлигига бериладиган мукофот «500 сўм» (90 йилларда бу анча салмоқли маблағ эди) қилиб белгиланади. Бутун вилоят ҳудудла-

рида овчилар қўлида милтиқ, мактаб ўқувчилари чўзма ясаб, (рогатка) зағизғон отиш учун кўча, дала-дашт ва боғ-роғларга чиқадилар. Жойлардаги хавфсизлик ташкилотлари ходимлари ташкилий масалалар ва сафарбар қилинган аҳолини руҳлантириш билан ишнинг боришини маҳаллий раҳбарлар орқали назорат қилиб туради. Натижалар ҳақида вақти- вақти билан Тошкентга ҳисобот берилади...

Фанда зағизғонга қуйидагича таъриф берилган: Бу қуш анча-бунча қушдан йирик. Оқ-қора рангли узун қанотларга эга. Асносида, тажовузкор ва доно. У инини ўта усталик билан пухта қилиб қуради. Бола очганда ини атрофига на одамни, на ҳайвонни яқинлаштирамайди. Керак бўлса, ён-атрофини ҳимоя қилиш учун одамга ҳам ҳамла қилади. У учун ин (ватан) муқаддас, зағизғон полопонлари хавфсизлиги учун жонидан ҳам кеча олади. У қурт-қумурсқа, дон-дун ва мева-чевалар билан озикланади. Улар топган нарсаларини инига ташийдилар. Айниқса, тилла ва кумуш буюмлар, уларнинг жону дили...

Болалигимда зағизғоннинг инидан тилла буюм топган одамлар ҳақида қариялардан кўп эшитганман. Яна, бу қушлар хазина кўмилган жойларни аниқлашда ҳам асқотади, дейишади. Улар хазина бор жойларда гала-гала бўлиб, йиғилиб, тумшуклари билан тупроқ титаркан...

Мусича хусусидаги фан эътирофи эса, зағизғонникига тамоман тескари: Мусича жуда ювош, текинхўр ва дангаса қуш. Улар одамлар истиқомат қиладиган уйларнинг пештоқлари ва болорлари орасида, дарахт шохлари, молхоналардаги тўсинлар оралиқларида ин қурадилар. Улар инларини шу даражада эринчоқлик билан қурадиларки, сал нарсага инлари ерга қулаб тушади. Шу сабабли ерга тушган мусича тухумларини ва уларнинг полапонларини тез-тез учратса бўлади. У қурт-қумурсқа дея унчалик ҳам жонини койитавермайди. Яшаб турган ҳудудларидаги хонадонларда ғамланган дон-дун билан қорин тўйдиришни севади. Каримов таърифлаганидек, у жуда ювош, ўзини ва оиласини таъқиб қилган душманга озори-безори йўқ бир жонивор. Фақат, урчиш пайти келганда бироз паттиллашишади. Ўшанда ҳам сал таҳлика туғилса, улар бир-бирларини

ташлаб, қочиб кетадилар. Қолганган пайтлари мусичаларнинг дунёда бор-йўқлигини биров сезмайди...

Шу-шу, президент Бухорога ташриф буюрадиган бўлса, овчилар ва мактаб ўқувчиларининг патагига қурт тушади. Вилоят ҳокими бошлиқ жойлардаги хавфсизлик ташкилотлари зағизғонларни эслаб қоладилар. Еб-ич, уйқу, сўкиш эшитишдан ва бировни сўкишдан бошқасига ярамайдиган туман ҳокимларининг ороми бузилади. Зағизғоннинг «шарофатидан» овчилар ва болалар беш-тўрт сўм пул ишлайдилар. Хуллас, президентнинг асаби бузилмасин дея, бутун вилоят оёққа туради.

Қиссадан ҳисса, Каримов нафақат ўзлигини танийдиган, ташаббускор, шижоатли ва ақлли инсонларни, озодликни ва хурликни севадиган, боқимандаликни хуш кўрмайдиган ҳар қандай жонозот қуш бўлсин ёхуд бошқа ҳайвон уларнинг ҳам ҳеч бирини ёқтирмайди. Қимирлаган жон бўлсин, унинг мутеликни севишини, кўзига тикка боқмаслигини истайди. Унга мусичасифат, ўз ҳаёти ва оиласи учун жонини койитмайдиган, инон-ихтиёрини бошқалар қўлига бериб қўйган қўймижозлар керак.

Аммо, мувозанат деган илоҳий тушунча борлигини ҳам унутмаслик лозим. Табиатда мусичаларнинг ўз ўрни бўлгани сингари олашақшақларнинг ҳам Аллоҳ елкасига юклаган вазифалари бор. Торози палласидаги икки тош бир-биридан кам келдими, ҳаммаси остин-устин бўлиб кетади...

Абдурахмон Бухорий (тахаллус), 2009-йил

ОЛТИН ТИШЛИ ҚУЛЛАР ФАЛСАФАСИ

Дунёда ҳар бир одамнинг ўз дунёқараши ва яшаш фалсафаси бор. Ҳар қандай жамият маълум миқдордаги инсонлар йиғиндиси – жамоадан иборат эканлиги инобатга олинса, бир бутун жамият фалсафаси жамиятни ташкил қилган одамлар фалсафасининг умумлашувидан ҳосил бўлганини кўрамиз.

Инсоният тушган тишлари ўрнини бутлаш муаммоси устида

жуда қадим замонлардан бош қотириб келган. 1809 йилда илк марта олтиндан сунъий тиш ясаб амалда қўллаган докторлар XX асрнинг ўттизинчи йилларида ихтироларининг модага айланишини хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар керак.

Ўша даврларда АҚШда бой-бадавлат одамлар, кино юлдузлари, бизнесменлар орасида «Голливудча, жилмайиш!» деган янги термин пайдо бўлган. Бой одамлар соғлом тишлари ўрнига сунъий олтин тишлар ўрната бошлаганлар. Кибор ва бойлар тўпланадиган давраларда оғизни катта очиб, тиржайиш урфга айланган. АҚШда бошланган бу ҳаракат Европа оша XX асрнинг етмишинчи йилларида Марказий Осиёга кириб келди. Бу бачкана ва соғлик учун кони зарар модавозлик Америка ва Европада узоқ яшамади. Чунки, бу модавозлик негизидаги сохта такаббурлик, манманлик ва мақтанчоқликни улар ўз вақтида илғадилар.

Марказий Осиёда, айниқса Ўзбекистонда бу бачкана урф эпидемия даражасига кўтарилди, ва муқим яшаб қолди. Бугун Ўзбекистон «олтин тишлилар» сони буйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунинг асосий сабаби – маҳаллий аҳоли фалсафасидаги манманлик, бойлигини бировларга кўз-кўз қилишга ўчлик, ҳаётга енгил қараш ва ташқи гўзаллик тушунчасини ички гўзаллик тушунчасидан устун қуйиш бўлса керак. 30 – 40 йилки иложини топган ўзбек емай-ичмай, дам олишга бормай, тузук даволанмай, китоб сотиб олмай ўттиз икки тишини бир бало қилиб олтин қилишга ва икки қўлини белига қўйиб «Голливудча, жилмайиш»га қизиқади. Олтин тишли аксар ҳамюртларимизнинг оғизлари кўп очиб турилганидан очилса, ёпилмайдиган, ёпилса, очилмайдиган бўлиб қапшиқиб қолмоқда...

Бундан уч-тўрт йил олдин илк Туркманбоши, ортидан Тожикистон президенти И.Рахмон давлат хизматида ишловчилар, ўқитувчилар ва талабаларга олтин тиш қўйишни чекловчи қарор чиқарди. Балки бу йўл билан олтин тишларни йўқотиш мумкин, аммо инсонлар дунёқарашини – фалсафасини ўзгартириб бўлмайди...

Ҳар кун интернет саҳифасида кўз югуртириб, «Озодлик»

ёки ВВСни тинглаб, аксар битта хабарнинг турли тақдирларда такрорига гувоҳ бўлман. Хабарларда, дунёнинг қайсидир нуқтасида 20, 40 ёки 50 ўзбекнинг қулликдан озод этилганлиги, паспортлари олиб қўйилиб бир ёки бир неча шахс томонидан иш ҳайвони каби ишлатилгани, уларнинг оғир шароитларда (ертўла, чордоқ, омборхоналарда) яшаб келгани ва айрим ҳолларда жинсий тажовуз қурбони бўлганликлари ҳақида сўз кетади. Эшитиб, юрагим ачийди. Нега, деган савол фикру зикримни банд қилади. Нима учун чеченни, эскимосни, чукчани, ҳиндуни, лўлини ёки бирор қора танли африкаликни биров отхона ёки омборхонада тутиб, босиб, топтамайди, нуқул ўзбекка тажовуз қилади, дея ўйлайман. Ўзбекнинг гурсиллаган йигитлари уч-тўрт безорига ҳуқуқлари кафолати бўлган паспортларини бериб қўйиб, ўз оёқларини ўзлари тушовляяпди, аслида, бунга нима сабаб дея, хасталигимизга чора қидираман...

Таъбир жоиз бўлса, баъзан йигит-қизларимиз бироз эркинлик ҳис қилган жойда ўзларини заккий, ҳар бир нарсанинг қаловини топа оладиган, томдан ташласалар тикка тушадиган қилиб кўрсатади. Елкасига қоқиб, сал мақтасанг, тилида бўлса ҳам дунёнинг у эшигидан кириб бу эшигидан чиқади. Қайси соҳани гапирма, ўзини шу соҳанинг устасига йўяди. Тўғри, уларнинг ҳақканинг остидан тухумини олишларига мен ҳам ишонаман. Аммо, улар шунақа чапдаст ва уддабурро эканлар, нега «ҳа» деганда қулга айланиб қолаверадилар деган савол ич-этимни ўртаб юборади.

Кўпчилик бу муаммо сабабларини Ўзбекистондаги иқтисодий тангликда, ишсизликда ва меҳнат муҳожирларининг ўз ҳуқуматлари томонидан ҳуқуқий муҳофаза қилинмаслигида, деб билади. Бу фикрларга мен ҳам қўшиламан. Аммо, шу билан бирга муаммо замирида бошқа айрим факторлар борлигини ҳам рад қилиб бўлмайди.

Нуқсонларимиз негизини чуқур англаш учун ўзбекона зеҳният ва дунёқарашимизни шакллантираётган манбаалар хусусида ҳам жиддий мулоҳаза юритиш керак деб, ўйлайман.

Менимча, ўзбек миллати зеҳниятида охириги йилларда кечаётган оғир иқтисодий аҳвол ва сиёсий тангликлар одам-

ларни хорликдан ҳазар қилмасликка, ҳақсизлик масаласида ювошликка, қорин ғамида қулликни касб-ҳунар қилиб яшашга ўргатди. Бу бедодликларнинг номи – разолатдир.

Барчаси асосини миллатга ёпишган руҳий тушкунлик ташкил қилади. Миллий тушкунлик бошида барча кўргуликлар сабабчиси Каримов ва унинг атрофидагилар туради.

Фозил ва донишманд кимсалар этник гуруҳлар феъл-атвори ва зеҳнияти хусусида кўплаб қизиқарли фикрлар баён этганлар. Масалан, И.Кант «Миллий феъл-атворлар ҳақида»ги рисоласида қатор Европадаги миллатларнинг миллий ўзлигига баҳо бериб, немисларни ўта тартиб-интизомли, франсузларни ҳозиржавоб ва доно, инглизларни ишбилармон деб таърифлайди.

Гумилев ҳам асарларида ҳар хил этнослар тарихи ва ҳозирги ҳаёт тарзи ҳақида жуда кўп мулоҳазалар билдирган. У қадимда бизнинг ҳудудларда яшаган элатларни жасур, қўрқмас ва ўта тадбиркор деб баҳолаган. Айниқса, унинг турк халқлари феъл-атвори тўғрисида билдирган мулоҳазалари биз учун жуда қимматлидир. У туркларнинг ҳеч қачон қуллик ва тобелик билан чиқиша олмаслигини қайд этади.

Афсус, ота-боболар руҳиятида ҳурлик ва озодликка асос бўлган бу ноёб хислатлар кўрқоқлик ва ялтоқликка ўрнини бўшатиб, бугун бизнинг тимсолимизда тескари натижалар беряпти. Бу борада тадқиқотлар олиб борган кўплаб олимлар, ҳар бир миллатнинг ўз миллий характери борлигини ва бу миллий характер шаклланишида қуйидаги манбаалар асосий рол ўйнашини айтади:

- халқнинг маданияти
- дини
- халқ бошида турган элитанинг феъл-атвори
- миллат бошидан кечираётган сиёсий вазият
- атроф-муҳит, табиати
- атроф-муҳит релефи (чўл, тоғлик, денгиз бўйи ва ҳаказолар)
- атроф-муҳитдаги флора ва фауна (ҳайвонот дунёси), ва бошқа манбаалар...

Этнопсихология фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган Франс Боас (1858-1942) ўз асарларида юқоридаги сабаблар натижаси ўлароқ этник гуруҳлар феъл-атворида шаклланиши мумкин бўлган «Миллий руҳ» хусусида жуда кўп қимматли маълумотлар ва хулосаларни баён этади.

Дунё тажрибаси кўрсатаётгани каби миллатларнинг феъл-атвори шаклланишида миллат бошида турган элита ва унинг олиб бораётган сиёсати бирламчи муҳим омил ҳисобланади. Бугун ночор аҳволга тушиб қолаётган ўзбеклар фожеасида ҳам бош сабабчи – халқни сурункали қўрқоқлик ва журъатсизликка ундаб келаётган элита бўлади.

Руҳи тетик ва соғлом одам жуда қудратли бўлади. Бу, шахс дегани. Шахслар бирлашсалар, жамоага – дарёга айланадилар. Дарёга дўнган миллатни ҳеч бир куч синдиришга қодир эмас.

Олтин тишлар, на бизга мардлик ва, на-да матонат бағишлай олади. Мардлик ва матонат руҳ ва шуур маҳсули. У тўғри тарбия ва фойдали бўлган илм-фан, сабот ва сабр билан ўртага чиқади. Барчасининг замирида эса, тинимсиз ва машаққатли меҳнат ётади.

Дунёнинг кўп жойида кимнинг қанча бойлиги борлиги ва қанча топаётганини сўраш одобсизлик ҳисобланади. Уларнинг зеҳнияти ҳам шу асосда шаклланган. Миллиарддерни ташқи кўринишига қараб, оддий одамлардан ажратиш қийин. Одамлар топган бойлигини бўйнига осиб, ёки оғзига қоплаб ҳаммага кўз-кўз қилмайди.

Бизда одамлар бойлигини бошқаларга кўз-кўз қилишга қизиқади.

Олтин тишлар – ёлғон ва макр, мақтанчоқлик ва маддоҳлик, ақл ноқислиги ўлароқ ўзимиз томонимиздан феъл-атворимизга берилган сўзсиз баҳодир. Бу барчаси зеҳниятимиз ҳосили сифатида, бизнинг умр йўлимизга чизилган чизгиларнинг сирларини осонлик билан фош қилиб туради.

Юртимиздаги ишсизликни, ҳукуматдагиларнинг бетийиқлигини, бошимиздан кечираётганимиз таназзуллар ва инқирозлар сабабини мана шу чизиқлар ичидан қидирмоғимиз керак.

Яъни, душманни ташқаридан эмас, ичимиздан изласак, биз барча азоб-уқубатлардан ўзимизни халос этган бўламиз!

Насрулло Саййид. “Муносабат” сайти, 2010- йил.

УРАНСИЗ ҲАМ БОЙИСА БЎЛАДИ...

Уран моддаси нима эканлигини кўпчилик яхши тушунмайди. Уран нималигини теран англаш учун физикани яхши билиш керак.

Физикада “Радиоактив нурланиш” деган бўлим бор, ўша бобда нурланиш тушунчаси ўргатилади.

Менделеев даврий жадвалидаги уран моддаси 1789 йилда кашф қилинган. У оғир металллар гуруҳига кириб, 1132 даража иссиқликда эрийди. Уран доимий тарзда ўзидан алфа, бета ва гамма нурларини тарқатиб туради. Урандан чиқадиган кўзга кўринмас нурлар инсон тўқималарининг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқиб кетади. Урандан чиқадиган гамма нури айниқса инсон тўқималари учун жуда хавфли. У инсондаги эндокрин безларни емиради ва инсон генетикасини бузиб ташлайди. Дунё тиббиёти инсон вужуди учун 15 микроренген/соатдан ошган нурланишни хавфли деб, топган.

Уран конлари асосан чуқур ер остида бўлади. Ўзбекистондаги таркибида урани бор қатламларни 400 – 500 қулоч чуқурликда деб, ўқиганман.

Уран конлари унчалик қалин бўлмаган қатлам ҳосил қилиб, ер остида ўлик аждаҳодек ухлаб ётади. У, ер устига олиб чиқилдими, жонланади, ва жиловлай олмасанг етган жойини жаҳаннамга айлантиради. Шу боис дунёдаги кўплаб ривожланган мамлакатлар ўз ерларидан уран қазиб чиқармайдилар...

Уранга доимий эҳтиёжнинг борлиги сабабли, у барибир қаердадир қазиб олинади. Кўплаб атом реакторлари уранда ишлайди, космик ракеталарни учиришда ҳам уран энергиясидан фойдаланилади. Асосан, уни иқтисоди ночор ўлкалар қа-

зиб олади. Иқтисодини бошқа соҳалар орқали кўтара олмаган ёки ўз экологиясига беписанд ҳукуматлар кўпроқ шунга ўхшаш «ажал» орқали келадиган бойлик билан ўйнашадилар. Демократик жамиятларда уран ишлаб чиқаришда юз фоиз хавфсизлик таъминланмаса, у ерларда физикадан тушунчаси бор халқ оёққа қалқади.

Собиқ СССР даврида уран асосан Марказий Осиё ва Сибирдан қазиб олинган. Энг катта конларнинг Ўзбекистонда бўлганлиги ҳам сир эмас. Давлат геология ва минерология қўмитасининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда 185,8 минг тонна уран заҳираси борлиги аниқланган. 2007 йилда юртимизда бир йилда 2, 27 минг тонна уран қазиб олинди. Каримов бошчилигидаги ҳукумат уран ишлаб чиқаришни 2012 йилгача 1,5 баробар ошириш ҳаракатида. Бу борада, Россия ва Жанубий Корея билан конкрет шартномалар имзоланган. Бу жараён Навоий тоғ-металлургия комбинатида раҳбарият ўзгарганидан сўнг янада илдамлади. (Комбинатни ҳозирда Қувондиқ Саноқулов бошқармоқда) Натижада, 2009 йилда уран сотиш олдинги йилга нисбатан 106,3 фоизга ўсди, дейилмоқда ҳисоботларда.

Ўзбекистонда ишга тушмаган қирқдан ортиқ уран конлари аниқланиб, тепасига қозиқча қоқиб қўйилган дейишади, соҳа мутахассислари.

МАГАТЭ ташкилоти маълумотларига қараганда, Ўзбекистон дунёда уран заҳиралари миқдори жиҳатдан еттинчи ўринни эгаллайди. Ишлаб чиқариш бўйича эса, бешинчи ўринга чиқди. Яқин келажакда Ўзбекистон дунёдаги “ажал” моддасининг энг асосий ишлаб чиқарувчисига айланса, ажаб эмас...

Хўш, бунинг нимаси ёмон дерсиз?

Ишлаб чиқариш соҳасида энг асосий муаммо – уран чиқиндиларини зарарсизлантириш, яъни йўқотиш муаммосидир. Чиқиндилар очик аҳволда қолдирилса, атроф муҳитга жуда катта зарар етказиши мумкин. Ҳатто тирик мавжудотни бутунлай қириб юбориши мумкин.

Чиқиндилар қандай пайдо бўлади?

Ер остидан қазиб, сўнгра юқорига чиқарилган таркибида

урани бор руда қайта ишлашга юборишдан олдин сараланади. Таркиби бой қисми заводга жўнатилса, таркибида уран моддаси оз қисми чиқинди сифатида махсус омборларга жойланади.

Бу, биринчи муаммо.

Ишлаб чиқаришдан қайтган ҳеч кимга керак эмас рудани хавфсиз ҳолда асраш эса, иккинчи муаммо ҳисобланади.

Даромад илинжида юрганлар чиқиндига пул сарфламайди. Ер остидан чиққан таркибида уран миқдори оз бўлган чиқинди билан ишлаб чиқаришдан чиққан чиқинди қўшилиб, аста-секин ажал тоғини пайдо қилиб бораверади. Бугун бунақа тоғ уюмларининг сон-саноғи йўқ. Ажал уюмларининг Ўзбекистоннинг ҳар ерида 15 ўрнига атрофга 200 – 300 микроренген нур таратиб тургани ҳисобга олинса, оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган зиёнлар ўз-ўзидан аён бўлади...

Ўзбекистон яқин кунларда яна ўн икки янги уран конини ишга тушириш ҳаракатида. “Шимолий Конимех” кони аллақачон ишга тушган. “Кетмончи”, “Майлисой” ва “Тутли” конлари ҳам яқин кунларда ишга тушиши керак. Бу ишлар учун инвесторлар ҳам тайёр. Уларнинг бировнинг қирилиб кетгани била ниши йўқ. Улар учун мўмай пул ва давомли даромад бўлсин...

Ўзбекистондаги ер ости сувлари таркиби ўзгариб, уларда заҳарли моддалар миқдори кўпайиб кетаётганлигини мутахассислар яхши биладилар. Қуриб бораётган дарёлардан сув ичолмай, ер остидан чиқариладиган сувларга куни қолган аҳоли-чи?! Уларнинг заҳар ичаётганларидан, ишлаб топган маблағларини соғлиқларини тиклаш учун сарфлаётганларидан хабарлари бормикан?!

Ўзбекистонда урансиз ҳам иқтисодни кўтарса бўлади. Бу учун ақллар ва ақлларни ишга солиш учун эркинлик ва қонунлар асосида иш кўрадиган тизим лозим...

Насрулло Саййид. «Муносабат» сайти, 2012- йил.

ЗАМОНЛАР ЎЗГАРАР, ЎЗГАРМА, БОЛАМ!

Замонлар шиддат билан ўтиб бораверади, кексалар ўлиб, ёшлар туғилаверади... Бу жараённи ҳеч ким, ҳеч қачон тўхта-та олмайди.

Ҳар даврнинг ўз муаммоси бўлгани сингари, ҳар замоннинг ўз шакли ва шамойили бор. Сенга, биз ундай қилганмиз, биз бундай қилганмиз деганимда, юзингни буриштирмасанг-да тоқат қилиб зўрға эшитаётганингни сезаман. Биргина сен эмас, барча болалар шундайлигини билганим учун, индамайман...

Биз ҳам бир замонлар шундай эдик.

Замон ўзгариб кетди. Бугун кўраётганларинг биз улғайган олдинги замонлардагига сира ўхшамайди... Ўхшамаса ҳам, биз сенинг замонингда сен билан бирга яшаяпмиз. Бир тан-бир жон бўлсак-да, шууримиз ва фитратимиз сеникига кўра бироз фарқли. Мен буни гоҳида атай сенга сездириб, от изини той босади тамойилида зимдан иш тутмоқчи бўламан. Балки сен буни менинг инжиқлигимга йўясан?! Мен эса буни боболаримиз ва келажак олдидаги бурч ўлароқ гўзал анъаналарнинг сенинг шуурингда яшаб, келгуси наслларга етиб боришини истайман. Чунки, яхшилик билан ёмонлик замоннинг қош-қовоғига қараб ўзгариб турадиган бир нарса эмас. Улар барча замонларда ўзларининг ишларини қилаверадилар.

Сен, яхшиликдан ва ёмонликдан келадиган ҳар қанақа ҳаводисларга ҳозир туришинг керак. Муваффақият ва мағлубият олдида эсанкирамаслик – кучлилик аломатидир. Куч ва ақл йўлни йўқотмаслик ва адолат байроғини бой бермаслик учун лозим. Йўлни йўқотмаган кимса, муқаррар бир кун кўзланган манзилни забт этади.

Менинг ҳаётим машаққат ва омонсиз курашларда кечмоқда. Шунга яраша тирноқлаб жамлаган ҳаёт тажрибам бор. Тажрибаларим билан лиқ тўла юрагимдаги сандиқдан ниманидир олиб, сен билан бўлашгим келади. Сенинг мен қоқилган кўчаларда қоқилишингни, мен алданган манзилларда ал-

данишингни хоҳламайман. Сенинг мен йўл қўйган хатоларни бартараф этишингдан умидвор бўлиб яшайман. Шунда, турган ерида депсиниб турган ўзбек жамиятининг силжишига, тараққиёт ва ривожланиш йўлидан дадил қадамлар отишига ишонаман. Бугун ҳам тажрибаларим қўним топган юрагимдаги олтин сандиқ устида сен билан бир нималарни бўлашишни қўмсаяпман...

Биз ўқиган қишлоқ мактаби ҳозирги мактаблардан хароброқ эди. Латта сумкани елкага осиб, тўрт чақирим узоқдаги мактабга эрта саҳардан йўлга тушардим. Бизни ўқитган муаллимларни ҳам ҳозирги муаллимларга сира ўхшатиб бўлмайди. Улар бутунлай бошқача эдилар. Чунки, уларнинг замони бошқача эди. Ҳарқалай, у замонларда ўқитувчилар ўқувчилардан нос ёки сигарет тилаб олиб чекмасди....

Ўшанда, нечанчи синфда ўқиганим эсимда йўқ. Бир куни адабиёт ўқитувчимиз бизга бир ҳикоя айтиб берганди. У ҳикояни шунчалик таъсирчан қилиб сўзлаганидан ҳозиргача у менинг қулоқларим остида жаранглаб туради. Дарслигимиздан жой олган ўша ҳикоя, “Тиришқоқ Юн Су” деб аталарди...

Бугун ўша ҳикояни сен билан баҳам кўргим келяпди.

...Қачонлардир Фучжоу деган ерда Юн Су деган бола яшаган. Отаси эрта ўлиб, у етим бўлиб қолади, ва у онаси билан жуда қашшоқликда ҳаёт кечиради. Уларнинг уйида баъзан ейишга бир сиқим гуруч ҳам топилмайди.

Юн Су мактаб ёшига етганида онаси унга на қоғоз, на қалам, на сиёҳ ва на ёзадиган бирор нарса олиб бера олмайди. Юн Сунинг эса фақат ўқигиси келар, у тинмай илм олишга йўл изларди. У бир куни, “Албатта ўқийман” деб ўз-ўзига сўз беради.

У эртаси кун эрталаб туриб, бой қўшнисининг уйига бориб, унга: «Эшитишимча, сиз хизматкор излаётган экансиз. Мени ишга олинг. Менга кўп нарсанинг кераги йўқ. Фақат ўғилларингиз дарс олаётганда узоқдан қараб туришга рухсат берсангиз, шу менга етади» дейди. Бой, Юн Сунинг деярли ҳеч нарса сўрамаганидан қувониб, уни ишга олади.

Юн Су бой қўшнисининг уйида эртадан кечгача ишлай бошлайди. Бой рўзғордаги энг оғир ва қора ишларни унга бую-

ради. Барчаси эвазига Юн Су бойнинг болаларини ўқитадиган ўқитувчи уйга келиб, дарс бераётганда хонага кирган жойдан уларни диққат билан кузатиб туради. Ҳатто, унинг нигоҳи бой болалари ўқийдиган китобларга ҳам тушиб қолган кунлар бўлади.

Шу тариқа, кунлар ўтаверади. Айрим кунлари Юн Сунинг дарс тинглашга имкон бўлар, айрим кунларда у дарс тинглашга фурсат тополмасди. Шундай бўлсада, у дарслардан анча-бунча нарсани ўзлаштиришга эришади.

Орадан бир йил ўтиб, унинг анча-бунча саводи чиқади. Аммо, ёзишни ўргана олмайди. У нима қилишни билмасдан узоқ ўйланади, ва охири ёзишни ўрганишнинг ҳам йўлини топади.

Юн Су онаси билан денгиз қирғоғидаги кичкина қулбада яшарди. Денгиз тўлқинлари тинимсиз ювиб турадиган қирғоқ жуда ҳам қумли бўлиб, соҳил ҳар тўлқин келиб кетганидан сўнг қоғоздай силлиқ бўлиб ялтираб турарди. У қўлига бир таёқ олиб, қумга ёза бошлайди. У тинмай бир нималар ёзиб-чизмасин ортига қайтган тўлқинлар қирғоққа урилиб, ёзувларни соҳилдан ювиб кетаверарди. Шу тариқа Юн Су ҳам тўлқин тозалаб турадиган қум дўскага тинмай ёзаверарди...

У бой болалари нималар ёзаётганини улар ўтирган хона томига чиқиб, у ердаги қалдирғочлар учиб кирадиган бир тешикдан қараб кўрар, ва югуриб бориб соҳилда ёзиб кўришни машқ қиларди. Шу тарзда, у охир-оқибат ёзишни ҳам ўрганиб олади.

Энди Юн Су мустақил равишда китоб ўқий олар ва унинг кўп китоб ўқигиси келарди. Аммо, унда китоб сотиб олишга пул йўқ эди.

У бир кун бойнинг олдида бориб: «Хўжайин, шу пайтгача уйингизда бепул ишладим. Энди бироз пулга ишламасам бўлмайди. Агар пул беролмасангиз, ҳеч бўлмаганда уйингиздаги китобларни ўқишга рухсат берганингизда ҳам уйингизда қолиб, ишлардим», дейди.

Узоқ ўйлаган бойнинг текин мардикордан ажрагиси келмайди. Юн Суга гоҳ-гоҳ жавондаги китоблардан уйига олиб кетиб ўқишга рухсат беради.

Юн Су имкон топди дегунча, тунлари билан китоб ўқирди.

У шу қадар камбағаллигидан шам сотиб олишга ҳам пул тополмас, шу боис у китобни тунда ой чиққанда ой нурида, ойсиз кечаларда ўзидан ёруғлик тарқатадиган қуртларнинг ёғдусида ўқирди.

Шу янглиғ етим ва камбағал, аммо ўта тиришқоқ ва меҳнаткаш Юн Су илмли инсон бўлиб етишади. Нафақат илмли, у ўз юртида номи чиққан катта бир донишмандга айланди.

Орадан юз йиллар ўтиб ҳам, одамлар ҳалига довур тиришқоқ ва меҳнатсевар Юн Суни унутмайдилар. Уни ҳаётларининг оғир ва машаққатли кўчаларида йўлчи юлдуз каби эслаб юрадилар.

Мен ҳам Юн Суни ҳаётнинг оғир ва машаққатли дамларида кўп эслаб тураман. Сен ҳам уни эслаб, юр!

Кучли ва самимий шахсларнинг ҳаёт йўллари миллионлаган инсонларнинг ҳаёт йўлларини мисли қоронғи кечадаги юлдуз каби ёритиб туради...

Насрулло Сайид. «Муносабат» сайти, 2010- йил.

ЎЗБЕК ФЕНОМЕНИ

Ҳар ерда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам доимий равишда ижтимоий сўровлар ўтказиб турилади.

Жамият ўз-ўзини тинмай тафтиш қилишдан – ўрганишдан чарчамаслиги керак. Одамлар фикрини билиш мамлакатдаги сиёсий вазиятни тўғри таҳлил этишга имкон беради. Чунки демократик жамият пойдевори халқнинг хоҳиш-истаги билан бутланади. Халқнинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинмаган жамиятларда диктатура ҳукмронлик қилади.

Тўғриси, Ўзбекистонда ҳар сафар сўров натижалари эълон қилинганда ўзимни кулишдан тия олмайман. Тадқиқотчиларимиз диктатор И.Каримовга ёқиш учун ёлғонни тап тортмай капалайдиган бўлиб қолганлар.

Бошдан атай, сўровномаларда саволлар ғалис ва тушунар-сиз тузилган бўлади. Натижалар эса, ундан-да мужмал. Ўқиб, энсанг қотади.

Яқинда Россиядаги Умумроссия жамоат фикрини ўрганиш маркази (ВСИОМ) бир маълумот тарқатди. Аниқроғи ушбу марказ бош директори Валерий Федоров Москва шаҳрида бир матбуот анжумани ўтказиб, МДХ мамлакатлари бўйича ўзлари ўтказган сўровлар натижаларини эълон қилди. (2009 йил 21 июль куни).

Марказ ходимлари 13 та собиқ СССР республикаларида махсус сўровлар ўтказиб, у ерларда жамоатчилик фикрини ўрганган. Сўровнома, “Ҳозирги ҳаётингиздан мамнунмисиз?” деган умумий савол атрофида фуқароларнинг иқтисодий бўҳронлар давридаги кун кечириб муаммоларига қаратилган.

Россиялик мутахассислар фикрича сўровда қатнашганларнинг умумий фикрларига асосланган, “ўз ҳаётдан мамнунлик даражаси” Ўзбекистонда – 89, Эстонияда – 74, ва Россияда – 47 фоизни ташкил қилган. Қозоғистон ва қирғизистонликларнинг “мамнунлик” даражаси россияликларникидан юқори бўлсада, ўзбекистонликларникига яқинлаша олмаган. Тарқатилган маълумотларда айтилишича, украиналикларнинг – 62, арманистонликларнинг – 62, гуржистонликларнинг – 60, молдоваликларнинг – 58 фоизи ўз ҳаётдан қониқмаган.

“Энг зўр яшаётган кимлар?” деган саволга россиялик тадқиқотчилар ўзбекистонликларни лойиқ деб топишган. Эстонияда – 14, Қозоғистонда – 21 фоиз фуқаро “Зўр яшайман” деган бўлса, ўзбекистонликлардан – 42 фоиз иштирокчи “Яшашимга гап йўқ” деган жавобни берган.

ВСИОМ ташкилоти сўровномасида МДХ мамлакатларидаги фуқаролардан ўз президентларига бўлган ишонч масаласи ҳам сўралган эмиш. Жамоатчилик фикри ўрганилганда Тожикистонда – 85, Қозоғистонда – 85, Россияда – 73 ва Украинада бор-йўғи – 14 фоиз сўралганлар ўз президентларидан мамнунлигини очиқлаган.

Россиялик тадқиқотчилар ўзбек халқининг ўз президенти-дан мамнунлиги даражасини нимагадир очиқ қолдирган.

“Евразийский мониторинг” тадқиқот агентлиги ижроия директори Игор Задориннинг айтишича, “Қозоғистон ва Ўзбекистон сингари бир қатор мамлакатларда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари жуда ёмон даражада бўлсада, ҳаётидан розилар сони жадал ривожланаётган мамлакатларга нисбатан нимагадир кўп...”

Аммо у “Нимага шундай эканлигини?” тушунтириб бера олмаган. Керак бўлса тушунтириб бера олмайди ҳам. Чунки кўплаб олимлар ва ҳатто хуфия агентлар бу борада роса изланишсада, ҳозиргача бирор натижа бўлмаган. Сабаби, бу ўзбек халқининг миллий сиридир.

Хитойлар чинни ва ипакнинг қандай яратилишини минг йиллар яширишга эришганларида, бизлар “очлик ва хўрликда ҳам тиржайиб туриш” фенонимини жилла қурса юз-икки юз йил сир тута олмаймизми?

Насрулло Саййид. «Муносабат» ва «Янги дунё» сайтлари, 2011-йил

ГУМОН ГУНОҲДИР, ШУБҲА БИР НЕЪМАТ...

Ўтган ҳафта дунёдаги энг нуфузли тадқиқот компанияларидан бири – “Economist Intelligence Unit”га қарашли «The Economist» журнали эълон қилган бир хабардан сўнг жуда кўп ўйландим. Журналдаги хабар юзасидан ўзимизнинг “БЭК” клубида дўстларга маслаҳат солдим, жуда кўплаб мутахассисларнинг фикрлари билан қизиқдим.

Мени қизиқтираётган жиҳат, 1843 йилдан бери босилиб келаётган, ҳозирда эса 1,2 миллион нусхада дунёнинг 120 мамлакатада қизиқиб ўқиладиган “Economist Intelligence Unit”га қарашли “The Economist” журнали башоратида қанчалик ҳақиқат борлиги эди.

Бир пайтлар, Рус болшевиклари доҳийси Владимир Ленин ўз асарларида ундан ситаталар келтирган.

Дунёдаги кўплаб тадқиқотчи олимлар хулосаларидан “энг ишончли” деб фойдаланадиган Буюк Британиянинг ушбу журнали наҳотки Ўзбекистонни дунёнинг ривожланаётган беш мамлакати қаторига қўшаётган бўлса?!

“Кўнгил кўза кабидир. Уни энг тоза сув билан тўлдириш керак”, дейди бобомиз Румий.

Аллоҳнинг муқаддас китоби Қуръони каримда: “Эй мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир!” (Ҳужурот, 12).

«Наҳот, биз узоқ йиллар муҳолифатда юриб, Каримов амалга ошираётган ишларга фақат танқидий кўз билан қараб, унинг яхши ишларини сезмай қолганмиз?! Ё, ҳақиқатан ҳам биз ҳасадчи ва ғаламисга айланиб улгурганмизми?!»

Гумоннинг гуноҳлиги айтилган китобда Аллоҳнинг «шубҳа – неъматдир» деганини ҳам кимдандир эшитганим бор. Демак, шубҳа йўқ жойда ҳушёрлик ҳам йўқ. Ҳушёрлик бўлмаган ерда жаҳолат ҳукмронлик қилади...

Ҳаётга доимо соғлом қарашга одатланганим учун масалани чуқурроқ ўрганишга қарор қилдим.

Биринчи қилган ишим муҳолифатдаги бошқа биродарларнинг фикрини билиш эди.

Абдураҳим Пўлатов бошқараётган “Ҳаракат” сайтини очдим. У ердаги мана бу сатрларга кўзим тушди: “Сафсатада эстафета таёқчаси Economist Intelligence Unitга теги... Афтидан мазкур ташкилот диктатура мустаҳкам ўрнашган мамлакатларнинг ёлғон статистикаси асосида вазиятни таҳлил қилишга уринган...”

Кейин Францияга қўнғироқ қилиб, Толиб Ёқубовдан шу боладаги фикрларини сўрадим: “Ёзаверади-да, улар Ўзбекистондаги аҳволни қаердан билсин? Бу кулгили бир гап-ку...” деди у киши.

Сўнгра “Умид” орқали АҚШдаги нуфузли олийгоҳлардаги иқтисод куллийтларини битирган ва ўзларини “Ўзбекистон иқтисодини таҳлил қила оладиганлар тоифасидан” деб биладиган танишларга қўнғироқ қилдим: “Э ака, қизиқмисиз... Бу ҳаммаси ёлғон гаплар. Ўзбекистон иқтисоди томом бўлиб бўл-

ганку...” деди улар ҳам.

Бошим қотди. Наҳотки, шундай нуфузли журнал ёлғон статистикага ишониб, ўз обрўйини тўкадиган кулгили башоратлар эълон қилса, деб ўйладим.

Интернетни очиб Economist Intelligence Unit қилган ўша баёнотни қайта-қайта ўқийман: “Ташкилотимиз олиб борган тадқиқотларга асосланиб шуни айтамызки, келаси 2010 йилда Ўзбекистон дунёда иқтисоди шиддат билан ўсиб бораётган беш мамлакатдан бирига айланади. Келаси йили Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш (ВВП) даражаси 8,1 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич бўйича энг юқори баҳо Қатар (24,5 фоиз), Туркманистон (11,0 фоиз), Озарбайжон (9,5 фоиз) ва Хитой (8,7 фоиз) мамлакатларига берилди. Улардан кейин эса Ўзбекистон...”

Туркманистон балки шиддат билан ривожланаётгандир, чунки ҳар томонга нефт ва газ сотиб ётибди, аҳолиси эса жуда оз. Озарбайжон ҳам шундай. Хитойнику айтмаса бўлади, дунёда “Made in China” деган ёзуви бўлмаган нарса қолмади.

Ўзбекистон қайси йўл билан ривожланаётган экан? Аҳолисининг тенг ярми четда мардикорликда дарбадар бўлиб юрган бўлса. Дунё кезиб ҳеч бир ерда ҳали “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган белгиси бор бирор маҳсулот сотиб олмаган бўлсам. Ишлаб чиқарилаётган енгил машиналарни ҳисобга оладиган бўлсак, улардан келадиган даромад фақат чет элликларнинг чўнтагини қаппайтираётган бўлса...

Хуллас, бошни қотирадиган саволлар кўпайиб кетди. Аниқлик излаб ўзимни қаерга урмай, Ўзбекистон бюджети кўрсаткичларининг сир тутилиши масаланинг ечимини топишга тўсиқ бўлиб тураверди.

Таслим бўлмадим, эринмадим. Ишни охирига етказиш учун интернет сайтларининг тит-питини чиқариб ташладим. Ҳатто, олди-қочдилардан иборат Ўзбекистондаги расмий сайтларни ҳам ағдар-тўнтар қилишга тўғри келди. Бирортасидан ҳам икки калима бўлсин таҳлилий материал топишнинг имкони бўлмади. Барчасида, ёлғон-яшриқдан иборат умумий уйдирмалар.

Бир муҳолифат сайти: “Бемаза мамлакат аҳлининг турмуш

тарзи ҳам бемаза бўлади, бир бирига муносабати ҳам бемаза бўлади, улар етиб келадиган оқибатлар ҳам бемаза бўлади. Ахир шуни сезмаяпсизларми?” деб ёзибди. Ўқиб, ҳафсалам баттар пир бўлди.

Нуфузли бир нашр Ўзбекистонни “Дунёда энг зўрлардан бешинчиси” деб турганда, бошқаси “бемаза” деса қулоққа эриш эшитиларкан...

“Фарғона.ру” Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволни кўрсатиб бериш мақсадида қатор кўрсаткичларга эътиборни қаратибди. Масалан, деб ёзади, сайт. “Transparency International” хулосасига кўра Ўзбекистондаги коррупция даражаси ёмонлардан ҳам ёмон. У 180 мамлакат орасида 174 ўринда... Ўзбекистон ўзининг «Инсон имкониятларининг ривожланиши даражаси» бўйича 182 мамлакат орасида 118 ўринда бўлиб, ҳатто Экваториал Гвинеядан ҳам орқада эканлиги айтилади...

Иқтисодий эркинлик даражаси бўйича ҳам Ўзбекистондаги аҳвол доим танқидларга учрайди. «Heritage Foundation и The Wall Street Journal»ни ёзишича, мамлакатимиз дунёдаги 183 мамлакат орасида 148 ўринда экан. Инсон ҳуқуқлари борасида Ўзбекистоннинг аҳволига маймунлар йиғлайди. Бу мамлакат дунёдаги энг зулмкор мамлакатлардан бири эканлигини жуда кўп халқаро ташкилотлар эътироф этадилар.

Аллоҳ таоло фақат икки кишига ҳасад қилмасликни қаттиқ таъкидлар экан. Биринчиси, муқаддас Китобига кеча-кундуз амал қилган кишига, иккинчиси, катта бойлик бериб қўйиб, уни кеча-кундуз садақа қилаётган кимсага.

Хулоса, Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам “Economist Intelligence Unit” таъкидлаётганидек, кундан-кун бойиб, шиддат билан ривожланиб бораётган бўлса, нима учун бунинг натижаси халқимиз турмуш тарзида сезилмайди?! Нима учун давлат ташландиқ уй сингари кундан-кун тўкилиб, нураб боряпти?!

Қачон Ўзбекистон ҳукумати ва ҳукумат бошида турган И.Каримовга ҳеч ким шубҳа кўзи билан қарамайди: Зулм ва тенгсизлик туфайли юртдан қочганлар Ўзбекистонга қайта бошлаганларида... Ер юзига тарикқдек сочилиб кетган милёнлаган мардикорлар ватанга қайтиб, ўз иш ўринларига эга бўл-

ганларида... Одамлар ҳеч нимадан кўрқмай бир том остида бола-чақаси билан бехавотир, роҳат ва фароғатда умру гузронлик қилганларида... Мамлакатнинг ҳар бурчагида Озодлик ва Эркинликнинг тамкин шамоллари тинмай эсиб турганда...

Бу гапларни “Economist Intelligence Unit” ходимларига қандай тушунтираман...

Насрулло Саййид. «Янги дунё» сайти, 2009- йил.

СИЁСИЙ ТАФАККУР ТАҚЧИЛЛИГИ

Икки нарса бир-бирини тўлдиради.

Тафаккур ва ижтимоий фаолият.

Мазкур икки ҳолат жон ила тан каби бир-бири билан муштарак бўлмас экан, инсон ҳаётда ҳеч қачон ўзлигини намоён эта олмайди.

Кимнинг кимлигини шу икки унсур белгилаб туради.

Инсон табиати унинг ақли ва тафаккури билан боғлиқ.

“Фалончи, фалон ишни расво қилибди”, ёки «фалончи фалон ишни қойиллатибди» деганда, кўз ўнгимизда қиёфа ўлароқ ўша инсоннинг фикрлаш даражаси ва ақлий савияси намоён бўлади. “Унинг қўлидан шундан бошқа иш келмайди” ёки «шунақа қойилмақом ишларга угина қодир» дейди, дарҳол унинг шахсияти билан таниш кимсалар.

Шундай экан воқеаларнинг қай йўсинда содир бўлиш-бўлмаслиги ҳам инсонлар тафаккури даражасида намоён бўлади.

Тафаккур шаклланиши негизида билим ва ақлнинг таҳлил қила олиш ва умумлаштириш салоҳияти бирламчи бўлмоғи лозим.

Мустақил хулоса қилиш масъулиятидан чўчимаслик, соғлом скепсиси (ҳар нарсага танқидий кўз билан қараш) ҳиссиёти, психологик хусусиятлар ва муайян диний, ахлоқий, эстетик қадриятлар муносабати ҳар бир инсоннинг шахсини аниқлаб берадиган умум белгилардир. Мазкур белгилардан келиб чиқиб

ҳар бир инсоннинг нималарга қодир эканлигини олдиндан тахмин қилса бўлади. Масалан, мен ўзларини “Бирдамлик” ҳаракати аъзолари деб, таништирган бир гуруҳ ватандошларимизнинг Вашингтондаги “Озодлик” радиоси офиси олдида қилган пикетларидан сира ҳам ажабланганим йўқ. Чунки пикетда қатнашганларнинг шахсиятини, сиёсий савиясини матбуотдаги чиқишлари орқали кузатиб борганман. Улар ҳақидаги маълум бир тасаввурлар менда узоқ вақт шаклланган. Шунинг учун уларнинг ўз олдларига қўйган мақсадларини тахмин қилганим каби савиялари даражасида бажара олишларига ишонардим.

Умуман олганда, нафақат улар, бутун ўзбек жамияти бугун жуда оғир бир даврни – фикр тақчиллиги кризисини бошидан кечирмоқда. Фикрлар тиниқ бўлмаган жойда жиззакилик ва «пахта қўйиш синдроми» урчий бошлайди.

Жамиятнинг миллий сиёсий тафаккур тақчилликка учрашига миллатни сабабчи қилиб кўрсатишдан йироқман.

Айб давлат бошида турган диктатуранинг халқни сиёсийлаштирмаслик учун олиб борган саъй-ҳаракатларида.

Шаклланган сиёсий тафаккур жуда кўп нарсани белгилаб беради. Тафаккурни қарам қилиш, унинг кенгайишига йўл қўймаслик – одамлардаги ғоявий иммунитет ва иродани заифлаштиради. Ғоялар қанчалар ҳаётбахш ва жозибали бўлмасин, улар тафаккур эркин қанот ёйолмайдиган муҳитда узоқ яшаб қололмайдилар.

Халқнинг рационал сиёсий тафаккурини ўстирмасликка тўсиқ қўйиш – мудҳиш бир жиноятдир.

Мафкуравий таълимотларда “тафаккур провинсиализми” деган нарса бор. Бу тушунча одамларнинг маҳаллий ва бачкана муаммоларга ўралашиб қолишини ифодалайди. Касаликка мубтало бўлганлар, ҳавойи оламшумулликка интилишда мусобақалашидан чарчамайдилар. Улар мулоҳаза юритилаётган масалалар бўйича дунёдаги билимлардан тамоман хабарсиз бир ҳолатда ўзларининг файласуф эканликларини кўрсатмоқчи бўладилар. Аммо ҳар доим тумшуқлари остида муқобил фикрлар ва бошқа минг бир хил ечимлар борлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бошқалардаги фикр ва

муаммо ечимлари қанчалар реал ва умум иши учун фойдали бўлмасин, ғоянинг унинг ўзидан чиқмагани уни аламзадага айлантиради. У шу ғоя манбаайини эзиб ташлаш учун ижтимоий ҳаётнинг бутун тармоқларини бошиберк кўчага олиб киришга тайёр. Ўзининг ҳар кимдан устин эканлигини кўрсатиш, у учун умри мазмунига айланиб қолган.

Энг ачинарлиси, “тафаккур провинсиализми” ботқоғига ботганлар маҳаллий муаммоларни глобал муаммолардан ажрата олмайдилар. Куч-ғайратларини беҳуда ва ҳавойи ҳаракатларга қурбон берадилар.

Бугун бутун ўзбек жамияти ана шу “тафаккур провинсиализми” ботқоғига атайлаб ботирилмоқда. Чунки бу хилдаги тафаккур тўпорилигида одамлар психологик жиҳатдан мустақил бўлолмайдилар. Доимий равишда ўзларига етакчи ва тақлид қилишга намуна излайдилар. Ана шу “авом тафаккури” касалига чалинганлар кўр-кўрона бировларга эргашиб кетаверадилар.

Бу ҳолатни ҳар хил ўта радикал оқимларга кўр-кўрона эргашиб кетаётганлар ва мухолифат аъзолари орасида ҳам учратиш мумкин.

Ҳа, ўзбек мухолифати ичида ҳам кўпчилик сиёсий тафаккур тақчиллигидан мосуво эмас. Ўзини мухолифатчиман деганларнинг чиқишлари ва амалий ҳаракатларини кузата туриб, уларнинг нақадар ғариб, тор ва маҳаллий муаммолар атрофида ўралашиб юрганлигига гувоҳ бўласан, киши.

Кўпчилик ҳалиям Каримов режими сочган “сочалоқ-ширинлик”ларни териб, бир-бири билан ёқа йиртишиб юрибди. Бу ҳолат Каримов давлат бошидан кетганидан сўнг ҳам бир неча йиллар давом этишидан дарак беради. Сиёсий тафаккур, жамиятдаги фикр тарқоқлиги ва ижтимоий бетайинлик хасталиги бугун келажак ҳақида гўё шунақа нарсалар хусусида сўзлаётгандай туюлади.

Афсус, саёз тафаккур ва тўмтоқ савия билан ҳеч қачон қудратли диктатурага қарши курашиб бўлмайди.

Насрулло Саййид. «Янги дунё» сайти, 2009-йил

БИЗ НИМА УЧУН ҲАР «ОВЧИ»НИНГ НИШОНИГА АЙЛАНДИК

“Автомат ўқталган қирғиз чегарачилари ўзбекларга Қирғизистон гимнини айтдирди” деб жар солди бутун дунёга кеча Россиянинг ИА REGNUM Новости интернет сайти. Хабарни барча “NEWS” тармоқлари орқали осонгина излаб топиб, ўқиса бўлади.

Хабарни ўқиб, ичингизда нималардир кечишига албатта ишонаман. Ҳеч бўлмаганда, беихтиёр тил учида нималар деб ғудурданиб қўясиз.

Россияликларнинг ўзбеклардаги миллий характери ўрганганига анча бўлди.

Мустақиллик ўзбекларни ёппасига мардикорга айлантди.

Россия ва Қозоғистон мелисалари ҳар қадамда ўзбекларни ушлаб, ҳужжат текширади.

Ароққа пули етмаган рус мелисасининг икки кўзи ўз-ўзидан атрофидан ўзбекни қидирадиган бўлган. Қозоқ мелисасининг тижорати ўзбек бўлмаса, ўша кун касод бўлади.

Россия ва Қозоғистонда ўзбекни мелиса ушладими, бергани олиб дарҳол қўйиб юборади.

Россиядан Ўзбекистонга Қозоғистон орқали кечиб ўтадиган йўловчилар, қозоқ йўлтўсарларининг емишига айланган. (Зотан, Ўзбекистонга кириш учун бошқа йўлнинг ўзи йўқ).

Вагонга чиққан уч-тўрт қозоқ ўзбек миллатига мансуб йўловчилардан пул териб олади. Ҳолини яхши биладиган ўзбек баъзида ҳали улар келмасидан пул йиғиб турган бўлади.

Улар бошқа миллат вакилларида, айниқса руслардан ҳеч қачон пул сўрашмайди.

Бу ҳолатларни Қозоғистон билан Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма яхши биледи. Кўпчилик воқеани ўз кўзи билан кўрмаган бўлса ҳам, улар бу ишнинг жабрини тортганлардан юз марта эшитганлар...

Умуман олганда, бизникилар учун бунақа ишлар янгилик

эмас.

Бизникилар шунақа, Ўзбекистон ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам сўрамаса ҳам сўраса ҳам бир-бирларини ташвиқ қилиб яқдил бўлиб бераверадилар. «Тортишиб, нимага эришамиз». «Тортишганда, қўлимиздан нима ҳам келарди». «Шулар билан ади-бади айтиб ўтирасанми» деган иборалар мустақиллик йилларида модага айланган. Боз устига, Ўзбекистонда баҳслашиш удум эмас. Ҳақини талаб қилган одамни ҳамма ёмон кўрди...

“Волгоград – родной город” веб – сайтини очиб, ўзбеклар ҳақидаги бир хабарга кўзим тушди. Унда “Инспектор УФМС навязал узбеку трусы и носки» деган сарлавҳаси остида бир мақола берилган эди.

УФМСнинг – Федераль миграсия хизмати бошқармаси эканлигини аниқлаб билганимдан сўнгра мақоланинг давомини ўқидим. Мақола бошқармага қарашли бир инспектор ҳар куни ўзига беркитилган Маршал Еременко кўчасидаги бозорга қатнаши ҳақида эди. Ёзилишича, инспектор кун бўйи бозор айланаиб юрар ва бирор “нарушение” изларкан. Кечгача протокол қила олмаса, яқин атрофдаги ўзбекларни мўлжалга оларкан.

Бир кун у бозордан “камчилик” тополмасдан, бозор яқинидаги “Блеск” автоулов ювиш шаҳобчасига борибди. У ўз иши билан банд икки ўзбекдан қоғозга имзо қўйишни сўрабди. Қоғозда нима ёзилганига қарамай имзо чеккан ўзбеклар, унга пул тутқазиб: «Командир, бизга яна қанақа хизмат бор» дейишибди...

Баённома, “Бозор ҳудудида рухсатсиз труси ва пайпоқлар сотаётганида ушланланганлик” ҳақида экан. Ўша икки ўзбекнинг иши шу кунларда терговда эмиш...

Интернетдан ўқиб ўтириб, гапни ёнимдаги шеригимга – афғонистонлик Бабракка айтувдим, у ҳам менга бир воқеани айтиб берди: «Бир кун Торонто қўналғасига ярим тундан оққанда келиб тушдим. Майдончадан икки бақувват инглиз йигити билан бир таксига ўтирдик. Уларнинг бироз кайфлари борлиги афт-башарасидан шундоқ билиниб турарди. Шу боисданми, аввалига мени менсимадилар. Кейинроқ бирови мендан

кимлигимни сўради. “Афғон”ман, дедим. Улар бирдан жимиб, ўзгариб қолдилар, бирпасда кайфлари ҳам тарқади. Бир пайт, афғонларни тинмай мақташга тушиб кетдилар. Хуллас, мени уйимнинг эшигигача иззат-икром билан кузатиб қўйдилар...»

Насрулло Саййид. «Янги дунё» сайти, 2009-йил

ҚАДИМ ТУРКНИНГ КЎҲНА БОЙКЎЛИ

Ер юзидаги туркчада гапирадиган ўзлигини англаган ҳар бир инсон ўзининг келиб чиқиши Олтойга бориб тақалишини яхши билади. Сибирнинг жанубий ҳудуларида ястаниб ётган баланд Олтой тоғлари тевараги қадим турк халқларининг олтин бешигидир.

Олтойнинг шарқида буюк бир кўл бор. «Бойкўл» (Байкал) деб аталадиган бу кўл – том маънода бир мўъжизадир. Кўл бағрида йирик миқдорда тоза ичимлик сувини жамлаган ер юзидаги энг ноёб сув ҳавзаси ҳисобланади. Унинг суви шу қадар тоза ва мусаффоки, таърифига сўз топилмайди.

Қадим ривоятларда айтилишича, кўлга 336 дарё ва ирмоқлар келиб қуйилган. Шулар ичида танҳо Энасой (Енисей) Ангара қўшилиб, сувини Энасойга қуяркан. Шу “гуноҳи” учун Яратган доим унинг йўлини қояларни қулатиб тўсиб, бевафолиги учун жазолаб тураркан...

Бойкўлга ўз сувини келтириб қуядиган дарёлар ичида турклар тарихида номи қайта-қайта келтириладиган Салангўй (Селенга) ҳам бор. Ривоятларда келтирилишича турк халқлари ана шу Салангой воҳасида дунёга келганлар.

Олимлар фикрича Бойкўл 25 – 35 миллион йил илгари пайдо бўлган. Унинг қандай пайдо бўлгани ҳақида ҳар хил тахминлар мавжуд. У дунёдаги энг чуқур кўл. Чуқурлиги айрим ерларда 1642 қулочга етади. Ўзанда 23615,390 куб.км тоза ичимлик суви борлиги айтилади. Бу, дунёдаги ичишга яроқли барча сувнинг 19 фоизи деганидир.

Бетакрор табиий гўзалликларга бурканган Бойкўл миллионлаб туристларни ўзига тартади.

Кўл ичида бир-биридан фусункор 27 орол бор. Улар ичида энг йириги Ўлхон (Ольхон) ороли ҳисобланади. Сатҳи – 730 квадрат километрга тенг.

Бойкўл флора ва фаунаси билан бирор сув ҳавзасига ўхшамайди. Катталиги билан денгизларга тенглашадиган кўлда 2630 турдаги ўсимлик ва ҳайвонот турлари мавжуд. Улардан 60 фоизи бошқа бирор ерда топилмайди.

Турк дунёси халқлари Она Бойкўлларнинг нақадар ноёблигини қадим замонлардаёқ англаб етган. Ҳозиргача маҳаллий халқлар урф-одатларига кўра қирғоқлардан бирор тошни сувга ирғитиш нари турсин, турган ўрнидан силжитиш катта гуноҳ ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 70 йилларида руслар Бойкўл яқинида катта бир завод қуриб, унда қоғоз ва селюлоза ишлаб чиқара бошлаганларини биз ҳатто билмаганмиз. Бизнинг кунларда Бойкўл атрофида яшаётган бурятларнинг қаршилигига қарамай завод кенгайиб бормоқда. Россия бош вазири Путин имзоси билан бу ердаги заводни кенгайтириш қарори ўтган йили имзоланди. Аммо, кўлни ифлослантириш эҳтимоли жуда катта бу заводни тўхташиш учун бонг ураётганлар бир дақиқа ҳам ҳаракатдан тўхтаётгани йўқ. Дунёда шундай ҳам танқис бўлиб турган тоза ичимлик суви муаммоси бугун ҳаммани ташвишлантирмоқда.

Яқинда Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилаётган рус олими-Денис Лавров катта бир ташаббус билан чиқди. У ер юзи аҳолиси номидан бир петиция ташкил қилиб, заводни ёптириш учун имзо тўплаш бошлади.

Бу петиция остига ҳозирча АҚШ, Австралия, Ҳиндистон, Янги Зеландия ва Европа мамлакатларидан 300дан ортиқ олим ва талабалар имзо қўйганлар холос.

Россиянинг ўзида ҳам Бойкўл тарафдорлари кундан-кун кўпайиб бормоқда. Яқинда Иркутск шаҳрида катта бир митинг ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар Бойкўлни булғашга қўл ураётган В.Путиннинг истеъфо беришини талаб қилдилар.

Мен ўзбек муҳолифатидаги барчани – сиёсий партия ва ҳа-

ракатларни ушбу имзо тўплаш петициясига қўшилишга даъват этаман.

Шуни унутмайлик; Бойкўл ҳаммадан кўра бизга азиздир. Биз Бойкўлдан сув ичиб оёққа турган қадим халқларнинг аждодларимиз.

Насрулло Саййид. «Туронзамин» сайти, 2011-йил

ЯХШИЛИК

Бир гал икки миллатдошимиз бир масалада ўзаро тортишиб қолди. Орадан кўп ўтмади, тортишув низога айланди. Бир миллатнинг икки вакили арзимаган сабаб туфайли бир-бири билан душман бўлди.

– Нега беҳуда ишлар учун ёвлашаяпсизлар? – дея сўрадим, уларнинг биридан.

– Яхшиликни билмас экан, кўрнамак...., – деди у.

Иккинчисига ҳам айнан шундай саволни бериб, тахминан биринчисидан олганим жавобни олдим.

– Қандай яхшилик қилган эдингиз-ки, у кўрнамаклик қилди? – дея, сўнгра муаммога чуқур эътибор қаратишга мажбур бўлдим.

– Биз томонларга илк бора келганда, унга ҳамма нарсани ўзим кўрсатганман, – деди у.

– Масалан? – дея мавзуни ойдинлаштиришга киришдим.

– Дўконни, почтани, телеграфни... Қўйингки шаҳарнинг бутун шарт-шароитини унга бир-бир ўзим таништирганман, – деди у.

– Бор-йўғи шуми? Нима, сиз бу шаҳарда бўлмаганингизда у очликдан ўлармиди? – дея берган саволимга у сукут сақлашдан нарига ўтолмади.

Кейин бориб биринчисига ҳам юқоридаги саволларни бердим.

– Фалон жойда иш борлигини унга ўзим айтганман, – деди

у. – Ўша ерга ишга кириб, кўтарилиб кетди. Энди бўлса, яхшиликни билмаган ит мени менсимаяпти!

– Бор-йўғи шуми? – дедим, унга ҳам.

У ҳам тилини тишлаб, бошини ерга эгди...

Хуллас, ўзбеклар орасидаги кўплаб ўзаро келишмовчиликлар асоси мана шунақа арзимаган сабабларга бориб тақалади. Қилган озгинча яхшилигини миннат қилаётганини, аслида қўлидан келса бировнинг ҳожатини чиқариш инсонийлик бурчи эканини ҳеч бири гапирмайди.

Аслида, низога сабаб бўлаётган ишлар не қадар аҳамиятли? Бу ишлар миннат қилишга арзийдими?

Восила ибн Маъбад розияллоху анхудан ривоят қилинишича: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига яхшилик нималигини сўраш учун бордим” дейди у киши. “Яхшилик кўнглинг тўлган ва қалбнинг рози бўлган нарсадир” дедилар Расулulloҳ (сав).

Унда нега бу икки ҳамюртимиз, ўз қалби розилиги учун қилган арзимас ишини миннатга айлантириб, ўзларини куфрга отаяпдилар?

«Яхшилик қил, дарёга сол, балиқ билар, балиқ билмаса, Холик билар», дейди, доно халқимиз.

Яхшилик савоб қозониш учун Аллоҳнинг розилигини дея, қилинади. Миннат қилинса, орттирилган савоб гуноҳга айланади. Инсон қилган яхшилигини қўлидан тўкилган сув деб билмоғи лозим, деб бекорга айтилмаган. Нима, биз мусофир юртларда бир-биримизга дўкон ёки қаҳвахонага олиб борадиган йўлни кўрсатиш учун ҳам манфаатдорлик юзасидан муомила қиладиган даражада тубан бўлиб қолганмизми? Бунақа нарсаларни етти ухлаб тушингда ҳам кўрмаган бошқа миллат вакилларидан сўрасанг ҳам, сенга бажону дил ёрдамлашиб, етти қадам узоқлашмасдан «қилган яхшилиги»ни эсидан чиқариб юборади-ку?!

Аслида, қилган яхшилигини миннат қилиш – хулқсизлик маҳсули ҳисобланади. Яхшиликнинг дил равшанлиги ва юрак покизалигини акс эттирувчи фазилат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хулқи гўзал бўлмаган кимсанинг қўлидан яхши-

лик келиши қийин.

Яхшиликнинг инсондан қоладиган буюк бир хотира эканини унутиб бораётган айрим миллатдошларимизнинг бачканалигини кузата туриб, миллий маънавиятимизнинг тубанлашиб бораётганини ҳис қиласан, одам...

Ватандан узоқда, мусофирчиликда миллатдошингни кўриш, у билан ҳамсухбат бўлиш аслида бир қувончдир.

Мен ҳар ерда бошқа миллатларнинг юриш-туришини кузатишга одатланганман. Уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатини, самимияти ва ҳамжиҳатлигини кўриб ҳавасим келади. Улар бизлардаги майдакашлик ва сохтакорликларнинг нима эканлигини англамайдилар. Уларга бунақа нарсаларни англаштишнинг иложи ҳам йўқ. Уларнинг шуурида бўлар-бўлмас ўргимчаксифат бачкана туйғулар деярли жойлашмаган.

Баъзан ўзбек муҳожирлари тўпланиб турамиз. Мақсад – Ватанни эслаб кўнгил ёзиш, атрофдагиларга ҳамжиҳатлигимизни кўз-кўз қилиш.

Бироқ, ҳар сафар уларнинг бошини бириктириш мен учун оғир кечади. Қай бирига кўнғироқ қилмай, «кимлар, келади» деган эски «латта чайнарчилик» бошланади. «Э, фалончи келса, мен бормайман» дея «ноз» қиладилар. Эшитиб, тутоқиб кетаман, жоним бўғизимга тикилади.

Сабаби суриштирилса, ўртада бир-бирининг кўнглини қолдирадиган жиҳатнинг ўзи йўқ. Хуллас, «у билан бир даврада ўтира олмасмишлар». Нима, бир даврада ўтирса, остидан етти бошли темир қозик уриб чиқадими?! «Буқадан қочган қари сигирга ўхшамай, ўл» дейман ичимда.

Аммо, ўрис билан қозоқ кетига ҳар кун бир юз эллик марта тепса ҳам, бурнини ерга ишқаб кун-тун эшақдек ишлатса ҳам чидайверади. Ҳеч қачон улардан хафа бўлмайди. Барча кўргуликларнинг сабабчиси бўлган И.Каримовни «мусаффо осмонимизни асраб турибди» дея алқигани алқиган...

Русларнинг орасида, “Бир ўзбек, ўзбек, икки ўзбек ҳам ўзбек, учтаси фанлар академияси” деган латифа юради. Ўйлаб қарасам, гапнинг тагида гап борга ўхшайди.

Яқинда, Ўш ва Жалолободда ўзбеклар қирғинбарот қи-

линди. Бедодликдан бутун дунё хабардор бўлди. Ижтимоий тармоқларда тарқатилган фожеаларни кўриб уч кун хорижда яшаётганим уйда қамалиб олдим. Уч кун томоғимдан овқат ўтмади. Юрагимга қил сиғмасди. Аммо мусибат сабаб баъзи нарсаларни англагандек бўлдим. Ҳақиқатда ҳам бизда ҳам-жиҳатлик йўқлиги ўзини яна бир бор аён этди. Бошимизга тушган кулфат ҳам бизларни миллат ўлароқ бирлаштира олмади. Руслар айтаётганидек, «ҳар ўзбек бир академик» ўлароқ ўзиники ўзига маъқул ўз иши билан овора. Ҳеч ким ҳеч кимни тан олмайди. Биров бировнинг илми ва тажрибасидан фойдаланишга интилмайди. Ҳар ким ўзидан бошқа ақлли ва тадбирли одам борлигига ишонмайди...

Ижтимоий тармоқдаги бир видеода машинада ўликларни олиб келишяпти. Атрофда ҳар хил ёшдаги етти-саккиз одам. Бир киши суратга олаяпти. Ўликларни олиб келаётганларнинг оғзи бир нафасга тинмайди. Бир-бирига навбат бериш, бир-бирини тинглаш деган гап йўқ. Сураткашни “уни ол, буни ол” деб барчаси баробар турткилайди. Хуллас, даҳшатли манзара атрофида шовқин, “разборка”. Микрофон тутган мухбирга етти-саккиз одам баробар жаврайди. Ким нима деяпти, Худо билади. Аслида, бундай даҳшатли манзарага шарҳ ва изоҳ ортиқча...

Ўша кимсаларга бирор нима деб кўринг-чи. Ўйлаб ҳам ўтирмайди. “Яхшилик ҳам қилиб бўлмайдимиз? Билмаганини билдириш айбми?” дея ёқангиздан олмоқчи бўлади.

Ҳар қанақа миллатнинг зеҳнияти ҳар доим ўзгариб туради. Ҳаётнинг аччиқ-чучуги боис жамиятларда янги қарашлар пайдо бўлади. Биз ўзбеклар ҳам зеҳниятимизни бироз ўзгартирадиган замонлар келди. Қачонгача тошдек бир жойда қотиб тураверамиз. Айниқса, яхшилик масаласида тубдан ислохотлар қилишимиз керак бўлади...

Насрулло Сайид. «Янги дунё» сайти, 2008-йил

«ИМПЕРИЯЧИЛИК ТАЪМИ» РУСЛАРНИНГ ОВЗИДАН ҲАЛИВЕРИ КЕТМАЙДИ

Охирги уч-тўрт асрда русларнинг омади чопди. Пётр I айтганидек, “қолоқ русларни одам қилиш учун” Европада махсус тайёрланиб, Рус тахтига ўтказилган Романовлар хонадони улкан хизматлар қилди. Қолоқ бўлиб келган Рус князликлар атрофида ўнлаб миллатларнинг бошини ўзига эгилтирган бир империя пайдо қилинди.

Ўзаро урушлар гирдобидан чиқолмаган «турк хонвачча»лари эса минг йиллик қудратли “Ўрда”ни бой беришдан бошқасига ярамадилар.

Александр-III ва Николай-II деган оқ пошшолар Марказий Осиёни қуллик асоратига солди. Биз 1864 йилдан то СССР деган рус империяси парчаланиб кетгунча қулликда яшадик. Мустақил бўлганимизга қарийиб чорак аср бўлаётган бўлса ҳам, ҳалига довур империя таъсиридан қутила олганимиз йўқ...

Руслар ҳам “империя таъми”ни унутолмасдан жонсарақлар. Улар ҳам чорасини топиб, бошқадан босиб олиш пайдалар.

“Буюк Рус” ғоялари билан суғорилган сиёсат жон таслим қилишни истамаётгани сингари «Буюк империячилик сиёсат»и ўчоғига ўт қалаётганлар ҳалиям етарлича. Бу касаллик айниқса Россия президенти В.Путиннинг вужудини тамаоман саратон илдизи сингари чирмаб олган.

“Буюк Рус” ғоясининг яна бир энагаси ҳозир Испанияда яшайди. Романовлар хонадонинг энг охирги вакиласи деб қараладиган княгина Мария Владимировна Романова шу йилнинг ноябр ойи бошларида илк бора юртимизга ташриф буюрди. У киши Рус империяси “зулмидан қутилган” бугунги «озод ўзбеклар» ҳаёти билан яқиндан танишмоқчи экан.

Шу ўринда княгина Мария Владимировна Романованинг шахсий ташаббуси ва “Рус императорлари хонадони” маблағи ҳисобига, Россия ёзувчилар уюшмаси қошида махсус таъсис

қилинган, бадий ижод бўйича “Мерос” (“Наследие”) мукофоти ҳақида икки оғиз сўз: Ҳар йили қарийиб икки мингга яқин “номинант”лар орасидан танлаб олинадиган ва рус тилида ижод қиладиган бешта “лауреат”га бериладиган (ҳар йил март ойи охирида) ушбу мукофотнинг бош ғояси ҳам албатта “буюк рус империячилик ғояси”дир...

Насрулло Саййид. «Дунё ўзбеклари» сайти, 2017-йил

БИЗ ҚАНАҚА ХАЛҚМИЗ ЎЗИ?

«Тошкент ҳайвонот боғида ташрифчилар айби билан қўтос ҳалок бўлди», деб ёзибди «Тошкент ҳайвонот боғи»га қарашли <http://tashkentzoo.uz> сайти.

Жонивор ёриб кўрилганида, унинг ошқозонидан турли предметлар – полиэтилен плёнкалар бирикмаси, пластмасса идишларнинг қопқоқлари, узунлиги 12 сантиметр бўлган электр сими ва бошқалар чиққан.

«Худди шу сабаб билан Тошкент ҳайвонот боғида шу кунгача жайронлар, ламалар, туялар, туяқушлар ҳалок бўлди. Бахтимизга, баъзи жониворлар – туяқуш, сув айғири ва бошқа кўплаб ҳайвонларни қутқариб қолишнинг уддасидан чиқилди», – дейилади сайтдаги шу хабарда.

Бир пайтлар Вобкент шаҳри марказида каттагина бир паркни ободонлаштирганмиз. Паркда юзга яқин қимматбаҳо торшер (кўча фонарлари) ўрнатишга тўғри келган. Ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам майлига. Ўша торшерларни бажарилган ишни топширганимиздан сўнг ҳам бир ой мобайнида қўриқлашга тўғри келган. Барибир ҳаммасини чил-чил қилишди. Сарфланган маблағлар ҳавога учди.

Биз гоҳида аждодларимизнинг юксак маданияти ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришни яхши кўрамиз. Биздан меҳридарё, биздан ақлли, биздан меҳнаткашроқ халқ йўқ, деб кўкрак керамиз. Лекин ўзимизда борлиққа, табиат ва жониворларга заррача

муҳаббат йўқ. Олдимиздан чиққан ҳар бир ҳайвонни тепамиз, чиройли кўринган ҳар бир шох-шаббани синдириб уйимизга ташмалаймиз...

Бир-биримизга бўлган муносабатни ҳам шундан келиб чиқиб аниқласа бўлади. Сал нарсага аразлаймиз. Кўнглимизни ранжитган инсонни ғажиб ташлашга уринамиз. Аслида, бизни ғазаблантираётган сабабларнинг арзимас эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Бечора кўтос! Ўша Помир тоғларида, ўт-ўлан еб, яйраб юрар эдинг... Мабодо ўша тоғда бирор айиққа ем бўлганида ҳам асл кўтосдай мардларча ўлардинг...

Сени Ўзбекистонга олиб келиб, баклашка қопқоғи едириб ўлдирган бу халқни кечиргин!

Ўз қадрини билмаган бу халқ ёввойи кўтоснинг қадрини қадрдан билади...

Насрулло Саййид. «Ўзимизнинг халқ» сайти, 2017-йил

ФИТНА НАЗАРИЯСИ

“Дунёни хуфия кучлар бошқаради,” деган ақидага жуда кўпчилигимиз ишонамиз. Чунки ҳақиқатан ҳам жуда кўп воқеалар сабаблари оддий халққа тушунтирилганда, ҳақиқат бир четда қолиб кетади.

Дунёни бир гуруҳ бойлар, ўта айёр ва илмли (балки золим) одамлар бошқаради, бу бошқариш усули эса ўзига хос бир фандир, яъни “конспирология” ёки “фитна назарияси” дир.

Менинг тушунишимча, “Фитна назарияси” – одамларга атрофда содир бўлаётган айрим воқеа ёки жараёнларни айнан ҳукуматлар халққа тушунтираётганидек эмас, аксинча бошқача бир яширин ҳаракатлар туфайли, айрим хуфия кучларнинг хуфиёна фитнаси ордидан содир бўлаётганидек қилиб тушунтиришга уринишдир.

Фитна назариячилари қаторида мен ҳам дунёда юз бераёт-

ган барча фожеа ва инқирозлар ортида халққа тўла ошкор қилинмаётган хуфия ҳаракатлар ва сабаблар борлигига қисман бўлсада, ишонаман.

Ҳақиқатни мутлоқ билгувчи фақат Яратгувчининг ўзидир. Инсон, барибир инсондир. У қанчалар уринмасин, бор ҳақиқатни борлигича идрок этишга жуда ожизлик қилади.

Ҳар кун, “Мен бор ҳақиқатни айтяпман, менинг гапларим юз фойиз ростдир” деб бақираётган сиёсатчиларнинг чиқишларини кузатамиз. Уларни эшитиб гоҳида жунбушга келамиз, гоҳида эса куламмиз. Шу алфозда, мана шу ярми чин ва ярми ёлғон чақириқлар орасида ҳаётимиз ўтиб бораверади.

Ҳар бир инсон ўз умри давомида жуда кўп ёлғонларга, фитналарга гувоҳ бўлади. Ишонган ва ўзи сиғинган “маъбуд”нинг кўзи ўнгида чил-парчин бўлаётганига ҳайрон қолаётган одамлар озми бу дунёда?

Дунёда ҳақиқатан ҳам хуфия ишлар қалашиб ётибди. Шундай бўлса ҳам одамзот эшитган ҳар бир нарсасига ишониб, кўрган ҳар бир нарсасига эргашиб кетавермаслиги керак. Инсон Худо берган ақл ва фаросатни тўғри ишлата олса ва кўрган ва эшитганларини мантиқан идрок этса тўғри йўлда бўлиши мумкин.

Фитналарга учмаслик ва алданмаслик учун инсонда жуда кенг тафаккур ва ақл бўлиши талаб қилинади. Ақлни эса фақат илм ва тажрибалар пешлайди. Илм кетидан қувмаган ҳар қандай қавм аҳволи охир оқибат вой бўлади.

Келинг, азиз юртдошлар, кетаётган йўлимизда тўхтаб, кўзлаган манзилимиз хусусида яна бир бор идрок этайлик. Унинг паст-баланд томонларини чамалаб, келажак ҳаққи, адашмасликка ҳаракат қилайлик!

Дунёни хуфиялар эмас, аслида биз йўл қўйган хатолар бошқаради...

Насрулло Сайид. «Ўзимизнинг халқ» сайти, 2017-йил

ҚАЙЛАРДАДИР, МЕНИНГ ЎЗЛИГИМ

Дарёлар, кичик жилғалардан бошланади. Жилға дегани, баҳайбат дарёнинг онаси ва отаси демақдир. Миллат ҳам айнан шундай, кичкина бир оиладан, қавмдан вужудга келади.

Катталарнинг айтишларича, тилим чиқмасдан олдин худди бахшилардек томоқ билан кўшиқ хиргойи қилишни бошлаган эканман. Менинг туркклигим ўшандаёқ билинган, чамамда...

Олтой ўлкаси турклар илк пайдо бўлган манзил, дейди тарихчилар. Бугунги фан Олтойнинг турк сивилизасияси бешиги бўлганлигини аллақачон исботлаб берган. Демак, биз турк халқлари ўша ёқлардан ҳар томонга тарқаганмиз.

Ҳозирги Олтойда турк уруғлар унчалик кўп эмас. Улар ўз вақтида бутун дунёни забд этиш учун Олтойдан отга миниб чор тарафга сочилиб кетган.

Қадимий туркларда ота-боболари, аждодлари тарихи ҳақидаги ҳикоялар хотираларда, асосан дostonларда сақланиб қолган. Қай, қадим турқдан бугунги кунга етиб келган дўмбира ёрдамида айтиладиган ғаройиб бир мусиқа жанридир. У биздаги бахшиларнинг дoston айтишларига ўхшайди.

Қайлар – томоқ ёрдамида айтиладиган ўзига хос эпик кўшиқлардир. Қайларни, қайчилар ижро этадилар. Қайчи дегани, биздаги бахшиларга ўхшаш бир санъаткор, кўшиқчидир.

Турклар – бутун тарихи давомида чодирда ёки гулхан атрофида ўтириб, қайчиларнинг қалбни титратадиган қайларини эшитиб тарбия топган халқлардир. Қайларда сақланиб келатган мозий садолари, оҳанглари ҳар бир туркнинг кўнглига албатта хуш ёқади.

Айниқса, қайнинг турклар санъат даражасига кўтарган томоқ хиргойиси турқдан бошқа ҳеч бир халқнинг ноласига ўхшамаслиги билан одамни беихтиёр маст қилади...

Насрулло Саййид. «Ўзимизнинг халқ» сайти, 2017-йил

КОКИЛИНИ УНУТГАН АВЛОД

Бошнинг олд, тепа ёки орқа қисмида тутам соч қолдириб, қолганини тақир қилиб қирдириб юрадиган эркакларни бугун дунёнинг ҳар ерида учратиш мумкин. Бу одат, қадимдан Осиёда, яъни “Буюк Скифия” ерларида, Хитойдан то Шарқий Европагача бўлган “Дашти Қипчоқ” ҳудудларда кенг тарқалган.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Болалигимда отам мени сартарошга олиб бориб, пешанамда кичкина бир кокил қўйдирган эди. Ўтган асрнинг 70 йилларигача ўғил болаларда пешанаси ёки боши орқасида, қизларда эса икки қулоғининг устида ёки бошининг орқасида кокили бўларди.

Отамнинг: “Бу аждодларимиздан бизга етиб келган миллий урф-одат. Мактабга боргунча шу кокил билан юраверасан”, деганини ҳанузгача яхши эслайман. Аммо, биз фарзандли бўлган даврларда бу одат халқ хотирасидан кўтарилган, шўролар тузуми бизга жуда кўп миллий урф-одатларни унутиришга мувафақ бўлганди.

Канадага илк бор келганимда, бир ёки бир неча тутам сочини узун ўстириб, ўриб юрган маҳаллий ҳиндуларни кўриб, ичимдан, «булар, бизнинг қадимий урф одатларимизни ўзлаштирибди», деб ҳайрон қолганман. Кейинчалик уларнинг тарихини ўқиб-ўрганиб билдимки, улар ҳам бир замонлар ўзимиз томонлардан келган қадим аждодларимиз экан.

Қозоқ биродарларимизда бошдан соч қирилганда атайлаб қолдириладиган бир ёки бир неча тутам сочни “Айдар шаш” ёки қисқача қилиб “Айдар” дейиш одати борлигини биламан. Бу сўз асли туркча бир сўздир, ўзагида “ай” (ой) маъноси бор. Ҳайдар сўзининг арислон дегани экани ҳисобга олинадиган бўлса, арислон сочли – ёлли деган маъно чиқишишини ҳам яхши биламиз.

Бошқа турк халқларда бошда қолдириладиган сочга «кокил» варианты кўпроқ қўлланилади.

Қорақолпоқларда кокилни қадимдан “гулпак” деб айтишган,

шунинг учун ҳам қорақолпоқ сўзини “қора гулпак” (“қора кокил”) сўзлари бирикмасидан олинган, “Қора гулпак қўйиб юрадиган қавм” деган маънони англатади, деган фикрлар ҳам мавжуд. Лекин қорақолпоқ шоири Бердақ қорақолпоқларни тўғри маънода “қора” ва “қалпоқ” сўзларига боғлайди.

Мўғуллар кокилни “ХӨХӨЛ” дейишаркан. Чингизхон ва унинг қабиладошлари болалигида ХӨХӨЛ (кокил) билан юрганлиги тарихлардан маълум.

Аmmo бу сўзнинг ҳозирда бутун бошли украин халқига нисбатан айтилишига нима дейсиз?

“Олтин Ўрда” ҳукмронлиги даврида украинлар, айниқса Запорожье ва Дон казаклари бошига бир тутам соч қўйиб, уни ўриб юриган. Шунинг учун уларнинг ён қўшнилари босқинчи мўғулларга қиёслаб, балки масхаралаб, “хохол” дейишни одат қилгандир.

Аслида қозоқлардаги “Айдар” (бизда “Ҳайдар”) сўзи украинларда ҳам ўша бош тепаси ёки бошнинг орқа қисмидаги бир тутам соч маъносини билдирган. Қадимда турк халқларда, жумладан “Дашти Қипчоқ”да от чоптириб ўтган кўплаб уруғларда айдар сочи бўлган ва у узун ўстирилиб, кейин ўриб қўйилган. Ўрилганда орасига олтин иплар қўшиб ўришган. Кокилдаги олтиннинг миқдорига қараб йигитнинг қавм ичидаги мавқеи ва ўрни аниқланган.

Украин, мўғул ва бошқа халқлардан фарқли ўлароқ, бизда кокилни болалар ва ўспиринларга қўйишган.

Ҳозирги ўзбек ўспиринлари кокил тарихини билмаганлари учун кокилни қизларга хос бир эски урф деб билишади. Бу, нотўғри бир тушунча. Минг-минг йиллик тарихимизда кокил қўйиш йигитлар учун орият, ғурур ва мардлик белгиси ҳисобланган. Кокилни билагида кучи бор мард турк ўғлонлари, жасур жангчилар қўйиб юришган.

Қиз болаларнинг кокили эса икки қулоғининг устида ёки бошининг орқасида бўлган ва доим жамалак тақиб ўриб қўйилган.

Кокил қўйишнинг ислом динига ҳеч бир алоқаси йўқ, чамамда.

Яқинда невараларимнинг сочларини ўзим олдим ва пешанасига чиройли кокил қўйдим, бирам ярашди денг. Уларнинг ўзлари ҳам хурсанд бўлишди. Улар кўзларимда ҳақиқий турк, қадим аждодлар қони томирларида кўпирган арислонлар бўлиб гавдаланди...

Насрулло Сайид. «Ўзимизнинг халқ» сайти, 2016-йил

БЕК БЎЛСИН, ОРИЯТЛИ БЎЛСИН

Ҳар ўзбек ўзича ўзига бек.

Ўзбекларда “бек” қўшимчаси қўшилган исмлар тўлиб тошиб ётибди.

Аммо халқ ичида “бек”нинг нимани англатишини, бу титул кимларга хослигини биладиганлар жуда озчиликни ташкил қилади.

Аслида, “бек” сўзининг ҳар бир ўзбек билиши лозим бўлган ўзига хос маъноси ва тарихи бор.

Марказий Осиё ва Яқин Шарқ турк дунёсида ҳар қавм ўз “бек”ларига эга бўлганлар. Бундай унвон (титул) шу қавм орасида юқори мавқе ва обрўга эга бўлган, шу халққа (ҳеч бўлмаганда ўз уруғига) етакчилик қила оладиган, эл шаънини ҳимоя қилишда намуна кўрсата оладиган одамларга нисбатан қўлланилган.

Беклар ўзига тўқ бўлган.

Биздаги “бек”ни бошқа халқлардаги “князь”(рус), “амир”(араб), “мтавари”(гуржи), “малик”(арман)га тенглаштириш мумкин.

“Бек” дегани юксак мартабали “жаноб” дегани.

Ўзбеклардаги “бек” сўзи (қўшимчаси) бошқа турк халқлар орасида “бег”, “бий”, “бой”, “бик” ва “би” кўринишларида қўлланилишини ҳам биламиз.

Аввалбошда, бу унвон асосан қавм ёки уруф (қабила) бошлиғига нисбатан қўлланилган.

Ёзма манбааларда бу сўз илк бора XIV асрда “Олтин Ўрда”да ҳукмронлик қилган Ўзбекхон даврида жорий қилинганлиги айтилади. Ўзбекхон дастлаб бу унвонни ислом динини қабул қилган мўғул нўёнлари ва феодалларига, ўз қўл остида хизмат қилган юқори мартабали мард лашкарбошиларига берган.

Бугунги “тенглик” замонида барчанинг “бек” бўлишга ҳаққи бор.

Лекин “бек” бўлишнинг ўзига яраша юки ва масъулиятини ҳам унутмаслик керак. Яъни бекнинг барча ҳаракатларида шаън, ғурур ва орият тушунчалари доим намоён бўлиб туриши лозим.

Мана шу хислатларга эга бўлганларгагина беглик ярашади.

Ялтоқлик, назарипастлик, қўрқоқлик, шаллақилик, иккиюзламачилик бекларга ярашмайдиган хислатлардир.

Насрулло Саййид. «Ўзимизнинг халқ» сайти, 2016-йил

АГАР ФАРИШТА: “ОМИН!” ДЕСА...

Машҳур кинорежиссёр Леонид Гайдай 1962 йили “Ишбилармон одамлар” номли янги филм яратган. Ўша йили мен тўрт ёшда бўлганман. Адиб О.Генрининг қаламига мансуб новеллалар асосида яратилган ушбу филмни мен биринчи марта тахминан 1966 йилларда телевизорда томоша қилган бўлсам керак.

Филмнинг “Қизилтанлилар доҳийси” (“Вождь краснокожих”) деган бўлими мени ўзига мафтун этган эди. Филмдаги шумтака Жоннига ўхшаш безори ва шўх бўлишни жуда- жуда истаган эдим.

Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, ўша йиллари биз филмдан маст бошимизга қуш патларини қўндириб, қишлоқ болалари билан куни бўйи қичқиришиб, кўча чанғитардик...

Орадан сал вақт ўтиб, ўспиринлик ёшига етганимда, айниқ-

са филм охиридаги бир сюжет мени бутунлай ўз домига тортган. Ҳозирги ўспиринлар: “Ока, нима девотсиз, синдираман...” деганидай, биз ҳам ўшанда ўзимизча болалар билан кўча тилида гаплашардик.

Мен ўша филмдаги авантюрист Сэм (бу ролни машҳур актёр Георгий Висин ўйнаган) ва бесўнақай қароқчи Билл Дрисколл (бу рольни машҳур актёр Алексей Смирнов ўйнаган). Ўзлари ўғирлаб кетган шумтака Жонни Дорсетни (бу рольни таланли ёш актёр Сергей Тихонов ўйнаган) бой отаси Эбенезер Дорсетга пуллаш учун олиб борганларида, айтишган: “Жуда зўр! Унгача, биз Канада чегарасига етиб оламиз” деган иборани тақрорлаб, ғўддайишни жуда ёқтирардим.

Нима десангиз, денг. Мен ўшанда дунёда Канада деган бир мамлакат борлигини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Ўшанда биров менга: “бир кун келиб, ўзинг Канадага жўнайсан” деганида борми, унинг устидан кулган бўлардим. Чунки, Канада қаерда-ю, биз қаерда эдик. Яна, ҳамма ёғи ёпиқ совет мамлакатига яшаётган бўлсак...

Ҳозир ҳам ўша филмни тез-тез кўриб тураман. Сэм ва Билл Дрисколл номли қароқчилар шумтака Жоннини яшириб қўйган ўша ғорлар ҳозир шундоққина яқинимда тургандай сезилади. Чунки мен ҳозир ўша филмдаги муҳитга тушганман, атроф ўрмон ва тоғлар...

Гоҳида кўчага чиқиб, ўтиб кетаётган ўспирин болаларга қарайман ва улардан ўз болалигимни излаган бўламан. Лекин топа олмайман. Бугунги ўспиринлар бутунлай бошқача, назаримда...

Шумтака Жоннинг ўрмондаги телбаликларидан безган ўғриллар – Сим ва Билл “маҳбус” болакайнинг тентакона зуғумларига охири чидолмай уни отасига топширгани олиб борадилар:

– Қанча пайтгача болани ушлаб тура оласиз? – дейди, бола ўғрилари болани отасига топшираркан.

– Мен қариганман, олдинги куч-қувватим йўқ. Кўп борса ўн дақиқа! – дейди Эбенезер Дорсет.

– Жуда зўр! Унгача биз Канада чегарасига етиб оламиз! – дейди бола ўғрилари.

Ҳа, агар фаришталар “Омин” деса борми, Канада эмас Ойга учиб бориш ҳам унча мушкул иш эмаскан.

Мана беш йилдан бери сургунда, чет элларда тентираб юрибман. Канада мен учун ҳозирча охириги манзил бўлиб турибди.

Канада, мен энг суйган филмда номи зикр қилинган ва мен ўзим билмаган ҳолда номини доим такрорлаб юрган гўзал бир мамлакат!

Доимий мулоқотда бўладиган танишларимнинг айтишича, мен Ўзбекистон ҳақида жуда кўп гапирар эканман. «Беш йилдан бери фақат юртга қайтаман дейсиз, ака, жонга ҳам тегиб кетдингиз», дейди айримлари. Аммо, ўзим нимагадир бу одаимни, яъни ҳаддан зиёд “Ватанга қайтиш” ҳақида гапиришимни сезмас эканман...

Насрулло Саййид. Канада. «Муносабат» сайти, 2011 йил.

ҚҶЧҚОРНИ СЎЙ, БОЛАМ!

Бу воқеани дунё кўрган, меҳри дарё бир одамнинг оғзидан эшитганман.

Ривоят қилинишича: Бутун умрини фақат эзгу ишлар билан ўтказиб, бу ўткинчи беш кунлик дунёда жуда кўп машаққатлар чеккан бир чол қариганида тўшакка михланиб, ётиб қолибди.

Чол каттакон бир ҳовлида, тўнғич ўғлининг оиласи ва унинг болалари, яъни неваралари билан бирга, аммо алоҳида бир хонада яшаркан. Ўғил ва неваралар боболарини сира уринтиришмас ва унга меҳрибонлик кўрсатиб доимо ҳолидан хабар олиб туришаркан.

Қариянинг ётиб қолганини эшитиб, кўни-кўшнилари ҳамқишлоқлари ва қариндошлари вақти-вақти билан келиб, ундан хабар олиб кета бошлабдилар.

Чолнинг олдига келадиганлар ҳар турли одамлар бўлгани боис, ҳар сафар меҳмон келганда тўнғич фарзанди ундан:

– Дада, меҳмонга нимани сўйиб, нима овқат қилайлик? – деб, сўраркан.

Чол эса:

– Меҳмон бетоблигимни қаердан эшитибди? – деб саволга қарши савол бераркан.

Ўғли, фалон жойдан, фалон кишидан эшитибди деб, отасига тушунтирганидан сўнг, чол:

– Бўлмаса, битта хўроз сўйиб, бирор яхши овқат қилиб меҳмонни кўнглини олинглар, – деб қайтиб ёстиққа бош қўяркан.

Бир кун чолни таниган, аммо бетоблигини билмаган бир кимса анча узоқдан уни йўқлаб келибди. Ўғли одатдагидай меҳмонга нима сўйишни отасидан сўрабди. Чол ҳам одатдагидай:

– Меҳмон қаердан эшитибди? – деган саволни берибди.

– Меҳмон бетоблигинизни билмас экан, – дебди ўғил. – “Нимагадир, кўргим келди, келавердим” деяпти.

Шунда чол:

– Ҳалиги, катта семиз кўчқорни, сўй! – дебди.

Отасининг гапидан ўғли ҳайратга тушибди. Аммо, эътироз билдирмабди. Кўчқорни сўйиб, меҳмонни кузатгач, у хаста отасидан:

– Падари бузрукворим, бу меҳмонга кўрсатган айрича мулозаматингиз замирини тушунмадим! – дебди.

– Ўғлим, – дебди чол. – Бемор ётганимдан хабари борлар, ўлиб қолмасидан олдидан бир ўтиб қўяйлик, ёки қилган бирор яхшилигига жавоб қайтарайлик, деган илинж билан келадилар. Ораларида уятда қолмай, ҳарқалай қариндошим ёки ҳамқишлоғим, деб келганлар ҳам топилади. Бу одам кўнглига мендан хабар олишни Худонинг ўзи солган. Йўл узоқ бўлишига қарамасдан ҳолимдан хабар олгани келибди. Ундаги самимият бошқаларникига қараганда бутун ва иймон билан қоришиб, қалбининг тўр-тўридан чиққан. Нияти тоза, мақсади аниқ. Унинг юрагида дийдорлашишдан бошқа бирор манфаат йўқ...

Насрулло Саййид. «Муносабат» сайти, 2012 йил

ИСТАСАНГ, ШУ ФАЛАҚДАН...

Истасанг, шу фалақдан ойни олиб бераман,
Юлдузлардан бўйнингга маржон тақиб қўман!
дейлади, машхур бир кўшиқда.

Шеър шоирона, романтик ва хаёлий бир “ваъда” усулида битилган. Кўшиқ, ишқ деганда чўлу саҳрода Мажнун ва Лайлиларни, тентираб юрган дарвешларни кўз олдига келтирадиганларнинг юрагини олов бўлиб ёқади. Оҳанги кайфиятни кўтариб, сўзлари руҳларни жилолантиради. Қалб шароб ичган кимса каби маст-аласт, ўзини ўту чўққа уриб ўлгиси келган парвона сингари атрофидан шаму чироқ излайди...

Аслида, бу ҳаммаси популистик сўз ўйини ва шунчаки иллюзион ўхшатишлар. Аммо бу мисраларнинг ҳеч биридан инсон ҳаётига етиши мумкин бўлган зиён-заҳматни топиш амри маҳол. Акси, бу нарсалар кўшиқ ва куйда инсон ҳаётини гўзаллаштиришга, безашга хизмат қилади.

Аммо, сиёсатдаги бунақа ҳолатлар тамоман бошқа бир нарса. Сиёсатда бунақа ҳолат – популизм деб аталади. Оташин нутқ ирод қилиш воситасида оломон психологиясига таъсир ўтказиш, қалбларни жунбушга келтириб, оломондан маълум бир сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланиш сиёсий популизмнинг бош мақсадидир. Айнан, шундай ҳаракатлар кетидан ҳаёт жўш уради ва жамият ўз қонини янгилаб, тозалаб туради.

Сиёсий популистик шиорлар қанчалик жўн (примитив) ва романтик ғоялардан иборат бўлса, уларнинг шунчалик таъсирчан бўлишини файласуфлар кўп таъкидлаганлар. Жўнлик, аслида жиноят бўлса ҳам, у барибир жўнликда. Нишон беҳато урилган бўлса, ҳатто ёлғон ва сохта бўлганда ҳам жўнлик илк қарашда оммага илғаш учун осон ва жозибали туюлади.

Одамларнинг доимий кундалик ҳаёт икир-чикирлари билан банд қарашлари чуқур фалсафий ва илмий асосланган таклифларни унчалик тез қабул қилолмайди. Шунинг учун фундаментал қарашлар ўз даврида кўпроқ қарши-

ликка учрайди.

В.Ленин бошлиқ коммунистлар ўтган аср бошларида шундай жўн ва романтик чақириқлар билан қашшоқ халқни оёққа турғаздилар, ва сохтакорликлардан инқилоб ясадилар. “Мир – народам! (Халқларга – тинчлик!)”, “Земля-крестьянам! (Деҳқонларга – ер!)” ва ҳоказо жўн, аммо оддий халқ учун муҳим чақириқлардан халқ руҳланди ва қўлига қурол олди. Оқибатда, чор Россиясидаги ҳокимият ағдариб ташланди.

Дунёнинг бошқа ерларида бўлиб турадиган қанчадан-қанча инқилоблар ҳам айнан ана шу усулда амалга ошади, десам, нима деган бўлардингиз?!

“Мамлакатни оёққа қалқитиш учун жўн, қалбни тез мафтун этадиган шиорлар ўйлаб топиб, омманинг олдига бориш керак” деб, ёзганди сиёсий популизмнинг оталаридан бири. Шу оддий фалсафани тушунмаган айрим популистлар дунёнинг у бурчагида туриб, бу бурчагида инқилоб ясамоқчи бўладилар. Улар, бўлар-бўлмас баёнотлар эълон қилишдан ҳеч қачон чарчамайдилар...

Бундай ҳолат, биринчи навбатда уларнинг гаплари жиддий эмаслигини билдириб туради. Демак, ҳеч ким бу гапларни жиддий қабул қилолмайди. Иккинчидан, узоқдан эшитиладиган баландпарвоз гаплар мамлакат ичида мудроқ босиб ётган халқнинг қулоғига кирмайди. Халқ олдига туриб, кўзига тик боқиб, ҳақ гапни гапирган кимсадан кўпроқ таъсирланади, унинг гапларига кўпроқ ишонади.

Ўзбекистондаги сиёсий манзарадан келиб чиқиб шу нарсага эътибор қаратишни истардим: У ердаги бурқсиб тутаб ётган сиёсий об-ҳавони четдан туриб ўзгартиришнинг иложи йўқ. Илғор қарашдаги мухолифлар орасида мамлакат ичкарасида мухолифат тизимлари яратилсагина, Ўзбекистонни келажакда домига тортиши мумкин бўлган бало-қазолардан ўз вақтида қутқариб қолса бўлади!

Ҳа, бугун ўзбеклар мамлакат ичида, каттами-кичик мухолиф ҳаракатлар яратиш ва уни оёққа турғазлаш ҳақида ўйлашлари лозим. Шунда, зулмкор ва золим тузум халқ билан ҳисоблашиш кераклиги ҳақида бош қотира бошлайди.

“Истасанг шу фалақдан...” деган иборалар соғлом фикрлайдиган сиёсий лидерларга ярашмайди.

Насрулло Саййид. «Туронзамин» сайти, 2011-йил

ХАЛҚ ҲАҚ ГАПНИ АЙТАДИ

Бир пайтлар, Вобкентда ПМҚда раҳбар бўлиб ишлаб юрган кезларимда кабинетда “Халқ ҳақ гапни айтади” деб ёзилган катта бир плакатни осиб қўйгандим. У ўриндиққа ўтирганда, кўзга ташланиб турадиган ерда осиглиқ турарди.

Кейинчалик, айнан шу шиор мени катта сиёсатга олиб кирди. Шу шиорни кўтариб, Ўзбекистон Олий Мажлисига депутат бўлдим.

Мен жўшқин ёшлик йилларимда бу шиорни ҳаётимнинг мазмунига айлантиргандим, уни худди фонатларча севардим. Ва ҳозир ҳам яхши кўраман.

Йигирма йил олдин Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши арафасида, халқ ҳозиргидан ғайратли ва анча шижоатли эди. Халқ орасида самимият ва ҳурмат-иззат ҳозиргидан кўра анча юксак эди.

Мустақил бўлиб Каримов бутун тизимларнинг тизгинини қўлига ўраб олди. Одамларнинг ҳалол меҳнат қилиб рўзғор тебратишларига имкон қолдирилмади. Умум манфаати сазойи қилиниб, одамлар орасига шахсий манфаатдорлик аралашди. Йўқсиллик туфайли ҳамма бир-биридан қарздор бўлиб қолди. Меҳр-оқибат пул билан ўлчанадиган замонлар бошланди. Иккиюзламачилик ва сурбетлик инсонларнинг умр мазмунига айланди.

Ҳозир замон анча ўзгарди. Биз ҳам шу ўтган 20 йил мобайнида улғайдик, сал босилиб, ҳаётга вазмин қарайдиган бўлганмиз. Аммо, ҳали қариганимиз йўқ, юрак ҳали ҳам меҳнат ва ижод иштиёқи билан уради.

Ўтган давр мобайнида иқтидордаги президент ва унинг ҳу-

куматини тинимсиз танқид қилиб, ёлғончиликда, укувсизликда ва халқдан узилиб қолганликда айблаб келдим. Ҳалиям, бу ҳукуматни ўз халқига нисбатан ўта шавфқатсизликда, адолатсизликда айблашдан тўхтаганим йўқ ва тўхтамасам ҳам керак.

Ҳаётга тийран ва соғлом кўз билан қараш, юзага келган вазиятни чуқурроқ ўрганишга ва ҳолатни тўғри баҳолашга имкон беради.

Охирги уч-тўрт йилда Ўзбекистондаги ижтимоий вазият бироз ўзгарди. Яъни, иқтисодиёт олдинга қараб бироз силжиди. Дунёдаги кўплаб расмий таҳлилчи ва тадқиқотчилар ҳам бу ўсишни эътироф қилмоқдалар.

Хўп, Ўзбекистон ичидаги халқ нима деяпти бу ўсиш ҳақида?

Яқинда, И.Каримов зиндонида ўтириб чиққан, ўзини инсон ҳақлари ҳимоячиси деб биладиган бир ошнаимиз шундай деб, ёзди: “Содда қилиб айтганда, саксонинчи йиллар охирида дўконларда куруқ пештахталар қолганди. Ҳозир Ўзбекистонда бу манзара йўқ (инкор этувчилар келиб, ўз кўзлари билан кўрсинлар), тропик мевалардан тортиб, энг замонавий автомобилларгача бор”. Тошкентлик Муяссар холаимиз эса кеча “Озодлик” радиосидан чиқиб: “Оллоҳга шукур, тинчлик бизларда... Мана, арабларда нималар бўлаяпти?” деди. “Мен чўпон қизиман, пода бўлмаса подачининг кераги йўқ. Каримов бошимизда шунчаки бир подачи, шунчаки бизга ота бўлиб турибдилар” деди яна бир шахрисабзлик синглимиз. Хуллас “Каримов идеальный подшоҳ” дейдиганлар ҳозир анча топилади...

Хўш, бугун аксар юқорининг фикрини билиб-билмай маъқуллаб турса, мен нима қилишим керак? Бир пайтлар юрагимга жо қилганим “Халқ ҳақ гапни айтади” деган шиоримдан воз кечишим керакми?

Бировлар, бу содда халқ айтаверади, сиёсатни тушунмайди, дейиши мумкин. Уларнинг гапида ҳам жон бор. Мамлакатда ошкора статистика бўлмаса, устига-устак халқ Россия ва бошқа чет эллардаги ўғил-қизлари ишлаб топган миллиардлар билан мамлакатни боқиш баробарида амаллаб кун кўраётган бўлса...

Ошкоралик бўғилган мамлакатда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

И.Каримов эса аллақачон “иқтисодни гулллатиб қўйдим” деб кўкларда учиб юрибди. У энди мухолифатни бир пулга олмоқчи эмас, унинг наздида уни танқид қилганларнинг барчаси ҳа-садгўй ва ғаламис кимсалар. Айнан шундай бир вазиятда ким-ларнингдир, “муроса қилайлик” деганига ўласанми?

Қани эди, муроса қилишнинг иложи бўлса эди?!...

Гўё, мухолифатчилар мағлубиятга учраганларини тан олиб, И.Каримовни ғалабалари билан олқишласалар... Диктатор олий жаноблари улар билан муросаа қилармишлар...

Каримовнинг феълини биладиган унинг атрофидагилар ҳатто бу латифага ўлиб қолса ишонмайдилар. Мухолифатни бу масалада эшитмаса ҳам бўлади.

Муросага келиш учун икки томоннинг ўзаро тортишувдаги кучлар нисбати элликка-эллик бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Бутун умр, “Халқ ҳақ гапни айтади” деб келган бўлсак, бугун энди бош эгиб, И.Каримовнинг олдига боришимиз керак эканми? “Ислом ака, кечиринг, биз хато қилибмиз! Сиз, ҳақиқатан буюк ислоҳотчи экансиз” деб.

Ўзгача фикрлайдиган ҳар бир шахснинг энди «тавбаном» ёзмагани қолди. Бошқа ҳамма нарса бўлиб ўтди.

Халқ фикри билан ҳисоблашиш керак, албатта. Аммо бугун халқ номидан гапирётганларнинг гапида қанчалик ҳақиқат борлигини ва бу гаплар қанчалик самимий эканлигини таҳлил қилиб кўрилса, биз билган «ҳақиқат»лар бутунлай бошқача бўлиб чиқади.

И.Каримов бугун ўз сиёсий рақибларига халқ олдига боришга ва у билан юзма-юз мулоқот қилишга йўл берганда эди, барча натижалар афкор омма кўзи олдига ўз рангида намоёнган бўлган бўларди.

Ҳа, ҳақиқий аҳвол бошқача. Каримов фирромликни охирига қадар давом эттиришга тиришяпти. У сохта “мухолифат”ни яратиб қўйиб, ҳақиқий мухолифат билан ҳеч қачон муросага келишни истамайди. «Ғолиб»лигининг уйдирма эканлигини бутун дунё билгани сингари унинг ўзи ва атрофидагилар ҳам яхши биладилар.

“Халқ” тушунчаси улуғ тушунча. Чўлпон айтганидек, “Халқ – денгиздир, халқ – тўлқиндир, халқ – оловдир, халқ – кучдир”.

Ўзбекистон ичида тирикчилик қилиб юрган халқда Чўлпон айтган куч бормикан?

Майли, халқ бизни тинглашдан қўрқса, нега ўз фикрини эркин айта олмаяпти? Нега бу халқ XXI асрга келиб ҳам, ҳар хил хуфёна судларда қўйилаётган айбловларга ишониб, адолат талаб қилмаяпти? Нега бу халқ И.Каримов бирор вилоятга келаётган бўлса ғўзапоё чаноқларига эринмай пахта солиб чиқади, кўзбўямачиликнинг кимга кераги бор деб бировдан сўрамайди? Нега халқ Россиядан ўлиб қайтаётган мардикорларнинг ўлигини тобутга солиб индамай кўмади, уни кўтариб ҳокимиятнинг олдига олиб бориб, изоҳ сўрамайди?...

Ўзбекистонда жавоби йўқ саволлар қалашиб ётибди. Шундай экан, “ҳаммаси зўр” деган гапларни жиддий деб қабул қилишга асос йўқ.

Халқ йигирма йил мобайнида муғомбирлик қилмаса, яшаб бўлмайди, деган ақидага ўргатилди. Бунга шубҳангиз бўлса, кун келиб бу нарсага ўзингиз гувоҳ бўласиз. Ўша кун, бугун ҳамма нарсани “зўр” деб турганлар, “биз ёлғон гапиришга мажбур бўлгандик, аслида зўр эмасди” дейишади...

Насрулло Саййид. «Зарра» сайти, 2012-йил

МАҚТОВ ФАРОСАТГА БОҒЛИҚМИ?

Ҳар кун ишга кета туриб ёки ишдан қайта туриб, беихтиёр кўзим йўл четигаги маҳалламиз ахлатхонасига тушади.

Кўчадан ўтаётганимда бир ёки бир неча “homeless”² ахлат титиб турган бўлади. Кўпинча уларни баҳс-мунозара устида учратаман.

Одатда уларга эътибор қилмасдим, индамай ўтиб кетаверардим. Бугун миямга “бомж”лар нима ҳақида баҳс қиларкинлар, деган фикр келди.

² “homeless” - ахлат титкилаб кун кечирадиган, уйсиз одамлар.

Тўхтаб, “бомж”лар ахлат титиб турган ахлатхона яқинидаги буталар орасида кўндирилган ўриндиққа бориб ўтиришга қарор бердим. Ҳамиша ўзим билан олиб юрадиган йўлхалтамдан китоб чиқариб, уни варақлай бошладим.

Ахлатхонада бўлаётган баҳс жуда яхши эшитиларди.

«Бу ўртоғим, ҳақиқий даҳо, ўнлаб китоблари чиққан. Бир пайтлар “бестселлер” даражасига кўтарилган асарлари, қўлма-қўл бўлиб ўқилган» дерди, ахлатдан топган шиша бутилкасини халтасига жойлаётган бир “homeless” ёнидаги кимсани бошқаларга таништираркан.

Қараб ўтирсам, бу мақтовдан ҳалиги таништирилаётган ахлат титгувчи заррача ҳам хижолат бўлмади, аксинча у кўкрагини кўтариб, бошида осилиб турган бир полиэтилен халта бўлагини шляпасидан олиб ташларкан, «Ўзинг ҳам буюкликда мендан қолишмайсан. Ошналарингга бир пайтлар катта бир газетада бош муҳаррир ўринбосари бўлганлигингни, айтмайсанми? Атрофингда қанча-қанча одамлар тозидай хизматингни қилиб юрарди», деди.

У биринчи бўлиб мақтаган шериги олдида ўзини қарздор деб ҳис қилди чамамда, уни мақтаб, кўкларга кўтариб қарздорликдан қутулмоқчи бўлди.

Шу маҳал ахлат қутиси ичидан чиқиб келган учинчи “homeless” суҳбатга аралашди, «Буюк ишлар қилишдан биз ҳам бебаҳра қолмаганмиз, деди, у иштонига тўқилган майонезни кўйлагини енги билан артиб. Ёзган илмий ишларимиздан фанга қанча фойда теккан. Аммо, илм билан шуғулланишни йиғиштирдим. У замонларда шоирлар бизга атаб марсиялар тўқиган, мамлакатда мен ҳақимда ёзмаган газетанинг ўзи йўқ эди. Ҳатто, ҳозир ҳам ёзишяпти. Ишонмасаларинг, ана шу ахлатлар ичидан ҳозир қўлимга илинган газетани олиб, ўзим ҳақимда ёзилган жойини сизларга ўқиб бераман».

Эшитганларимни ақлимга сиғдира олмасдим.

Улар ҳақиқатан ҳам ўзлари айтаётгандай ўз вақтида машҳур эдиларми? Ростанам, бир пайтлар анча-бунча ишларни дўндирганлари чинми?

Бу саволларнинг бирортасига мен жавоб беролмасдим. Буни, фақат полисия ойдинлаштириши мумкин.

Улар кетгач қўлимдаги китобни йўлсумкага жойлаб, ўрнимдан турдим. Бугун иш йўқлиги ва айлангани кетаётганим боис, маҳалламиздаги хиёбон томонга қараб юридим. Йўл бўйи ахлатхонада эшитганларим, миямда айланаверди. “Homeless”ларни гапларини, ўзимча таҳлил қила бошладим.

Мақтанчоқлик қилдилар, шекилли.

Нимага одамзот мақтовга бу қадар ўч бўлади, деган сўзлар миямни тарк этмасди.

Охир оқибат бу сўзлар ўзимдан ўпкалашимга сабаб бўлди. Э, хомкалла, қарамайсанми, дедим, овоз чиқариб ўз-ўзимга. Ҳатто, мана шулар ҳам мақтовни суяди. Мақташни ҳам мақтанишни ҳам қойиллатади. Сен ҳам тилингни заҳар қилмай, каттаконларни мақташни маромига етказганинга, бегона юртларда тентираб юрмасдан атрофингдаги юзлаб лайчаларинг билан Ватанинга маза қилиб гердайиб юрардинг...

Хаёлларга чулғаниб, ёлғиз ўзим, паркда бир ўриндиққа бориб ўтирдим. Атрофни кузатиб, хаёл сура бошладим. Шунда узоқдан ити билан мен томонга келаётган инглиз аёлга кўзим тушди. Ити оёқларини ерга тиркаб юрмаётгани боис, у итини тинмай койирди. У баробаримдан кечаётганида, беихтиёр: “Your dog is very beautiful”³ деб юбордим. Аёл бирдан тўхтаб, бир итига бир менга қараб, жилмайди. Сўнгра: “Thank you”⁴ деб йўлида давом этди.

Орқасидан кузатиб турдим. У мендан узоқлашгач итини қучоғига қўтариб олди, ва унинг тумшуғидан бир неча мартаба ўпиб қўйди.

Э хомкалла, дедим, ўз-ўзимга. Мана, ҳалиги бошқотирманнинг жавоби. Мақтов демак, ҳаммага ёқади. Бир оғиз мақтов билан ит ҳам эгаси ҳам хурсанд бўлди... Тўғриси, қилган ишимдан ўзим ҳам мамнунман.

3 “Your dog is very beautiful” - Итингиз жуда чиройли экан.

4 “Thank you” - раҳмат

Ёлғиз ўтириб кўп ўйландим. Мақтовнинг “кудрат”и ҳақида ҳаёлимдан кўп нарсалар кечди. Бу дунё фалсафаси нақадар жўн эканлиги, аммо ўзимиз жуда мураккаб эканлигимиз ҳақида ўйладим.

Аммо бу масалада аниқ бир хулосага келолганим йўқ...

Насрулло Саййид. «Зарра» сайти, 2013-йил

БЕЛБОҒДА ПИЧОҚ БЎЛСА ЖИНОЯТМИ?

Олдинлари ўзбекларни белида белбоғсиз, белбоғида эса пичоғисиз тасаввур қилиш қийин бўлган. Чунки, ёнида пичоқ олиб юриш нафақат ўзбекларнинг, бошқа кўплаб миллатларнинг ҳам миллий урф-одати ҳисобланади. Ёнида пичоғи бор одам дегани, рўпарасидан тўғри келган одамни сўйиб кетаверадиган жоҳил одам дегани эмас ахир.

Аксинча белбоғ ва пичоқ эркак киши учун бир ғурур, эркаклик тимсоли ва қолаверса ҳаётда жуда кўп асқотиб турадиган оддий бир иш қуроли ҳамдир.

Агар кишини ёнида ҳимоя воситаси борлигини билишса, у билан мулойим тилда гаплашишади. Бу ақидага дунёнинг ҳамма ерида риоя қилинади. Жуда кўп ривожланган мамлакатларда одамлар уйларида турли туман ҳимоя қуролларини сақлашади. Ҳозир АҚШ ва Европанинг жуда кўп мамлакатларида одамларнинг пистолетдан тортиб, пулемётгача сотиб олишга ҳақлари бор. Фақат уларни давлат рўйхатидан ўтказиб қўйишса бўлгани.

Собиқ СССР даврида, яъни 1935 йилнинг 30 март куни “Пичоқ олиб юриш-жиноятдир” деган Сталиннинг қарори чиққан. Ана шундан сўнг ўзимиздан чиққан “шоввозлар”, тепага яхши кўринаман деб, халқимизни оммавий тарзда “қуролсизлантириш”га тушадилар. Орадан 76 йил ўтиб, ўзбеклар жамоаларида белида белбоғи ва белбоғида пичоғи йўқ янги авлод пайдо бўлди.

Пичоқ ҳар нарсага зарур, у оддий бир мевани тозалаганда ёки кесганда ҳам керак бўлиб қолади. Пичоқ олиб юришнинг нимаси ёмон, ҳайронман. Жиноят қилмоқчи бўлган одам шундоқ ҳам ўзига керакли нарсани топиб олаверади.

Ҳозир қадимий ўзбек пичоқларини ишлаб чиқариш янада жонланди. Машҳур Чуст пичоқларининг четга экспорт қилинаётганини эшитиб, юрагим фаҳрга тўлди. Чунки, миллатнинг бутунлиги унинг миллий қадриятлари ва урф-одатлари билан узвий боғлиқ.

Менимча, биз болаларимизни пичоқлардан қўрқишга эмас, улардан тўғри фойдаланишга ўргатмоғимиз лозим.

Насрулло Саййид. «Зарра» сайти, 2015-йил

БУ АЖИБ ДУНЁ

Бу дунёда бир-биридан ажойиб ва ғаройиб одамлар жуда кўп.

Қилиб юрган ишлари хаёлпараст болакайларникидай беғубор ва жуда кулгили катта ёшдаги одамларни ҳаётда учратиб қолсам, авжим келиб кетади. Айниқса ўшанақалар олдимда ғоздай гердаиб: “Кўрмайсанми, мен антиқаман, жуда зўрман!” деб, ўзини мақтаб турса, кайфиятим кўтарилади ва ҳатто кулгим қистайди.

Хайрият, бу дунёда шунақа лофчи ва хушчақчақ одамлар бор, агар улар бўлмаса бу дунё ғуссага чўмарди.

Яқин ўтмишда Бухорода Илҳом Сафаров деган антиқа бир мухбир йигит ўтган. У Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида мухбир бўлиб ишларди. Жуссаси унча катта бўлмаган, кўзлари эса катта-катта ва доим косасида ўйнаб турадиган бу йигит ҳақиқатан ҳам ажабтовур эди. Айниқса уни ўта хаёлпарастлиги ва беғубор мақтанчоқлиги атрофидагиларнинг эътиборини ўзига тортарди.

Мен Илҳом билан 1990 йилнинг ўрталарида танишдим. У ўшанда ўз мухбирлик фаолияти туфайли Бухоронинг ҳамма ерида ҳозир нозир эди. Қаерда тўрт киши тўпланиб, йиғин қилса, Илҳом Сафаров хабар топарди. Ҳар нарсага ўта қи-

зиқувчанлиги боис, уни ҳукуматнинг “ҳалиги” идораларида ҳам ишлайди, деб ўйларди кўпчилик.

Хуллас у жуда ғайратли журналист эди. Аммо унинг кучли бир мақола ёки бадиий бир нарса ёзганини кўрмаганман.

У биз тўпланиб турадиган “Эрк”нинг барча йиғилишларига ҳам ҳаммадан олдин келиб, олдинги қаторда микрофонини шайлаб ўтирарди.

Унинг кўпчиликни таажубга соладиган ғалати бир одати бор эди. Мақтанишни хуш кўрарди. Айниқса, у президент Каримовга жуда яқинлигини, у билан бир неча марта суратларга тушганини дуч келган одамга соатлаб гапириб беришни ёқтирарди. Хоббисига айлангани боис, унинг бу одатини тарк этиши амри маҳол эди.

Бир кун уни шаҳардаги бир чойхонада, ширакайф ҳолда, уч-тўртта ошналари даврасида учратиб қолдим. У мени кўриши билан: “Насрулло ака, келинг мени бир мақтаб кўйинг буларга, булар менинг кимлигимни яхши англамаяпти...” деб қолди. Қарасам, Илҳомни кўлида беш-олти сурат ва бир ҳовуч авторучка. “Мана бу суратни Бухоро аэропортида тушганмиз, ёнимдаги орқасини ўгириб турган одам президентимиз Ислом ака, буниси эса Тошкентда олинган, бу ерда ҳам Ислом акани орқасида турибман...” дея у кўлидаги суратларини шерикларига бирма-бир кўрсатарди. Кейин у кастумини чўнтагидан бир ҳовуч ручкани чиқариб, уларни ҳам таърифлашга тушди: «Бунисини Ислом ака фалон ерга келганларида, ана бунисини эса писмадон ерга борганларида менга шахсан ўзлари совға қилганлар...» дерди, оғзини қулоғига етказиб, мақтанаркан.

Мақтаб кўймасам, чойхонадан чиқиб кетолмаслигимни сездим, ва: “Илҳомжон, жуда ҳам буюк йигит” деб, зўрға қутулдим.

Бир марта Каримов телевизорда журналистларга интервью бераётганда, экрандан Илҳомни кўриб қолдим. Тасвирга илиниб қолиш илинжида ҳадеб камера қаёққа бурилса ўша томонга қараб силжирди. Президентнинг орқа фонидида кўриниш учун қилаётган бу бачкана ҳаракатлари оддий томошабинларнинг ҳам ғашини келтиргани аниқ.

Бунақа манзараларни Ўзбекистон Олий Кенгаши сессияси залларида кўп бора кузатганман.

Биз депутат этиб сайланган 1990 – 1995 йилларда халқ сиёсий фаол эди. Сайловчилар ўз депутатларини аяб ўтиришмасди. Ҳар бир сессиядан сўнг депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўларди. “Аммамни бузоғидай залда жим ўтираверасанми? Бизнинг нақазу муаммоларимиздан ҳам гапир” дерди, сайловчилар депутатларига.

Тошкентга сессияга борган ҳар бир депутат ақалли бир марта минбарга сўзга чиқиб ёки ҳеч бўлмаганда бир марта телевизордан кўриниб, сайловчилари олдига қайтиш ҳақида ўйларди. Шу боис минбарга чиқа олмаган депутатлар сессия зали ва фойеларда камера кўтарган журналистларнинг кетидан қувлаб юрарди. Тасвирга олиш учун камера чироғи ёнган жойда дарҳол уч-тўрт депутат пайдо бўларди. Депутатлар сайловчиларнинг “пассив” дейишидан жуда кўрқарди.

Мен барча халқ депутатларни шунақа эди, дейиш фикридан йироқман. Ҳарқалай, шунақа депутатлар кўпроқ эди. Улар орасида безбетлик билан иш битирадиганларни ҳам йўқ деб бўлмасди. “Ака, илтимос бизни ҳам бир кўрсатиб кўйинг” деб, ялиниб турганларни бир неча бор ўз кўзим билан кўрганман.

Президент минбардан пастга, депутатлар олдига тушадиган бўлса, унга яқин бориб суратга тушувчилар кўпайиб кетарди. Айниқса Илҳом Сафаровга ўхшаганлар бундай имкониятни ҳеч қачон қўлдан чиқаришмасди. Хуллас, “катта”ларнинг орқа фонида суратга тушиб, кейин бошқаларга мақтаниб юрувчилар ҳамма ерда ва ҳамма замонларда бўлиши табиийлигини инъкор этиб бўлмайди.

Илҳом Сафаров деган ўша танишимиз узоқ йиллар Каримов режимига сидқидилдан хизмат қилиб, ўзбек расмий матбуотида минглаб бўлар-бўлмас хабарлар ёзиб юрди. У қаерда бўлмасин ўзини режимга содиқ қилиб кўрсатиш пайида эди. Шунга қарамай, Илҳом Сафаровнинг ҳаёти жуда фожели тарзда якун топди. У ҳаётдан жуда ёш кетди.

Унинг вафоти ҳақидаги хабарни “Озодлик” радиосининг 2005 йил 29 августдаги дастурларидан эшитганман: “2005 йил январ ойида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Илҳом Сафаров юрак хуружидан вафот этди. И.Сафаров сўн-

гги пайтларда ўзига нисбатан тазйиқлар бўлаётганидан шикоят қилиб юрган эди” дейилганди, хабарда.

Хабарни эшитиб, роса таажубландим. Ким унга тазйиқ қилишга ботинибди, деган савол менга тинчлик бермасди. Кейин, ҳаммаси ойдинлашди: Бухорода Саидбурхон Қодиров деган мухолифатчи яхши бир журналист бор. У Илҳом Сафаров билан ҳам таниш эди. 2004 йил Ўзбекистонда “Бирлик” партиясини рўйхатдан ўтказиш учун имзолар йиғиш бошланади. Саидбурхон Қодиров Бухорода “Бирлик”ни қайта жонлантиришга жалб қилиниб, марказдан имзоларни йиғиш унинг зиммасига юклатилади.

Рўйхатда аъзолар сони етмаётгани боис, у беш-олти таниш-билиш ва қариндошларини ҳам рўйхатга тиркаб, уни Тошкентга, “Бирлик”нинг МҚга жўнатади. Республика бўйича тўпланган имзолар Адлия вазирлигига бориб тушгач, пойтахтдан вилоятларга махсус одамлар жўнатилиб, рўйхатдаги шахслар сўроққа тортила бошлайди. Буни қарангки, тақдирни ҳазили билан И.Каримовнинг энг содиқ қулларидан бири Илҳомжон Сафаров ҳам Саидбурхон укамизнинг «фазлу инояти» билан “қора кучлар” рўйхатига илинганди.

Табиий, «содиқ қуллик» учун жонини жабборга бериб, куйиб-пишиб юрган Илҳом Сафаров тақдирида бунақа воқеа содир бўлишини кутмаган. Шу туфайли у “хушxabар”дан шокка тушади. Асабини жиловлай олмай, Саидбурхон Қодиров билан можаро чиқаради. Судга бераман, оқ қиламан, қатиқ қиламан деб, ўдағайлайди.

Орадан бир неча кун ўтади. «Шармандалик»ни кўтара олмаган иззатталаб «падхалим», юрак хуружидан вафот этади.

Аммо, гоҳида ўйлаб қоламан. Президент ҳар сафар телевизорга чиққанида ёки одамлар олдида пайдо бўлганида кимлардир, ўзининг фонида тасвирга тушиб қолиш учун ивирсиб юрганига эътибор берармикан? Қачонлардир, бир бухоролик мухбирнинг унга ҳавас қилиб, бирга тушган суратларини ҳаммага мақтаниб яшаб ўтганидан ва аянчли ўлим топганидан, унинг хабари бормикан?!

КЎЗЁШНИНГ ШЎР БЎЛИШИ РОСТМИ?

“Пешанам, шўр” деганларни кўп эшитганман. “Кўз ёшларим, шўр” деган ибора борлигига эътибор бермаган эканман.

Билсам, кўз ёшларнинг шўрлиги ҳақиқат экан. Мен бўлсам, “аччиқ кўз ёшлари” деганда – одамлардаги ёмон кайфиятни ва алам билан тўкилган кўз ёшларни тушуниб юрибман...

Бир кун бир танишим: “Кўзларимдан тўкилаётган ёшлар шўрлашиб бормоқда, йиғласам, кўзларим ачишади», деди. Бу ҳақда узоқ вақт ўйлаб юрдим ва кейинчалик “кўздан оқадиган шўр ёшлар” хусусида маълумотлар излай бошладим...

Инсон танасидаги безлар фаолияти билан шуғулланувчи эндокринологлар фикрича, гоҳида одамнинг кўз ёшлари жуда шўрлаб кетаркан. Буни врачлар инсондаги кайфият ва руҳий ҳолат билан боғлайди. Кайфият бўлмаса, одам ўзини доимий равишда эзилган ёки камситилган деб ҳисобласа, унинг кўзларидан одатдагидай эмас, аксинча жуда ҳам шўрланган кўзёшлари оқиши мумкин экан.

“Одам бирор нарсадан эзилганда ёки кайфияти жуда тушкун бир ҳолатда бўлганда организмда модда алмашинуви жараёни ўзгаради ва кўз ёш ҳалтасида хлорид натрий миқдори ошиб кетади” дейди, таниш бир дўхтир. Яна унинг таъкидлашича, ҳолат юзага келганда кўз ёшлар ҳалтасига ачитиш хусусиятига эга бўлган яна қатор модда (калий ионлари, магний, норадреналин, адреналин каби)лар ҳам туша бошларкан, ва улар ҳам кўз ёш таркибини бутунлай ўзгартираркан. Натижада, одам кўзларида “куйиш” ва “ачиш” рўй бераётганини ҳис қиларкан...

“Бу нарсанинг инсон саломатлигига унчалик зарари йўқ, бу ҳар бир одамнинг руҳий ҳолати билан боғлиқ бир жараёндир” дейди, мутахассислар. Асаби чарчаган ёки бирор нарсадан зериккан ёши катта одамларда бундай ҳолат тез-тез учраб тураркан...

Ривоятга кўра, Одам Ато бир кун улкан бир уммон қирғоғида қизариб, уфқ сари пастлаб бораётган Қуёш манзарасини куза-

тиб, йиғлаб ўтирган экан. Шу пайт унинг олдига Момо Ҳаво келиб, йиғлаб ўтирган Одам Атога қараб: «Сенга ҳавасим келади. Хоҳласанг, бемалол йиғлайверасан. Мен эса йўқ», дебди. «Нега?», деб сўрабди, Одам Ато ҳайрон бўлиб. «Мен йиғла-сам, шу уммон қурийдди. У энг яқин дўстим, менга кўзёшларини берган. Мабодо, уни қуритиб қўйсам, кейин сенинг ботаётган Қуёшга қараб йиғлашингни қандай томоша қиламан», деган экан Момо Ҳаво...

Хулоса шуки, денгиз ва уммон сувлари таркиби йиғлаганда инсон кўзларидан тўкиладиган ёшлар таркиби билан жуда ўхшаш экан. Уларнинг таъмида сира фарқ йўқ экан...

Балки бу уммонлар одамларнинг кўз ёшларидан яралгандир?

Демак, бу вақтинчалик “касаллик”дан унчалик қўрқмаслик ва доимо кайфиятни яхши қилишга уриниб яшаш керак...

Насрулло Саййид. «Қоплонбек» сайти, 2012-йил

НЬЮ-ЙОРКДАН ТОШКЕНТГА ПОЕЗД ЮРМАЙДИ

Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси таълим муассасаларида қўл телефонлардан фойдаланишни чеклаш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарор анча кеч чиқарилган бўлса ҳам ўзбек жамияти учун жуда керакли бир қарор бўлди.

Яқинда, Америкага ишлагани келган бир гуруҳ ўзбек ёшлари билан учрашиб қолдик. Йигирма билан ўттиз ёшлар орасидаги бу йигитчаларнинг дунёқараши ва фикрлаши мени бутунлай ҳайрон қолдирди. Қўлимдаги глобусни кўриб, “Бу нима?” дейди биттаси. Кейин суриштирсам, у Тошкентдаги шарқшунослик институтининг халқаро йўналишдаги бир куллиётини битирган экан.

Ўзбекистон Давлат Миллий Университети социология ва жамиятшунослик йўналиши бўйича диплом олган бошқа бири, Ўзбекистонда Конституция деган бир нима борлигини эшит-

ган-у, аммо унинг нима эканлигидан беҳабар. “У бирор қизиқ нарсами...” дейди, тиржайиб. Тарих куллийетини битирган бошқа бирови Америкада бир муддат ишлаб, доллларларни тўплагач, уйига поездда қайтмоқчи. «Орада океан бор, Америкадан Тошкентга поезд юрмайди» десам, “Ҳазиллашманг..” дея роса жиғибийрон бўлди.

Хуллас, Ўзбекистондаги диктатура охириги йигирма йил ичида етиштириб, келажак авлод учун қолдираётган бу “мевалар” ҳали бошимизни жуда кўп оғритадиган кўринади. Уларнинг мантиқсиз, валдираб, бизни жинни қилиб қўйишидан эмас, бутун бир миллатни ва давлатни йўқ қилиб юборишлари мумкинлигидан кўрқиб қолдим...

Ўзбекистондаги таълим муассасаларида таълим-тарбиянинг хўжақўрсинга ўтилишини ҳамма яхши билади. Ўқитиш тизимидаги савия шунчалар паст-ки, бу ҳақда гапириш эмас, дод деб, дунёга доврўқ солиш лозим...

Насрулло Саййид. «Қоплонбек» сайти, 2012-йил

“LA BONNOTTE»НИ МАЗАСИНИ БИЛГАН ХАЛҚ, “ХУРЛИК”НИНГ МАЗАСИНИ ҲАМ БИЛАРМИКАН?

Ўзбек ва тожикларнинг дабдабабозликка муккасидан кетган халқлар эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбек ва тожиклардай ўзи эришган моддий “ҳашамат”ни бировга кўз-кўз қилишни суюдиган халқлар дунёда бошқа бўлма-са керак.

Улар бор пулларига гўёки “ҳамманикидан ҳашаматли” тўйлар қилишга ишқибоз. “Фалон нарса мода бўлибди, фалончи ўшандан олибди” десанг, “фалон”ни топиб, албатта олмаса кўзига уйқу келмайди.

“Бугун Тошкентнинг ҳашаматли тўйларида “La Bonnotte” картошкасидан овқат пишириш (албатта ҳозирча оз миқдорда, нозик меҳмонлар ва келин-куёв учун) модага айланиб

бормоқда, бу мусобақа яқинда вилоятларга ҳам етиб келади. Келинлар, яқинда куёв томон “La Bonnotte” олиб келмаса, ЗАГСга чиқмайман деб туриб олса ажаб эмас...” дейди бир танишим.

“La Bonnotte”си нима экан, деб қизиқиб қолдим. Аниқлашимча, у дунёдаги энг қимматбаҳо картошка тури экан. Нархи қанча биласизми? Тошкентда килосини нақд 700 АҚШ долларидан сотиб олаётган эканлар. Франция давлатига қарашли Атлантик океанидаги “Нуармутье” оролчасида етиштирилдиган ушбу картошкани бир килосини ерлик деҳқонлар хирмон бошида 70 евродан улгуржи сотармиш.

“La Bonnotte” навли картошка фақат “Нуармутье” деган бир оролда етиштириларкан. Картошка ҳосилининг салмоғи бор-йўғи 100 тонна атрофида эмиш. Франциянинг бутун қиммат ресторанилари ушбу “деликатес”ни фақат шу ердан сотиб оларкан. Франсуз ошпазлари эҳтиёжидан ортган қисми эса бозорларда сотилармиш.

Албатта, уни Франция бозорларидан излаб топиб, Тошкентга олиб келиш 700 долларга тушади...

“Бу картошка фақат қўлда етиштириларкан, бирор техника ишлатилмасмиш. “La Bonnotte”ни етиштиришда маҳаллий ва кимиёвий ўғитлар ўрнига фақат денгиз сувўтларининг чиқиндилари ишлатиларкан. Шунинг учун ҳам бу ноёб картошка айрим микроэлементларга жуда бой ва табиий шўр бўлармиш...”

“Пўсти жуда юпқа бўлгани боис “La Bonnotte” узоқ турмайди, уни 10-15 кунда еб битириш керак, акс ҳолда карамга ўхшаб оқиб кетади” дейилган мутахассис хулосаларида. Демак Тошкентга ҳам уни фақат махсус музлатгичларда олиб келиш мумкин. Бу қўшимча харажат, дегани...”

Ўзбек ва тожикларни жуда қашшоқ халқлар деганларнинг гапларига мен унчалик қўшилмайман. Аслида, бу икки миллат орасида маънавий қашшоқлар кўп. Маънавий қашшоқлик урчимганида, бу икки тилли бир миллат Худо берган соппа-соғ ўттиз икки тишини дўхтирга пул тўлаб суғиртириб, ўрнига ялтироқ олтин тишларни тизиб чиқармиди?

Ялтироқ нарсаларга ўчлик бу икки халқнинг қон-қонига сингиб кетган...

Насрулло Сайид. «Қоплонбек» сайти, 2013-йил

ИШТОННИ КЎТАРИБ ЮРИНГ, УКА!

Кўпдан айрим ўзбек ёшларининг баъзи тоифа ғарблик “блатной” кўча болаларига тақлид қилиб “жинси” иштонлари орқасини пастга осилтириб, икки елкани бирин-кетин ўйнатиб, қўлларини сосискадай эркин ташлаб, шапкани қийшиқ қўйиб юрганларини кўчаларда кузатардим. Бу нарса ёшлар учун “мода”га айланётганига ҳам ақлим етарди. Аммо бу “мода”нинг қаердан ва қай ниятда пайдо бўлганлигини аниқ билмасдим. Энди билсам, бу нарса тақлид қилишга арзимас экан. Шунинг учун асл ҳақиқатни ўзбек ёшлари ҳам билиб қўйсинлар...

Биринчи бўлиб, иштонни орқага осилтириб юриш одати америкалик қора танлилар орасида пайдо бўлган. Манбааларга кўра, бу борада бир-бирига жуда яқин иккита тахмин мавжуд. Биринчи тахмин; бу йўсиндаги “стильный” кийиниш АҚШ турмаларидан бошланган. Барча турмаларда бўлгани сингари АҚШ турмаларида ҳам маҳбуслардан камар олиб қўйилади. Назоратчилар маҳбусларнинг ўз тасмаларига ўзларини осиб қўйишларидан кўрқади. Шунинг учун айрим маҳбусларнинг иштонлари тасма йўқлигидан доим осилиб туради. Ташқаридаги болалар эса турмалардаги ўз криминал дўстлари билан “солидарный” (бирга) бўлиш рамзи ўлароқ шундай кийиниб юришни бошлаб берганлар...

Иккинчи тахминга кўра; турмадаги гомосексуалистлар (гейлар) ўзларининг ким эканликларини бошқаларга англашиб қўйиш мақсадида иштонлари орқасини тушириб юриш одатини биринчи бўлиб бошлаб берганлар. Бу урф ташқарида яшин тезлигида “мода”га айланиб кетган...

Хуллас, кўр-кўрона тақлид қилиш жуда ёмон одат.

Муҳожиротдаги уйимизга меҳмонга келган бир талаба йигит ҳеч нарсадан тап тортмай хоналарга ботинкасида кириб кетганди. “Туфлингни ечиб, оёғингга шиппак кий” десам, у мендан хафа бўлди. Унинг айтишича, Америкада кўпчилик красофкасида ётоғида ухлармиш, диванда ётиб овқат ермиш... “Сиз, қолоқ одамсиз, замондан орқада қолгансиз” деди, у менга. “Эй, ука, дедим охири. Уларнинг тарбияси балким шунақадир. Аммо, бизнинг юрт одамлари бунақа иш қилмайди. Кўчадан ҳар нарсани илаштириб келган оёғи билан уй ичида юримайди...”

У ҳаммасини ичида англаётган бўлса ҳам, мени тушунишни истамасди. Чунки, от айланиб қозигини топиши учун ҳам бироз вақт керак бўлади...

Насрулло Саййид. «Қоплонбек» сайти, 2014-йил

ПИР ВА МУРИДЧИЛИК БИЗНИНГ ЗЕҲНИЯТИМИЗДА БОР

Бизнинг ўлкамизда, яъни Марказий Осиё кенгликларида яшайдиган миллатларнинг ўзига хос урф-одатлари ва шуур кенгликлари бор. Истасак-истамасак, улардаги зеҳният бошқаларникидан нимаси биландир фарқланиб туради. Бу, табиий бир жараён.

Ўзбек зеҳниятини исломий зеҳният деб қараш анча урф бўлган. Мен бу фикрга унчалик қўшилмайман. Чунки, зеҳниятимизни айнан ислом дини туфайли шундай шаклланган дейилса, унчалик тўғри бўлмайди. Зеҳниятимиздаги айрим хусусиятларнинг ислом динига тўғридан-тўғри алоқаси йўқ. Масалан, бизда деспотизмга мойиллик шу даражада кучлики, бу нарсанинг бошқаларда бу даражада кучлилиги кузатилмайди...

Халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва ўз сўзини кимларгадир топшириб қўйишга мойиллиги, деспотизм кўринишлардандир. “Деспот” сўзи грек тилида “жаноб” (господин) яъни “тўлақонли ҳукмдор” маъносига келади. Яъни халқимиз зеҳниятида (биз бу

нарсани тан олишни хоҳлаймизми, йўқ) ҳукмронликни ўзи истаган “пир”ларга топшириб қўйишликка мойиллик жуда кучли.

Шунинг учун бўлса керак, бизда исломдаги тариқат йўлбошчилари – сўфийлар, шайхлар жамиятда алоҳида таъсир кучига эга бўлган. Ислом дини ўлкамизга кириб келгандан сўнг халқларимиз зеҳниятидаги деспотизмга мойиллик пир-муридчилик шаклида барқ уриб ривожланган. Ва, айтиш мумкин, бу ҳолат жамият ривожига асосий мавқени эгаллаган.

Бу, биргина бизда эмас, тарихан баъзи жиҳатлари муштарак Яқин Шарқ халқлари зеҳниятида ҳам кузатилади. Умуман, Турон ва Эрон ҳудудларидаги жамиятларнинг барчасида бундай кўриниш мавжуд.

“Пирсиз манзилга етиб бўлмайди, яккашахс бу телба дунёда ўзини назорат қилиши қийин ва ҳар бир одамга раҳнамо керак” деган ақида ҳар биримизнинг қонимизда оқади.

Муридлар, яъни Аллоҳнинг васлига етишни истаганлар ўзлари “муршиди комил” деб биладиган шахснинг этагидан тутди, ва унинг буйруқларига сўзсиз бўйсунди. Пирга эргашиб яшаш бугун нафақат исломий амаллар билан яшайдиганлар орасида, ҳатто динсизлар ёки диндан анча узоқ одамлар орасида ҳам мавжуд. Пир ўлароқ бу нарса ҳар хил номлар остида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ана шу ўзига хос ўзбекона зеҳният ортидан барча инон-ихтиёрни юқорида турган ҳукмрон ёки раҳнамога топшириш ва унинг иродасига кўра яшашга мойиллик барчамизнинг кўнглимизда борлигини яширишнинг бугун ҳеч қанақа сирли жиҳати қолмаган.

Бу зеҳниятни ўзбек жамиятининг барча қатламларида кўриш мумкин. Буни, ҳатто ўзбек мухолифатчилари фаолиятида кузатса бўлади. Улар ичидаги гуруҳларда ҳам “пир”лар ва уларга эргашган “муридлар” бор.

Кимнинг кимга “пир”, кимга “мурид”лигини жамоа тўпланганда, ва бир-бирларини кўкларга кўтариб мақтаганларида ёки ерга уриб камситганларида кузатиш мумкин.

Агар пир – раҳнамо – лидер доно ва мард бўлса, нур устига аъло нур. У худбин ва ёлғончи бўлса ўша жамоани Худо урди, деяверинг.

Тарихда мураббийлик қобилияти ҳаминқадар, туриш-турмуши сохта раҳнамолар кўп ўтган.

Қадимул айёмда яна ҳақиқий пирларга эргашганлар Аллоҳ васлига етишиш учун ишқ карвонида манзил томон йўлга чиққанлар. Замонавий сиёсатдонлар наздида бу юриш бугун ҳокимиятга томон юришнинг шунчаки бир усули.

Бизнинг маконларда пирга – раҳнамога муҳтожлик ҳисси ҳеч қачон сўнмаган, ва балки Охирзамонгача ҳам сўнмас. Аммо, негадир кейинги юз йилликларда оналаримиз ҳақиқий раҳнамоларни туғмай қўйдилар.

Нима, эрларнинг кўзидан нур, белидан қувват кетганми? Чунки, эр эрлигини қилганда, аёл аёллигини қила олади...

Насрулло Саййид. «Қоплонбек» сайти, 2014-йил

НЕЛЬСОН МАНДЕЛЛА СЁКО АСАҲАРА ЭМАС...

Ҳар қандай жамоада йўлбошчига – лидерга эҳтиёж бор. Ҳатто ҳайвонлар подаси ичида лидерлик учун тинимсиз курашлар бир нафасга тинмайди.

Лидерга кўп нарса боғлиқ.

Дунё ўз тарихида лидерларнинг жуда кўпини ва ранг-барангини кўриб келмоқда.

1987 йилда Японияда пайдо бўлган «Аум Синрикё» (ҳозирда «Алеф» деб номланади) деган ноанънавий диний секта ва унинг асосчиси Сёко Асаҳара ҳам инсоният тарихидаги лидерлардан бири.

Африка жанубидаги мамлакатда миллионлаб қора танлиларни оқтанли европалликлар зулмидан озод қилган Нельсон Мандела ҳам ўзига хос бир лидер...

1995 йилларда нафақат Японияда, дунёда машҳур бўлган Сёко Асаҳара ўзининг “Аум Синрикё” деган диний сектасида 40 мингдан ортиқ содиқ аъзолар, яъни эргашганлар борлигини айтиб роса мақтанганди. Кейинчалик эса йога, буддизм, хри-

стианлик ва бошқа бир қатор диний қарашларнинг ўзаро қоршмасидан иборат, тушунарсиз ва мавҳум бир диний ғояни содда одамларга тарғиб қилувчи бу секта раҳбари ва “культ”-нинг атрофида бор-йўғи 1500 – 2000 “муридлар” борлиги маълум бўлди. 1995 йил 20 мартда “Аум Синрикё” Токио шаҳри метросида заҳарли зарин газини атайлаб тарқатиб, ўнлаб бегуноҳ одамлар нобуд бўлишига сабабчи бўлганидан сўнг бу сектага муносабат дунёда бутунлай бошқа томонга ўзгарди...

Нельсон Мандела эса, бутунлай ўзига хос бир лидер. У ҳақиқий халқ ҳаракати лидеридир. “Бутун ҳаётимни африка халқларига бағишладим. Мен қитъада оқ танлиларнинг қора танли маҳаллий аҳоли устидан ҳукмронлигига барҳам бериш учун курашдим. Барчанинг тенг, ўзаро уйғун Озод ва Ҳур очик демократик жамиятда яшаши учун кураш – менинг олий мақсадимдир. Мен шу йўлда бутун умр курашиб келяпман ва шу иш учун яшаяпман. Агар зарур бўлса, шу йўлда ўлишга ҳам тайёрман...” деганди, у бир чиқишида.

1964 йил 12 июнда Манделани етти нафар сафдоши билан биргаликда бир умрга қамоққа ташладилар. У, роппа-роса 27 йил қамоқда ўтирди. Қамоқда туриб ҳам Жанубий Африкадаги қора танли аҳолининг тенгсизликка қарши уюшган ҳаракатига раҳбарлик қилди. Унга эргашган миллионлаб оддий инсонлар унинг ордидан бориб адашмадилар. Бу кураш 1994 йили Манделанинг қамоқдан чиқарилиши ва унинг ЖАР президенти этиб сайланиши билан якунланди.

Миллионлаб қора танлилар раҳнамоси, озодлик ва демократия учун толмас курашчи Нельсон Мандела ҳам, бир ҳовуч “анақа” тарафдорларга эга, ўзича донишманд, аслида эса ёлғончи, демагог ва худбин шуҳратпараст Сёко Асаҳара ҳам ҳозирда тирик...

Инсоният янги лидерларни туғишда давом этаверади...

Аммо кимнинг кимлигини вақт аниқлаб беради.

Лидерлик, “Мен лидерман” деган билан бўладиган иш эмас...

Насрулло Саййид. «Қоплонбек» сайти, 2012-йил

ТУРКЛАР ОТИ БИЛАН ДУНЁНИ ТИТРАТГАН

Тарихда туркларчалик отни яхши тушунадиган ва унинг қа-дрига етадиган бирор миллат бўлмаган. Осиёнинг улкан кен-гликларидида ўз отида кўчманчи ҳаёт кечирган қадим турклар отларнинг энг чопқир ва чиройли турларини яратганлар. Ана шундай отлардан бири ҳозирги туркманларнинг фахри ҳисобланмиш «Аҳол-така» отларидир.

“Аҳол-така” отлари бундан 5000 йил илгани ҳозирги турк қавмлари томонидан ҳар турли отларнинг ўзаро частиртирилиши ортидан яратилган. Кейинчалик пайдо бўлган ва машҳурлиги билан танилган “Араб отлари” ва инглизларнинг “Thoroughbred”лари айнан “Аҳол-така”нинг авлодлари, яъни айнан ундан селекция қилиб олинганлигини бугун фан исботлаб берган.

Копетдағ ёнбағриларидидаги Аҳол водийси ва туркманларнинг така уруғи номлари бирлашувидан олинган бу отлар номи ҳозир ҳам дунёда жуда машҳурдир. Бу отларни ҳозир ҳам бутун инсоният танаси уйғунлиги ва гўзал ҳаракатлари жозибадорлигига нисбат бериб; “санъат асари” дея баҳолайди.

Дунёда энг машҳур от ҳисобланадиган “Бойноу”(1885) ва унинг наслидан бўлган “Мелиқуш”(1909)дан тарқаган зотлар ҳозиргача от ишқибозлари энг қиммат нархларда баҳолайдиган отлар сарасига киради. “Бойноу”нинг кейинги авлодлари “Эверди телеке”(1949), “Сапархон”, “Гелишикли”(1949), “Араба”(1936), “Қоплон”(1936), “Еля”(1936) ва “Фақирполвонлар”(1951)лар ҳам ўз даврида роса донг таратган.

“Аҳол-така” отларини миниб, Александр Македонский ва маршал Жуковлар ҳарбий парад қабул қилганлар.

Шу зот отлардан бирини Н.Хрущёв Буюк Британия қироличаси Елизаветта-IIга совға қилганда, у ўзининг дунёда энг бахтиёр одамга айланганлигини айтган.

1686 йилги Европа урушларининг бирида капитан Байерли туркларнинг бир абжир ва жуда гўзал отини қўлга киритади

ва уни ўз ватани Ирландияга олиб кетади. Отни кўриб ирландияликлар ҳайратдан ҳангу манг бўлиб қоладилар. Ундан зот олишга, бу жинсни тез кўпайтиришга киришадилар. Шундан сўнг, “Аҳол-така” отларининг Европа ва Америкага “буюк сафар”и бошланади.

Ҳозирда “Байерли Турк” номи билан машҳур ўша отнинг кейинги авлодлари бутун дунёда энг сара отлар ҳисобланади. “Байерли Турк” наслидан зот ололган от ишқибози ҳозир ҳам ўзини энг бой деб ҳисоблайди.

“Байерли Турк”нинг 1686 йилда бошланган шажараси ҳозиргача давом этиб келмоқда. Бу зотни йўқотиш от ишқибозлари учун катта фожеа ҳисобланади. Шунинг учун “Байерли Турк” наслининг давомийлиги билан катта илмий даргоҳлар шуғулланади.

Бугунги Туркменистон давлати байроғида биздагидаги сингари афсонавий қуш эмас, “Аҳол-така” оти тасвири жойлаштирилган. Ашхобод шаҳри марказида машҳур туркман отларига ҳайкал ҳам ўрнатилган. Туркманлар ўз “Аҳол-така”лари билан доим фахрланиб юрадилар.

Турк халқларининг илдизи ва тарихи бир. Ўзбеклар ҳам “Аҳол-така”лари билан фахрлансалар арзийди. Яқинда Канаданинг Калгари шаҳрида “Аҳол-така” отларини парвариш қиладиган бир от заводи борлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. У ерда “Байерли Турк”ни ҳамма биларкан. “Ўзимиз бир замонлар Олтойдан, буюк турклар еридан кўчиб келганимизни билардим, энди билсам отларимиз ҳам ўша ёқдан келган экан” дейди мен билан суҳбатда Едмонтон шаҳрида яшайдиган бир ҳинду дўстим...

“Дунё тарихидан турклар ўчирилса, тарихда ҳеч нарса қолмайди” деган экан бир машҳур олим.

Ҳа, биз асрлар давомида бутун дунё тараққий этиши учун тараққиётга туртки берган ва аммо бугун “бир ерда депсиниб қолган” наслданмиз. Шуни, унутмасак, бўлгани...

Насрулло Саййид. «Қоплонбек» сайти, 2012-йил

ТУРКЛАР КАШФ ЭТГАН АМЕРИКА

Кўплаб тарихий манбааларда ва жумладан аксар тарих фани дарсликларидида “Американи Христофор Колумб очган” деб, ёзишганига қарамай, “Янги дунё” деб аталмиш бу қитъани аслида ким биринчи бўлиб очгани ҳақида фанда янги-янги далиллар келтирилмоқда ва бу турли-туман баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Одамзот ҳар сафар ақлини пешлаб, қанчалар олдинга интилмасин – дунёнинг ечилмаган муаммолари ва жумбоқларга тўла сир-синоатлари кўпайиб бораверади. Ҳақиқат айтилмас экан, оддий тушунчалар чигалликлар келтириб чиқаришда давом этади.

Христофор Колумб 1492 йили “Санта Мария” кемасида Атлантика уммонини сузиб ўтиб Америка қитъасига яқин Багам ороллари тоғанида, “Ҳиндисонни кашф этдим” деб тахмин қилганини ҳамма яхши билади. Шунга қарамай, буни инсоният тарихидаги энг улкан кашфиётлардан бири деб, тан оламиз.

Аммо биз тан олган кашфиёт тарихий ҳақиқатни ўзгартиролмайди. Скандинавиялик жасур денгизчи викинглар вакили, Гренландиянинг ўша пайтдаги ҳокими Лейф Эриксоннинг Христофор Колумбдан беш аср илгари (XI асрда) Шимолий Америка қирғоқларига ўз кемаларида сузиб борганини ва ўз командаси билан ушбу қуруқликни ўн йиллар давомида ўрганини ҳам ҳозирги фан ва археологик тадқиқотлар тўлақонли исботлаб берган.

Мени ҳайратга солган турк адмиралли Пири Реиснинг денгиз харитаси топилгани ҳақидаги маълумотларни ҳам бугун нимагадир, эслагим келди. Харита ҳақида биринчи бор ўқиганимда, таажжубдан ёқа ушлаганман. Дунё пайдо бўлганидан бери ер юзидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни белгилаб келаётган буюк туркнинг ақлу фаросатига ва қудратига тасаннолар айтмасдан илож йўқ.

Испания давлати вакили бўлиб дунёни кашф этишга уринган Христофор Колумбдан йиллар илгари уммон ортидаги Аме-

рика қитъасининг мавжудлигидан турклар хабардор бўлган.

Усмонли турклар империяси еврилиб, Туркия республикаси эълон қилинган дастлабки даврларида – 1929 йил турк султонлари хонадонига қарашли Истамбулдаги Тўпқопи қасрини музейга айлантириш жараёнида бир харита топилади. Уни қасрда сақланган тарихий ашёларни тадқиқ қилган доктор Этхем деган бир тарихчи олим топган. Номи тарихий манбааларда “Пири Реис харитаси” деб юритиладиган бу харита, шундан бери Султон Сулаймон хизматида бўлган машҳур турк адмиралли Ҳожи Муҳиддин Пири ибн Ҳожи Меҳметга нисбат бериб келинмоқда.

Адмирал Пири Реиснинг «Саёҳатнома» ёки «Китаб-и бахриё» (рус. «Книга морей») асарида нафақат Ўрта ер денгизи атрофлари, бутун ер юзи кенгликлари бўйича жуда қимматли навигатсион хариталар тузганлиги ва кейинчалик уларни бир китобда тўплаганлиги маълум бўлади. 1513 йилда нашрдан чиққан ушбу китобда Америка қитъаси ва Бразилия, Африканинг ғарбий қирғоқлари кўзгудаги каби равшан ва аниқ чизиб қўйилган. Ушбу китоб ёзилишидан бироз олдин Колумб Кариб ҳавзасидаги бир неча ороллар ва қитъанинг кичкина бир қисмини ўрганиб, харитага туширган эди холос. Пири Реис харитасида чизилган бошқа ҳудудлар ҳақида Колумбда на маълумот ва на бир тасаввур бор эди.

Турк адмиралли Пири Реиснинг хариталари бугунгача дунё олимларини ҳайратга солиб келмоқда. Улар шу қадар аниқ-ки, уларни океанларни кечиб дунё кезган ҳар қандай сайёҳнинг ҳозирги замон навигатсион ускуна ва асбоблари билан ҳам бу қадар аниқ чиза олишига ишонил қийин. Харитада Антарктиданинг қарийиб бир мил қалинликдаги муз қатлами остида қуруқлик ҳудудлари борлиги ва улар чегарасининг белгилаб қўйилганлиги олимларнинг ақлига ўшанда умуман сиғмаган. Чунки, Антарктида Пири Реисдан уч юз йил ўтиб биринчи бор тадқиқ қилинди. Пири Реис харитасида чизиб қўйилган маълумотлар шу пайтга келиб юз фойиз тасдиғини топди.

Пири Реис ўз хариталарини тузганда жуда бой кутубхоналардан ва тарихий манбаалардан фойдаланганлигини ёзади.

Демак, унгача ҳам инсоният дунё кенгликлари бўйича жуда катта илмларга эга бўлган.

Пири Реис харитасининг тадқиқотларда эътироф этилишича, бунақа аниқ ҳисоб-китобларни фақат осмондан туриб қилиш мумкин. Учоқнинг XX аср ихтироси эканлиги эътиборга олинса, бу ишнинг қандай юзага чиққанига ҳайрон қоласан...

Америкалик хариташунос олим Хэпгуднинг фикрига кўра, "Пири Реис харитаси" деб номланган ўша харитани тузган одам Ер шари кенгликлари ўлчамларини тўла ўрганган. Унга кўра, юза тригонометрияси бўйича мўъжизавий илмларга эга одамнинггина қўлидан бундай ўта мураккаб ишлар келиши мумкин.

Ҳа, Усмонли турк султонлиги ҳарбий флотида оддий адмирал бўлган Ҳожи Муҳиддин Пири ибн Ҳожи Меҳмет ўз даврида инсон ақлига сиғмас даражадаги буюк ишни амалга оширган. Бу, улкан мўъжиза турк халқлари ақл закоси ва турк зеҳниятига абадул-абад қўйилган бир ҳайкалдир.

Шоир, Абдулло Ориф;

Америка — сеҳрли диёр,

Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,

Денгиз ортин ёритди, илк бор,

Берунийнинг ақл машъали!

Колумбда бор алаимим маним,

Ўзбекистон, ватаним маним! деб, бекорга ёзмаган.

Чунки, барча турк халқларнинг илдиши ва тарихи биттадир. Қолаверса, Еврўпо ва Шарқ кутубхоналарининг китоб жавонларини асрлар давомида бизнинг боболаримизнинг турфа илмларга бой асарлари тўлдириб турган. Шунинг учун даъвогарлар қаторида турклар ҳам Америкага даво қилса, ҳеч ким уларнинг сазасини синдира олмайди!

Бугун эса, дунёга машҳур бўлиб бораётганган «гастарбайтер»лигимиздан қутилиб олишнинг чорасини излашимиз керак.

Америка ҳақида бош қотиришга бир неча қовун пишиғи борга ўхшайди...

Насрулло Саййид. «Қоплонбек» сайти, 2012-йил

ДУНЁНИНГ ҚИЙШИҚ ЕРИ

“Ватан” дегани, нима?

Одамлар, “Ватан” деганда нимани тушунади?

“Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” деган ақида бор...

Ватан ҳақида ёзилган кўп нарсаларни титиб, “Ватан, бу – киндик қонинг тўкилган ер” деган таърифдан бошқа бир мукамал таъриф топа олмадим.

Демак, инсоннинг киндик қони тўкилган манзил – унинг, Ватанидир.

Одамлар Ватанни нима учун айнан киндикка боғлайдилар?

Киндик кесилмагунча чақалоқ фақат онаси орқали озиқланади. Она билан фарзандни тўққиз ой боғлаб турган бир қулоч ичакни кимдир икки еридан тугиб, ўртасидан кесади. Шу лаҳзадан чақалоққа она вужудидан оқиб келаётган қон – озуқа тўхтайдди. Озуқасиз қолган чақалоқ дунёнинг биринчи “даҳшати” билан юзма-юз келади, ва чинқириб йиғлаб юборади.

Биринчи “даҳшат”га гирифтор бўлган ерингиз, сизнинг, Ватанингиздир. Дунёнинг қай бурчагида бўлманг, бутун умр ўша ер соғинчи билан яшайсиз...

Мен киндикни одам танасининг қоқ марказида жойлашган, деб ўйлардим. “Киндик сўзи”и айтилганда миямда ўз-ўзидан “марказ” тушунчаси пайдо бўларди. Қолаверса, фанда Ернинг жуғрофий-геометрик ўртасини англатиш учун “Ернинг киндиги” деган ибора кўп ишлатилади.

Ер куррасини шар шаклида эмас, ҳўкизнинг бир шоҳида турган бир сатҳ деб билган қадимий одамлар унинг маркази, яъни “киндиги” қаердалиги ҳақида ҳам бош қотирганлар. “Биз ернинг қоқ марказидамыз, у бизнинг атрофимизда айланади” деб ёзиб қолдирган қадимий греклар ўз мифологиясида. Ернинг текис юза эмас шарсимон эканлиги аллақачон исбот бўлганига қарамай, греклар ўша ўзлари “Ернинг киндиги” деб ўйлаган “Омфал” тоши зиёратига ҳалиям борадилар, тош ёнида ҳалиям ўзларича улуғвор-

лик ҳис қиладилар.

Ер юзида унақанги “киндик”лардан мингта. Яхудийларнинг “киндиги” уларга кўра Қуддус шаҳрида бўлса, Жанубий Америкалик маҳаллий ҳиндуларнинг “киндиги” Мачу-Пикчу харобаларида, хитойларнинг “киндиги” Суншан тоғида. Пасха оролида яшовчи халқларнинг “киндиги” Аху Те Пито Кура деган бир жойда. Биз мусулмонлар учун Ернинг “киндиги” Макаи мукаррамада.

Хуллас инсон зоти “киндик” деганда, шундай бир нуқтани, шундай бир марказни тушунади-ки, у ҳақиқатан ҳам саждагоҳ каби муқаддасдир. Ҳар бир халқнинг “киндиги” ўша халқнинг маънавий булоғидир, зеҳниятлар ўша маънавий булоқдан сув ичади ва юраклар унга талпиниб яшайди.

Менимча, ҳар бир инсон ўзининг умр дарёси бошланадиган булоқни, яъни киндик қони тўқилган манзилни бир умр севади.

Бу дунё сир-синоатлари моҳиятини ўрганишга умрини бағишлаган даҳолар кўп бўлган. Шундайлардан бири Леонардо да Винчидир. Унинг “Витрувиан одами” ёки “Кесишувнинг олтин нуқтаси” деб номланган машҳур асарига кўра, одамзотнинг киндиги танасининг геометрик маркази, яъни ўртасида эмас, асосан танасининг 62 фойизинчи (пастдан тепага) ерида жойлашган экан. Демак “киндик” марказдан тепароқда.

Ҳа, инсон танасининг маркази “киндик” эмас.

Тана марказида нафс ва ҳирс жойлашгани мутлақ ҳақиқат. Шундан бўлса керак, одамзот маънавий таянчлар орқали эмас, дунёга кўпроқ нафс ва ҳирс жойлашган нуқтадан боқади.

Дунё иморатининг қийшиқ ери ҳам ана ўша нуқтада жойлашган десам, нима дейсиз...

Насрулло Саййид.” Қоплонбек” сайти, 2013-йил

ХАЛҚИМИЗ ҲЎКИЗНИ ХУДО ДЕБ БИЛГАН ВАҚТЛАР ҲАМ БЎЛГАН

Агар жамият авомлашишга юз тутган бўлса, миллат учун бундан катта кулфат ва йўқотиш йўқ. Авомлашган халқлар кўп

нарсанинг фарқига бормаидилар. Натижада, уларнинг нуқсонларидан бошқалар фойдаланиб қолади.

Афғонистоннинг яқин тарихда бўлиб ўтган бир воқеани эсга олайлик: Шибирғон шаҳри чеккасида кичик тепалик бўлиб, уни маҳаллий халқ минг йилдан бери “Олтин тепа” деб атаб келган. Тепалик ва унинг атрофидаги яйловларда афғонистонликларнинг неча-неча авлодлари кўй боқиб, бу фоний дунёни тарк этганлар. Ўтган авлодлар орасидан бирор ақлли кимса, нима учун бу тепалик “Олтин тепа” деб аталишига эътибор бермаган.

Бу жойга “Олтин тепа” деб бекорга айтилмаганига рус олимлари эътибор қаратадилар. 1978 йил “Олтин-тепа” ёнидан топилган бир сопол парчаси ортидан бу ерда катта археологик қазилма ишлари бошланади. Натижада, “Олтин-тепа”нинг остидан лик-лик тангалар тўла кўзалар ва бебаҳо буюмлар топилади. Машҳурликда ва салмоқда Миср фараонлари хазинаси билан белашадиган бу хазина ҳозирда “Бақтрия хазинаси” номи билан дунёга машҳур.

Хазинани луғатдан кўриб ўрганган рус олимлари топади. Афғонистонликлар ҳангу манг бўлиб, оғизларини очиб қолаверадилар. Бу, уларнинг ҳаққи. Чунки, бирор афғонистонлик давлати тарихини мукамал ўрганмаган. Бир замонлар шу заминда гуллаб-яшнаган Бақтрия подшолиги бойликлари қаяққа йўқолиб кетгани ҳақида бош қотирмаган.

Қоп-қоп олтин буюмлар ва тақинчоқлар, 20 мингдан ортиқ олтин тангалардан иборат “Бақтрия хазинаси”ни топган машҳур археолог Виктор Иванович Сарияниди ҳалиям Буюк Турон ерларидан кетгани йўқ. У бу ҳудудлар дунё сивилизациясининг олтин бешиklarидан бири бўлганлигига ва бу ерлардан ҳали жуда кўп ноёб нарсалар топилиши мумкинлигига қаттиқ ишонади.

Қарийиб қирқ йилдан бери Туркманистондаги “Гонур тепа” атрофларида қазилмалар олиб бораётган В.Сарияниди яқинда бу ердан катта бир хазина топди.

“Бундан тўрт минг йил илгани бу ерларда ҳар турли ҳайвонларга сиғиниш урф бўлган. Одамлар ҳўкизни худо деб билган-

лар, мен ўша илоҳий Хўкиз кўмилган қабрни топдим”, дейди археолог Сарияниди.

Ўриснинг шум болалари ақли паст дўстларини, “быки” дейишини билардим. Лекин “быки”нинг бизда худо даражасида қадрланганини билмаган эканман.

Тарихда яхши-ёмон кўп ишлар содир бўлади. Бу, фожеа эмас. Фожеа, бизнинг тарихимизни яхши билмаслигимиз, ва тарихдаги ютуқ ва хатолардан хулоса чиқара олмаслигимиз.

Ким билади, қанчадан-қанча ўлкамиздаги “Олтин-тепалар” устида дипломи бор, саводи йўқ “археолог”лар бугун ҳам нима ишларни амалга ошириб юрибдилар!

Ҳар ҳолда, бу хазиналарни бировлар келиб топганидан кўра, ўзимизникилар топса яхши бўларди...

Насрулло Сайид. “Қоплонбек” сайти, 2013-йил


БУГУНГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҚАНДАЙ ГАПЛОГРУППАЛАР НЕГИЗИДА ПАЙДО БЎЛГАН

Генетик тадқиқотлар ўзбек халқининг асрлар давомида турли генетип (гаплогруппалар) негизиде секин-аста қоришиб, яхлит миллатга айланаётганини кўрсатади.

Бугунги ўзбекларнинг пайдо бўлишида узоқ тарихий демографик жараёнлар – уруғларнинг бир ердан бошқа ерларга кўчишлари, босқинчилик урушлари ва бошқа факторлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бу, ер юзидаги ҳар қандай миллат шаклланишида юз бериши мумкин бўлган табиий бир жараёндир.

Жуда тез ривожланаётган генетик генеалогия фани Ўзбекистон аҳолисининг келиб чиқиш тарихи ва уларнинг аجدодлари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни тарқатмоқда.

Тадқиқотлар Ўзбекистон аҳолиси генофондининг ранг-баранглигини кўрсатади. Бундай ранг-баранглик жуда кўп халқларда кузатилмайди.



Юқоридаги суратда ўзбекистонликларнинг қайси генотиплардан ташкил топганлиги акс этган.

Сурат америкалик генеалогия фани олимлари томонидан чуқур ўрганилиб, эълон қилинган ишончли манбадан олинди. Унга кўра, ўзбекларнинг ўттиз-ўттиз беш фойизи “R” гаплогруппасига мансуб. “R” гаплогруппаси дунёда арийлар ирқи сифатида танилган.

Яна, маълумотда Ўзбекистонда мўғулларга хос “C” гаплогруппасига тегишли 15 фойиз аҳоли яшаётганлиги тасдиғини топган. Мўғул қавмлари ўлароқ бу кўрсаткич барлос, қўнғирот, найман, қалмиқ ва шу каби бошқа уруғларга тегишли.

Ўн тўрт фойизни ташкил қиладиган “J” гаплогруппани эса, Яқин Шарқ, Кавказ, Александр Македонский босқинида келган юнонлар, араб, эрон, яҳудий ва бошқа бир қатор уруғлар банд этадилар.

Натижалар гувоҳлик беришича, қуйидаги гаплотипдаги рақамлар ҳам ўзбекларнинг миллат сифатидаги бир бутунлигини таъминлайди:

“F” гаплогруппаси, 7,7 фойиз – Ҳиндистон, Жанубий Европа, Яқин Шарқда кенг тарқалган уруғлар.

“О” гаплогруппаси, 5,4 фойиз – Шарқий Осиё. Асосан, хитойлар.

“К” гаплогруппаси, 5,1 фойиз – Жанубий Осиё, Малайзия, Океания Австралия ва Европада кенг тарқалган типлар.

“Р” гаплогруппаси, 4,1 фойиз – Жанубий Осиё, Америка ҳиндулари ва Европада тарқалган аҳоли.

“L” гаплогруппаси, 3,2 фойиз – бу кўрсаткич кўпроқ Ҳиндистонга тегишли.

“E” гаплогруппаси, 2,9 фойиз – асосан Шимолий Африка ва арабларга оид типлар.

“I” гаплогруппаси, 2,5 фойиз – Европанинг қадимий аҳолиси.

“N” гаплогруппаси, 1,9 фойиз – Шимол халқлари – фин, угорлар...

“D” гаплогруппаси, 1,8 фойиз – тибетликлар.

“H” гаплогруппаси, 1,7 фойиз – Ҳиндистон ва Кавказда, кўпроқ лўлилар орасида тарқалган типлар.

Хулоса, бугунги ўзбеклар моноэтник халқ эмас. Акси, улар келиб чиқиши ҳар хил бўлган уруғлар дастасидир.

Дунёда бундай ғаройиб, негизда турли уруғлар шаклланган халқлар анчагина.

Бундай жараёнлар, аксар жуғрофий жиҳатдан миграцион чорраҳа ҳисобланадиган манзилларда содир бўлади.

Ўрта Осиё – Туркистон дунёнинг бир чеккаси ёки бир ороли эмас. У йўллар ва тақдирлар доимо тўқнашган бир манзилда жойлашган...

Насрулло Саййид Канада, 2018-йил

ҚАБИҲЛИК

ҚАБИҲЛИК

(Ҳужжатларда акс этган ҳаёт қиссаси)

Менга ва оиламга мустабид режим томонидан йиллар давомида қилинган разилликлар ҳақида бир қисса ёзмоқчи бўлдим, ёзолмадим. Ҳар сафар кўлимга қалам олганимда, кўзларим олдига бўлиб ўтган ғайриинсоний ҳаракатлар келиб юрагим беҳузур бўлаверди...

Сўнгра, қуйида тақдим қилинаётган ҳужжатларни, зукко ўқувчи ўзи ўқиб хулоса чиқариб олади, деган андиша билан унинг ҳукмига ҳавола қилдим.



ДИҚҚАТ ҚИДИРУВ

№	Фотоураи	Ф.И.Ш. туғилган сана	Шахси ҳақидаги маълумот	Дари мазмуни
1		САБИРЖОН БАСРУДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ 20.08.1958 й. т.	Вобилот тумани Қўшқўр қўشаси 1-йИ ЖК 139-н. й. 244-н. й. 564-н. й. 244-н. й.	А.А.Алиев Қаҳил дахил Алберт гражданчилиги. Ташкилот 12920, дилари дилкада +99891861
2		ЗАЙНАБ НОДИРБЕК НОДИРОВА УТДИ. 01.08.1979 й. т.	Вобилот тумани Қўшқўр Қўшқўр қўшаси 1-йИ ЖК 139-н. й. 244-н. й. 564-н. й. 244-н. й.	Б.Хушват Ташкилот ДИРБИСТОН ДАДАШИ МОСОБИ ШАРБИ
3		САБИРДИДОН ХАМИД САЛИМОВИЧ. 1972 й. т. 20 май	Вобилот тумани Давлатдор қўшаси 4-йИ ЖК 139-н. й. 244-н. й.	Х.Шарипов Ташкилот (ЖК 139-н. й. 244-н. й.)
4		АНВРАЛИ РАВШАН ШАРИПОВИЧ. 1979 й. т. 23 февраль.	Вобилот тумани Шаҳмат Қўш Оқриба қўшаси ЖК 141-н. й.	У.Раҳимов (ЖК 139-н. й. 244-н. й.) +99827211147
5		ШУКУРЖОН БОБИР БАҲМОМУРДОВИЧ. 1982 й. т. 2 август	Вобилот тумани Шайхонқўшаси Қўш Навои 3400 Қаҳил қўшаси ЖК 139-н. й. 244-н. й.	Ташкилот Администрация Ш
6		ШУКУРЖОН БАҲМОМУРДОВИЧ. 1982 й. т.	Вобилот тумани Шайхонқўшаси Қўш Навои 3400 Қаҳил қўшаси ЖК 139-н. й. 244-н. й.	И.Алиев Ташкилот Администрация Шайхонқўшаси +9989195619 Манафиди қўшаси
7		ҲУСНЗАМИР СУЛТAYEВИЧ 1989 й.	Вобилот тумани Шайхонқўшаси Қўш Роботи қўшаси ЖК 141-н. й. 244-н. й.	И.Шарипов Ташкилот Ташкилот Алиев Ш
8		ГУЛНАРА ИСКЕНДЕР НАСИРОВА 21.07.1986 й.	Вобилот тумани Қўшқўр Қўшқўр қўшаси 1-йИ ЖК 139-н. й. 244-н. й.	А.Баҳромов Қаҳил дахил Алберт гражданчилиги +9981224412 +9989988887

**Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси
И.Собировга**

(100078, Тошкент, Мустақиллик майдони, 6)

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
Р. Қодировга**

(700047, Тошкент, Я. Ғуломов кўчаси, 66)

А Р И З А

**Хурматли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси!
Хурматли Бош прокурор жаоблари!**

Мен, Сайидов Насрулло Абдуллаевич, 1958 йил 20 февралда Бухоро вилояти Вобкент туманида туғилганман. 1990-93 йиллари Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати эдим. 1990 йили Ўзбекистонда тузилган “Эрк” демократик партиясига кирганим ва уни Бухоро вилояти бўлимига раҳбарлик қилганим боис анча таъкибларга учраганман ўшанда. Ўзимни доимо конструктив бир муҳолифатчи деб ҳисоблаб келганим туфайли, бирор бир антиконституцион ҳаракатларга қўшилмаганман. Ўзбекистон конституцияси доирасида фикрлар ранг –баранглиги ва сиёсий плюрализм тарафдори эдим ва ҳозирда ҳам шу йўлдаман. Шундай бўлишига қарамай, нимагадир Ўзбекистон куч ишлатув тизимлари ёнидаги махсус бўлимлар менга сира тинчлик бермай, доим оркамдан кузатиб юрардилар.

Шуни оқибатида 1994 йилининг февралда Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари Вобкент шаҳрида жойлашган уйимизга жангвор граната ташлаб, мени камокка олдилар. Ўшанда терговда бирор аниқ далил келтирилмаган бўлсада, суд менга бир йиллик жазо тайинлади. Адолатни тиклаш борасида ҳаракатларим самара бермаслигини тушиниб, кичик бир хусусий ташкилот очиб, ишлай бошладим. Кейинроқ бу ташкилотни ҳам ишлагани қўймай, тиинсиз текшира бошладилар. Оиламни тирикчилигини зўрга таъминлаб турган ўша фирма ҳам, охир- оқибат суъний тарзда банкрот қилинди. Аммо мен ўзимга нисбатан шунча ноҳақликлар бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда яшашга, халқим олдида юзим доим ёруғ бўлишига интилиб келдим...

2005 йилининг ноябрь ойига келиб, бошим узра яна қора булутлар пайдо бўлди. Бу сафар мени Дадаҳон Ҳасанов деган бир хофиз қўшиқларини эшитганликда ва уни аудиокассеталарини таркатганликда айбламочки бўлишди. Қарасам тухмат билан қамаб юборишлари тайинга ўхшаб кўринди. Шу боис Ватаним вақтинчалик тарқ этишга қарор қилдим. Ўшандан бери чет элларда яшаб

юримбан, Ватандан виза талаб қилинмайдиган Қозоғистонга, у ердан эса Қирғизистонга ўтиб яшаб турдим. Ҳозирда эса Канаданинг Алберта провинцияси пойтахти Эдмонтон шаҳрида истиқомат қилиб турибман. Канада давлатидан фуқаролик сўраб мурожаат қилганим йўқ, улар менга резидентлик ҳуқуқи беришган, ҳоло.

Хурматли Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси!
Хурматли Бош прокурор!

Яқинда (2009 йил 28 август куни) Ўзбекистон Сенати Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан бир авф эълон қилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Сенати олдида бир махсус комиссия тузилибти ва у барча ишларни адолат мезонлари асосида, одиллик билан кўриб чиқа бошлабди, деб эшитдим. Шу боис Сизларга мурожаат қилмоқчиман. Илтимос, Бухоро вилояти МҲХСи тергов бўлими томонидан 2005 йил ноябрдан буён менга нисбатан ҳеч бир асоссиз кўзгатишган “жиноят иши”ни синчиқлаб кўриб чиқсангизлар ва уни ҳаракатдан тўхтатиб берасангизлар. Чунки, мен бу масалада Ўзбекистон Бош прокурори Р.Қодиров жанобларига 2006 йил 28 декабрда ҳам, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридан туриб мурожаат қилгандим. Аммо ўшанда жўнатган аризам инobatга олинмади, иш Бухоро вилояти ИИБга ўтказилиб, менга нисбатан қидирув эълон қилинган бўлди. Ўшанда мен бир нарсга сира тушинмадим. Нимага Бухоро вилояти прокуратураси қўлида мени қаердалигим ҳақида нотариял ташкилотлардан тасдиқланган ҳужжатлар бўлишига қарамай шу нига рухсат берди? Устига — устак Бухоро ИИБ бир плакат нашр қилиб, мени суратларимни ҳамма ерга осиб ташлади. Телевизорда махсус кўрсатув қилиниб, мен ҳақимда ўз тасдиғини топмаган бўхтон гаплар айтилди. Ўшандан буён оила аъзоларимдан ой ора тинимсиз равишда тушунтириш хатлари олиншига сира ақлим етмаяпти. Ахир болаларимни айби нимада?

Хурматли жаноблар! Мен Сизлардан менга нисбатан сиёсий бағрикенглик муносабатида бўлишликни ва кўзгатишган ўша жиноят ишини яна қайта кўриб чиқишларингизни сўрайман. Мен ҳар дақиқада Ватанга қайтиш, у ерда яшаётган бола-чақам олдига бориб, тинч ва осойишта ҳаёт кечирishiни хоҳлайман.

Ўзбекистонда бўлаётган бугунги сиёсий ўзгаришлар ва ўзгача фикрловчиларга нисбатан бағрикенглик асносида ишим қайта кўрилишига ишонаман.

Хурматли Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси! Сиз бир замонлар (1990 йил 20 июнь куни) Ўзбекистон Олий Кенгаши мажлислар зали минбардан туриб, қўлида Ўзбекистон байроғи билан, дунёга қарата: “Яшасин, Ўзбекистон мустақиллиги!” дея бор овози билан қичқирган мендай бир юртпараст, миллатпараст депутатини ўз Ватанига қайтишига ва бола-чақаси олдида яшашига имконият ярата оласиз, деб ишонаман.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

100047, Тошкент шаҳри
академик Я.Гуломов кўчаси, 66-уй.

2009 йил "24" ноябрь
20-10-09

Бухоро вилояти прокурори
3-даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси

Б.Б.Тойжонова

нуسخаси:

Бухоро вилояти Вобкент тумани,
Фитрат кўчаси 1-уй.
Н.Сайидовга

Фуқаро Н.Сайидовнинг унга нисбатан жиноят ишини назоратга олиб қайта кўриб чиқишни сўраб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига йўллаган аризаси қонуний ҳал қилиш учун юборилмоқда.

Аризада кўрсатилган барча важлар ҳар томонлама тўлиқ текширилиб, натижаси ҳақида муаллифга жавоб берилишини таъминлашини сўрайман. Иккинчи манзилга маълумот учун.

Илова: Ариза 3 varaқда.

Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси бошлиғи адлия катта маслаҳатчиси

И.К.Ачиллов



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТ
ПРОКУРАТУРАСИ**

200100 Бухоро ш.
Хофиз Таниш Бухорий кўчаси, 4-уй

Вобкент тумани, Фитрат
кўчаси, 1-уйда яшовчи

Н.Сайидовга

«22» декабрь 2009 йил

№20 / 6-09

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ёзган аризангиз вилоят прокуратураси томонидан Сизга нисбатан кўзгатишган жиноят иши билан биргаликда ўрганилиб чиқилди.

Жиноят иши бўйича Сиз шахсан ўзингиз ариза билан Бухоро вилоят МХХ бошқармаси тергов бўлимига келиб, иш юзасидан мавжуд вазларингизни билдирган ҳолда давстлабки тергов ҳаракатлари ўтказилгач, Сизнинг ҳаракатларингизга ҳуқуқий баҳо берилиб, қонуний қарор қабул қилиниши таъминланади.

**Вилоят прокурорининг
ўринбосари
адлия кичик маслаҳатчиси**

И.А.Палванов

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси

И.Собировга

Нусхаси: Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

С.Рашидовага

Нусхаси: Олий Мажлис Сенатининг қонунчилик ва суд- ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабовага

Ҳурматли Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси И.Собиров жаноблари!

Муҳтарама С.Рашидова ва М. Ражабова!

Мен, Сайидов Насрулло Абдуллаевич, 1958-йил, 20-февралда Бухоро вилояти, Вобкент туманида туғилганман. 1990-йилнинг февралидан 1993-йилнинг декабригача бўлган вақт оралигида Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати бўлганман. 1990-йилнинг апрелида янгитдан тузилган "Эрк" демократик партиясига аъзо бўлиб кирдим ва Олий Кенгашда унинг фракциясини шакллантиришда қатнашдим. Мен мамлакатимизда фуқаровий бир жамият қурилишини ва унда демократия устивор бўлишини орзу қилган ҳолда сиёсий кураш йўлига кирганман.

Аmmo мамлакатда юзага келган ўзгача фикрларга бетоқатлилик оқибатида тўғриси анча азият чекдим, булар-бўлмасга мен кўп таъқиб қилишди. Бошимдан кечган воқеалар ҳақида ҳозир Сизларга ҳеч нарса ёзмақчи эмасман. Мен бу ҳақда олдинги аризаларимда тўлиқ маълумот берганман.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси И.Собиров номига 2009-йил 21-сентябрда узоқ Канада мамлакатидан туриб бир ариза жўнатгандим. Ўша аризам Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига бориб тушганидан ва шу қўмита раиси муҳтарама М.Ражабова имзоси билан 2009-йилнинг 16-ноябри куни 06/3347 рақами остида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига жўнатилганидан оиламни хабардор қилишган эди. Бу учун Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ва уни аъзоларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Аmmo ўша аризам ҳам нимагадир олдингилари сингари ижобий бир натижасиз қолди. Чунки 2006- йилнинг охирида Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳридан Республика Бош прокурори - Р.Қодиров номига айнан шу мазмундаги ёзган биринчи аризам ҳам худди шу тартибда жавобсиз қолган эди. Мен иккала аризамда ҳам менинг шахсимга нисбатан бўлаётган таъқиблар тўхтатилишини ва Бухоро вилояти МХХси томонидан тахминимча 2005- йилнинг ноябрь ойлари охирида менга нисбатан сиртдан очилган сохта "жиноят иши"ни тугатилишини сўраган эдим.

Шу ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати бир неча маротаба амнистия эълон қилди ва бундай бемаъни ишларни кўпчилигини ҳаракатдан тўхтатди. Бу ишнинг бемаънилиги шундаки, "Озодлик" радиосини бутун бошли Ўзбекистон халқи эшита олсада, негадир бухоролик бир неча инсонларни шу "радио орқали тارقатилган маълумотларни эшитди", деб қамаб юборилганлигидадир.

2010-йилнинг январь ойи ўрталарида Америка Қўшма Штатларидаги Нью-Йорк шаҳрига бориб, у ердаги Ўзбекистон Республикасининг Бош консулига учрашдим. Улардан Ватанга қайтишимга ердан беришларини сўрадим. Аммо бу сафарги аризам ҳам исзиз кетди.

Ҳурматли жаноблар! Сизлардан илтимос Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати сиёсий бағрикенглик принципларидан келиб чиқиб, менга нисбатан Бухоро МХХси қўзғатган сохта жиноят иши материалларини қайта ўрганиб чиқсин. Мен аминманки, у ерда Ўзбекистон конституциясига зид бирор бир ҳаракат йўқ. Чунки мен конституцияни ҳеч қачон бузмаганман ва ўз сиёсий қарашларимни доимо ошкора айтиб келганман.

Мен Ўзбекистон Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раиси ва Сенатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман)дан ўз аризамга ижобий жавоб кутаман. Ҳозир мен қандли диабет касалига чалинганим боис, тезроқ бола-чақам олдига қайтиш ҳақида ўйлаяпман ва бу борада Сизларнинг мададингиздан умидворман.

Яқинда Ўзбекистон ўз Мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлади. Ана шу муносабат билан: "Энди бизнинг Ватанимизда ҳам фуқаролик жамияти томон катта сиёсий ўзгаришлар бўлар..." деган хаёл доим миямни чўлғайди. Шу боис ушбу аризамни ёздим ва уни адвокатим –Тўхта опа Тошева орқали Сизга етказяпман. У кишига номимдан гапириш ваколатини бердим. Сизлардан эса халқимизга хос бағрикенглик ва хушхабарни кутиб қоламан.

Ҳурмат ила Насрулло Сайидов.

Канаданинг Алберта провинцияси Эдмонтон шаҳри. 2011-йил, 6-сентябрь



Ўзбекистон Республикасининг

Америка Қўшма Штатларидаги

Элчихонасига

1746 Massachusetts Avenue, NW,

Washington, D.C. 20036, USA

Факс (8 10 1 202) 2936804

www.uzbekistan.org

Хўрматли жаноблар! Мен Сайидов Насрулло, 1958 йилда Ўзбекистон Республикаси Бўхоро вилояти Вобкент туманида туғилганман. 2007 йилнинг 23 июлидан буён айрим сабабларга кўра Канада давлатининг Альберта провинцияси пойтахти Эдмонтон шаҳрида яшаб турибман. Мен Канададан туриб, Ўзбекистонга қайтиб боришим борасида Ўзбекистон Олий мажлиси Сенати раиси И.Собиров ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров номига 2009 йил 24 сентябрда бир ариза жўнатган эдим (илова-1). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аризамни ўзининг 08/3347 сонли хати (илова-2) билан Республика Бош прокуратурасига жўнатган эди. Республика Бош прокуратураси ўз навбатида аризани ўзининг 2009 йил 24 ноябрдаги 20-10-09 сонли хати (илова-3) билан Бўхоро вилоят прокуратурасига жўнатди. Бўхоро вилоят прокуратураси эса мен аризамда айтиб ўтган масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, менга жавоб хати жўнатди (илова-4). Бўхоро вилоят прокуратураси 2009 йил 22 декабрда жўнатган 20/6-09 сонли хатда мени Бўхорога қайтишим ва ўз айбисизлигимни дастлабки терговда исботлашим сўралади. Мен бу нарсага доим тайёр эканлигимни уларга ёздим. Ушанда мен, яъни 2005 йил 18 ноябрда ноҳақ қамалиб қолишдан қўрқиб, шошилиш равишида Қозоғистонга қочиб ўтганман. У ерда бироз туриб, кейин Қирғизистонга ўтдим ва у ерда қарийиб 2 йил яшадим. Мен Бишкек шаҳрида БМТнинг қочқинлар бўйича ташкилотидан рўйхатдан ўтганман.

Хўрматли Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси вакиллари Сизлардан илтимос мени Ўзбекистонга қайтишим ва чегарадан легал тарзда кириб боришим учун паспортимда махсус рухсатнома бўлишига ёрдам берсангизлар. Хўрматли Ватандошлар шўни билингларки, Ватаним олдида мени виждоним тоза ва мен ҳеч қачон бирор жиноят содир этмаганман. Паспортим ҳозирда ўзим билан, аммо унда ОВБIR йўқ.

Ватанга қонуний тарзда кириб боришим учун маслаҳат ва зарур бўлса ёрдам берасиз, деган умидда Сизларга мурожаат қилаяпман.

Жавобингизни кутаман.

SN

Хўрмат билан

Насрулло Сайидов

(10960 105 street #102 NW, Edmonton AB. T5H2X4)

tel: (780) 885 23 57

13.01.2010

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ

Конунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари

ҚўМИТАСИ



СЕНАТ ОЛИЙ МАЖЛИСА
РЕСПУБЛИКИ ЎЗБЕКИСТАН

КОМИТЕТ

по законодательству и судебнo-
правовым вопросам

Тошкент, 100078, Мустақиллик майдони 6-уй

2014 йил 7 март

№ 06/1373-сонли

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасига

Нусхаси: Бухоро вилояти, Вобкент тумани,
Эҳсон маҳалласи, Буркент кишлоғи
фуқаро Ф.Сайидовага

Фуқаро Ф.Сайидованинг фарзанди Н.Сайидовга нисбатан кўзгатилган
жиноят ишини ўрганиб, унга нисбатан инсонпарварлик тамойилларини
қўллашни сўраб ёзган аризаси мазмунан ҳал этиш учун юборилмоқда

Натижаси ҳақида қонунда белгиланган муддатда ариза муаллифига
хабар беришингиз сўралади.

Илова: 2 ыарақда.

Қўмита раиси

С.Ортиқова

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV MAJLISI**

**Inson huquqlari bo'yicha
VAKIL (OMBUDSMAN)
O'RINBOSARI**

Toshkent, 100027,
O'zbekiston shox ko'chasi, 16 A
Tel.: (99871) 2391354, faks: (99871) 2391354
E-mail: info@ombudsman.uz



**THE OLIV MAJLIS
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
DEPUTY AUTHORIZED PERSON
for Human Rights
(OMBUDSMAN)**

16A, Uzbekistan Avenue, 100027,
Tashkent, Republic of Uzbekistan
Tel.: (99871) 2391354, fax: (99871) 2391354
Internet: www.ombudsman.uz

*Javob qaytarilganda
shu № ko'rsatilsin*

№ 02-03/1215p

“ 02 ” 03 2014 y.

Бухоро вилояти
Вобкент туман
Бургут қишлоғи
Эхсон маҳалла
Ф.Сайидова ва бошқаларга

Сизнинг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) номига ёзган мурожаатингиз кўриб чиқилиб, ушбу масала Омбудсман ваколати доирасида эмаслигини билдирамыз.

Э. Мансуров

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Бухоро вилояти ИИБ
Вобкенг тумани ИИБ



O'zbekiston Respublikasi IIV
Buxoro viloyati IIB
Vobkent tumani IIB

Бухоро вилояти Вобкенг шаҳри Биринчи кўчаси 2-уй. Тел: 33-21-2-02
Buxoro viloyati Vobkent shahri birinchi ko'chasi 2-uy.8. Тел: 33-21-2-02
200160

2017 йил «22» июль № 38/ 3943

Вобкенг тумани Қурувчи МФЙ
Буйёқкор кўчаси 100-уйда яшовчи
Ярова Муқаддас Эшнўлатовнага

БИЛДИРИШ ХАТИ

Сизнинг, 2017 йил 04 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал Қабулхонасига ёзган мурожаатингиз, 2017 йил 18 июль куни Вобкенг тумани ИИБнинг Шакл-1 китобига 766-рақам билан қайд қилиниб, масъул ходимлар томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилди.

Олиб борилган суриштирув ишлари давомида, турмуш ўрғотингиз Сайидов Насрулло Абдуллаевичга нисбатан жиноят иши қўзғатилинганлиги, олиб борилган дастлабки тергов жараёнида турмуш ўрғотингиз Н.А.Сайидовга бир печа маротаба чаккирив қогозлари юборилганлигига қармасдан терговдан қочиб юрганлиги ва унга нисбатан қидирув эълон қилинганлиги сабабли сизнинг мурожаатингиз юзасидан тўпланган ҳужжатлардан келиб чиқиб жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарорини қабул қилинди.

Мазкур билдириш хатидан норози бўлган тақдирингизда, юқори турувчи органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигингизни тушунтириб ўтамиз.

Вобкенг тумани ИИБ бошлиғи
подполковник

Д.Д.Қетмуродов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY XAVFSIZLIK
XIZMATI
Buxoro viloyati hushqaramasi
2001041 Toshko'chasi
X.T. Buxorov ko'chasi, 22



С Л У Ж Б А
НАШОНА ЎЗБОҒ БЕЗОХТАСЛИГИ
РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Управління Бухароёи области
2001041 Toshko'chasi
X.T. Buxorov ko'chasi, 22

2-ҳужа

2017 йил 12-декабрь

№ 2-945

Бухоро вилояти Вобkent тумани
«Курувчи» МФП, Бунёкор кўчаси
100-уйда яшовчи фуқаро
Ярова Муқаддасга

Сизнинг 2017 йил 12-декабрь куни турмуш ўртоғингиз Сайидов Насрулло Абдуллаевичга нисбатан эълон қилинган айбловни олиб ташлаш бўйича Бухоро вилоят Прокурори номига ёзган muroжаатномангиз тегишлилиги бўйича қонун доирасида қўриб чиқиш учун унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишига бириктирилганини маълум қиламиз.

Бундан ташқари, жиноят иши судда қўрилаётганда Ўзбекистон Республикаси ЖШКнинг 410,457 ва 462-моддаларига асосан турмуш ўртоғингиз Н.А. Сайидов бўйича тегишли қарорни суд қабул қилди.

Бошқарма Тergov бўлими
бошлиги ўринбосари

Ў.Т.Юлдашев

6/20/2017

Gmail - Жаноб Абдулазиз Комиловга мурожаат



Nasrullo Sayyid <n.sayyid@gmail.com>

Жаноб Абдулазиз Комиловга мурожаат

1 message

Nasrullo Sayyid <n.sayyid@gmail.com>
To: muloqot@tiv.uz

Tue, Jun 27, 2017 at 8:58 PM

**Ўзбекистон ташқи ишлар вазирини
жаноб Абдулазиз Комиловга**

Хурматли вазир! Мен Сизга Канада мамлакатининг Эдмонтон шаҳридан (мен бу ерда 2007 йилнинг июль ойидан бери яшайман) туриб мурожаат қиляпман.

Икки жумла ўзим ҳақимда: Мен Насрулло Сайидов (Насрулло Саййид) 1958 йили 20 февралда Бухоро вилояти Вобкент туманида туғилганман. Маълумотим олий, охирги иш жойим-Бухорода ПМК бошлиғилик эди. 1990- йил бошида Ўзбекистон Олий Мажлиси(Кенгаши)га 181- Вобкент сайлов округидан халқ депутати этиб сайланган эдим. Ўзбекистон собиқ СССРдан ажралиб, мустақил давлат бўлиши жараёнларида халқ вакили сифатида жуда фаол иштирок этганман. Олий Мажлисда Ўзбекистон Мустақиллиги Декларациясини кун тартибига қўйилиши учун курашган фаол депутатлардан бири эдим.

Мен шу кунгача «Ўзбекистон фуқароси» деган ёзуви бор яшил паспортимни фахр билан ўз ёнимда олиб юрибман. Канада мамлакатига 10 йилдан бери яшасамда, ҳали бери бу мамлакатга фуқаролик сўраб мурожаат қилмадим. Сизга ўзбек паспортимнинг ҳозирги кундаги фотосурати билан бир қаторда Канада мамлакатига доимий яшаш ҳуқуқини берувчи "Permanent Resident Card"им фотонусхасини ҳам юборяпман.

(иловада)

6/28/2017

Email - Жиноб Абдуллоев Комитовга мурожаат

Шу йилнинг 19- апрель куни **Ўзбекистон Республикасининг янги президенти Шавкат Мирзиёев жанобларига бир мурожаатнома жўнатиб, у кишидан менга нисбатан қўзғатилган сохта ва абсурд бир жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишларини ва мени Ватанга қайтишга розилик беришларини сўрадим. Бу ишнинг ҳақиқатан ҳам жуда абсурдлиги шундаки, бу иш ҳофиз Дадахон Ҳасаннинг қўшиқларини эшитганлик ва тарқатганлик ҳақидаги уйдирма иддаолардан иборатдир. Ушбу ишнинг барча тавсилотлари ҳақида You Tube даги ушбу линкдан тўлиқ маълумот олиш мумкин:**

<https://www.youtube.com/watch?v=4Td9fXZK5Po>

Мурожаатнома жўнатганимда ҳурматли президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевдан тўғриси жуда катта умидлар қилган эдим. У киши узоқ йиллардан бери ҳеч эътиборга олинмаётган менинг кўп боралик мурожаатларимга охир - оқибат алодатли бир қарор берадилар, деб ўйлагандим. Аммо нимагадир ундай бўлиб чиқмади. Аризам ҳатто у кишига етиб борганига ҳам ишонгим келмай қолди. Президентга ёзган хатимга Сизнинг вазирликка қарашли Консуллик бошқармасидан қуйидаги: 2017- йил 4-майда ёзилган 04-26А -3/7374-сонли жавоб хати келди. Уни ўқиб тўғриси даҳшатга тушдим, чунки жавоб хатида бундан 3 йил бурун, яъни 2014-йилнинг 16-июнида президент Ислоҳ Каримовнинг ПФ-4624-сонли Фармони билан Ўзбекистон фуқаролигим бекор қилинганлиги ҳақида ёзилган эди. Бунини шу пайтгача билмасдим.

(иловада)

Мен бутун умримни Ватаним ва халқим келажиги ҳақида ўйлашга, курашга бағишладим. Миллатнинг озодлиги ва раванги ҳақида юзлаб таҳлилий мақола ва бадиий битиклар битдим. Бирор бир мақоламда экстремизмга, халқимизни осойишталигини бузишга қаратилган чақириқлар йўқ. Соф демократик йўналишда, конституциямиз доирасида битилган битикларимда агар бирор бир ноқонунийлик, бирор бир ёмонлик бўлса мен улар учун жавоб беришга доим тайёрман.

<https://mail.google.com/mail/u/0/?ui=2&ik=35c1493d20&jsver=IEZPUTRTfxt.on.&view=pt&search=sent&th=15ccca2ae92d10f8&siml=15ccca2ae92d10f8>

2/4

Ўзбекистондан чиқиб кетганимда (2005-йил, ноябрь ойи охири) Вобкентдаги ҳовлимизда аёлим ва 5 нафар вояга етмаган ёш болаларим ортимда йиглаб, чирқиллаб қолишди. Шу йиллар мобайнида улар қанчалик қийналишиб ўзлари вояга етишди, ўқишди, уйланишди, турмушларга чиқишди. Ҳозирга келиб 7 нафар неварам бор, мен уларни кўпчилигини ҳали кўрганим ҳам йўқ...

“Нима учун буларнинг бариси?” деган савол мени доим қийнайди. Ота- онам, акам ва ҳатто бир укам армонда кетишди, мени кўролмай бу фоний дунёдан ўтишди. Қизлар, қариндошлар, неваралар: “Қачон келасиз?” деб кўнгироқ қилишганда, доим нима дейишни ҳам билмай қоламан. Юртга бораё деса, суратимни “Диққат қидирув” доскасига осиб қўйишибди. Органлар уйга келиб тинмай дўқ пўписа қилиб кетишади. Ақлимга сиғдирилмайдиган гаплар, битта созанданинг қанақадир қўшиғи учун шунча ғурбат бошимизга ёғилди...

Ҳурматли вазир! Сизга мурожаатим шу: Мени тўғри тушиниб, Ватанга қайтишимга ёрдам бера оласизми? Бу адолатсизликка нуқта қўйиш Сизнинг қўлингиздан келади. Ҳеч бўлмаганда бу илтимосимни президентимизга етказинг. Сиздан илтимос шу.

Ҳурмат ила Насрулло Саййид.

Канада, Алберта провинцияси, Эдмонтон шаҳри. 2017- йил, 27-июнь.

<https://www.youtube.com/watch?v=4Td9fXZK5Po>

3 attachments

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
КОНСУЛЛИК БОШҚАРМАСИ

Электрон почта орқали юборилди

№ 04-26А-3/ 7374 от 4.05.2017г.

E-mail: erkiyor-said@mail.ru
Н.А.Сайидовга

Хурматли Насрулло Абдуллаевич,

Сизнинг 2017 йил 19 апрелдаги мурожаатингиз юзасидан куйидагиларни маълум қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 16 июндаги ПФ-4624 сонли Фармони асосида Сиз Ўзбекистон фуқаролигини йўқотганлигини маълум қиламиз.


Ўзбекистон Республикасига ташриф буюришингиз учун Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари орқали Ўзбекистонга кириш визасини расмийлаштиришингиз талаб қилинади.

Бошлик ўринбосари



✓ Д.Парпиев

01.05.2017-2018. ЗАЯВЛЕНИЕ ВПР РУ - ОТВЕТЬ В ПИСЬМЕННОМ САЙДОВ ДОС
ДАТА ПОСТУПЛЕНИЯ ДОКУМЕНТА: 21.04.2017
ДАТА ПОДГОТОВКИ ДОКУМЕНТА: 03.05.2017
ИСПОЛНИТЕЛЬ: К.ДАЛЬМОВ



НАЧАЛЬНИК ОТДЕЛА А ХАТАМОВ



Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти
Бош прокурори *Б. Бареруддин Валчиева*
Бухоро вилояти Вобкент тумани Курувчи МФЙ нинг
Бунёдкор кучаси 100 уйда яшовчи
Ярова Мукаддас томонидан

Мурожаатнома

Мен Ярова Мукаддас Бухоро вилояти Вобкент тумани Курувчи Махалла Фукарлар Йиғинининг Бунёдкор кучасида истикомат қиламан. Ушбу хатни Бухоро вилоят бош прокурорига қўқчилик томонидан қайта ёзишга аҳд қилянимиз. Охириги хатимиз 5.12.2017 йилда турмуш уртоғим Сайидов Н А ни ватанига қайтариш мазмунидаги мурожаат билан чиқилган эди. Хатда турмуш уртоғим ҳақида батафсил маълумот берилган, қандай қилиб унга айблов қўқилганлиги, ҳозирги қунда Ўзбекистондан ташқарида узок муддат давомида қай аҳволда яшаб қелаётганлиги ёзилган эди. Хатдаги ёзилган маълумотларга қўқилган ҳолда Сайидов Н А ни уз ватанига қайтариш мақсадида 60 га яқин киши: унинг оила аъзолари, яқинлари, қўқинилари, биродарлари томонидан имзо туқланиб хат прокуратура ходими Х Бахроновга топширилган эди. Аммо шунча вақт утибдики, ҳали хануз ёзган хатимизга қеракли жавоб олмадик.

Президентимиз Мирзиёев Ш М нинг 16 феврал 2018 йил Вухоро вилояти Пешқу тумани вилоят фаоллари билан булган учрашувида «Бухоро вилоятидаги қўқчилик ишбилармонлар қучиб қетди. Бошқа давлатларда, бошқа шақарларда, бошқа юртларда қарсон-қарқардон булиб юрибди. Буларни ватанига қайтаришимиз қерак», - мазмунидаги сузларни айтган эди. Ишонамизки Сайидов Н А ҳам президентимиз Мирзиёев Ш М айтганидек узга юртларда қарсон булиб, онласидан узокда яшаб қеляпти. Ватанига қайтиш соғинчида юрибди. Биз аниқ биламизки, Ўзбекистонни мустақил давлат булишига уз хиссасили қўқилган Олий Совет депутаты Сайидов Н А шундай фидоий, ишбилармон, миллатсевар инсолардан биридир. Сайидовнинг буқдан қейин ҳам ватани учун, унинг юқсалиши учун жон қўқидириб қизмат қилишига ишонамиз. Унинг ватанига қайтиши мурожаатимизни қайта қуриб қичиб, унга ижобий қараб, Ўзбекистонга ёруг юз билан қайтаришга ёрдам беришингизни илтмос қилиб сураймиз.

Ушбу мурожаатнома Сайидов Н А нинг оила аъзолари, ақа-уқалари, қуни-қўқинилари ҳамда уни депутатликка сайлаган яқинлари томонидан ёзилди.

19.02.2018



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
MILLIY XAVFSIZLIK
XIZMATI

Бухоро вилоят бошқармаси
200104, Бухоро шаҳри,
Х.Т.Бухорӣ кўчаси, 22



СЛУЖБА
НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Управління Букарқай обласи
200104, горад Бухара,
улица Х.Т.Бухарӣ, 22

2018 йил « 12 » март

№ 2-87

Бухоро вилояти Вобкент тумани
«Қурувчи» МФЙ, Бунёдкор кўчаси
100-уйда яшовчи фуқаро

ЯроваМукаддасга

Сизнинг 2018 йил 19 февраль куни турмуш ўртоғингиз Сайидов Насрулло Абдуллаевичнинг айби йўқ эканлиги ва уни Ўзбекистон Республикасига ёруғ юз билан қайтишига қўмақлашни ва хусусида вилоят прокурори номига ёзган аризонгиз Бошқарма Тергов бўлими иш юритиивидаги 06-сонли жиноят ишига бириктирилади. Ўрганиш ишлари тамом бўлганидан сўнг, натижалари бўйича ёзма равишда жавоб беришимизни маълум қиламиз.

Бошқарма бошлиғи

Раджабов М.А.

Акт об отказе во въезде на территорию Республики Узбекистан

Гражданин Канады заявляющего, что он (она):

Фамилия: SAYIDOV Имя: NASRULLO

20.02.1958 года рождения.


На паспортный контроль был предъявлен документ:

Паспорт – A1770856

Данное лицо прибыло в аэропорт «ТАШКЕНТ» 20.04.2019 года
рейсом № HU-272 из «Стамбул»

Обладателю документа было отказано во въезде в Республику Узбекистан.

И перевозчику доставившего его, были даны указания отправить пассажира с территории Республики Узбекистан рейсом № HU-271 «Ташкент-Стамбул». В соответствии с положением «Приложения №9» к «Конвенции о международной гражданской авиации», последнему государству, в котором находился пассажир и откуда он недавно прибыл, предлагается принять его для повторной проверки после того, как ему было отказано во въезде в Республику Узбекистан.

Капитан  С.Одилов
21.04.2019 год

Представитель авиакомпании: _____




ОИЛАВИЙ АЛБОМ



*Отам Абдулло Сайид (1930-2006) ва
онам Фароғат Аҳмад қизи (1932-2014)*

Талабалик йиллари, 1975-80





**Насрулло Сайид ва Муқаддас опа никоҳ маросимида.
1982 йил 6 март**



**Совет Армиясида
танк командири, 1983-84 йиллар**



**Бухоро вилояtidан Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашига сайланган депутатлар, 1990 йил.
Чапдан тўртинчи – Насрулло Саййид.**

**Депутат дўстлар
даврасида, 1991 йил**





Жаҳонгирнинг оиласи

Эркиёр оиласи билан





**Мадина ва куёв
Исматиллонинг оиласи**

Марина ва ўғли Асадбек





***Муқаддас опа
набиралар билан***

***Шаҳризода ва куйё
Азизбек оиласи***



